

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

## ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ:

қисқача тарихи; ривожланиш истиқболлари;  
муаммолари



# ПИЩЕВАЯ ПРОМЫШЛЕННОСТЬ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН:

краткая история; перспективы развития;  
проблемы

# ИЖОДИЙ ГУРУҲ

---



Турабджонов  
Садриддин  
Махаматдинович



Хамракулов  
Гафуржан



Ильхамджанов  
Пулат



Сапаева  
Замира  
Шавкатовна



Закирова  
Муяссар  
Рахимовна



Фатхуллаев  
Абдунаби



Айходжаева  
Нодира  
Каримуллаевна



**Хамидов  
Нематилла  
Ибрагимович**



**Турсунходжаев  
Пулаг  
Мухамедович**



**Тошмухамедов  
Меърожитдин  
Салахович**



**Исмоилов  
Таир  
Ахматович**



**Гулямова  
Зиёда  
Джамаловна**



**Джахангирова  
Гулноза  
Зинатуллаевна**



**Балтабаев  
Улуғбек  
Норбасович**



**Келдиёрова  
Гулчехра**



**Потапова  
Нэля  
Юрьевна**

9-16

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ: ҚИСҚАЧА ТАРИХИ;  
РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ;  
МУАММОЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
томонидан дарслик сифатида тавсия этилган

*Техника фанлар доктори, профессор С.М.Туробжонов  
таҳрири остида*

**ТОШКЕНТ – 2014**

УЎК: 676:658.5.014.12.015.13  
КБК 65.304.25  
9-16

Ў-16 Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноати: қисқача тарихи; ривожланиш истиқболлари; муаммолари. –Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 460 бет.

ISBN 978-9943-10-995-7

**Тақризчилар:**

Глушенкова Анна Ивановна –ЎзФА академиги;  
Абдураззакова Собира Ходжаевна – т.ф.д., профессор.

**Тахрирпй гуруҳ:**

Келдиёрова Г.С. – ф.ф.н., доцент;  
Потапова Н.Ю. – т.ф.н., доцент;  
Усмонова Б.А. – ўқитувчи

Мазкур дарслик Ўзбекистон Республикаси фан - техникасининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ олимлар томонидан тўп-ланган тарихий ва статистик материаллар асосида яратилди.

Туробжонов С.М. – т.ф.д., профессор  
Ҳамидов Н.И. – т.ф.д., профессор

– Озиқ - овқат саноатида юмённинг роли  
– Ўзбекистон Республикаси озиқ - овқат ва қайта ишлаш саноатининг ўрта ва узоқ муددатли даврда ривожланиш истиқболлари  
– Ун - ёрма технологияси

Турсунходжаев П.М. – т.ф.д., профессор

Тошмухамедов М.С. – к.ф.д., профессор

– Озиқ - овқат саноатида биотехнологиянинг аҳамияти

Ҳамроқулов Ғ. – к.ф.д., профессор

– Озиқ - овқат маҳсулотлари сифати менежменти

Ильхамджанов П.И. – т.ф.я., доцент

– Ёғ - мой саноати

Саяева З.Ш. – т.ф.н., доцент

– Узумчилик ва виночилик саноати

Айходжаева Н.К. – т.ф.н., доцент

– Нов маҳсулотлари саноати

Фатхуллаев А.А. – т.ф.н., доцент

– Гушт ва гушт маҳсулотлари саноати

Закирова М.Р. – т.ф.н., доцент

– Спирт саноати

Исмаилов Т.А. – катта ўқитувчи

– Сут ва сут маҳсулотлари саноати

Гулямова З.Д. – катта ўқитувчи

– Пиво ва алкогольсиз ичимликлар саноати

Джахангирова Г.З. – катта ўқитувчи

– Макарон маҳсулотлари саноати

Болтабаев У.Н. – катта ўқитувчи

– Омохта ем саноати

ISBN 978-9943-10-995-7

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2014.

## СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарида «...соҳаларни тубдан модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳозлаш бўйича қабул қилинган дастурнинг тезкор бажарилиши масаласи белгилаб берилган»<sup>1</sup> бўлиб, Ўзбекистоннинг жаҳон савдосига интеграциялашуви, маҳсулот ва товарлар импорти ҳамда экспортининг ўсиш суръатлари таъкидлаб ўтилган.

Ҳозирги кунга келиб, озиқ-овқат саноати бутунлигича мустақил ватанимиз иқтисодиётининг стратегик соҳаларидан бири ҳисобланиб, асосан, халқимизнинг сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ва истеъмол товарларига бўлган талабини етарли миқдорда қондирилишига хизмат қилади. Охириги йилларда ушбу халқ ҳўжалигининг муҳим соҳасида кўзга кўринарли ижобий натижаларга эришилди.

Озиқ-овқат саноати соҳаларининг олдида турган асосий вазифалардан бири халқимиз эҳтиёжини экологик тоза ва биологик хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдир.

Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати, бугунги кунга келиб, долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Корхоналарда жорий этилиши лозим бўлган НААССП, хавфсизлик менежменти тизими талабларига мос равишда, Европа Иттифоқи давлатлари қабул қилган хавфсизлик талабларига риоя этган ҳолда, бозорда рақобатбардош озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳар бир корхонанинг мақсадига айланishi керак.

Ушбу йўлда ҳукуратимиз томонидан соҳани ривожлантиришга қаратилган бир қатор қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2009 йил 26 январдаги ПҚ -1047-сонли «Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора - тадбирлари ва ички бозорни тўлдириш ҳақида», 2011 йил 31 октябрдаги ПҚ-1633-сонли «2012–2015 йилларда республи-

<sup>1</sup> И.А.Каримов. «Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари». Тошкент, «Иқтисодиёт», 2009 й.

ка озиқ-овқат саноати бошқарувини ташкил этишни такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора - тадбирлари ҳақида»ги қарорлари шулар жумласига киради.

Бугунги кунда Тошкент кимё-технология институти олимлари муаллифлигида ёзилган ушбу китоб долзарблиги билан муҳим аҳамият касб этади. Мазкур китоб тарихий-энциклопедик шаклда ёзилган бўлиб, ўз ичига озиқ-овқат саноатининг барча соҳалари тарихи, ривожланиши, муаммолари, истиқболини жамлаб олган. Китобда республикамиз озиқ-овқат соҳаларининг ҳозирги кунга модернизация қилинаётганлиги ёритиб берилган. Ушбу китоб келажакда республика озиқ-овқат саноатининг ривожланиш тарихини чуқурроқ ўрганиш учун мутахассисларга, докторант, талабаларга ва кенг оммага мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат  
саноати корхоналари уюшмаси раиси

**А. Х. Салтмов**

## МУАЛЛИФЛАРДАН

Республикамизда амалга оширилаётган барча ислохотлар, янгиликлар замирида, аввало, инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш, илғор ижтимоий оғни шакллантириш, баркамол авлодни тарбиялаш каби энг эзгу мақсадлар мужассамлашган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида халқимиз эҳтиёжини қондириш мақсадида катта маблағ эвазига Ўзбекистон озиқ-овқат маҳсулотларини асосий қисмини четдан олиб келар, ҳали оёққа туриб олмаган ёш давлатимиз учун бу молиявий жиҳатдан анча қийинчиликларни келтириб чиқарар эди.

Мустақиллик йилларининг бошланғич давридаёқ Президенти-миз И.А.Каримов ташаббуси билан ёқилги – энергетика ресурслари қаторида дон мустақиллигига эришилди, турли озиқ - овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш Республиканинг ўзида ташкил этилди.

Янги давр озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш технологияларига алоҳида эътибор беришни тақозо этди. Бу борада давлатимиз зудлик билан соҳанинг стратегик йўналишларини белгилади ва пировард натижада озиқ-овқат мустақиллигига эришиш йўлида катта қадам қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида фан ва техниканинг тезкорлик билан ривожланишига эришди. Шу давр ичида озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳаларида янги илғор техника ва технология жадаллик билан ҳаётга татбиқ этилди. Фан ва техникани ишлаб чиқариш билан интеграция қилиш натижасида олий ўқув юрларида билим олаётган ёш кадрлар савиясини ошириш ва соҳа мутахассислигини тез ўзлаштириш ҳамда ишлаб чиқаришни тараққий эттиришга катта имконият яратилди.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини шакллантириш, жаҳон ҳамжамиятида ўз мавқеига эга бўлишни таъминловчи омиллардан фойдаланилган ҳолда, ўсиб келаётган авлодни комил инсон руҳида тарбиялаш, биринчи навбатда, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга боғлиқдир. Шу боисдан ҳам мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган ислохотлар негизида таълим тизимини такомиллаштириш, ёшларга таълим ва тарбия беришни уйғунлаштириш, уларнинг юқори билим салоҳиятига эга бўлишига алоҳида эътибор қаратилди.



«Соғлом авлод йили», «Ёшлар йили», «Баркамол авлод йили», «Обод турмуш йили» давлат дастурларининг қабул қилиниши фикримизнинг исботи бўла олади.

Бу масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асарида қуйидагиларни таъкидлайди: «Фан самарадорлигини сифат жиҳатидан оширишга қуруқ даъватлар билангина эришиш мумкин эмас». Илмий кадрларга муносабатни ўзгартириш, уларнинг ижтимоий мақомини ошириш, чуқур структуравий ўзгаришлар қилиш зарур. Фанни малакали кадрлар билан таъминлаш, ходимларнинг профессионал билимдонлиги даражасини ошириш, уларнинг қобилиятини рўёбга чиқариш учун барча шароитларни яратиш—илмий жараёни жадаллаштиришнинг асосий омилidir.

Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда, унинг мураккаб технологияси мутахассислардан фан ва техниканинг турли соҳалари бўйича чуқур билимларни ўзлаштиришни талаб этади.

Замонавий тараққиёт босқичининг талабларига тўла жавоб берувчи таълим тизимини такомиллаштириш мақсадида «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. Бу муҳим ҳужжатларнинг туб моҳият - мақсади олий ўқув юртларида, хусусан, Тошкент кимё-технология институтида мутахассисларнинг янги авлодини тарбиялашга қаратилган.

Озиқ-овқат маҳсулотлари саноатининг барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожланиши натижасида эл дастурхонига сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришга эришилмоқда.

Дарслик озиқ-овқат саноатининг келиб чиқиши, унинг қисқача тарихи, турли даврларда босиб ўтган йўллари, мустақиллик йилларида эришган ютуқлари ва кун тартибида турган муаммолар тўғрисида ёзилган.

Дарслик икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи бўлим ўзбек тилида, иккинчи бўлим эса рус тилида ёзилган.

Дарслик озиқ-овқат саноати учун тайёрланаётган бакалавр, магистр ва илмий ходимлар, шунингдек, кенг оммага мўлжалланган.

Дарсликда 17 та расм, 18 жадвал берилган.

Ижодий гуруҳ аъзолари мазкур ўқув қўлланманинг яратишда жонбозлик кўрсатган проф. П.М. Турсунходжаевга алоҳида миннатдорчилик билдирадilar.

---

## ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИДА КИМЁНИНГ РОЛИ

«Кимё – озиқ-овқат» ҳамда «озиқ-овқат - кимё» жумлаларини бир-бирисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Кимёвий технологиянинг, айнан органик моддалар кимёвий технологиясининг озиқ-овқат технологиясидан фарқли томонлари куйидагилардан иборатдир: барча озиқ-овқат технологияси жараёнларида биринчидан, биокатализаторлар - ферментлар кенг қўлланилади. Жумладан, шаробчилик, пиво ва спирт тайёрлаш, сирка кислотаси ишлаб чиқариш, тузлаш, сут ва сут маҳсулотлари, нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаш жараёнлари бевосита ферментлаш асосида амалга ошади. Сўнгги йилларда шакар табиатли бўлмаган, аммо ширин таъм берадиган моддаларни излаб топишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ширин таъм берадиган бирикмаларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: табиий органик бирикмалар – оксиллар, дипептидлар ва кимёвий синтез йўли билан олинган бошқа бирикма ва моддалар.

Ширин таъм берувчи моддаларга моносахаридлар ва кичик молекулали олигосахаридлар, крахмални парчалаш орқали олинган моддалар ва уларни қисман изомерация қилиш орқали олинган маҳсулотлар (глюкоза ва фруктозанинг аралашмаси) ҳамда углевод бўлмаган типдаги бирикмалар кирази.

АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида сахарозага нисбатан ҳисоб-китоб қилинганда аҳоли жон бошига бир йилда 55-56 кг ширинлик истеъмол қилинади.

Шакар ўрнини босадиган, кимёвий синтез йўли билан олинган модда – сахарин бир неча ўн йиллаб қандолатчилик саноатида кенг ишлатиб келинган ва бугунги кунда кимё ва биокимё фанларининг эришган улкан ютуқлари асосида янги, паст калорияли моддалар билан алмаштирилган. Шундай моддалардан бири метилланган дипептид – аспартамдир. Бу модда биотехнологик йўл билан синтез қилинади. Аспартам (унинг савдога чиқарилган номи «Нутрисвит») парҳез ичимликлар тайёрлаш учун кенг қўлланилади.

Аспартамнинг синтезида энг муҳим модда – фенилаланин аминокислотаси ҳисобланади. Бу аминокислота микробиологик синтез йўли билан олинади.

Ушбу модда тўлалигича токсикологик синовлардан ўтказилиб, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияларида кенг ишлатилиб келинмоқда.

Шакар ўрнини босадиган моддалардан яна бири – стевазид диққатга сазовордир. Бу модда Жанубий Америкада ўсувчи *Stevia rebaudiana* ўсимлигидан ажратиб олинган. У Қора денгиз қирғоқларида ҳам ўсиб юқори ҳосил беради. Бу ўсимликнинг барглари жуда ширин бўлиб, атиги 3-4 донаси 1 л сувни ширин қилиб юборади.

Стевазиднинг молекуласи 3 та глюкоза ва 1 та таъмсиз агликондан иборат бўлиб, бу моддани тоза ҳолда ажратиб олиш мураккаб бўлганлиги сабабли уни озиқ-овқат саноатида кенг қўллаш имконияти яратилганича йўқ. Бу эса озиқ-овқат ва кимё фани ўртасидаги йирик муаммолардан бири ҳисобланади.

Бошқа турдаги шакар ўрнини боса оладиган моддалардан бири – флавонол – 7 – глюкозиддир. Бу модда цитрус ўсимликларида учрайди. Ушбу бирикма унча мураккаб бўлмаган модификацияга учратилганда – шакардан ҳам ширин бўлган дигидрохалконлар ҳосил бўлади. Мазкур бирикмалар орасида эътиборга лойиқлари – нарингениндигидрохалкон, неогесперединдигидрохалкон ва гесперединдигидрохалкон - 4-β-D-глюкозид ҳисобланади. Бу бирикмаларнинг охириги иккитаси сахарозадан 300 мартаба ширинроқдир.

Нарингениндигидрохалкон сахарозадан 2000 мартаба ширинроқ бўлса-да, озроқ токсик хусусиятга ҳам эгадир. АҚШда нарингениндигидрохалкон саноат миқёсида ишлаб чиқарилади. Неогесперединдигидрохалкон- 4-β-D- глюкозид цитрус ўсимликлари чиқиндиларидан (сокини сиқиб олгандан кейин қолган чиқиндилар) ажратиб олинади.

Шакар ўрнини босадиган моддалар саноатда ҳар хил ичимликлар (алкоголли ва алкогольсиз), джемлар, шиннилар, конфет, сақичлар, пирожнийлар ва бошқа ширинликлар тайёрлашда ишлатилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, яқин 10-15 йил ичида шакар ўрнини босадиган моддаларни истемол қилиш янада ошади. Бу йилдан-йилга уларнинг ишлаб чиқариш ҳажми 8-9 %га ошиб бораётганидан гувоҳлик беради.

Глюкозаизомеразанинг кашф этилиши ва унинг кенг қўлланилиши шакарли моддалар ишлаб чиқаришда катта бурилиш ясади.

Иммобилизация қилинган бу фермент ёрдамида АҚШ, Япония, Дания, Финляндия каби бир қатор ривожланган мамлакатларда қанд лавлагидан эмас, балки анча арзон ва қулай бўлган хомашё маккажўхори донидан миллионлаб тонна шакарли озуқа маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Биргина 2000 йилнинг ўзида 3 млн. тонна глюкозафруктоза шарбати ишлаб чиқарилган ва бу жараён учун зарур бўлган глюкозаизомераза ферменти 40млн. АҚШ доллари ҳажмида ишлаб чиқарилган. Шу ўринда республикамизнинг Хоразм вилоятида шакар ишлаб чиқариш заводининг ишга туширилиши аҳолининг шакарга бўлган талабини қондиришда муҳим аҳамиятга эга. Албатта шакар ишлаб чиқариш, шакар маҳсулотлари хомашёларини мамлакатимиз миқёсида кенг ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш олимларимиз олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Буларнинг негизида эса албатта кимёвий ва биокимёвий жараёнлар ётадики, инсон уларнинг сирларидан неча юз йиллардан кейингина воқиф бўлди. Шунингдек, инсоният туб моҳиятини билмаган ҳолда фойдаланиб келган бу каби жараёнларнинг негизида кўпчилик ҳолларда микроблар дунёси ётадики, илм-фан тараққиётининг ҳозирги ривожланган даврида энди инсонлар ушбу микробларнинг, жумладан, бактерия ҳужайраси ҳар 20-60 дақиқада, ачитқи замбуруғлари 1,5-2,0 соатда иккига бўлиниб кўпайиши, сутэмизувчилар ҳужайраларининг иккига бўлиниши учун 24 соат керак бўлишини, бир кеча-кундузда оғирлиги 500 килограммли қорамол 500 грамм оқсил моддаси тўпласа, 500 килограмм ачитқи замбуруғи 500000 килограмм ёки ундан 1000 мартаба кўпроқ оқсил тўплашини аниқ биладилар. Бу эса инсониятнинг демографик потенциали ошиб бориб, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби ошган сари, илм-фан ютуқларига бўлган эҳтиёжи кучайиб боришини кўрсатади.

Статистик маълумотларга кўра дунёда оқсил танқислиги йилига деярли 12-15 млн. тоннани ташкил этади. Дунё бўйича 850 млн. дан ортиқ киши оқсилга муҳтож, шундан 200 млн. дан ортиқроғи 5 ёшгача бўлган болалардир. 1 суткада ўртача 11000 ёш бола ҳаётдан кўз юммоқда. Албатта, юқорида келтирилган жумлалар ҳеч бир инсонни бефарқ қолдирмайди.

Хўш, оқсил танқислиги муаммосини ҳал қилиш учун қандай ишлар амалга оширилмоқда, қолаверса, кимё, биокимё ва замонавий биотехнология саноати бунга қай даражада ҳисса қўшмоқда. Бу

тадқиқотлар инсоният олдида оксил танқислиги ўтқир муаммо бўлиб турган бир пайтда эътиборни жалб этади. Франция, Италия, Япония ва АҚШ каби жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида ҳам нефтдан оксил олиш муаммоларини ечиш учун илмий изланишлар олиб борилди ва бир қадар ўз ечимини топди.

Анъанавий озик-овқатта нисбатан, сунъий овқат истеъмол қилиш қатор устунликларга эга. Масалан, қандли диабет, баъзи бир ферментлар биосинтезининг пастлиги (панкреатит), витаминлар синтезининг бузилиши, крахмалнинг организмда сўрилмаслиги ва бошқа қатор касалликларга дучор бўлган инсонлар сони тобора ошиб бормоқда. Ўз-ўзидан маълум бўладикки, бундай инсонлар овқатининг таркибини ўзгартириш орқали ижобий натижаларга эришиш мумкин. Худди шундай сунъий овқат ёши катталарга ва ёш болаларга ҳам жуда зарур.

Юқори калорияли овқат спортчиларга, шахтёр, металлург, геолог, чўпон, пахтакорлар учун ҳам зарур. Овқат таркибидаги баъзи компонентларни кўпайтириш, баъзиларини (кераксизларини) бутунлай олиб ташлаш ҳисобидан унинг функционал самарасини кўтариш мумкин. Масалан, натрий ва калий элементлари етишмаганда нерв импульслари ўтмайди, кальций етишмаганда мушаклар қисқара олмайди, йод етмаганда эса қалқонсимон безнинг фаолияти ишдан чиқади. Бундай озукка кам миқдорда қўшиладиган моддалар икки категорияга бўлинади:

• *кальций, натрий, калийнинг минерал тузлари, булар микроэлементлар деб ҳам юритилади;*

• *микроэлементлар: хром, кобальт, цинк, мис ва селен, булар организмда исуда ҳам кам миқдорда учрайди.*

Бу элементларнинг танқислиги организм фаолиятида жуда катта ўзгаришларга олиб келади. Масалан, марганец танқислиги гипогликемияга олиб келса, никель, йод, хром ёки рух танқислиги қалқонсимон безни ишдан чиқаради.

Функционал муҳим бирикмаларнинг иккинчи категорияси – витаминлардир. Булар ҳам организмда ўта кам миқдорда учрайди ва уларнинг танқислиги организм фаолиятини бутунлай ўзгартириб юборади.

Замонавий кимёгар ва биокимёгарлар қарашларига асосан озик-овқатнинг оксил қисми, шу овқатнинг асосини ташкил этади. Сунъий тайёрланган овқат керакли (табiiй) ингредиентларнинг композицияси ҳисобланади. Алоҳида компонентлардан тайёрланган

овқатнинг кимёвий рецептураси ҳам маълум. Аммо кўпроқ битта ёки бир неча компонентлардан иборат бўлган ва овқатга қўшиб истеъмол қилинадиган қўшимчалар ишлаб чиқарилмоқда. Бундай қўшимчалар овқатни бойитиш ҳамда организмда етишмайдиган элементларни ўрнини тўлдириш мақсадида ишлатилади.

Сунъий озуқа тайёрлаш учун кўпроқ полисахаридлар, оксил моддалар, нуклеин кислоталар, ёғлар, маҳсулотларнинг гидролизаторлари, углеводород, ҳар хил витаминлар, органик кислоталар, хушбўй ҳид берувчи моддалар, баъзида эса инерт (организмга фойда ёки зарар келтирмайдиган) моддалар ишлатилади. Мана шу ингредиентларнинг миқдорини, уларнинг сонини ўзгартириш асосида ҳар хил таркибли, калорияли ва хушгаъм сунъий озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрланади. Алоҳида ингредиентларнинг кўп сонлиги, улар асосида ҳар хил вариантга эга бўлган (калорияси, кимёвий таркиби, биологик хусусияти ва ҳ.к.) овқатларнинг кўплаб тайёрланганлиги «Маҳсус овқат» деган терминнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бундай «Маҳсус овқат»ларга енгил ҳазм бўладиган, юқори калорияли, узок муддат таъсир этувчи, парҳез ва ҳ.к. овқатлар киради. Афсуски, кўплаб мамлакатларда ушбу йўналишда илмий ва амалий ишлар фаол олиб борилаётганлигига қарамасдан, бу соҳага оид адабиётлар ёки чоп этилган мақолалар сони жуда ҳам кам. Республикамизда биринчилардан бўлиб Тошкент кимё-технология институти базасида «Озиқ-овқат хавфсизлиги» мутахассислиги бўйича магистратура бўлими очилганлиги келажакда мамлакатимизда бу борада йирик ишланмалар ишлаб чиқилиши ҳамда амалиётга жорий этилишига асос бўлиб хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

Статистик маълумотларга кўра Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг сони йилига 650-670 минг кишига ошаётганлигини ҳисобга олсак, 2030 йилга бориб 40 миллионни ташкил этади. Бу эса аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг ҳам бир неча юз баравар ошишини кўрсатади.

Айни вақтда республикамизда 1млн. 387минг гектар ер майдони пахта етиштиришга, 1млн. 700 минг гектарга яқин майдон дон маҳсулотлари (жумладан, 1млн. 200минг гектари сугориладиган майдонларни ташкил этади), 560 минг гектардан кўпроқ майдон мева-сабзавот ва боғдорчилик маҳсулотлари ҳамда 967,8 минг гектари эса озуқа ўсимликлари етиштиришга ихтисослаштирилган.

Республикамизда мустиқилликка эришилгандан сўнг ўтган йиллар давомида аграр секторни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда маҳсулотлар етиштириш самарадорлигини ошириш мақсадида улкан иқтисодий-ижтимоий ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, йирик саноат асосида ишлайдиган, дунё миқёсида ишлаб чиқариш қуввати ҳамда замонавий қулайликлари, жаҳон экологик – санитария талабларига мос келувчи қўглаб заводлар қурилиб ишга туширилди.

Биргина Қўнғирот сода заводи 2006 йилда ишга туширилган бўлиб, қуввати йилига 100000 тонна кальцийланган сода ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Ушбу завод Марказий Осиё давлатлари орасида ягона кальцийланган сода ишлаб чиқариш заводи ҳисобланади. Ушбу завод маҳсулотининг ишлатилиш тармоқлари жуда кенг бўлиб, уларга мисол тариқасида ойна ва шиша идишлар ишлаб чиқариш, ювиш ва тозалаш воситалари, рангли металлургия, енгил ва целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш саноатларини келтириш мумкин.

Дехқонобод калийли ўғитлар заводи эса 2010 йил август ойида ишга туширилган бўлиб, йиллик қуввати 200000 тонна калий хлорни ташкил этади. Ҳозирда ушбу заводнинг янги блоки ҳам ишга туширишга тайёрланган бўлиб, ишлаб чиқариш қуввати 2 бараварга ошиши кутилмоқда.

«Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик жамияти тасарруфида 14 та йирик ишлаб чиқариш корхоналари, «Навоийазот» ОАЖ, «МАХАМ ШИРСИҚ» ОАЖ, «АММАФOS-МАХАМ» ОАЖ ва бошқалар, 13 та минтақавий дистрибьюторлик ташкилотлари, илмий тадқиқот ва лойиҳалаш институтлари, экспедициявий-транспорт ва брокерлик компаниялари шулар жумласидандир. Ушбу корхоналар қуйидаги йирик йўналишлар бўйича ўз фаолиятини шакллантирган:

*комплекс минерал ўғитлар ва ноорганик моддалар ишлаб чиқариш;*

*ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқариш.*

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва сақлаш жараёнидаги катта йўқотишлар бўлмаганда ушбу миқдордаги ер майдонлари республика аҳолисини озиқ-овқат ва техник хомашёлар билан бемалол таъминлаш ва маҳсулотларнинг бир қисмини экспорт қилишга етар эди.

Мамлакатимизда кишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш давомида турли хил зараркунанда ҳашаротлар ва микробиологик касалликлар натижасида 20-30% ҳосилдорлик йўқотилмоқда. Амалий тажрибалар шуни кўрсатадики, кишлоқ хўжалик ўсимликларининг ҳосилдорлиги 10%дан 80%гача баъзи бир ўта зарарли организмлар ривожланиши натижасида йўқотилади. Шунингдек, 3000 дан ортиқ маданий ўсимлик турларида 30000 дан ортиқ касаллик келтириб чиқарувчи микроблар учраши қайд этилган бўлиб, уларнинг 25000 дан ортиқроғи замбуруғлар, 600 га яқини нематодалар, 200дан ортиғи бактериялар ҳамда 300 дан ортиғини вируслар ташкил этади.

Биргина гўзанинг ўсиб ривожланишида унга 220 турдан ортиқ зараркунанда ҳашаротлар ва касаллик қўзғатувчи микроблар зарар етказиши қайд этилган. Бу эса ушбу зараркунанда организмларга қарши курашишнинг нақадар долзарб эканлигини англатади. Бунинг учун эса кимёвий ишлаб чиқариш саноати жуда катта миқдордаги кимёвий препаратларни таклиф этдики, натижада кишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш жараёнларидаги йўқотишлар кескин камайтирилди. Аммо кейинги вақтларда кимёвий препаратларнинг кишлоқ хўжалигида кенг қўлланилиши оқибатида озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ҳамда экологик мувозанатнинг бузилиши каби йирик муаммолар ҳам вужудга келмоқда. Жумладан, биргина кишлоқ хўжалигида маҳсулотлар етиштириш мисолида оладиган бўлсак, маълумки, кишлоқ хўжалик экинларини зараркунанда ҳашаротлардан химоя қилишда, асосан, кимёвий препаратлардан фойдаланилади.

Худди шундай альтернатив усуллардан бири микробиологик биопрепаратлар асосида зараркунанда ҳашаротларга қарши кураш ҳисобланади. Бу усулнинг кимёвий усулга нисбатан бир қанча афзалликлари мавжуд бўлиб, улардан қуйидагиларини келтириш мумкин: экологик тозаллиги, тупроқда тўпланиб қолмаслиги, уларни тайёрлаш, сақлаш, ташиш ва қўллашнинг қулайлиги, иқтисодий самарадорлиги ва, айниқса, иссиқ қонли ҳайвонларга нисбатан зарарсизлиги каби омиллар олимлар эътиборини торттириб келмоқда.

Чорвачилик ва паррандачиликни, қолаверса, балиқчиликни ривожлантириш, ушбу тармоқларни етарли ва юқори калорияли озуқа маҳсулотлари билан таъминлашда ҳам кимё ва кимёвий маҳсулотларнинг ўрни каттадир.



Чорвачиликда оксилга бўлган талабни олайлик. Дастлаб эътиборингизга қуйидаги статистика маълумотларини ҳавола этмоқчимиз: мамлакатимизда, биргина паррандачилик комплекси 200000 тонна озуқа ишлатади, бу озуқага 20000 тонна ОВК, 200 тонна амилаза, 200 тонна целлюлоза, 80 тонна лизин ва 60 тонна метионин қўшиш керак бўлади.

Хўш, буларнинг ўрнини қандай қоплаш мумкин? Маълумки, дон чорвачилик учун асосий энергия ва оксил манбаи ҳисобланади. Паррандачиликда деярли 100%, чўчкачиликда 80%, қорамолчиликда 30% озуқа – бу маккажўхори, арпа, бугдой ва жавдар каби бошоқли экинлар ҳиссасига тўғри келади.

Ҳайвонларнинг махсулдорлигини унга бериладиган озуқанинг тўйимлилиги, шунингдек, ундаги оксилнинг танқис аминокислоталарга бойлигини таъминлайди. Бирок, асосий фураж экинлари – маккажўхори ва бугдой – бу талабларга жавоб бермайди.

Маълумки, ҳайвонлар озуқадаги фақат танқис аминокислоталар улушига тенг келадиган оксил қисмидан самарали фойдаланиш қобилиятига эга. Бундан келиб чиқадиган бўлсак, дон озуқасига энг қимматли компонент – оксил, агар у лизинга тўйинмаган бўлса, ҳайвонлар организми уларни ўз организмлари ва тўқималарида оксил ҳосил қилишга эмас, бошқачароқ айтганда, гўшт, сут, тухум ёки жун ҳосил қилишга эмас, балки ички энергия манбаи сифатида сарфлайдилар. Донда танқис аминокислоталар сифатида треонин ва триптофан етишмаса ҳам шу ҳолат юз беради.

Бу етишмовчиликни бартараф этиш учун биотехнология саноати махсулотлари энг аввал, чорвачиликнинг комплекс омихта емини бойитишга мўлжалланган турли махсулотларидан фойдаланади. Улар орасида озуқа ачитқиси алоҳида ўрин тутади.

Озуқа ачитқиси – тўйимлилиқ хусусиятига кўра барча юксак ўсимликлардан устун туради. Ҳайвон оксил рационининг 25%ни ачитки замбуруғи оксими ташкил этади. Бу оксил самарадорлиги бўйича сут оксими – казеиндан кам фарқ қилади. Ачитки оксилнинг 80%дан кўпроғи ўзлаштирилади. Ачитки оксилнинг ҳазм бўлиш коэффиценти қорамоллар, қўйлар ва жўжаларда 83-91% оралиғида ўзгариб туради. Уларнинг устун томони шундаки, айнан ачитки таркибида донли озуқада етарли бўлмаган танқис аминокислоталар кўп бўлади.

Мисол тариқасида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин. Бир тонна ачитқида 41-42 кг танқис аминокислота (лизин) бўлса, бир

тонна арпа ва сулида бу миқдор 10 мартаба камдир: бошқа танқис аминокислоталар (треонин, метионин, триптофан) ачиткида арпа ва сулига нисбатан 3-5 марта кўп.

Глутамин кислота эса бир тонна ачиткида 65-110 кг атрофида бўлиб, дондагидан анча кўп бўлади.

Бу кўрсаткичлар ачитқининг унча кўп бўлмаган миқдори (ҳажмига нисбатан 5-6%) ўсимлик оксиленинг сифатини ва ҳазм бўлишини кескин ортишига ҳамда улар сарфини анча камайтиришга имкон яратади.

Бундан ташқари, чорвачиликда кимёвий ишлаб чиқаришнинг ажойиб маҳсулоти ферментли препаратлардан фойдаланиб қўшимча гўшт ва сут етиштириш мумкин.

---

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИНИНГ ЎРТА ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ ДАВРДА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

### 1. Озиқ-овқат саноатининг халқ хўжалиги комплексдаги ўрни ва роли

Озиқ - овқат саноатининг вазифаси Республика аҳолисини тўғри ва баланслаштирилган овқатланиш рационини шакллантириш учун етарли ҳажмда ва ассортиментда хилма-хил озиқ - овқат маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, инсон саломатлиги ва умрининг узоқлиги 70% унинг овқатланиш ва ҳаёт тарзига, 20% тиббий хизмат ҳолатига ва 10% унинг ҳаётий туғма кўрсаткичларига боғлиқ. Келтирилган маълумотлар инсон саломатлигининг ҳолати ва умрини узайтиришда озиқ - овқат ва уни ишлаб чиқарувчи саноатнинг аҳамияти ҳақида аниқ тасаввур беради.

Озиқ - овқат маҳсулотларини аҳолининг фаол ва соғлом турмуш эҳтиёжи учун зарур миқдорда сотиб олиш кафолатланган жисмоний ва иқтисодий имконияти – унинг яшаши, жамиятнинг социал барқарорлиги ва мамлакатда позитив демографик ҳолатнинг асосий шартидир.

Озиқ - овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳар бир мамлакат олдида турган жиддий муаммо, у глобал характерга эга, чунки айни даврда дунё аҳолисининг эҳтиёжи ва уни таъминлаш ўртасида катта дисбаланс мавжуд.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Озиқ - овқат ва Қишлоқ хўжалиги ташкилотининг (ФАО) маълумотлари бўйича, ҳозирги кунда планетамизда яшаётган 6,5 млрд. аҳолидан 98 мамлакатда истиқомат қилаётган 900 млн. киши очлик ва озиқ - овқат танқислигидан изтироб чекмоқда, яқин 10 йилликда эса очликдан азоб чекувчилар ер юзи аҳолисининг 25%ни ташкил этиши мумкин.

Чет эл олимларининг башорат қилишларига қараганда, озиқ - овқат етишмаслиги муаммоси яқин келажақда дунёда биринчи навбатдаги долзарб масалага айланади.

БМТ прогнози бўйича сайёрамиз аҳолисининг сони 2050 йилда 9 млрд. кишига етади, бу эса биосфера барқарорлигининг критик чегарасидан 4 марта зиёд. Катта ер майдонларини ўзлаштириш ва ишлаш йўли билан дунёда дон етиштиришни янада кенгайтириш имконияти чекланган, бу эса истиқболда озиқ - овқат танглигининг кучайишига олиб келади.

Аҳоли озиқ - овқат билан таъминланганлигининг энг умумлашган кўрсаткичи, ФАО тавсияси бўйича ҳар бир киши суткалик овқатланиш рационининг калория миқдори ҳисобланади.

Ҳозирги даврда озиқ - овқат маҳсулотларини ўртача суткалик истеъмол қилиш Европа Иттифоқи мамлакатларида 3390 ккал, АҚШда – 3650, Латин Америкасида – 2790, ривожланаётган Осиёда – 2650 ккални ташкил этади. Суткалик овқатланиш рациони Ўзбекистонда ўртача 2700 – 2800 ккал.

Суткалик овқатланиш калориялиги даражасини ошириш, биринчи навбатда, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва халқ фаровонлигини юксалтириш билан боғлиқ.

Озиқ-овқат саноатининг фаолияти тармоқ корхоналарига хомашё етказиб берувчи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ривожланиш даражаси билан белгиланади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг миқдори ва сифати, унинг ассортименти дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг ҳажмига бевосита боғлиқ.

Агросаноат комплекси иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларидан бири ва мамлакат аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашда асосий роль ўйнайди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг асоси – хусусий мулкчилик устуворлигини амалда таъминлаш, агросаноат комплекси фаолиятини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш бўйича мустаҳкам қонуний асос яратилди. Мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, янги иш жойлари яратиш ва аҳоли даромадларини оширишнинг ҳуқуқий кафолатлари ва қулай фаолият кўрсатиш муҳити шакллантирилди.

Бунинг натижаси сифатида қуйидаги мисолни келтириш мумкин:

2011 йилда 6,8 млн.т. дон, деярли 3,5 млн.т. пахта, 8,2 млн.тоннадан зиёд сабзавот ва қовун-тарвуз, 3 млн.тоннага яқин боғдорчилик маҳсулотлари йиғиб олинган, 6,6 млн.т. сут, 1,5 млн. тоннадан кўпроқ гўшт, 3,5 млрд.дан кўпроқ тухум ишлаб чиқарилган. Ўтган 2012 йилда 2011 йил даражасига нисбатан 10%

кўпроқ дон, 9,9% кўпроқ пахта йиғиб олинган, 9 млн. тоннадан зиёд сабзавот ва қовун - тарвуз, 2 млн. тоннадан кўпроқ картошка етиштириб йиғиб олинган.

Қишлоқ хўжалиги хомашёси (дон, мева, сабзавот, гўшт, сут, балиқ, пахта ва бошқа мойли экинлар уруғлари ва ҳоказо)ни қайта ишлаш асосида озиқ-овқат маҳсулотлари яратадиган озиқ-овқат саноати иқтисодийнинг энг муҳим тармоғидир.

Озиқ - овқат саноати қатор тармоқлар ва тармоқости соҳалардан ташкил топган. Унинг таркибига катта гуруҳ (20 дан кўпроқ) тармоқлар ва тармоқости (60 дан кўпроқ) соҳалар қиради; улардан асосийлари: (тармоқда умуман ишлаб чиқарилган маҳсулотдаги улуши бўйича) ун, ёғ - мой, нон пишириш, гўшт, сут, балиқ.

Ўсимлик ва чорвачилик хомашёсидан фойдаланиб маҳсулот ишлаб чиқарадиган озиқ - овқат саноати қишлоқ хўжалиги билан узвий боғланган. Унга мансуб корхоналарнинг ҳудудлар бўйича жойлашиши, айрим ҳолларда уларнинг ўзига хос ишлаб чиқариш характери ушбу боғлиқлик муаммоси билан изоҳланади.

Озиқ - овқат саноати мамлакат агросаноат комплексининг таркибий қисмидир. У миллий иқтисодийнинг муҳим комплексларидан бири. Уни ривожлантириш мақсадида узоқ муддатга мўлжалланган прогнозлар ва дастурлар ишлаб чиқиш талаб қилинади. Озиқ - овқат маҳсулотлари бўйича чет элга боғлиқлик даражасини камайтириш, дунё ишлаб чиқариш ва тақсимотида Ўзбекистоннинг иштирок этиш ўрнини белгилаш мақсадида мамлакатнинг умумий концепцияси ва озиқ - овқат хавфсизлиги дастурини ишлаб чиқиш тақозо этилади.

Агросаноат комплекси доирасида 30% ички ялпи маҳсулот яратилади. Истеъмол бозорининг 75% қишлоқ хўжалик хомашёсидан ишлаб чиқарилган озиқ - овқат маҳсулотлари ва товарлари ҳисобига шаклланади.

Озиқ - овқат хавфсизлигини таъминлаш барча мамлакатларда давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. У озиқ - овқат комплекси ишлаб чиқариш тармоқларининг самарали фаолиятига боғлиқ: қишлоқ хўжалиги ва озиқ - овқат саноатининг барча тармоқлари, чунки мамлакат озиқ - овқат стратегик захиралари ва жамғармаларининг 80-85% озиқ - овқат саноати маҳсулотлари ҳисобига ташкил этилади.

Аҳолининг фақат яшаш даражаси эмас, балки унинг жисмоний барҳаётлиги пировард натижада озик - овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳажми, унинг ассортименти, хомашёнинг чуқур қайта ишлаш даражаси, унинг сифати ва баҳосига боғлиқ. Шу сабабдан озик - овқат саноати мамлакат халқ хўжалиги комплекси тизимида ҳақли равишда стратегик социал аҳамиятли тармоқлар қаторига киради.

## **2. Озик-овқат саноатини жойлаштириш ва ривожлантиришнинг асосий омиллари**

Саноатни рационал жойлаштириш илмий - техник тараққиёт ва ишлаб чиқариш ҳажми билан биргаликда тармоқнинг самарали фаолият кўрсатиши учун муҳим шарт ҳисобланади. Айни бир вақтда улар тармоқни ривожлантиришнинг ҳал қилувчи омилларидан биридир. Саноатни рационал жойлаштириш уни муваффақиятли фаолият кўрсатиши билан бирга хомашё ва ресурсларни олиб келтириш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотни истеъмолчига етказиб бериш бўйича барча транспорт сарфларини минимум даражасини таъминлаши керак.

Саноатни жойлаштириш халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари каби ўз қонуниятларига эга.

Саноатни жойлаштиришнинг асосий принципларига қуйидагилар киради:

1. Корхоналарни хомашё, энергия манбаларига ва истеъмол ҳудудларига максимал яқинлаштириш.
2. Энг яхши табиий ва социал - иқтисодий шарт - шароитлар мавжуд иқтисодий ҳудудларни маълум тармоқларга ихтисослаштириш ва уларни комплекс ривожлантириш.
3. Халқаро меҳнат тақсимотини ҳисобга олиш.
4. Мамлакатнинг турли регионлари иқтисодийетини текислаш.
5. Мамлакатнинг мудофаа қобилиятини ҳисобга олиш.
6. Транспорт харажатларини минимизациялаш учун саноат корхоналарини бозор эҳтиёжига мос равишда жойлаштириш.
7. Табиий ва меҳнат ресурсларидан максимал фойдаланиш заруриятини ҳисобга олиш.

Озик - овқат саноати тармоқлари уларни жойлаштириш характерига жиддий таъсир кўрсатувчи алоҳида хусусиятларга эга. Уларнинг асосийларига қуйидагилар киради:

1. Хомашёнинг турли хилларини ишлаб чиқаришнинг мавсумий характери.

2. Хомашёнинг баъзи турларини транспортда ташиб бўлмаслиги.

3. Хомашё қатор турларини транспортда ташишни ўзини иқтисодий оқламаслиги.

4. Асосий маҳсулот билан бир қаторда турли озиқ - овқат ва ноозиқ - овқат маҳсулотлари олишга имкон берадиган қайта ишланадиган органик хомашёнинг кўп компонентлилиги.

5. Кўпчилик озиқ - овқат маҳсулотларини ҳамма жойда истеъмол қилиш характери.

6. Алоҳида тайёр озиқ - овқат маҳсулотларини транспортда ташиш ўзини иқтисодий оқламаслиги.

7. Ишлаб чиқаришни бозор эҳтиёжларига кўра доимо ва масшабли диверсификациялаш зарурияти.

8. Ишлаб чиқаришни концентрациялаштириш, иқтисослаштириш, кооперациялаш ва комбинациялаштиришнинг ўзига хос характери.

9. Озиқ - овқат маҳсулотларининг таннархида ва баҳосида транспорт харажатлари улушининг кўплиги.

Кўрсатиб ўтилган омиллар озиқ - овқат саноати тармоқларни жойлаштириш ўзига хослигини ифодалайди, умуман, хомашё ва маҳсулотга эҳтиёж шартлари билан белгиланади. Ушбу бош омиллар билан боғлиқ озиқ - овқат саноати таркибида уч гуруҳ тармоқларни фарқлаш зарур. Корхоналар хомашё манбалари яқинига жойлаштириш мақсадга мувофиқ тармоқлардир. Улар жумласига хомашё сарфи тайёр маҳсулот миқдоридан анча кўп ишлаб чиқаришлар киради (хомашё ва материаллар кўп талаб қилувчи тармоқлар).

Корхоналарининг тайёр маҳсулоти истеъмол қилинадиган ҳудудларга яқин тармоқлар. Бунга тайёр маҳсулот ҳажми дастлабки хомашёга нисбатан кўпроқ ва тезроқ бузиладиган ишлаб чиқаришлар киради (нон пишириш, кондитер, сут саноати ва бошқа тармоқлар).

Учинчи гуруҳга қишлоқ хўжалик хомашёсига ўз жойида дастлабки ишлов берувчи, яқунловчи жараёнлар эса (кўйиш, кадоклаш ва ҳ.к.) тайёр маҳсулотни истеъмол қиладиган ҳудудларда амалга ошириладиган ишлаб чиқаришлар киради. Уларга виночилик (бирламчи ва иккиламчи вино заводлари), чой ишлаб чиқариш

(чайни ферментлаш ва қадоқлаш фабрикалари), тамакичилик (ферментлаш ва тамаки фабрикалари), гўшт, ун ва бошқа тармоқлар.

### **3. Озиқ - овқат саноати тармоқларининг классификацияси**

Озиқ - овқат саноати қирққа яқин бир - биридан турли хил ишлаб чиқариш жараёнлари билан ажралиб турадиган ихтисослашган тармоқларни бирлаштиради.

Унинг таркибига фақат қайта ишлаб чиқариш тармоқлари эмас, балки қазиб олувчи (туз, минерал сув ва бошқалар), мавсумий ва йил давомида сурункали ишлайдиган тармоқлар, иқтисодиётнинг «А» гуруҳига, яъни маҳсулоти бошқа тармоқларда қўлланиладиган (спирт, шакар, ун, туз, ўсимлик мойи ва бошқалар) ва «Б» гуруҳига мансуб, яъни аҳоли томонидан бевосита истеъмол қилинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқлар ҳам киради. Шу билан бирга озиқ - овқат саноати тармоқларининг ҳар бири бир-биридан бир турдаги ёки бир неча турдош маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи қатор соҳаларини ҳам қамраб олади. Масалан, кондитер саноати карамель, конфет, шоколад, бисквит ва пастило-мармелад соҳаларидан иборат. Нон пишириш саноати нон – қулча, «баранка», сухари ишлаб чиқариш, виночилик саноати узум ва мева виноси, коньяк ва шампан виноси ишлаб чиқариш соҳаларини бирлаштиради.

Ўз навбатида озиқ - овқат саноати соҳалари тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш усуллари ҳамда жараёнларини механизациялаш ва автоматизациялаш даражаси билан ҳам бир - биридан фарқ қилади.

Озиқ - овқат саноати тармоқлари ва улар таркибига кирадиган ишлаб чиқариш соҳаларини қуйидаги 4 йўналиш бўйича классификациялаш мумкин:

- йил давомида ишлаш вақти;
- сутка давомида ишлаш вақти;
- тайёр маҳсулотни олиш (ишлаб чиқариш) усули;
- ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш даражаси.

Озиқ - овқат саноати тармоқлари ва ишлаб чиқариш соҳаларининг асосий хусусияти шундаки, улар асосан мавсумий хомашёни қайта ишлаш билан банд ва шунга кўра корхонага хомашё келтирилиши ва уни саклаш муддатига боғлиқ равишда йилнинг фақат бир қисмида ишлайди. Мавсумий хомашёда ишлайдиган



бундай тармоқларга сабзавот ва мева қуритиш, озик - овқат хомашёсида ишлайдиган спирт, бирламчи вино заводлари, ўсимлик хомашёсида ишлайдиган витамин, кўк чой баргини қайта ишлайдиган фабрикалар, картошкани қайта ишлайдиган крахмал – патока цехлари, тамаки ферментацион заводлар ҳамда шаккар ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқалар киради. Мавсумий хомашёни қайта ишлайдиган корхоналар билан бир қаторда озик - овқат саноатида ўз ишлаб чиқариш характерига кўра мавсумий корхоналар ҳам бор. Бундай корхоналар қаторига пиво, алкоғолсиз ичимликлар ва минерал сув ишлаб чиқариш корхоналари киради. Уларнинг мавсумийлиги йилнинг турли даврларида тайёр маҳсулотни харид қилишнинг нотекислиги асосида юзага келади.

Мавсумий ишлаб чиқариш корхоналар ишида уларнинг техник-иктисодий кўрсаткичлари кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ қатор қийинчиликлар туғдиради.

Ишлаб чиқаришнинг мавсумий пасайиши ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни вақт ва интенсивлик бўйича паст даражада бўлишига олиб келади. Мавсумий ишлаб чиқаришнинг асосий камчиликларидан яна бири корхона персоналининг тез - тез янгилашиб туришидир. Мавсумий ишчиларни ҳар йили ишга қабул қилиш, ўқитиш ва ўргатишга катта маблағ харажат қилинади, лекин бу маблағлар кадрлар қўнимсизлиги муносабати билан самарасиз сарфланади.

Келтирилган камчиликлар фақат меҳнат унумдорлигини камайтириб қолмай, балки ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини ошириб юборади.

Ишлаб чиқариш мавсумийлигини юмшатиш ва бартараф этиш ишлаб чиқариш захираларидан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишидир. Ишлаб чиқариш мавсумийлигини юмшатиш ва енгиллаштиришнинг кўп усуллари маълум. Мазкур муаммони ҳал этишнинг умумий йўналиши совутиш қурилмаларидан, консервантлардан, яримфабрикатларни асептик сақлаш йўллари ва тез музлатиш усуллари билан фойдаланиб хомашёни сақлаш муддатини узайтиришдир.

Мева ва сабзавотни консервлаш, уларни қуритиш ва бошқа соҳаларда хомашёни сақлашнинг оқилона усуллари қўллаш билан бир қаторда ишлаб чиқариш мавсумийлигини юмшатишда корхоналарни хомашё билан таъминлаш зонасида турли

муддатларда (эрта, ўрта ва кеч) пишадиган сабзавот, мева ва хомашё турларини етиштириш катта самара беради.

Мавсумийлик муаммосини ҳал этишда келажакда ўзини оқлайдиган усуллардан бири корхоналарда озик - овқат хомашёсини кетма - кет қайта ишлашдир. Масалан, асосий мавсумий мева сабзавот хомашёсини қайта ишлаш тугагандан сўнг консерва заводлари гўшт ва балиқ консервалари ишлаб чиқаришга, аввалроқ тайёрланган бошқа сабзавот хомашёсидан иккиламчи тушлик овқатлар ишлаб чиқишга ёки ўз мева яримфабрикатларидан кондитер маҳсулотлари чиқаришга ўтказилиши мумкин. Шакар саноатида ўз хомашёсини қайта ишлаб тугатгандан кейин импорт бўйича келтирилган хом шакар хомашёсини қайта ишлашни ташкил этиш ҳам яхши натижа беради. Хоразм шакар заводи айни вақтда фақат импорт бўйича келтирилган хом шакарни қайта ишлаб республикамининг долзарб эҳтиёжини таъминламоқда.

Йил бўйи фаолият кўрсатадиган озик - овқат саноати тармоқлари мавсумий ишлаб чиқаришга хос камчиликлардан холи, улар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига камроқ боғлиқ, корхоналарни хомашё таъминоти доимий равишда ташкил этилган, бу эса йил давомида бир маромда ишлашга имкон яратди. Бундай ишлаб чиқаришга мисол сифатида нон пишириш, макарон, ун, ёғ - мой, крупа, гўшт, сут, тамаки (тамаки ферментацион заводларидан ташқари), парфюмер (эфир ёғли ўсимликларни қайта ишлаш корхоналаридан ташқари), крахмал – патока (картофелни қайта ишлайдиган корхоналардан ташқари), чой (кўк баргини қайта ишлаш корхоналаридан ташқари), туз корхоналарини киритиш мумкин. Сутка давомида ишлайдиган корхоналар узлуксиз ва тўхтаб - тўхтаб фаолият кўрсатиши мумкин.

Технологик жараёнларда узилиш яроқсиз маҳсулот чиқариш ва йўқотишларнинг ошиб кетиши ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатининг пасайиши билан боғлиқ корхоналар узлуксиз тарзда ишлайди. Бундай ишлаб чиқаришлар каторига нон пишириш, ёғ - мой, пиво пишириш, крахмал – патока, конъяк ва тўхтовсиз оқимда шампан виноси ишлаб чиқариш киради.

Тўхтаб - тўхтаб фаолият кўрсатадиган ишлаб чиқаришлар каторига корхона ишидаги тўхташлар яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқаришга, йўқотишларнинг ошиб кетиши ва маҳсулот сифатининг пасайишига олиб келмайдиган корхоналар киради. Бундай ишлаб чиқаришларга мисол: кондитер (бисквитдан ташқари), иккиламчи

вино, ликёр - арок, озик - овқат концентрат, тамаки, туз ва кимёвий синтез усули билан витамин ишлаб чиқариш корхоналари.

Тайёр маҳсулот олиш усуллари бўйича озик - овқат ишлаб чиқариш тўрт гуруҳга бўлинади:

- дастлабки хомашёдан қимматли моддалар ажратиб олиш;
- хомашёдан намликни йўқотиш ва маҳсулотда қимматли озик овқат моддалари концентрациясини ошириш;
- турли компонентлардан тайёр маҳсулотни бутлаш;
- бирламчи ишлаб чиқариш яримфабрикатлардан пировард маҳсулот тайёрлаш.

Озик - овқат ишлаб чиқаришда тайёр маҳсулот олиш қатор жараёнларни қўллаш ҳисобига дастлабки хомашёнинг сифатини ўзгартириш натижасида юз беради: механик, гидромеханик (майдалаш, сортларга ажратиш, пресслаш, аралаштириш, филтрлаш, чўкмага тушириш, центрифугалаш), иссиқлик (қиздириш ва совутиш, буглатиш, конденсациялаш, совуқлик билан таъсир этиш) ва физик - кимёвий (қуритиш, кристаллизациялаш, ҳайдаш йўли билан таркибий қисмларга ажратиш). Озик - овқат ишлаб чиқаришларини 4 гуруҳга ажратиш тайёр маҳсулотни олишда асосий технологик жараёнларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Биринчи технологик гуруҳга дастлабки хомашёдан қимматли моддаларни чиқариб олиш жараёни амалга ошириладиган ишлаб чиқаришлар киради: шакарни лавлагидан, мойни ёғли уруғлардан, урни дондан, виноматериални узумдан, шарбатларни узумдан ва мева - сабзавот хомашёсидан, крахмални картошка ва маккажўхоридан олиш.

Иккинчи технологик гуруҳга технологик жараёнлари асосан хомашёдаги намликни камайтиришга, маҳсулотда озик - овқат моддалари концентрациясини оширишга қаратилган ишлаб чиқаришлар киради. Қуйидагилар шулар жумласидан: консерва саноатида – томат пастаси ва қурук сабзавот, мевалар тайёрлаш; озик – овқат концентрат саноатида – қурук нонушталар, брикетланган кашалар, картошкадан овқатланиш маҳсулотлари, киселлар ишлаб чиқариш; чой ва тамаки саноатида – чой ва тамаки барглари бирламчи қайта ишлаш; нон пишириш саноатида – сухарилар ишлаб чиқариш.

Учинчи технологик гуруҳга шундай ишлаб чиқаришлар кирадики, уларда тайёр маҳсулотни ҳосил қилишда технологик жараён-

лар турли моддаларни механик равишда бирлаштириш билан эмас, балки мураккаб физик - кимёвий ўзгаришлар асосида амалга оширилади. Уларга нон - кулча, сут, гўшт, кондитер, макарон, ликёр - арок, пиво ва алкогольсиз ичимликлар, маргарин, атир - упа маҳсулотлари ишлаб чиқариш киради. Биринчи ва иккинчи технологик гуруҳлар ишлаб чиқаришлардан фаркли бу ерда кишлоқ хўжалигига боғлиқлик камрок, чунки корхоналар асосан бирламчи саноат ишлаб чиқариш босқичини ўтган хомашёни қайта ишлайди. У омборларда анча барқарор сақланади, камрок чиқиндилар ва йўқотишлар келтириб чиқаради.

Ушбу гуруҳ корхоналари йил давомида бир текисда маромли ишлаши билан ажралиб туради.

Учинчи гуруҳ корхоналари одатда, кенг ассортиментда маҳсулот ишлаб чиқарадилар. Уларни ишлаб чиқариш учун ихтисослашган цехлар ва технологик линиялар мавжуд. Бу ерда ишлаб чиқариш топшириқлари ҳажми ва ассортименти бўйича турлича, бу эса ишлаб чиқариш графиклари тузиш ва уларни бажарилиши устидан назорат қилишни мураккаблаштиради.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини ошириш озик - овқат саноати барча тармоқларининг умумий вазифаси ҳисобланади. Маҳсулотнинг сифати фақат уни ташкил этувчи компонентларнинг сифатигагина боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки рецептура ва технологик регламентга аниқ риоя қилишга ҳам боғлиқ.

Шундай қилиб, учинчи гуруҳ озик - овқат ишлаб чиқариш тармоқлари биринчи ва иккинчи гуруҳлардан маҳсулотни тайёрлаш технологик усуллари билангина эмас, оператив режалаштириш ва ташкил этиш услублари билан ҳам ажралиб туради.

Тўртинчи технологик гуруҳ ишлаб чиқаришлари алоҳида хусусияти билан бошқалардан ажралиб туради: бунда маҳсулотни тайёрлаш бирламчи ишлаб чиқариш яримфабрикатлари асосида олиб борилади. Унга барча иккиламчи виночилик (узум ва мева винолари, шампан виноси ва коньяк ишлаб чиқариш) ҳамда тамаки ва чой ишлаб чиқариш корхоналари киради. Ушбу ишлаб чиқаришлар учун характерли хусусият шундаки, хомашёни транспортда ташиш мумкин эмаслиги сабабли бирламчи ишлов бериш корхоналари хомашё етиштириш регионларида, иккиламчи қайта ишлаш корхоналари эса асосан пировард маҳсулотни оммавий истеъмол қилиш ҳудудларида жойлашган. Иккиламчи қайта ишлаш корхоналарида ҳамда бирламчи корхоналарда бошланган ишлаб

чиқариш жараёнлари ниҳоясига етказилади. Бу ерда маҳсулотни қадоқлашдан ташқари қатор технологик жараёнлар ҳам амалга оширилади. Масалан, виночиликда уни қуйишдан ташқари вино-материалларни ишлаш, сақлаб етиштириш жараёнлари бажарилади. Тамаки ишлаб чиқаришда папирос, сигарет тайёрлаш ва уларни қутичаларга жойлашдан ташқари тамаки баргларини қисилган ҳаво билан титиш ҳамда уларни намлаш ва кесиш амаллари бажарилади. Чой қадоқлаш фабрикаларида тайёр чойни қутичаларга қадоқлашдан бошқа уларни сортларга ажратиш, купаж қилиш, пресслаш ва катта қутиларга жойлаш амаллари бажарилади.

Бу гуруҳга мансуб асосий ишлаб чиқаришда механизация даражаси юқори: ишлаб чиқаришнинг оқимли услублари кенг ривожланган.

Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматизациялаш даражаси бўйича озик - овқат саноати тармоқлари 4 гуруҳга бўлинади: механизациялашган, комплекс механизациялашган, автоматизациялашган ва комплекс автоматизациялашган.

Асосий ишлаб чиқариш жараёнлари механизациялашган, қўшимча ишлаб чиқаришда эса қўл меҳнати кўпроқ корхоналар биринчи гуруҳга киради. Бу гуруҳ корхоналарининг характерли хусусияти юклаш, тушириш ишлари бўйича қўл меҳнати билан боғлиқ, асосий ишлаб чиқаришда тўхтаб - тўхтаб ишлайдиган машина аппаратларнинг кўплиги. Бу корхоналарда ҳам асосий, ҳам қўшимча ишлаб чиқаришда меҳнатнинг операциялар бўйича тақсимоти кенг ривожланган.

Иккинчи гуруҳга қаршли корхоналарда асосий ва қўшимча ишлаб чиқаришдаги жараёнлар тўла механизациялашган. Бу ерда меҳнатни операциялар бўйича тақсимоти билан бир қаторда иш ҳажми етишмаган жойларда смена давомида турдош операцияларни бажараётган ходимлар бандлигини таъминлаш мақсадида уларга қўшимча ишларни ҳам юклаш амали қўлланилади.

Учинчи гуруҳга тегишли корхоналарда асосий ишлаб чиқаришдаги жараёнлар автоматлаштирилган, қўшимча ишлаб чиқаришдаги жараёнлар эса механизациялашган. Асосий ишлаб чиқаришда меҳнатни ташкил этиш шаклларида кўп станокларга хизмат кўрсатиш кенг тарқалган, қўшимча ишлаб чиқаришда эса касбларни бирлаштириш муҳим ўрин тутди.

Тўртинчи гуруҳга киритиладиган корхоналарда асосий ва қўшимча ишлаб чиқаришдаги барча жараёнлар тўла автоматлаш-

тирилган. Бу корхоналарда машиналар тизими автоматик режимда ишлатилади, ишчиларнинг меҳнати эса уларнинг иши устидан фаол назорат ва кузатишдан иборат. Аммо комплекс автоматлаштирилган корхоналар озик - овқат саноати шароитида келажақда пайдо бўлиши мумкин.

Ихтисослашган илмий тадқиқот институтларининг маълумотларига кўра озик - овқат саноати асосий тармоқлари, уларнинг автоматлаштиришга тайёргарлиги даражаси бўйича қуйидаги тартибда жойлашади: шакар ишлаб чиқариш, ёғ - мой, спирт, виночилик (иккиламчи виночилик), кондитер, консерва, пиво - алкогольсиз ичимликлар, нон пишириш ва ҳ.к. Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш биринчи навбатда оғир ва зарарли меҳнат шароитлари мавжуд ва сутка давомида сурункасига тўхтовсиз ишлайдиган корхоналарда амалга оширилади. Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш меҳнатни енгиллаштиришга ва кечасидаги сменада банд ишчиларни қисқартиришга ёрдам беради.

Юқорида баён этилган озик - овқат саноати тармоқлари классификацияси мазкур саноатнинг таркиби ва ҳар бир гуруҳга мансуб корхоналарда бошқаришни ва меҳнатни ташкил этишнинг асосий йўналишлари ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиш учун жуда муҳим.

#### **4. Ўрта муддатли (2012 – 2015 йиллар) даврда Республика озик - овқат саноатини ривожлантириш ва бошқарувини такомиллаштириш**

Республика озик - овқат саноатини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, инвестицияларни, биринчи навбатда хорижий тўғридан - тўғри инвестицияларни тармоқ корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуроллантириш учун кенг жалб қилиш ва шу асосда кишлоқ хўжалик хомашёсини чуқур қайта ишлаш, мамлакатда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош озик - овқат товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва ассортиментини кенгайтириш мақсадида озик - овқат саноати корхоналари уюшмаси таъсис этилди. Уюшма таркибига 39 ёғ - мой, 21 озик - овқатга тегишли, 46 гўшт - сут тармоқлари корхоналари, шунингдек, асосий корхоналарга хизмат кўрсатувчи 16 идора ва ташкилотлар ташкилий равишда кирдилар. Уюшма таркибига кирган корхоналар фаолиятини координация қилиш,

соҳа қайта ишлаш корхоналари, кишлок хўжалиги хомашёси ишлаб чиқарувчилар, тайёрловчи ва савдо ташкилотлари ўртасида замонавий бозор иқтисодий муносабатларини жорий этиш, озиқ - овқат маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларида маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, аъзо – корхоналарга хомашёни янада чуқурроқ қайта ишлашда кўмак бериш ва рақобатбордош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, улар билан ички бозорни тўлдириш, маҳсулотлар экспортини кўпайтиришда, корхоналарга ишлаб чиқаришни модернизациялашда ва техник қайта қуроолантиришда, бунинг учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда ёрдам кўрсатиш уюшманинг асосий вазифаси ва фаолият йўналиши сифатида белгилаб қўйилди.

Шу билан бир вақтда 2012 – 2015 йилларда Республика ва регионлар бўйича асосий озиқ - овқат товарлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш прогноз параметрлари ҳамда ёғ - мой, мева - сабзавотконсерва, гўшт - сут саноати ва озиқ - овқат саноатининг бошқа тармоқлари бўйича янги қурилиш, мавжуд корхоналарни реконструкция ва модернизациялашнинг инвестицион лойиҳалари рўйхати тасдиқланди.

Ассоциация ҳузурида унинг таркибига кирувчи корхона ва ташкилотларнинг соф тушумларидан 0,5% миқдорда чегирмалар ажратиш ҳисобига шакллантириладиган озиқ - овқат саноати корхоналарини ривожлантириш, реконструкциялаш ва модернизациялаш махсус жамғармаси ташкил этилди. Бундан ташқари 2016 йилнинг 1 январигача хориждан келтириладиган жиҳозлар ва ускуналар, уларга эҳтиёж қисмлар, республикада ишлаб чиқарилмайдиган, лекин ёғ - мой, гўшт - сут, кондитер маҳсулоти саноатларида, мева - сабзавот ва узумни қайта ишлашда қўлланадиган қўшимча материаллар, ингредиентлар ва компонентлар божхона тўловларидан озод қилинади.

Озиқ - овқат ва қайта ишлаш саноатини ривожлантириш дастурига биноан 2015 йилнинг якуний давригача асосий озиқ - овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш режалаштирилган. Масалан, мева - сабзавот консервалари ишлаб чиқариш 2011 йилдаги 460 миллион шартли шиша банкадан 2015 йилда 610 миллион шартли шиша банкага етказилади. Мева шарбатлари, томат пастаси, қуритилган мева - чевалар ишлаб чиқариш кескин ошади.

2011 – 2015 йилларда колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш 91% га, гўшт консерваларини 2,1 марта ошириш кўзда тутилган. Шу даврда сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,3 марта, пишлок, жумладан, бринза ишлаб чиқариш 4 марта, сариеғ ишлаб чиқариш 3,1 марта кўпайтирилади.

2011 – 2015 йилларда ўсимлик мойи ишлаб чиқариш, умуман, 8% га, жумладан ноанъанавий ёғли уруғлардан мой ишлаб чиқариш эса 77% га оширилади. Маргарин маҳсулотлари, шакар, кондитер маҳсулотлари ва бошқа озик-овқат турларини ишлаб чиқариш кескин кўпаяди.

Ёғ - мой ва озик - овқат саноатининг бошқа тармоқларида 2012 – 2015 йилларда янги қурилиш, ҳаракатдаги корхоналарни реконструкция ва модернизациялаш инвестицион лойиҳалари рўйхатида асосан 33 корхонада, уларнинг ўз маблаглари, банк кредитлари ва хорижий инвестициялар ҳисобига умумий ҳажми 74,18 млн. АҚШ долларига эквивалент инвестиция сарфлаш кўзда тутилган. Йодланган туз, қуритилган хамиртуруш корхоналари қурилиши, амалда ишлаб турган нон хамиртуруши корхонаси йиллик ишлаб чиқариш қувватини 2 марта ошириш, яъни 12 минг тоннага етказиш, янги йилига 8 минг тонна перезтерификацияланган мойлар ишлаб чиқариш цехини қуриш, сабзавот ва мевалардан сублимация йўли билан тайёрланган яримфабрикат асосида тез пишириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш фабрикасини қуриш, какао-бобини қайта ишлаш цехига эга бўлган кондитер фабрикасини қуриш мўлжалланган.

2012 – 2015 йилларда мева - сабзавот ва узумни қайта ишлайдиган янги корхоналарни қуриш, ҳаракатдаги турдош корхоналарни реконструкция ва модернизациялаш прогноз параметрлари бўйича умумий лойиҳа қуввати йилига 40750 тонна 78 та янги корхоналар қуриш, умумий лойиҳа қуввати йилига 22350 тонна 26 корхонани реконструкция ва модернизация қилиш кўзда тутилган.

2012 – 2015 йилларда гўштни қайта ишлайдиган янги корхоналарни қуриш, мавжуд корхоналарни реконструкция ва модернизациялаш прогноз параметрларига асосан умумий лойиҳа қуввати йилига 10150 тонна 47 янги корхоналарни қуриш, умумий лойиҳа қуввати йилига 6350 тонна 43 корхонани реконструкция ва модернизация қилиш мўлжалланган. Ушбу йилларда сутни қайта ишлаш бўйича прогноз параметрларига кўра умумий лойиҳа қуввати йилига 20350 тонна 44 янги корхоналарни қуриш ва умумий



лойиҳа қуввати йилига 25350 тонна 74 корхонани реконструкция ва модернизациялаш кўзда тутилган.

## 5. Аҳолиянг овқатланиш муаммолари

Истеъмол қилишда алоҳида маҳсулотларнинг ўзаро нисбатини белгилайдиган баланслаштирилган овқатланиш концепцияси асосий озиқ - овқат маҳсулотларини жон бошига истеъмол қилишнинг тавсия қилинадиган илмий асосланган меъёрларини ишлаб чиқиш учун катта аҳамиятга эга.

Улар инсон организмга келиб тушадиган калориялар, оқсиллар, ёғлар ва карбонсувларнинг фақат маълум миқдорини белгилаб қолмасдан, истеъмол қилинадиган ўсимлик ва ҳайвон оқсиллари, витаминлар, минерал моддалар ва микроэлементлар ўртасида тўғри нисбатларни ҳам тақозо этади. Тавсия этилган меъёрлар асосида озиқ - овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш ҳажмлари прогноз қилинади.

Кейинги йилларда гўшт, сут, балик маҳсулотларини жон бошига истеъмол қилишнинг камайиб кетиш ҳоллари кузатилмоқда. Аҳоли овқатланиш рациониди толасимон озиқ - овқат турларининг (клетчатка ва пектин) миқдорининг нисбий камлиги эътиборни тортади, улар суткасига ўрта ҳисобда 10 граммни ташкил этади, бу эса оптимал даражадан икки марта кам.

Витаминлар билан таъминлаш масаласида ҳам муаммолар мавжуд. Кўпчилик аҳолида кальций концентрацияси пасайиб кетган. Агросаноат комплексининг (АСК) энг муҳим муаммоларидан бири озиқ - овқат хомашёси ва маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигидир.

Овқатланиш занжири инсон организмга зарарли моддалар кириб келаётган асосий йўллардан бири (40 – 50%), ундан кам бўлмаган жиддий манба эса сув ҳисобланади (20 – 40%). Бу занжирлар кишлоқ хўжалиги экин майдонларидан бошланиб инсонга келиб тугайди, у эса таркибида тупроқдагига нисбатан юз карра кўпроқ концентрацияли токсикантларга эга маҳсулот олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Озиқ - овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги ҳақида» қонуни (1997 йил 30 август) қабул қилиниши муносабати билан мамлакатда озиқ - овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини давлат тартибга солиб

ва назорат қилиб турадиган таъсирчан ва самарали тизим вужудга келди. Бу тизим озик - овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва истеъмолчиларга етказиб беришнинг барча босқичларида уларнинг сифатини қатъий белгилаш, баҳолаш ва назорат қилишга асосланади.

Озик - овқат маҳсулотларининг сифатини ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат санитария - эпидемиология хизмати, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва Сув хўжалиги ҳузуридаги Бош давлат ветеринария бошқармаси ва ўсимликларнинг карантини бўйича Бош давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Стандартизация, метрология ва сертификация Маркази ва қонунчиликда белгиланган бошқа органлар томонидан амалга оширилади.

Озик - овқат маҳсулотларининг сифатини ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат бошқаруви қуйидагиларни ўз ичига олади:

- давлат томонидан меъёрлаштириш;
- озик-овқат маҳсулотлари ва уларни тайёрлашга, фойдаланишга мўлжалланган ускуналар ҳамда жиҳозларни давлат рўйхатига олиш;
- озик - овқат маҳсулотларини сертификациялаш;
- давлат назорати ва контроли;
- озик - овқат маҳсулотларининг сифатини ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларни режалаштириш.

Озик - овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган озик - овқат хомашёси, қўшимча озик - овқат маҳсулотлари, ускуна ва жиҳозлардан фойдаланишга йўл қўйилади.

Ҳайвонлардан олинadиган озик - овқат хомашёсини ишлаб чиқариш, ем - хашакларни ва озуқавий қўшимчаларни, ҳайвонларни сақлаш ва соғломлаштиришда фойдаланиладиган ветеринария даволаш воситалари ва дори - дармонларини қўллаш, уларни давлат санитария - эпидемиология идоралари билан келишилгандан кейин давлат ветеринария органлари рўйхатидан ўтказилгандагина ижозат берилади.

Ўсимликлардан олинadиган озик - овқат хомашёси ишлаб чиқаришда уларни етиштиришда қўлланиладиган заҳарли кимёвий ва минерал ўғитларни токсикологик - гигиеник экспертизадан ўтка-

зилгандан кейингина рухсат этилади. Озиқ - овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи юридик ва жисмоний шахслар қонунчиликка биноан, уларни маркировка қилинган маҳсулот ҳаракатланишининг барча босқичларида уларнинг сифати ва биологик хусусиятларини сақлашни таъминловчи қадоқланган ва қутичаларга жойлаштирилган ҳолда чиқаришлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўртасида микронутриентлар етишмаслигининг олдини олиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида алоҳида қонун қабул қилинди (7 май 2010 йил). Ушбу қонунга кўра аҳоли ўртасида микронутриентлар етишмовчилигининг олдини олиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

– аҳолини бойитилган озиқ - овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий чораларни амалга ошириш;

– бойитилган озиқ - овқат маҳсулотлари ва уларни бойитиш учун зарур витамин – минерал аралашмаларининг сифати ва хавфсизлиги устидан давлат назоратини таъминлаш;

– бойитилган озиқ - овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш;

– озиқ - овқат маҳсулотларини бойитишга мўлжалланган витамин - минераллар аралашмалар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш;

– микронутриентлар соплиментацияси;

– аҳоли ўртасида микронутриентлар етишмовчилигининг олдини олишга йўналтирилган дастурларнинг амалга оширилишини баҳолаш ва мониторинг қилиш;

– микронутриентлар етишмовчилигини аниқлаш ва унинг олдини олиш усулларини тадқиқ қилишда замонавий технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш.

Аҳоли ўртасида микронутриентлар етишмовчилигининг олдини олиш соҳасида давлат сиёсатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Стандартизация, метрология ва сертификация Ўзбек агентлиги, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари амалга оширадилар.

Озиқ - овқат хомашёси ва айниқса, микробиологик ифлосланиш муаммоси ҳозирги даврда жуда жиддий тус олмақда ва давлат назорати органлари томонидан доимий эътибор талаб қилади. Хом-

ашё ва тайёр маҳсулотларни энг хавфли ва кенг тарқалган оғир металллар, микотоксинлар, пестицидлар, радионуклидлар, нитратлар, антибиотиклар ва бошқалар билан ифлосланиш даражаси устидан катъий назорат зарур.

Озиқ - овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш, шу жумладан озиқ - овқат маҳсулотларига қўшиладиган биологик фаол қўшимчалар (БАД), бу соҳадаги мавжуд қонуний негизни янада такомиллаштириш, мамлакат аҳолисини сифатли озиқ - овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, ижройи ҳокимият қонунилар ишлаб чиқиш ва ҳуқуқий фаолиятининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

### **5.1. Аҳолининг соғлом овқатланиши соҳасида илмий - техник сиёсат концепцияси**

Озиқ - овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожланишида фаннинг катта роли биокимё, озиқ - овқат кимёси, микробиология, овқатланиш гигиенаси ва фаннинг бошқа соҳаларида олиб борилаётган тадқиқотлар ҳамда амалий - илмий тадқиқотлар ва тажриба-конструкторлик ишларининг натижалари, улар асосида яратилган илғор технология ва техник воситалар билан белгиланади.

Технология ва техникани такомиллаштириш жараёни тўхтовсиз ҳисобланади, чунки ватанимиз ва дунё фани озиқ - овқат компонентларининг (оқсиллар, ёғлар, қарбонсувлар ва бошқа) янгидан - янги хусусиятларини очмоқда ва уларнинг инсон ҳаётини таъминлашдаги ролига аниқликлар киритмоқда. Хомашё ва тайёр маҳсулотларнинг таркиби ҳақидаги замонавий билимлар асосида уларнинг истеъмол қилиш доирасини ҳисобга олган ҳолда маҳсулотларнинг илмий асосланган рецептураси ва асортименти ишлаб чиқилган.

Фан маҳсулотларда озиқавий ва зарарли моддаларнинг миқдорини, уларнинг инсон организмга таъсирини аналитик аниқлашнинг методологик асосларини яратди, турли контаминантларнинг саломатликка безарар концентрацияси чегарасини белгилайди, аҳолининг ёши ва профессионал гуруҳларни ҳисобга олган ҳолда умумий ва даволаш - профилактик овқатланиш рационал тизимлари бўйича тавсиялар беради.

Соғлом ва хавфсиз овқатланиш соҳасида илмий - техник сиёсатни шакллантиришда қуйидаги асосий қондаларни ҳисобга олиш зарур:

– инсон саломатлиги давлат учун устувор аҳамиятта эга;

– озиқ - овқат маҳсулотлари ва ичимлик сув инсон саломатлигига путур етказмаслиги керак;

– озиқ - овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун хомашё, озиқ-овқатга қўшимчалар, компонентлар уларда инсон саломатлигига зарар етказувчи моддаларнинг пайдо бўлишига ва йғилиб қолишига йўл қўймайдиган шароитларда тайёрланиши керак;

– қишлоқ хўжалиги хомашёси ёки озиқ - овқат маҳсулотлари билан олиб бориладиган барча операциялар, уларни технологик ишлаш, ташиш ва сақлаш жараёнлари инсон саломатлиги ва ҳаёти учун хавfli ифлосланиш, бузилишларга йўл қўймайдиган ҳолда амалга ошириллиши лозим;

– озиқ - овқат маҳсулотлари инсоннинг фақат эссенциал моддаларга физиологик эҳтиёжларини қондириб қолмасдан, балки даволаш ва профилактик функцияларни ҳам бажариши керак;

– болаларни, диабетга чалинган касалларни ихтисослаштирилган маҳсулотлар билан таъминлаш;

– овқатланиш жараёни инсоннинг атроф-муҳит билан ўзаро алоқаси функцияси сифатида инсон организмни унинг шароитларига адаптациясига қўмаклашиши лозим;

– давлат меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар орқали инсонни унинг саломатлигига путур етказиши мумкин бўлган озиқ - овқат маҳсулотларидан саклайди;

– хомашё ва озиқ - овқат маҳсулотларининг хусусиятларини фундаментал тадқиқ этиш соғлом ва хавфсиз овқатланишни ташкил этишнинг энг муҳим шартидир.

Ушбу концепциядан келиб чиқиб, аҳолининг соғлом овқатланиш комплексли муаммоси устувор йўналишлари бўйича келажакда илмий тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишларини олиб бориш заруриятини ҳисобга олган ҳолда бу соҳадаги давлат илмий-техник сиёсатини амалга оширишда қуйидаги муҳим чораларни кўрсатиб ўтиш ўрнили.

**Овқатланиш структураси.** Овқатланиш структурасини асосий моддалар, масалан, оксил билан кўпроқ баланслаштиришни ҳисобга олиб, анча ўзгартириш талаб қилинади.

Замонавий тасаввурларга биноан озиқ - овқат оксили дефицитини бартараф этишга комплекс ёндашиш асосини қуйидаги йўналишлар ташкил қилади:

– ҳайвонлар ва ўсимликлар оксили ишлаб чиқаришнинг асосан қишлоқ хўжалиги ва бошқа усулларини жадаллаштириш;

- ноанъанавий хомашё, яъни ўсимликлардан олинадиган оксилдан кенгроқ фойдаланиш самарали технологияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар. Масалан, бугдой уни кепадиган ва бугдой ҳосили йиғиштириб олинганидан кейин мамлакат далаларида такрорий экин сифатида экишга мўлжалланган соядан оксил олиш;

- озик - овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун таркибида оксили бор хомашёни олиш, қайта ишлаш ва сақлаш бўйича замонавий ва илғор технологияларни яратиш.

Бундан ташқари, турли хил озик - овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун зарур, олдиндан таркиби белгиланган функционал композициялар яратиш мақсадида оксиллар билан асосий микронутриентлар (липидлар, полисахаридлар ва бошқалар)нинг ўзаро таъсирини ойдинлаштирувчи чуқурлаштирилган тадқиқотлар ҳам талаб қилинади.

**Витаминлар таъминоти.** Кулинария, яъни овқат тайёрлаш жараёнида 40%гача А витамини, 20 – 30%гача В витаминлари гуруҳи ва 60% гача С витамини йўқотилади. Шунга боғлиқ равишда аҳоли истеъмол қиладиган маҳсулотларда витаминларни етарли таъминлайдиган янги технологиялар ишлаб чиқиш зарур.

**Маҳсулотларнинг даволаш - профилактик хусусиятлари.** Ҳаётнинг жадаллашуви, атроф - муҳитнинг ифлосланиши, кўпчилик касб ишчилари меҳнат шароитининг нохушлиги кишилар организмнинг ташқи муҳитнинг зарарли таъсирига қаршилик кўрсатиш қобилиятини сусайтиради. Бу эса ўз навбатида турли касалликлар билан оғриш хавфини туғдиради, уларни анъанавий даволаш эса кўпинча бошқа касалликларни чақиришга олиб келадиган кўшимча ҳодисалар билан кечади. Шу сабабларга кўра фан олдида даволашга ва профилактикага қаратилган озик - овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиясини яратиш бўйича муҳим вазифалар турибди. Бундай маҳсулотларни ишлаб чиқиш касаллар аҳволини яхшилаши, кенг тарқалган касалликлар билан оғриш хавфини камайтириши, инсон организмнинг нохуш иш шароитларига адаптациясини енгиллаштириши мумкин.

**Болаларни овқатлантириш.** Болаларни юкори сифатли озик - овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муаммоси давлат даражасида устувор ҳисобланади. Аммо барча ёшдаги болаларни озик - овқат билан таъминлаш долзарб, кечиктириб бўлмайдиган ҳолатда жиддий. Бу ерда ўз ечимини талаб қилувчи қатор илмий - техник

муаммолар мавжуд: барча категория болалар учун замонавий юқори сифатли озиқ - овқат маҳсулотлари яратишнинг илмий асосларини, хомашёда ва тайёр маҳсулотларда зарарли моддалар миқдорини аниқлашнинг энг янги усулларини ишлаб чиқиш; болалар организмнинг ривожланишида алоҳида нутриентларнинг ролини ўргатиш; оммавий талаблар ва даволаш - профилактика мақсадларини қондирадиган маҳсулотларнинг илмий асосланган рецептураси ва ассортиментини ишлаб чиқиш.

**Озиқ - овқат хомашёси ва маҳсулотларининг хавфсизлиги.** Кўпдан - кўп омилларнинг таъсири натижасида озиқ - овқат маҳсулотлари кимёвий, биологик табиатга эга потенциал хавфли ва зарарли моддаларнинг манбаига айланиб қолиш мумкин.

Атроф-муҳит, шу жумладан, озиқ - овқат маҳсулотларини пестицидлар ва озиқавий қўшимчалар билан ифлосланишининг инсон организмга зарарли таъсир этиш хавфи озиқ-овқат маҳсулотларининг микроорганизмлар ва микроб энтеротоксинлари билан ифлосланиши хавфидан тахминан 100000 марта кам. Озиқ - овқат маҳсулотларини микроблар билан ифлосланиш ҳоллари ва у билан боғлиқ бактериал табиатга эга озиқавий захарланишнинг тез-тез учраб туриши катта таҳлика тугдирмоқда. Озиқ - овқат маҳсулотларининг микроорганизмлар билан ифлосланиши уларни қайта ишлаш, транспортда ташиш жараёнида юз беради, ускуна ва жиҳозлар, хизмат кўрсатувчи персонал, ҳаво, сув, ёрдамчи ҳамда қўшимча материаллар ва моддалар микроблар манбаи бўлиши мумкин. Микроорганизмларнинг ҳар қандай фаолияти маҳсулотларда кимёвий ва биологик ўзгаришлар келтириб чиқаради. Асосан, бу жараёнлар нохуш кечеди ва маҳсулотлар консистенцияси, рН, таъминини ўзгаришига, баъзида унинг батамом бузилишига олиб келади.

Озиқавий захарланишни қақирадиган микроорганизмлар алоҳида эътибор талаб қилади. Бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилоти озиқ - овқат маҳсулотларининг микроорганизмлар билан захарланиш даражаси ва озиқавий захарланишнинг тез - тез қайтарилиб туришига қараб озиқ - овқат маҳсулотларининг қуйидаги рўйхатини ишлаб чиқди.

*Категория 1* – Кўп ҳолларда озиқавий захарланишнинг тўғридан - тўғри манбаи ҳисобланадиган озиқ - овқат маҳсулотлари ёки уларнинг компонентлари, масалан, қаймоғи олинмаган сут, қуритилган сут маҳсулотлари, қаймоқ кремли ундан қилинган кондитер маҳсулотлари.

*Категория 2* – Озиқавий заҳарланиш манбаи ҳисобланадиган озиқ - овқат маҳсулотлари ёки уларнинг компонентлари, масалан, бошоқли ғалла ўсимликларидан тайёрланган маҳсулотлар, меланж, асал, шоколад.

*Категория 3* – Тайёрлаш жараёнида санитария талабларига риоя қилинмаган ҳолда озиқавий заҳарланишга сабаб бўлиши мумкин бўлган озиқ - овқат маҳсулотлари ёки уларнинг компонентлари, масалан, унли кондитер маҳсулотлари учун масаллик.

*Категория 4* – Айрим ҳолатларда озиқавий заҳарланишнинг сабабчиси озиқ - овқат маҳсулотлари ёки уларнинг компонентлари, масалан, тез музлатилган мевалар билан тайёрланган маҳсулотлар.

*Категория 5* – Хавфсизлигини таъминлайдиган термик ишлов берилган озиқ - овқат маҳсулотлари ёки уларнинг компонентлари, масалан, галетлар, креккерлар, печенье, обаки карамеллар.

*Категория 6* – Асосий маҳсулотни булғовчи, озиқавий қўшимчалар, масалан бўёқ ва ароматик моддалар желатин, агар, ферментлар.

Озиқ - овқат маҳсулотларини микробиологик кўрсаткичлар бўйича меъёрлаштириш анча мураккаб, чунки кўп омилларни ҳисобга олишга тўғри келади: маҳсулотнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг физик - кимёвий хоссалари, ишлаб чиқариш технологияси, сақлаш шарт - шароитлари, транспортда ташиш масалалари ва бошқалар.

Масаланинг илмий томони шундаки, озиқ - овқат хомашёсида ва маҳсулотларида зарарли моддаларнинг миқдорини ҳамда уларнинг микробиологик кўрсаткичларини қатъий белгилашга илмий асосланган методологик ёндашишларни ишлаб чиқиш ва ифлослантирувчи моддаларни идентификациялашнинг ўзига хос аниқ методикасини яратиш зарур.

Озиқ - овқат хомашёси ва маҳсулотларини кимёвий ва микробиологик булғаниш муаммоси ҳозирги даврда жуда жиддий ва давлат назорат органларининг доимий эътиборини талаб қилади.

## **5.2. Қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлашнинг асосий илмий муаммолари**

Жамиятда кечаётган демографик ўзгаришлар, меҳнат характеридаги ва ҳаёт тарзидаги ўзгаришлар, мавжуд экологик ҳолат шароитида хомашё ресурслари ва уларнинг хавфсизлигини ҳолисона баҳолаш, алоҳида макро ва микронутриентлар ва уларга



хамроҳ моддаларнинг инсон овқатланиши ҳақидаги янги маълумотлар озиқ-овқат маҳсулотларига ўз талабларини қўймоқда.

Кўп мамлакатлар олимлари томонидан бажарилган фундаментал ва амалий тадқиқотлар натижасида, озиқ-овқат саноати тармоқлари мутахассислари тўплаган тажрибани ҳисобга олган ҳолда технологик ва аппаратлар билан бутлаш бўйича ечимлар анча кенгайди, бу эса замонавий талабларга биноан янги авлод маҳсулотлари яратишга имконият беради.

Озиқ - овқат саноати тармоқларини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш билан боғлиқ энг асосий муаммоли масалаларга тўхталиб ўтамиз.

### **Озиқ - овқат оқсил**

Озиқ - овқат оқсили ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни кўпайтириш соғлом овқатланишнинг энг зарур ва мураккаб вазифасидир. Аҳолининг овқати таркибини таҳлил этиш озиқавий оқсилнинг дефицити ҳақида далолат беради, бу ҳолат анъанавий усуллар билан уни ишлаб чиқариш етарли эмаслигини тасдиқлайди. Бу масалани ҳал этиш икки йўл билан амалга оширилиши зарур. Биринчиси – таркибда оқсили бор маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг қишлоқ хўжалиги ва бошқа анъанавий усулларини аста - секин жадаллаштириш ва иккинчиси янги манбалардан ва иккиламчи хомашёдан оқсил моддалар олиш бўйича технологияларни ишлаб чиқиш.

Озиқ - овқат оқсили ишлаб чиқаришни ривожлантириш қатор ижтимоий - иқтисодий ҳолатлар билан боғлиқ:

1) Озиқ - овқат оқсили дефицитини бартараф қилиш.

Жинси ва ёши хусусиятларини ҳамда фаолият характерини ҳисобга олган ҳолда аҳолининг физиологик эҳтиёжлари меъёрларига биноан суткада киши бошига ўртача 75 г., жумладан 41,3г. ёки 55% ҳайвон оқсили истеъмол қилиш лозим.

Бунда оқсилнинг бир қисми маҳсулотни қулинар қайта ишлаш, сақлаш ва транспортда ташиш жараёнида йўқолади.

Ҳозирги даврда умуман оқсилни, биринчи навбатда ҳайвонлардан олиннадиган оқсилни истеъмол қилиш бирмунча камайиши кузатилмоқда. Бу масалани ҳал этиш бир вақтнинг ўзида умумий истеъмол қилинадиган оқсил миқдорини кўпайтириш ва унинг сифатини ошириш имконини беради.

2) Белгиланган кимёвий таркибга эга озиқ - овқат маҳсулотларининг саноатда ишлаб чиқарилишини ташкил этиш. Бу диабет ва атеросклероз каби касалликларни олдини олиш учун муҳим озиқ - овқат маҳсулотлари таркибини яхшилаш масаласини ечиш имконини беради.

3) Озиқ - овқат оксиди ингредиентларини оптимал комбинациялаштириш асосида юқори тўйимлилиқ ва функционал хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган юқори сифатли арзон озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш.

Оксидли суолтиргичларни асосий маҳсулот оксидлари билан комбинациялаштирилганда аминокислоталар балансини ва пировард маҳсулотнинг витамин ва минерал комплексларини сақлаб қолиш жуда муҳим.

Озиқ - овқат оксиди олиш учун хомашёнинг баҳоси ва уни гўшт масса бирлигига эквивалент ҳажмини қайта ишлашни ҳисобга олган ҳолда, бошқа мамлакатлар тажрибаси кўрсатиши бўйича, дуккакли, ёғли ўсимликлар ва бугдой донларидан ўсимлик оксидларини саноат йўли билан ишлаб чиқариш афзалроқ.

Оксидли тўлдирувчи ва бойитувчилардан гўшт консервалари, гўшт фарши, уй ҳайвонлари учун консервалар, унли ва арзонроқ кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқаришда, тез тайёрланадиган нонушта учун қуруқ аралашмалар рецептурасида, болалар овқати аралашмалари ва алоҳида рационлар ишлаб чиқаришда фойдаланилмоқда.

4) Эмизиладиган болаларни боқиш учун аралашма, профилактик ва маълум мақсадга йўналтирилган маҳсулотлар каби ихтисослаштирилган озиқ - овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Бу соҳадаги асосий технологик ишланмалар қуйидаги маҳсулотларни олишга йўналтирилган:

– белгиланган молекуляр – массали ва аминокислотали таркибга эга оксидли маҳсулотлар;

– маълум структура ва технологик хоссаларга эга оксидли препаратлар – юқори сорбцион ҳажмли препаратлар – гелеобразователлар;

– оксид - полисахарид, оксид - липид композитлари ва биологик фаол микронутриентларга эга оксид композитлари;

– профилактик ва даволовчи овқатланиш маҳсулотлари учун озиқавий композитлар.

Бу мақсадлар учун қуйидаги технологияларни ривожлантириш зарур:

Маълум фармакологик хоссали ноанъанавий хомашёдан оксилли препаратлар олиш; турли функционал ва медик - биологик хоссаларга эга оксилли композитлар олиш.

5) Технологик функционал қўшимчалар ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Оксилли препаратлар озиқ - овқат тизимларида қайта ишлаш, сақлаш, истеъмол қилиш жараёнларида муҳим хусусиятлар берувчи технологик функционал қўшимча сифатида кенг фойдаланилади, масалан, ранг, таъм, ҳид, эрувчанлик, дисперсланиш, бўқиш, гель ташкил этиш ва бошқалар.

Юқори концентрацияли ўсимлик оксиллари олиш учун хомашё манбаларига ҳозирги вақтда биринчи навбатда соя ва буғдой қиради.

### **Озиқ - овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ферментлар**

Микроб фермент препаратлари биокатализаторлар сифатида озиқ - овқат, энгил, кимё ва бошқа саноат тармоқларида кенг қўлланилади. Бу ҳолда технологик жараёнлар анча жадаллашади, тайёр маҳсулотнинг чиқиши кўпаяди, унинг сифати яхшиланади, хомашё ва материаллар сарфи камаяди, экологик ҳолат яхшиланади.

Дастлабки маълумотлар бўйича табиатда ферментларнинг умумий сони 25 мингга тақрибан етади, улардан 2100 таси расмий равишда рўйхатга олинган, озиқ - овқат саноатида деярли 20 та фермент қўлланилади.

Хорижий мамлакатларда фермент препаратлари ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш тез суръатлар билан ўсмоқда.

Озиқ - овқат саноати қуйидаги фермент препаратларига катта эҳтиёж сезмоқда:

$\beta$  - амилаза крахмал - патока тармоғи учун (мороженое ва кондитер ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган мальтоза ва мальтоза патокаси олиш);

$\beta$  - глюконаза пиво ва спирт саноати учун;

$\beta$  - галактозидаза глюкоза ва галактоза олиш мақсадида лактозани гидролиз қилиш учун.

Юқори ҳароратга чидамли  $\alpha$  амилаза ва пуллуланаза пиво, крахмал - патока ва спирт саноати тармоқлари учун; нордон ва

яримнордон протеаза пиво саноати, озиқ - овқат ва ҳайвонларга бериладиган аминокислоталар ҳамда болалар овқатлари учун.

Ушбу тўлиқсиз рўйхат шундан далолат бермоқдаки, деярли барча қайта ишлаш саноати тармоклари мавжуд фермент препаратлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, маълум ва тавсия этилган препаратларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва янги самарали ферментларни яратишга муҳтож.

### **Озиқ - овқатга қўшимчалар**

Озиқ - овқат қўшимчалари – мустақил озиқ - овқат маҳсулотлари сифатида қўлланилмайдиган, хомашё, яримфабрикат ёки тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ёки уларга зарур хусусиятлар бериш мақсадида таркибига алоҳида киритиладиган табиий, сунъий ёки синтетик моддалар гуруҳи.

Қўллашга фақат шу ҳолатда ижозат бериладиги, агар озиқ - овқат қўшимчаларидан узоқ вақт фойдаланиш инсон соғлиғига хавф туғдирмаса.

Улар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- 1) маҳсулотларнинг ташқи кўринишини яхшиловчи моддалар;
- 2) маҳсулот консистенциясини тартибга келтирувчи моддалар;
- 3) ароматик ва бир оз ширинлик киритувчи моддалар;
- 4) озиқ - овқат маҳсулотларини яхши сақланиш муддатларини оширувчи моддалар;
- 5) маҳсулотга алоҳида фойдали хусусиятлар берувчи моддалар.

Озиқ - овқат қўшимчалари инсон томонидан қадимдан бошлаб фойдаланиб келинган: туз, зироворлар – қалампир, чиннигул, долчин, асал ва бошқалар.

Европа Иктисодий ҳамкорлик мамлакатларида 296 озиқ - овқат қўшимчалари классификацияланган, уларнинг «Е» литерали рақамли кодификацияси ишлаб чиқилган. У озиқ - овқат маҳсулотлари учун халқаро озиқ - овқат қўшимчалари рақамли кодификация тизими сифатида ВОЗ – ФАО (Бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилоти – БМТнинг Бутун дунё озиқ - овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти) кодексига киритилган. Ҳар бир озиқ - овқат қўшимчасига уч ёки тўрт рақамли номер берилган (Европада номердан олдин Е литераси қўйилади).

Е индекси уч рақамли номер билан бирга озик - овқат қўшим-часи бўлмиш аниқ кимёвий модданинг синоними ва номининг қисми ҳисобланади. Уч рақамли идентификацион номер Е индекси билан қуйидагиларни англатади:

- ушбу аниқ модда хавфсизликка текширилган;
- белгиланган хавфсизлик ва технологик зарурият доирасида модда қўлланилиши (тавсия этилиши) мумкин;
- бу модда учун озик - овқат маҳсулотларининг маълум сифат даражасига эришишда зарур тозалик мезони ўрнатилган.

Озик - овқат қўшимчаларнинг рақамли кодификация тизимита асосан, уларнинг классификацияси фойдаланиш доирасини эътиборга олган ҳолда қуйидаги тартибда кўринади (асосий гуруҳлар):

- Е 100 – Е 182 – бўёқлар;
- Е 200 – Е 299 – консервантлар;
- Е 300 – Е 399 – антиоксидловчилар (антиоксидантлар);
- Е 400 – Е 449 – консистенцияни барқарорлаштирувчилар;
- Е 450 – Е 499 – эмулгаторлар;
- Е 500 – Е 599 – кислоталикни тартибга солувчилар, юмшатувчилар;
- Е 600 – Е 699 – таъми ва ароматни кучайтирувчилар;
- Е 700 – Е 800 – бошқа информатсион имкониятлар учун индекслар захираси.

Масалан: Е 102 – тартаразин, Е 200 – сорбин кислотаси, Е 210-бензой кислотаси, Е 236 – чумоли кислотаси ва бошқалар. Ушбу рўйхатга киритилган кўпчилик озик - овқат қўшимчалари комплекс технологик функцияларга эга, улар озик - овқат тизимининг хусусиятларига боғлиқ ўзини намоён этиши. Масалан, қўшимча Е 339 (натрий фосфат) кислоталикни тартибга солувчи, эмулгатор ва стабилизатор, комплекс ташкил этувчи ва сув ушлаб турувчи агент хоссаларини намоён этиши мумкин.

Гигиеник аниқ белгилаш мақсадида ҳар бир ҳолатда ҳар қандай озик - овқат қўшимчасининг энг охириги чегарагача мумкин бўлган концентрацияси (ПДК) экспериментал равишда асослаб бериллади. ПДК – организмга узоқ вақт давомида ҳар куни таъсир этиб туришига қарамай, инсон саломатлигида ўзгаришларга олиб келмайди.

Янги қўшимчаларни озик - овқат қўшимчалари сифатида қўллаш имконияти ҳақидаги қарор ФАО – ВОЗ халқаро ташкилотларининг эксперт кўмиталарида кўриб чиқилади.

Озиқ - овқат қўшимчаларини ишлаб чиқариш жадал ривожланаётган саноат тармоғи ҳисобланади.

### Озиқ - овқатга биологик фаол қўшимчалар (БАД)

Озиқ - овқатга биологик фаол қўшимчалар (БАД) ёки food supplements, нутрицевтиклар, парафармацевтиклар кундалик ҳаётга нисбатан яқинда кириб келган терминлар. Лекин профилактик ва даволаш мақсадларида ўсимлик ва ҳайвонлардан олинган турли фаол табиий компонентлардан фойдаланиш узоқ қадимдан маълум.

БАД – бу натурал ёки натуралга айнан ўхшаш бевосита қабул қилишга ёки озиқ - овқат маҳсулотлари таркибига киритишга мўлжалланган табиий биологик фаол концентратлардир. Улар ўсимлик, ҳайвонлар ёки минерал хомашёдан кимёвий ва биологик усуллар билан олинади. БАДлар қаторига ошқозон - ичак тракти микрофлорасига таъсир этувчи бактериал препаратлар (зубиотиклар) ҳам киради.

Нутрицевтикларга – эссенциал нутрицевтикларга – озиқ - овқат табиий ингредиентларига витаминлар ёки уларнинг олдинги шакллари (масалан в – каротин ва бошқа каротиноидлар), политўйинмаган  $\omega$  – 3 (ПТЁК) қатор ёки бошқа қатор ёғ кислоталари, алоҳида минерал моддалар ва микроэлементлар: темир, кальций, селен, цинк, йод, фтор; алоҳида аминокислоталар, моно ва дисахаридлар, озиқавий толалар (целлюлоза, пектин ва бошқалар) киради.

Нутрицевтиклардан фойдаланиш қуйидаги имкониятларни туғдиради:

– ҳамма жойда кўпчилик аҳолида аниқланган эссенциал озиқ - овқат моддалари дефицитини тездан бартараф этиш;

– соғлом кишини, унинг жинси, ёши, жисмоний юкламасининг шиддати ҳамда унинг жисмоний ҳолати, яшаш шароитининг экологияси, индивидуумнинг генетик хусусиятлари билан боғлиқ равишда овқатланишни индивидуаллаштириш;

– ҳаста кишининг озиқ - овқат моддаларига ўзгарган физиологик эҳтиёжини маълум даражада қаноатлантириш;

– ксенобиотикларнинг боғланишини кучайтириш ва организмдан чиқишини тезлатиш.

БАД – нутрицевтикларни қўллаш семириш, атеросклероз ва бошқа юрак - қон томир касалликларини, хавfli ўсимта, иммунодефицит ҳолатлари каби кенг тарқалган сурункали касал-

ликларни олдини олиш ва ҳатто даволашнинг самарали шакли ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда БАД, озик - овқат маҳсулотларида уларнинг доний этишмовчилиги ва липид алмашишининг бузилиши, хусусан атеросклероз касаллигининг профилактикаси ва даволашда юқори самарадорлиги туфайли, политўйинмаган ёғ кислоталари (ПТЁК) ва фосфолипидлар манбаси сифатида ўзига алоҳида эътибор тортмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, ПТЁК овқатланишнинг эссенциал фактори сифатида унинг миқдори овқат маҳсулотлари энергетик қувватининг 4 дан 6%гача улушини ташкил этиши керак. Бунда ПТЁК  $\omega - 6$  / ПТЁК  $\omega 3$  нисбат соғлом инсон рақioniда 10:1, липид алмашуви патологияси ҳолатларида эса 5:1 ва ҳатто 3:1 ни ташкил этади. Аҳолининг амалда овқатланиши устидан мониторинг кўрсаткичлари далолат беришича, ПТЁК организмга 10:1 дан то 30:1 гача нисбатда келиб тушмоқда. Бошқача айтганда, биз доимо  $\omega - 3$  қатор ПТЁК дефицитини сезмоқдамиз, яъни ҳужайра мембраналарини структур - функционал шакллантиришда  $\omega - 6$  қатор ПТЁК каби биологик роль ўйнайдиган  $\omega - 3$  ПТЁК, хусусан -  $\sigma$  -линол, эйкозапентаен ва докозагексаен кислоталари этишмайди. Бу ҳолатдан чиқишни бирдан - бир йўли БАД концентратлари - ПТЁК - 3 ва ПТЁК - 6 ни оптимал нисбатда кенг қўллашдан иборат. Улар гипертония, юракнинг ишемия касалликлари, тромбозлар, қандли диабет ва бошқа хасталикларда яхши самара беради.

Таркибида фосфолипидлар мавжуд БАДларнинг юқори самарадорлиги маълум, улар организмнинг антиоксидант тизимлари фаоллигини кучайтиришга қўмаклашади, липидларнинг ҳаракати тизимида транспорт қилиш жараёнини нормаллаштиради.

БАД витаминларнинг қўшимча манбаи сифатида тиббий амалиётда кенг фойдаланилади.

Кейинги йилларда дунёнинг ихтисослашган етакчи компаниялари витаминлар билан бир қаторда кўпчилик эссенциал минерал моддалар ва микроэлементлар қўшилган юқори даражада инсон организмда ўзлаштириладиган мураккаб комплекс витамин - минералли БАДлар ишлаб чиқаришни тобора кенгайтирмоқдалар.

Шуни таъкидлаш керакки, алоҳида элементларнинг биологик роли улар билан аҳолини таъминланганлик даражаси ҳақидаги илмий маълумотлар тобора кўпроқ тўлланиши муносабати билан комплекс БАДларга қўшиладиган микроэлементлар сони ҳам ошиб

борадн. Масалан, шундай микроэлементлардан бири селен, у озик - овқатнинг муҳим антиконцероген омили ҳисобланади. Ҳозирги даврда БАД – Биоселен Россияда саноат масштабида кенг ишлаб чиқарилмоқда.

Органик кислоталар, биофлавоноидлар, кофеин, биоген аминлар, олигопептидлар, баъзи олгосахаридлар ва бошқа натурал компонентлар БАДларнинг бошқа гуруҳи – парафармацевтиklar каторига киради. Улар рационнинг энергетик кийматлари йиғиндисини камайтиришга кўмаклашади ва семириб кетишнинг олдини олиш ва даволашда қўлланилади.

Бундан ташқари, ошқозон - ичак микрофлораси нормал таркибини ушлаб туришни ва функционал фаоллигини таъминлайдиган БАД гуруҳи (зубиотиклар) ҳам кенг қўлланилади.

Тиббий амалиётда БАДнинг турли модификацияларига эътибор ва қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

**Болаларнинг овқатланиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

Озик - овқат саноатининг сут, мева-сабзавотконсерва, гўшт, паррандани қайта ишлаш, ёғ - мой ва бошқа тармоқлари корхоналари негизида болаларнинг овқатланиш маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш жиддий масала бўлиб қолмоқда.

Чунки, ҳозирги даврда болалар овқати маҳсулотлари асортимент гуруҳининг асосий қисми, яъни суюқ ва пастасимон сут маҳсулотлари, қуритилган адаптацияланган аралашмалар, донлар асосидаги қуритилган маҳсулотлар, мева-сабзавот ва гўшт консервалари мамлакатимизга четдан келтирилмоқда.

### **Умумий овқатланиш**

Умумий овқатланиш – агросаноат комплекси қайта ишлаш ва озик - овқат тармоқларининг маҳсулотларини бевосита истеъмолчи столига етказиб берадиган занжирнинг энг муҳим ҳалқасидир. Умумий овқатланишнинг социал - иқтисодий роли катта, чунки фақат ташкилий овқатланиш орқали илмий асосда рационал даволаш - профилактик, ихтисослаштирилган овқатланишни ҳамда ўқувчилар, олий ва ўрта ўқув юртлари талабаларининг, алоҳида контингентнинг овқатланишини амалга ошириш мумкин.

1992 йилда баҳоларнинг либерализация қилиниши истеъмол бозоридаги ҳолатни тубдан ўзгартириб юборди, умумий овқатланиш корхоналарининг маҳсулот ва товарлари баҳосининг ўсишига



олиб келди, бунинг оқибатида умумий овқатланиш тизими хизматидан фойдаланувчилар сони бир неча марта камайди.

Умумий овқатланиш корхоналари кенг ассортимент пазандачилик ва кондитер маҳсулотлари ҳамда озиқ - овқатлар тайёрлайдилар. Уларни ишлаб чиқариш учун турли - туман озиқ - овқат хомашёси талаб қилинади, чунки пазандачилик маҳсулотлари хомашё турларидан фойдаланиш, қўлланиладиган тайёрлаш усуллари бўйича кўп компонентли тизимлар сирасига киради.

Яримфабрикатлар ва тайёр маҳсулотлар сифати ишлаб чиқариш жараёнининг қуйдаги босқичларда шаклланади:

– озиқ - овқат хомашёси ва яримфабрикатларини сифати ва миқдори бўйича қабул қилиш;

– хомашёни ишлаб чиқаришга тайёрлаш: элаш, ювиш, тозалаш, музидан тушириш, майдалаш ва ҳоказо;

– ўз яримфабрикатларини тайёрлаш: сабзавот, балиқ, гўшт, ундан қилинган, шўрва ва бошқалар;

– хомашё ва яримфабрикатларни зарур ҳолатгача пазандалик усуллари билан тайёрлаш: қайнатиш, димлаш, қовуриш, тоблаш, ёпиш ва ҳоказо;

– олдиндан тайёрлаш, шаклга киритиш, маҳсулотни сотишга жўнатиш;

– яримфабрикат ва тайёр маҳсулотни сақлаш.

Шундай қилиб, пазандачилик ишлаб чиқаришнинг турли технологик жараёнлардан иборат мураккаб тизимдир.

Маҳсулот ва хизматларни сертификациялашнинг бошланганлиги умумий овқатланиш тизимида сифатни оширишнинг муҳим омили. Уни муваффақиятли ўтказиш учун меъёрий асос яратиш лозим.

Мавжуд технологик жараёнларни такомиллаштириш, илмий - техника тараққиёти ютуқлари асосида янги технологиялар ва жараёнларни яратиш ва ўзлаштириш умумий овқатланиш корхоналарининг ишини яхшилашда катта имкониятлар беради.

Иккиламчи озиқ - овқат ресурслари, ноанъанавий ўсимлик ва ҳайвонот хомашёсидан физиологик тўла қимматли оксил моддалари (изолятлар, концентратлар, текстуратлар ва бошқалар) ишлаб чиқариш ҳамда турли қўшимчалар – ароматизаторлар, яхшиловчилар, юзали - фаол моддалар, модификацияланган крахмаллар, декстринлар, пектинлар ва бошқалар олиш бўйича реал имкониятларни ҳисобга олган ҳолда уларнинг технологик хоссаларини

Ўрганиш ва шу асосда янги пазандачилик ва кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқиш энг муҳим заруриятга айланди.

### **5.3. Озиқ - овқат ва қайта ишлаш тармоқларида фупдаментал ва амалий тадқиқотларнинг асосий йўналишлари**

Аҳолининг турмуш даражаси кўп жиҳатдан агросаноат комплексининг ҳолати ва ривожланиш даражасига боғлиқ. Истеъмол бозори асосан қишлоқ хўжалик хомашёсидан тайёрланган озиқ - овқат маҳсулотлари ва товарлари ҳисобига шаклланади.

Озиқ - овқат саноати тармоқларининг асосий вазифаси фан талабларига мос равишда саломатлик учун хавфсиз, биологик тўла қимматли озиқ - овқат маҳсулотларини аҳолининг ҳамма гуруҳларига зарур миқдорда ва ассортиментда ишлаб чиқаришдан иборат.

Қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишлаш ва озиқ - овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияси, маълумки, кимё, механика, теплотехника, электротехника, экология, биофизика, биокимё, микробиология, биотехнология ва бошқа илмий йўналишларнинг ютуқларига асосланади. Бу соҳалардаги энг сўнгги ютуқлардан фойдаланмасдан туриб саноатни ривожлантиришнинг янги босқичига ўтиш, қишлоқ хўжалик хомашёсини комплекс қайта ишлаш самарадорлигини ошириш, юқори сифатли озиқ - овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, чикиндиларни минимизациялашга эришиш мумкин эмас.

Янги озиқ - овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш хомашёни қайта ишлашнинг замонавий индустриал методларига, автоматлаштирилган узлуксиз технологик жараёнларга асосланади. Қўлланилаётган технологик жараёнлар дастлабки қайта ишланадиган хомашё бўйича одатда универсаллик билан характерланади. Шу тўғрисида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси ошади, баҳоларнинг мавсумий кўнгилисиз тебраниши камаяди, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва сифати юксалади, озиқ - овқат хомашёсининг оксил ва бошқа қимматли компонентларидан чикиндисиз комплекс фойдаланиш таъминланади.

Устувор вазифалардан бири – хомашёнинг сифати муаммоси. Зарур саноат талабларини илмий асослашга имкон берадиган қонуниятларни, ўзаро боғланишлари ва трансформацияларини аниқлаш мақсадида ўсимлик ва ҳайвонот хомашёсининг физик, механик, иссиқлик, масса алмашиш, электрофизик, реологик, органолептик

ва бошқа хоссаларини макро ва микромолекуляр даражада тадқиқ этиш зарур.

Бу тадқиқотларнинг натижаси ўсимликлар ва чорвачилик соҳасидаги (янги сортлар селекцияси, чорва ҳайвонларининг наслчилиги) олимларга ҳамда хомашёни ва уни қайта ишлаш жараёнларини назорат ва таҳлил этишнинг янги методларини ишлаб чиқувчиларга бирдек зарур. Назарийёт ва амалиёт нуқтаи назаридан энг муҳим масала хомашё сифатининг кваллиметрик моделини яратиш ўз ечимини кутмоқда. Унинг ёрдамида хомашё муҳим турларини стандартизациялаш ва сертификациялашнинг энг умумий илмий принципларини белгилаш мумкин бўлар эди. Бу эса юқори озикавий қийматга эга экологик хавфсиз маҳсулотлар ишлаб чиқаришга кўмаклашади.

Хомашё ва тайёр маҳсулотларни сақлаш ва транспортда ташиш муаммолари етарли даражада илмий ишлаб чиқилмаган. Мутахассислар озик - овқат маҳсулотларини транспортда ташиш ва сақлашга ишлаб чиқариш технологик циклининг таркибий қисми сифатида қарашлари керак. Турли хил озик - овқат маҳсулотлари ташиш учун махсус транспорт яратишни илмий асослаш билан ҳеч ким шугулланмайди. Хомашё ва тайёр маҳсулотлар учун совуқхоналар ҳамда омборлар турини оптималлаштиришга ягона ёндашиш ҳалигача ишланмаган, улар кескин етишмайди, фақат 30 – 35% омборлар сунъий совутиш ускуналари билан жиҳозланган.

Озик - овқат маҳсулотларини ўраш, жойлаш билан боғлиқ тара ва ўраш материалларининг янги турларини ишлаб чиқиш масалалари юқориди келтирилган муаммоларга бевосита бориб тақалади. Чакана савдога жўнатилаётган маҳсулотларнинг ўртача 30 – 35% қадокланади.

Хомашё – ишлаб чиқариш – маҳсулот – реализация умумий циклида маҳсулотнинг сифатини сақлашга қаратилган саноатнинг қайта ишловчи тармоқлари ва маҳсулотни истеъмолчига етказиб бериш тизимлари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш зарур.

Озик - овқат ишлаб чиқаришнинг ўзида технологик жараёнлар билан бевосита боғлиқ илмий муаммолар энг муҳим ва кўп қирралидир. Фундаментал фанларнинг энг янги ютуқлари асосида биологик тўла қимматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, аҳоли ҳамма гуруҳларининг овқатланиши ҳақидаги фан

талабларига жавоб берадиган озик - овқат технологиясининг умумий назариясини яратиш вазифаси турибди.

Ўсимлик ва чорвачилик хомашёсидаги оксилларда, липидларда, карбонсувларда ва бошқа компонентларда юз бераётган ўзаро боғланишлар ва ўзгаришларнинг қонуниятлари бу умумий назария асосида ётиши керак.

Фақат озик - овқат саноати муҳотида ва уларни қайта ишлашда юз бераётган гидродинамик, электродинамик, электрокимёвий, биологик ва бошқа жараёнларни чуқур ўрганиш асосида принципал янги технологияларни яратиш, маълум технология, ускуна – жиҳозларни ҳамда ишлаб чиқаришни таҳлил ва назорат қилувчи асбоб ва приборларни тубдан такомиллаштириш мумкин.

Маълумки, корхоналарнинг замонавий техник ҳолати дунё даражасидан анча орқада. Асосий фондларнинг эскириши 50 дан 60%гача ташкил этади. Озик - овқат корхоналари учун зарур кўпчилик жиҳозларнинг кичик қисми мамлакатда тайёрланади. Улар ҳам юқори баҳода, техник даражаси бўйича хорижий намуналардан орқада. Бўш моддий база сабабли аҳолига қайта ишланган ҳолда етказиб бериладиган кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ривожланган мамлакатларга нисбатан бир неча марта кам, яъни ўрта ҳисобда 10%ни ташкил этади.

Қайта ишлаш тармоқларини техник қайта қуроллантиришни тезлаштириш ва уларда илғор технологияларни самарали қўллаш учун иқтисодий механизм ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини ишлаб чиқиш зарур. Имтиёзли кредитлар ва солиқлар, олинган фойданинг кўпроқ қисмини қайта ишлаш корхоналарини модернизация ва реконструкция қилишга йўналтириш имконини беради. Эластик амортизация сиёсат ишлаб чиқиш ҳам зарур. Бу чоралар замонавий озик - овқат индустрияси яратишда катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида таҳлил этилган куйидаги қарорлари:

«Озик - овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш ва уни 2012 – 2015 йилларда ривожлантириш чоралари ҳақида» ва «Кишлоқ хўжалик хомашёсини чуқур қайта ишлаш, тайёр истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича қўшимча чоралар ҳақида» Республикада озик - овқат саноати тармоқларини ривожлантиришда катта қадам бўлди.

Бугун аҳолининг овқатланишида оқсил дефицити, айниқса, хайвон оқсили етишмаслиги маълум. Бу дефицитни бартараф этиш мақсадида ўсимлик ва хайвон оқсилларини анъанавий ва ноанъанавий хомашёдан олиш ва рационал фойдаланиш, чорвачилик хомашёсини қайта ишлашда иккиламчи хомашёдан ҳамда соя, нўхат, бугдой каби галла турларидан комбинациялашган озиқ-овқат маҳсулотлари яратишнинг илмий асосланган усуллари ишлаб чиқишни тезлатиш лозим. Бу ҳолда даволов ва диетик овқатланиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўпаяди, қишлоқ хўжалик хомашёсини чиқиндисиз комплекс қайта ишлаш таъминланади. Маълумки, йилига озиқ-овқат саноати тармоқларида катта миқдорда иккиламчи ресурслар ва маҳсулотлар пайдо бўлади, улар озиқ-овқат маҳсулотлари олиш ва техник мақсадларда фойдаланиш учун қимматли хомашё. Бу ресурсларнинг кўпчилиги ҳозир хайвонларни боқиш мақсадида ишлатилади, бир қисми канализацияга ташлаб юборилади. Шунга кўра қишлоқ хўжалик хомашёсининг барча таркибий қисмларидан рационал фойдаланишни таъминлайдиган технологияларни ишлаб чиқиш илмий тадқиқотларда устувор йўналиш ҳисобланади.

Генетика ва ген инженерияси асосида озиқ - овқат микробиологиясининг фундаментал назарий асосларини ишлаб чиқиш шундай микроорганизмлар турини ва уларнинг бактериал концентратини тайёрлаш имкониятини берадики, улар сифатли маҳсулотлари олиш бўйича янги ишлаб чиқаришлар яратиш ва традицион ишлаб чиқаришларни жадаллаштиришда кўмаклашади.

Ҳозирги даврда кичик цехлар, корхоналар тўғрисидаги масала жиддий тус олган. Бозор шароитида уларни ташкил этишни тўхтаиб қўйиш мумкин эмас. Лекин бу масалада фан ўз позициясини аниқлаб олиш керак. Йирик корхоналарнинг устунликлари ҳаммага маълум, аммо кичик корхоналар ҳам ўз ўрнини топиши зарур, айниқса, тез бузиладиган қишлоқ хўжалик хомашёсини етказиб бериш мураккаб ҳудудларда уларни жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Бу энг аввало сут, полиз маҳсулотлари, ноанъанавий мойли хомашё турлари ва бошқаларга тегишли.

Кичик цехлар, корхоналар қуришнинг мақбуллиги чиқиндиларсиз ишлаб чиқаришни яратиш ва қишлоқ хўжалик хомашёсини чуқур комплекс қайта ишлаш имкониятлари ҳамда пировард маҳсулотнинг сифати ва баҳоси билан аниқланиши керак.

Юқорида баён этилган ҳолат ва ёндашувлардан келиб чиқиб агросаноат комплекси озик - овқат ва қайта ишлаш тармоқларида фанни ривожлантиришнинг устувор масалаларини шакллантиришда илмий тадқиқотлар ва ишланмалар ўтказишнинг қуйидаги асосий йўналишларини белгилаш мумкин деб ҳисоблаймиз:

– замонавий тиббий - биологик талабларни ҳисобга олиб экологик хавфсиз, оммавий ва даволов - профилактик мақсадларга мўлжалланган озик - овқат маҳсулотларининг янги авлодини олиш технологияларини ишлаб чиқиш;

– аҳолининг озикланиш структурасини такомиллаштириш асоси сифатида озик - овқат инженириасида фойдаланиладиган экологик хавфсиз, олдиндан белгиланган аминокислоталар таркибли ва турли функционал хоссаларга эга оқсил композитлари ишлаб чиқиш;

– ноанъанавий ва арзон хомашёдан тайёрланган қўшимчалардан фойдаланган ҳолда озик - овқат маҳсулотлари олиш технологияларини ишлаб чиқиш;

– янги физик, биокимё ва микробиологик усулларга асосланган кишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишлаш ресурс тежамкор технологияларини ишлаб чиқиш;

– парҳез, даволов - профилактик маҳсулотлар ва болалар овқати маҳсулотларининг янги авлодини олиш технологияларини ишлаб чиқиш;

– кишлоқ хўжалик хомашёсини биоконверсиялаш асосида фермент препаратлари, ароматизаторлар ва озик - овқат кислоталари олиш биотехнологик жараёнларини ишлаб чиқиш;

– биокимёвий жараёнларни тадқиқ этиш, янги, экологик хавфсиз, биодеградацияланадиган ўраш материалларини қўллаш ҳамда муҳитнинг таркибини назорат қилиш ва тартибга солиш усуллари асосида кишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлашнинг замонавий методларини ишлаб чиқиш;

– маҳсулотларнинг таркиби ва биологик қиммати устидан аналитик назоратни таъминлаш.

Саноатнинг озик - овқат тармоқлари бир хил мақсад, хомашё ва тайёр маҳсулотлар сифати ва хавфсизлигига принципиал ягона талаблар, хомашёни қайта ишлаш умумий ёндашувларга эга. Бу эса озик - овқат фанининг барча йўналишларида фундаментал ва устувор змалий тадқиқотлар прогнозлари ва режаларини ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

Келтирилган маълумотлар ва материаллар гувоҳлик беришича, озиқ - овқат ва қайта ишлаш саноати олдида кўпқиррали ва мураккаб вазифалар турибди.

Шуни таъкидлаш лозимки, бозор иқтисодиётининг шаклланиши доимий ўзгаришлар, юқори даража ноаниқлик, таваккалчилик шароитида кечмоқда ва инновацион жараёнларни бошқаришнинг турли соҳаларида мутахассислардан чуқур ва ҳар томонлама билим талаб қилмоқда. Замонавий менежментни эгаллаш борган сари кўпроқ актуал тус олмоқда.

Ватанимиз иқтисодиёти ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва биринчи навбатда маҳсулот бирлигига энергия сарфларини тежаш, унинг рақобатбардошлигини ошириш, асосий фондларни янгилаш, техник ва технологик модернизациялаш каби масалаларни ечиш заруриятини тобора жиддийроқ сезмоқда. Шуни тан олиш керакки, бугун фақат айрим бошқарув жамоалари бу масалаларини самарали ҳал этишга тайёр.

Замонавий раҳбар, агар у бозор иқтисодиёти шароитида муваффақиятли фаолият кўрсатишга интилса, у доимо ўз устида ишлаши ва билимларини такомиллаштириб бориши ҳамда хорижий ҳамкасблари тажрибасини ўрганиб бориши, инновацион менежмент соҳасида барча янги ва илгор ғояларни амалиётда қўллай билиши зарур.

Жиддий илмий таъминотсиз олдинда турган муаммолар тугунини ечиш мушкул.

Ҳозирги даврда мамлакатда зарур лаборатория – экспериментал базага эга тармоқ илмий муассасалари амалда йўқ. Шунга боғлиқ равишда озиқ - овқат саноати тармоқларига моҳияти бўйича яқин Республика Фанлар академияси илмий тадқиқот институтларидан бирини, унда йирик олимлар ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда озиқ - овқат саноати тармоқларининг илмий муаммолари билан шугулланишга ихтисослаштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

## Фойдаланган адабиётлар ва материаллар

1. Газета « Народное слово» от 20 января 2012 г. № 14 (5404)

Доклад Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова на заседании Кабинета Министров, посвящённом основным итогам 2011 года и приоритетам социально-экономического развития на 2012 год. « 2012 год станет годом поднятия на новый уровень развития нашей родины».

2. Газета «Народное слово» от 19 января 2013 г. № 13 (5657)

Доклад Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова на заседании Кабинета Министров, посвящённом итогам социально-экономического развития страны в 2012 году и важнейшим приоритетным направлениям экономической программы на 2013 год «Наша главная цель – решительно следовать по пути широкомасштабных реформ и модернизации страны».

3. Пол Шаркань. Мировая продовольственная проблема. –Москва: «Экономика», 1982 г.

4. Н.И.Назаров, А.С. Гинзбург, С.М. Гребенюк и другие. Общая технология пищевых производств. –Москва: «Лёгкая и пищевая промышленность», 1981.

5. В.Б.Толстогузов. Экономика новых форм производства пищевых продуктов. –Москва: Экономика, 1986.

6. Коллектив авторов. Основы управления инновациями в пищевом подкомплексе АПК (наука, технология, экономика. Под редакцией академика В.И.Тужилкина). –Москва: Издательский комплекс МГУПП, 1997.

7. Стратегия развития пищевой и перерабатывающей промышленности Российской Федерации на период до 2020года.

8. Современное состояние и перспективы развития пищевой промышленности РФ.

9. Хамидов Н.И. Использование местных ресурсов в производстве продуктов питания в Узбекистане (обзор). –Ташкент: УзНИИНТИ, 1985г.

10. Хамидов Н.И. К проблеме развития продовольственной отраслей перерабатывающей промышленности Узбекистана. –Ташкент, Журнал «Пищевая и перерабатывающая промышленность», №1, 1993г.



11. Абдураимов И., Хамидов Н.И., Карабаев М., Муратов Т. Биотехнология: Перспективы применения в производстве продуктов питания и их компонентов. Экспресс – информация. –Ташкент: ГФНТИ, 1994г.

12. Хамидов Н.И. О современном состоянии и перспективах развития отраслей пищевой индустрии Республики Узбекистан на период до 2010 года. –Ташкент, Журнал «Кимё ва кимё технологияси», №3, 2005 год.

---

## УН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САНОАТИ

Маълумки, дон етиштириш ва қайта ишлаш жараёнлари минглаб йиллар аввал ажодларимиз томонидан кашф этилган ҳамда бу борада халқимиз бебаҳо тажрибаларни қўлга киритган.

Нон – ўзбек халқи дастурхонининг кўрки, муқаддас таом саналиб, халқимизнинг турмуш тарзи шу муқаддас неъмат билан чамбарчас боғлиқ бўлиб келган. Халқимизда нон азалдан илоҳий неъмат сифатида эъзозланади. Ҳатто ноннинг ушоғини исроф қилиш ҳам гуноҳи – азим саналади.

Инсониятнинг онгли ҳаётга ўтиши асносида янги кашфиётларга имкон яратилган, темирчилик деҳқончиликнинг келиб чиқишига, унинг милоддан аввалги IV минг йилликда кашф этилиши эса, дон етиштириш, уни қайта ишлашни ўрганишга ва шу асосда минглаб йиллар давомида бу соҳани такомиллаштиришга замин яратган.

Дастлабки пайтларида донни майдалашда кели, ёрмачок ва бошқа оддий ускуналардан фойдаланилган.

Чор Россияси ва собиқ иттифок республикаимизни хомашё базасига айлантириш мақсадида пахта якка ҳоқимлигига эътибор қаратилиши – ажодларимиз томонидан дон етиштириш борасида қўлга киритган ютуқларининг унутилиб кетиш хавфини уйғотди.

Шунингдек, бу даврда ижтимоий меҳнат тақсимооти яхши йўлга қўйилмаган, собиқ иттифокнинг таназули унга қарашли бўлган барча давлатларда у ёки бу соҳада катта иқтисодий муаммоларни келтириб чиқарган эди.

Бу инкироз Ўзбекистон учун, аввало, дон танқислиги масаласини келтириб чиқарди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида халқимиз эҳтиёжини қондириш мақсадида Ўзбекистон катта маблағ эвазига четдан дон ва дон маҳсулотларини олиб келар, ҳали оёққа туриб олмаган ёш давлатимиз учун бу молиявий жиҳатдан анча қийинчиликларни келтириб чиқарар эди.

Ўша давр дон маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш технологияларига алоҳида эътибор беришни тақозо этди. Бу борада мамлакатимизда стратегик йўналишлар белгиланди ва пировард натижада дон мустақиллигига эришилди.

Биз қадимги аждодлар ҳаётини ўрганар эканмиз, ҳали бирор маҳсулот ишлаб чиқаришга имкони бўлмаган қадимги одамзоднинг термачилик ва овчилик орқасидан ҳаёт кечиргани, жумладан, турли ёввойи ўсимликлар билан озиқланганлиги тарихдан маълум.

Тарихдан биламизки, милоддан аввалги IV - VI минг йилликларда инсоният туб бурилиш даврини бошлаб берди. Чунки бу вақтдан бошлаб одамлар илк бор деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғуллана бошлаганлиги олимлар томонидан аниқланган. Бу бевосита дон экинларининг хонакилаштирилиши билан ҳам боғлиқ.

Бошоқли экинлар етиштириш бронза даврида кенг миқёсда бошланди. Инсоният турмуш тарзининг ўзгариб бориши ва ривожланиши билан бошоқли дон маҳсулотларига бўлган талаб янада ошди, донларидан олинадиган маҳсулотлар (ун, ёрма ва бошқалар)дан нон, турли хил пишириклар ва овқатлар тайёрлаш жараёнлари кашф этилди.

Қадимдан ота-боболаримиз дон ва донни қайта ишлаш услубларини ўзлаштира борганлар, яъни дондан ун олишда икки тошдан иборат ёрмачоқ қўл тегирмони, ёғочдан тайёрланган ўғир, кейинчалик сув тегирмонларини кашф этиб, бу соҳада маҳсулотларнинг сифат ўзгаришларини бошлаб берганлар.

Ҳозирги кундаги тўла автоматлашган йирик корхоналар пайдо бўлиши учун неча минг йиллар вақт талаб этилган. Яқин Шарқда шамол тегирмонлари бундан 3000 йил аввал, Европада эса 1000 йил аввал пайдо бўлган, сув тегирмонлари эса 2000 йил аввал кашф қилинган.

Фан ва техниканинг ривожланиши ўрта асрлар даврида Ўрта Осиёнинг инсоният тамаддуни марказига айланишига олиб келди.

Бу эса дон ва донни қайта ишлаш, дон маҳсулотларидан сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашда ҳам яққол кўринади. Буг машинасини ихтиро этиш, электр энергиясидан фойдаланиш туфайли 150 йил илгари валли станок яратилган бўлиб, ундан ун тортиш жараёнларини жадаллаштириш ва дон эндосперм қисмидан ажратиб олишда фойдаланилган, бунинг натижасида аста-секин сифат ўзгаришига, яъни навли ун ишлаб чиқаришга асос солинди.

XIX асрнинг 80-йилларидан чор Россияси Туркистон қишлоқ хўжалигида ислоҳот ўтказди. Республикамиз ҳудудидаги асосий ерлар давлат ихтиёрига ўтказылган.

Пахта экиладиган майдонларни кенгайтириш асосан, бошқа қишлоқ хўжалик экинлари, жумладан, буғдой, шоли, арпа,

маккажўхори, беда ва бошқа дуккакли экинларни сиқиб чиқариш ҳисобига амалга оширилди. Чоризмнинг бу иқтисодий сиёсати Ўрта Осиёни Россия империясининг арзон пахта етказиб берувчи аграр хомашё базасига айлантиришга йўналтирилганлигидан далолат беради.

Ўрганилган архив материаллари маълумоти шундан далолат берадики, XIX асрнинг бошларида Туркистон ўлкаси ҳудудида бирор-бир йирик дон сақланадиган омборхона бўлмаган: кичик омборхоналар эса лой ва сомон томли иморатлардан иборат бўлиб, кишки ва баҳорги ёмғирлар натижасида ювилиб кетар ва ҳар йили қайта таъмирлашни талаб қиларди.

Ана шундай омборларни фақат йирик ер эгалари ва савдогарларгина қуриш имкониятига эга эдилар, улар деҳқонлардан донни кўпинча ўрилмасдан, яъни йиғиб олинмасдан аввал сотиб олишар, кейин эса уни яна қайта уларнинг ўзларига сотардилар. Аҳолининг асосий қисмини ташкил этувчи камбағал деҳқонлар эса ўзларининг кичик майдонларидан ўриб олган ва асосан, ўз эҳтиёжларига мўлжалланган донни ёрдамчи қурилмалар ёки ўзлари яшайдиган хоналардаги хамбаларда сақлаганлар.

Ўша вақтларда республикамиз ҳудудида бирорта ҳам йирик тегирмон бўлмаган, дондан ун ва ёрма олиш учун ариқ ва каналлар бўйида тарқоқ жойлашган жуда кичик, маҳаллий тегирмон ва обжувозлардан фойдаланилган ҳолос.

Бу тегирмон ва обжувозлар ариқ ва каналларнинг сув режимига тўлиқ боғлиқ қолда ишлаган. Ёз вақтларида уларнинг кўпчилиги тўхтаб қолар, кишда эса умуман ишламасди. Шунга қарамасдан, сақланиб қолган ҳужжатларга асосланиб айтиш мумкинки, Ўрта Осиё мустаамлакага айлантирилгунга қадар ва ундан кейин ҳам ун ва ёрма ишлаб чиқариш бўйича оддий ускуналар бўлган. Бироқ бу тегирмонларнинг асосий қисми ўз вақтида сув босимини ва ирригация тармоқларининг аниқ имкониятларини ҳисобга олмасдан режасиз қурилган эди. Шунингдек, улардан узоқ вақт давомида фойдаланиш натижасида тегирмонлар ҳар йили ишдан чиқиб борарди. Шу билан бир вақтда, шаҳар аҳолисининг ўсиши муносабати билан ун ва ёрмага бўлган эҳтиёж ҳам доимий равишда ўсиб борган.

Бу ҳолат, айниқса, Ўрта Осиёни чор Россияси босиб олгандан сўнг аниқ кўзга ташланди. Бу даврда ўз ҳарбийлари ёрдамида бу ерга Россия империясининг марказий ва бошқа ҳудудларидан

турли-туман корхона эгалари, шунингдек, сургун қилинганлар оқими ёпирилиб кела бошлади. Бу вақтда янги тегирмонлар қурилиши оммавий тус олди ва шу билан бирга, улар йирикрок ўлчамли ун тортадиган дастгоҳлар билан жиҳозланди, сув босими паст бўлмаган, нисбатан катта ва суви кўп каналларга эса икки ва ҳатто учтадан тегирмонлар ўрнатилди, бу уларнинг қувватини аввалгиларига нисбатан кўпайтириш имконини берди.

1867 йилда бугдойни қайта ишлаш учун Европа типдаги биринчи сув тегирмони Тошкентда (Осиё қисмида), иккинчи тегирмон Самарқандда, янада йирикрок учинчи, тегирмон эса 1877 йилда Тошкент шаҳрининг Себзор кўчасидаги канал бўйида қурилган. Тегирмон ускуналари асосан Россиядан келтирилган, унинг биноси эса, темир-бетон пойдевори пишиқ гиштдан қурилган. Тегирмон ускуналарини ҳаракатга келтириш учун Оренбургда тайёрланган махсус узатма (трансмиссия) қурилган. Тегирмон иккита валли станоклар билан жиҳозланган. Ўзининг техник жиҳозланиши ва қуввати бўйича у Туркистон ўлкаси ҳудудида ўша даврдаги тегирмонларнинг энг йириги ҳисобланган. У бир суткада 10 тоннагача навли ун ишлаб чиқарган. Бундай турдаги тегирмонлар қурилиши XIX асрнинг охириларига қадар давом этди. Айнан шундай тегирмон 1879 йил Самарқанд шаҳридаги Сиёб каналига ҳам қурилган. Россия мустамлакачилик сиёсатининг энг фаол йўлбошчиси бўлган Н.К. Романов 1881 йил Тошкентда шолидан гуруч ишлаб чиқариш заводи ва тегирмон қуриб, уни Германиядан олиб келинган ускуналар, машиналар билан жиҳозлаган.

Тошкентдаги ҳозирги 3-ун тортиш заводи Англияда ишлаб турган ун заводи лойиҳаси бўйича бунёд этилган бўлиб, 1885 йилда қурилган.

Унинг қурилиши учун Тошкентнинг шимолий чеккасидаги Салор канали танланган. Барча технологик ускуналар, машина-механизмлар ва 75 от кучига тенг қувватга эга бўлган сув турбинаси Петербургдан олиб келинган.

Бу тегирмон бир суткада 30 тоннадан кўпроқ навли ун ишлаб чиқарган ва 25 йил давомида (1910 йилгача) Туркистон ўлкасидаги энг йирик, техник жиҳозланишига кўра замонавий тегирмон ҳисобланган.

XIX аср охири – XX аср бошларида дон экинлари экиладиган ерлар жадал равишда пахта майдонларига айлантирилди, шу билан боғлиқ ҳолда дон экинлари етиштириш йил сайин қисқара борди.

Санкт-Петербургда илк бор 1914 йили унумдорлиги 60 т/с бўлган, жавдар донидан ун ишлаб чиқарадиган ва барча ускуналари электр токи ёрдамида айланадиган тегирмон курилган.

Ун тегирмонларининг ишлаб чиқариш ва мураккаб технологик жараёнлари кўглаб олимларнинг илмий ишларида ёритилиб келинди. М.В. Ломоносов тегирмон ускуналаридаги тишли гилдирак (шестерна)нинг ишини ўрганиб чиқиб, шу асосда ишқаланиш назариясини, сув билан ишлайдиган тегирмонларни тадқиқ қилиш натижасида эса, гидравлика жараёни ва бу тегирмонларнинг ишини таҳлил қилади.

Профессор П.А. Афанасьев 1876 йили «Ун тегирмони курси» қўлланмасини чоп этади, Д.И. Менделеев 1862 йили «Технология» асарида ун ишлаб чиқариш технологиясини батафсил ёритган бўлса, 1894 йили К.А. Зворикин «Ун ишлаб чиқариш курси» китобини нашр қилади. 1912 йили профессор П.А. Козминнинг «Ун ишлаб чиқариш» қўлланмаси чоп этилиб, 1938 ва 1950 йилларда қайта нашрдан чиқарилган. У олий ва ўрта ўқув юртлари учун асосий ўқув қўлланма ҳисобланган. Бугунги кундаги ун, ёрма ва омикта ем ишлаб чиқариш технологияси соҳалари мутахассис ва олимларнинг 150 – 170 йиллик биргаликдаги тадқиқотлари натижасида фан сифатида шаклланди ва ривожланди.

Россияда технологик жараёнларни бошқариш ва уни ташкил қилишга XIX асрнинг охирилари XX асрнинг бошларида асос солинган. Донни майдалаш технологик жараёнларининг назарий асосларини ишлаб чиқиш, асосан, XX асрга тўғри келади. -

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Украинадаги Одесса озиқ-овқат технологияси институти профессор-ўқитувчилари, лаборатория асбоб-ускуналари билан Тошкентга кўчиб келиб, шаҳардаги собиқ Куйбишев туманининг 2-Сельмаш проездедаги 15-уйга жойлашди.

Институт профессор-ўқитувчиларининг бу ерга жойлашишининг сабаби Тошкентнинг 1- ва 2 - ун тегирмонларининг яқин жойлашганлиги ва уларнинг корхоналарда амалиёт ўтишлари учун қулайлиги эътиборга олинганлигидир. Уруш тугагандан сўнг Одесса озиқ - овқат институти яна ўз шаҳрига қайтиб кўчириш тўғрисида фармон келади. 1945 йил институт раҳбари Нажим

Очилович Бобожонов кўп вақтлардан бери дон ва дон маҳсулотлари корхоналари республика вилоятларида жойлашганлиги ва уларда ишлаётган мутахассисларнинг кўпчилиги Одесса, Москва ва бошқа шаҳарлардаги ўқув юртларини тамомлаганликларини таҳлил қилиб аниқлайди. Вилоятларда жойлашган ун-ёрма корхоналари, дон қабул қилиш ва сақлаш омборлари ҳамда корхоналар учун маҳаллий кадрлар тайёрлаш мақсадида республика раҳбариятига хат билан чиқади. Тошкентда «Ун – элеватор» техникуми очилди. Одесса озиқ-овқат институтининг профессор - ўқитувчиларидан 10 дан ортиги Тошкентда қолиб, техникумда ишлайди.

### **Мустақилликка эришгунга қадар довни қайта яшлаш корхоналари тарихи**

XX аср бошларида Ўрта Осиёда пахта майдонларининг кенгайиб бориши туфайли ўлка иқтисодиёти ўзгарди. Бунинг натижасида каттароқ қувватга эга бўлган товар тегирмонларини барпо этиш зарурияти пайдо бўла бошлади ва Самарканд (1898 й.), Андижон (1901 й.), Тошкент (1909 й.) шаҳарларидаги тегирмонлар қайта қурилиб, бугдой донидан чет эл технологияси асосида бир неча навли ун ишлаб чиқарадиган тегирмонларга айлантирилди.

Мутахассисларнинг эътибори тегирмонларни қайта тиклаш, маҳсулот тайёрлаш учун сарф бўладиган хомашё миқдорини иқтисод қилиш каби чора-тадбирларга қаратилди. 1921 йилда тегирмон саноати озиқ-овқат халқ комиссариати ихтиёрига ўтади. 1922 йили «Хлебопродукт» хиссадорлик жамияти тузилиб, унинг қармоғида «Азияхлеб» трести ташкил топади. Шу йиллардан бошлаб тегирмонлар йириклашиб, майдалари эса аста-секин камая борди. 1932 йили «Азияхлеб» жамияти қайта тузилиб, унинг ўрнига «Средазглавмука» трести ташкил этилади. Бу трест таркибига Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркменистон республикаларида жойлашган ун, ёрма ишлаб чиқарувчи корхоналар кирарди. 1938 йили «Средазглавмука» таркибидаги ун-ёрма корхоналарининг сони 3814 га етди, булардан 24 таси товар тегирмонлари эди. Товар тегирмонлари ялпи маҳсулотнинг салкам 80% ини ишлаб чиқарса, қолган қисми эса қишлоқ хўжалиги тегирмонлари зиммасига тўғри келарди. Шунга қарамасдан, майда тегирмонлар Ўзбекистоннинг қишлоқ аҳолисини ун билан таъминлашга муҳим ҳисса қўшиб келган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида барча корхоналар бир хил навли ун ишлаб чиқаришга ўтказилиб, барча кучлар фронт учун сафарбар этилади. 1950 – 1955 йилларга келиб, кўпгина корхоналар техника билан қайта жиҳозланди, 1955 йилнинг охирларида асосий дастгоҳ бўлган валли станокларнинг 63,5%, ун элаклари, дон тозалайдиган машиналарнинг 64%и алмаштирилди. 1956 йил сентябрь ойида «Средазглавмука» трести ўрнида Республика Дон маҳсулотлари министрлиги ташкил этилди ва унинг таркибига «Узглавмука» трести киритилди. 1992 йилда Республика Дон маҳсулотлари министрлиги концернга айлантирилди, 1994 йили эса «Ўздонмаҳсулот» концерни корпорацияга ўзгартирилди. 2003 йилда эса корпорация ўрнида «Ўздонмаҳсулот» компанияси ташкил топади.

1956 – 1965 йилларда тегирмон саноати олдига ун ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, уннинг сифатини яхшилаш, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичларини юқори кўтариш масалалари асосий вазифа қилиб қўйилди. Шу йилларда йирик ун ишлаб чиқариш комбинатлари қурилиб, дон қабул қилиш пунктларида 25 та кичик ҳажмга эга бўлган, кунига 15 тонна навли ун ишлаб чиқарадиган чет эл тегирмонлари ўрнатилди. Улар кунига 375 тонна ун ишлаб чиқарарди. Ҳаракатдаги тегирмонлар реконструкция қилиниб, улар янги техника ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Юқори даражада механизациялашган тегирмонлар қурила бошланди. Шулар жумласига Фарғона (1962 й.), Янгийўл (1963 й.), Андижон (1965 й.), Самарқанд (1967 й.), Бухоро (1968 й.) ва Навоий (1960 й.)даги тегирмонларни киритиш мумкин. Республикада 1971 – 1975 йилларда кунига жами 540 тонна ун ишлаб чиқариш қувватига эга 7 та корхона: Жиззах (1971 й.), Охангарон (1971 й.), Қўқон (1971 й.), Қарши (1973 й.), Асака (1974 й.), Жомбой (1974 й.) ва Тахиатош (1975 й.) шаҳарларида ишга туширилди. 1980 йили тегирмонлар суткасига 6330 тонна донни қайта ишлаб, маҳсулот олиш қувватига эга бўлдилар, иккинчи жаҳон уруши давридагига нисбатан бир неча марта кўп ун ишлаб чиқара бошлади. 80-йилларда булар қаторига Хонқа ва Учқўрғон шаҳарларида Швейцария лицензияси асосида, кунига 500 тонна уч навли ун ишлаб чиқарадиган тўла автоматлашган тегирмонлар қўшилди.

1966 – 1973 йилларда ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш устида иш олиб борилди. Шу йилларда республика вилоятларидаги



8 та ун комбинатларида умумий унумдорлиги суткасига 1680 тн., умумий ҳажми 193,7 минг тн. бўлган 7 та элеватор қурилди (1-жадвал).

**Ўзбекистон Республикасида 1966 – 1973 йилларда қурилган тегирмонлар ва элеваторлар**

1-жадвал

т/р	Вилоятлар ва туманлар	Корхонанинг тури	Тегирмонларнинг ишлаб чиқиш қуввати, т/с
1	2	3	5
1	Янгийўл	Ун заводи	120
2	Фаргона	Ун комбинати	120
3	Наманган	Ун комбинати	240
4	Нукус	Ун заводи	240
5	Андижон	Ун комбинати	240
6	Самарқанд	Ун комбинати	240
7	Бухоро	Ун комбинати	240
8	Навоий	Ун комбинати	240
	Жами:		1680
			элеваторларнинг ҳажми м.тн
1	Фаргона	Элеватор	27,0
2	Андижон	Элеватор	17,0
3	Самарқанд	Элеватор	27,0
4	Наманган	Элеватор	27,4
5	Бухоро	Элеватор	35,0
6	Навоий	Элеватор	30,8
7	Оҳангарон	Элеватор	29,5
	Жами:		193,7

2-жадвалда кўрсатилган ун заводлари ва комбинатларининг сони 25 йирик товар корхоналаридан иборат бўлиб, уларнинг умумий ишлаб чиқариш қуввати 4610 т/с., шу жумладан, навли унлар ишлаб чиқариш – 4450 т/с ташкил қилган.

1967 йилга келиб, ун маҳсулотларини қопсиз ҳамбаларда сақлаш ва унларни 8 т.ли махсус автомобиллар ёрдамида нон заводларига олиб бориб бериш усуллари жорий этилди. Республикада 1 -

Тошкент ун комбинатида 1967 йили ҳажми 1200 т. тенг бўлган ун омбори қурилди.

Амалга оширилган техникавий тадбирлар натижасида 1973 йилда тайёрлов министрлигига қарашли корхоналарда механизация даражаси 1970 йилга нисбатан 79% ни ташкил этди (2-жадвал).

**Республика нон заводлари ва ун комбинатларида қурилган унларни қонсиз сақлаш цехларининг ҳажимлари**

2-жадвал

№	Нон заводлари	Жойлашган ери	Ҳажми, т	Корхона номи	Жойлашган ҳудудлари	Ҳажми, т
1	1-нон заводи	Тошкент	700	1-ун комбинати	Тошкент	1200
2	2-нон заводи	--/--	700	2-ун комбинати	Тошкент	750
3	3-нон заводи	--/--	700	Ун комбинати	Самарқанд	350
4	4-нон заводи	--/--	625	Ун комбинати	Наманган	90
5	5-нон заводи	--/--	300	Ун комбинати	Андижон	90
6	Булка-қандолат комбинати	--/--	300	Ун комбинати	Оҳангарон	200
7	Нон комбинати	Андижон	500	Ун комбинати	Андижон	200
8	Нон комбинати	Самарқанд	300	Ун комбинати	Жомбой	600
9	Нон комбинати	Наманган	200	Ун комбинати	Наманган	600
10	Нон комбинати	Қарши	300	Ун комбинати	Қарши	600
	Жами:		4625			4680

Ун саноатининг жадал ривожланиши муносабати билан ҳамда республиканинг ун маҳсулотларига бўлган талабини қондириш учун моддий-техникавий базани барпо этишда республика дон

маҳсулотлари саноати ишлаб чиқараётган маҳсулот сифатини доимий равишда назорат қилиши, шунингдек, янги қурилган ун саноати объектлари, хусусан, суткасига 500 тонна донни қайта ишлаш қувватига эга бўлган тегирмонлар ўзлаштирилишини тезлаштириш зарур эди. Бунинг учун маҳсулотнинг сифатини аниқлаш, стандартлаштириш ва сертификатлаш бўйича юқори малакали мутахассислар талаб этиларди ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини тезда ўзлаштириш учун мутахассисларнинг малакасини ошириш, бошқарувнинг ўрта ва юқори поғанасида бўлғуси раҳбарлар захирасини ташкил этиш лозим эди.

### **Ўзбекистонда дон мустақиллигига эришиш ва унинг аҳамияти**

Тарихдан маълумки, Ўзбекистон деярли 130 йил давомида хомашё етказиб берувчи муҳим стратегик объектга айлантирилган, кишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш имконият даражада эмас эди.

Дон маҳсулотлари етиштириш учун ўзимизда катта имкониятлар мавжуд бўлишига қарамасдан, юртимизда жуда кам дон етиштирилди, барча эътибор пахта соҳасига қаратилган, дон эса бошқа республикалардан олиб келинар эди. Мустабид тузум даврида Ўзбекистон иқтисодиёти буткул «марказ»га қарам бўлиб қолганди.

Собиқ иттифок республикаларининг барчасида ҳам турли муаммолар бўлиб, ўн бешта республика иқтисодиёти айнан бири-бирига қарам ҳолда ташкиллаштирилгани сабабли унинг инқирози кундан-кунга кучайиб, янги-янги муаммолар келиб чиқарган эди.

Ана шундай мураккаб шароитда бизнинг эндигина мустақилликка эришган давлатимизнинг олдида кўп миллионли Ўзбекистон халқини доимий ва узлуксиз озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, дон маҳсулотлари билан таъминлаш долзарб масала сифатида турарди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида 500 - 700 минг, нари борса 1 миллион тонна ғалла ишлаб чиқариларди. Бу кўрсаткич жуда кам бўлиб, халқ истеъмоли учун йилига 4,5-5 миллион тонна дон керак эди.

Ўзбекистондан экспорт қилинган пахтанинг катта қисмига дон сотиб олинарди. Бу эса Ўзбекистонда дон маҳсулотлари етиш-

тиришга ниҳоятда катта эътибор қаратиши лозимлигини тақозо этарди.

Шундай мураккаб шароитда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Ўзбекистонда дон мустақиллигига эришиш масаласини долзарб муаммо сифатида кун тартибига қўйди ва бу масалада керакли чора - тадбирлар ишлаб чиқилди. Аграр соҳада қўлланилган тўғри тадбирлар, жумладан, юртимизда фермерлик ҳаракатига катта эътибор қаратилиши кишиларда хусусий мулк тушунчаларининг шаклланишига олиб келди ва буларнинг натижа-сида дон етиштиришда катта ютуқларга эришилди.

Шу тариқа йиллар давомида амалга оширилган тадбирлар ва сарфланган меҳнат ўз самарасини берди. Ўзбекистон минг йиллар олдинги галлачилик анъаналарини тиклади ва бу соҳада ўзининг тарихий кулминациясига эришди.

Агар 1992 йилда 1 миллион 250 минг тонна дон етиштирилган бўлса, 2010 йилга келиб 7 миллион тоннага яқин дон тайёрланди. Том маънода Ўзбекистон дон мустақиллигига эришди (1-диаграммага қаранг).

**Республика бўйича етиштирилган бугдой донининг ялпи ҳосилдорлиги ва давлатга топширилган товар донларининг ҳажми (минг/т)**

1- диаграмма



Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, республикамиз дон мустақиллигига эришгандан сўнг лугатимиздан «уруғлик индустрияси» деган янги атама жой олди.

Дон мустақиллиги дон индустриясининг жадаллик билан ривожланишига катта замин яратди. Ҳозир юртимиздаги мавжуд технологиялар бир неча турдаги ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятига эга.

«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясининг ташкил этилиши ва унинг тизимига дон ва донни қайта ишлаш соҳаларининг киритилиши, аҳолини дон маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикада эришилган ғалла мустақиллигини кафолатлашда уруғлик доннинг сифатини яхшилаш ҳам муҳим ўрин тутди. Шу мақсадда 30 дан ортиқ янги уруғчилик цехлари қурилди. Ҳозир уларда республикамизнинг ўзида етиштирилган 20 дан ортиқ турдаги ғалла навлари уруғи сифатли сараланиб, экиш учун тайёрлаб бериляпти.

Компания тизимидаги корхоналар билан дон етиштирувчилар ўртасидаги муносабатлар икки томонлама тенг асосларда тузилган шартномаларга биноан йил сайин мустақамланиб борапти.

### **Ўзбекистонда ун саноатининг ривожланиши ва унинг истиқболлари**

Ғалла донларидан олинадиган маҳсулотлар (ун-ёрма ва бошқалар)дан қадим замонлардан бери нон, турли пишириклар ҳамда хамирли овқатлар тайёрланган. Чунки улар таркибида инсон организми учун зарур бўлган оксил ва углеводлар мавжуд.

Дон тозалаш технологияси бўйича янги ускуналарнинг яратилиши дон массасида мавжуд бўлган чиқиндиларни юқори самара билан тозалаш, натижада, дондан сифатли маҳсулот олинishiга имкон берди.

Янги, юқори унумдорликка эга бўлган валли станок, рассев ва совуриш - элаш ускуналари ёрдамида майдалаш ва ун тортиш системаларида ёрма - оралик маҳсулотларини турли фракцияларга ажратиш, уларни бойитиш асосида дондан унумли фойдаланиб, уннинг «чиқишини» оширишга эришилди.

Тозаланган донларга шаффофлигига кўра гидротермик ишлов бериш ёрма-дунст маҳсулотлари «чиқиши»нинг ортиши, сифа-

тининг яхшиланиши меҳнат унумдорлиги ва корхона рентабеллик даражасининг ўсишига олиб келмоқда. Соҳанинг ривожланиши ва унинг муттасил такомиллашиш жараёнлари олим ва мутахассислар эътиборини жалб этиб келган. Тегирмон ўзининг тузилиши жиҳатидан жуда мураккаб бўлиб, у механика, физика, назарий механика, автоматика ва бошқа фанлар асосида янада ривожлантирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида илм-фаннинг юқори даражада ривожланиши, ун-ёрма корхоналаридаги янги замонавий техника ва технология билан жиҳозланган тегирмонларни бошқаришда юқори малакали мутахассисларга талаб орта борди.

### **Ўзбекистонда ун - ёрма саноатининг ривожланиши ва унинг истиқболлари**

Ғалла донларидан олинадиган маҳсулотлар (ун-ёрма ва бошқалар)дан қадим замонлардан бери нон, турли пишириклар ҳамда ҳамирли овқатлар тайёрланган. Чунки улар таркибида инсон организми учун зарур бўлган оқсил ва углеводлар мавжуд.

Янги, юқори унумдорликка эга бўлган валли станок, рассев ва совуриш - элаш ускуналари ёрдамида майдалаш ва ун тортиш системаларида ёрма-дунст оралиқ маҳсулотларини турли фракцияларга ажратиш, уларни бойитиш асосида дондан унумли фойдаланиб, уннинг «чиқишини» оширишга эришилди.

Дон тозалаш технологияси бўйича янги ускуналарнинг яратилиши дон массасида мавжуд бўлган чиқиндиларни юқори самара билан тозалаш, натижада, дондан сифатли маҳсулот олинishiга имкон берди.

Тозаланган донларга шаффофлигига кўра гидротермик ишлов бериш ёрма-дунст маҳсулотлари «чиқиши» нинг ортиши, сифатининг яхшиланиши меҳнат унумдорлиги ва корхона рентабеллик даражасини ўсишига олиб келади. Соҳанинг ривожланиши ва унинг муттасил такомиллашиш жараёнлари олим ва мутахассислар эътиборини жалб этиб келган. Тегирмон ўзининг тузилиши жиҳатидан жуда мураккаб бўлиб, у механика, физика, назарий механика, автоматика ва бошқа фанлар асосида янада ривожлантирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида илм-фаннинг юқори даражада ривожланиши, ун-ёрма корхоналаридаги янги замонавий техника ва технология билан жиҳозланган тегирмонларни бошқаришда юқори малакали мутахассисларга талаб орта борди.

Бу масала бўйича 1975 йили собиқ тайёрлов вазири Р.С.Ашуралиев ва академик К.С.Аҳмедовларнинг саъй-ҳаракати билан Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг кимё-технология факультетида, «Донни сақлаш ва уни қайта ишлаш технологияси» кафедраси ташкил этилди. У 1982 йилгача ўз фаолиятини олиб бориб, 150 дан ортиқ инженер-технологлар тайёрлаб берди.

1981 ўқув йилидан «Донни сақлаш ва қайта ишлаш технологияси» ва бошқа озик-овқат масалалари билан шуғулланувчи кафедралар Бухоро озик-овқат ва енгил саноат институтига кўчирилди.

1993 йили «Донни сақлаш ва қайта ишлаш технологияси» кафедраси Тошкент кимё-технология институтида қайта ташкил этилиб, мутахассислар тайёрлашга киришди. Бугунги кунда кафедра уч йўналиш бўйича мутахассислар тайёрламоқда: ун-ёрма ва омихта ем; нон, макарон ҳамда қандолат маҳсулотлари технологияси.

Замон талабига асосан 2001 йилдан бошлаб «Донни сақлаш ва қайта ишлаш технологияси» кафедрасида «Дон маҳсулотлари сақлаш ва қайта ишлаш технологияси» мутахассислиги бўйича магистратура очилди.

Магистрантлар асосан, институт кафедраларида ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Ўсимлик моддалар кимёси», «Умумий ва ноорганик кимё институти», «Микробиология» ва «Тепло-физика» илмий тадқиқот институтлари ҳамда «Don mahsulotlari ilmiy ishlab chiqarish markazi»да ҳамкорлик асосида республика-мизнинг малакавий ёш кадрларини тайёрлаш дастурига асосан назирий ва амалий, илмий тадқиқот ишларини олиб боришмоқда.

Дастурда кўрсатилганидек, ишлаб чиқариш амалиётларини эса Тошкент шаҳри ва республика вилоятларидаги ун-ёрма, нон, макарон ва қандолат ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасида ун-ёрма, омихта ем, нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 2011–2015 йилларга мўлжалланган устувор йўналишлари режалаштирилган.

«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясини барқарорлаштириш, янги техника ва технологиялар билан қуроллантириш натижасида экспорт салоҳиятини ошириш ва ҳаракатдаги корхоналарни модернизация қилиш асосида асосий ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилган. «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси Вазир-

лар Маҳкамасининг 2004 йил 6 августдаги 376-сонли қарорига мувофиқ қайта ташкил этилган.

Қарорда компаниянинг асосий вазифалари белгилаб берилган. Вазифаларнинг асосини фермер хўжаликлари билан шартнома тузиб, давлат эҳтиёжлари учун товар ва уруғлик донларини етказиб бериш ва харид қилиш, уларни жойлаштириш ва сақлашни амалга ошириш ташкил этади. Республика аҳолисини юқори сифатли, навли ун, ёрма, нон ва макарон маҳсулотлари билан, чорвачилик хўжаликларини эса сифатли омихта емлар билан таъминлашни ташкил қилиш юклатилган. Яна асосий вазифалардан бири соҳа корхоналарини модернизация асосида янги техника ва технология билан такомиллаштиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009, 2010, 2012 йиллардаги қарорларига мувофиқ ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ассортиментларини кўпайтириш, инвестиция лойиҳаларни амалда жорий этиш натижа-сида корхона унумдорлигини ошириш каби тадбирлар белгилаб берилган.

Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида чет эл фирма-ларида ишлаб чиқарилган замонавий, тежамкор технологик ускуна-лар ўрнатилган. Соҳа корхоналаридаги нон цехлари модернизация қилиниб, уларга Германиянинг «Wachtel» компанияси ишлаб чиқарган 36 та замонавий технологик линиялар ўрнатилиб ишга туширилди.

Ушбу технологиянинг асосий самарадорликларидан бири, нон пишириш жараёни автомат равишда компьютер ёрдамида паст босимли газ ёқилгида амалга оширилади. Натижада нон маҳсулот-ларининг сифати яхшиланди ва нон ишлаб чиқариш ҳажми ва турлари кўпайди. Электр энергия ва газ сарфи камайди.

2010–2012 йилларида 54 та макарон цехлари ишга туширилди, уларнинг турлари 8 хилдан 15 хилга етказилди.

Шу йилларда 51 та инвестиция лойиҳа амалга оширилиб, 3 та янги омихта цехи, 4 та янги уруғлик цехи ва 17 та уруғлик цехи, 2 та омихта ем цехлари модернизация қилинди. Компания тизимида тегирмон цехларини модернизация қилиш, техник ва технология билан жиҳозлаш, янги нон ва макарон цехларини қуриб ишга тушириш мақсадида Швейцариянинг «Бюлер», Германиянинг «Wachtel», Россиянинг «Русская трапеза» компаниялари билан ҳамкорлик қилиш йўлга қўйилди. Натижада 2012–2013 йилларда



соҳа корхоналарида 29 та янги нон цехларида «Wachtel» компанияси ишлаб чиқарган технологияни ишга тушириш режалаштирилган. Шулардан 3 таси Хоразм вилоятида, 2013 йилда 2 та тегирмон цехи («ГАЛЛА АЛПЕГ» ва «Оқтошдон») корхоналарида 2 та омихта ем цехи («Самарқанддонмаҳсулотлари» ва «Жиззахдонмаҳсулотлари») модернизация қилиш режалаштирилган.

2014 йилда 2 та тегирмон цехлари («Тошкентдонмаҳсулотлари», «Тахياتошдонмаҳсулотлари»), 1 та омихта ем цехи («Оқтош»), 2015 йилда эса 2 та тегирмон («Хонқадон» ва «Боғотдон») цехларида модернизация ишлари амалга оширилади.

«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси мустақиллик йилларида йиллик қуввати 1595 тонна донни қайта ишлашга мўлжалланган 21 та янги тегирмони ишга туширди ва 24 та тегирмон цехларини модернизация қилди.

Юқорида кўрилган техник тадбирлар натижасида «Ховосдонмаҳсулотлари» ва «Попдонмаҳсулотлари» АЖ тегирмонларида модернизациягача бир тонна ун маҳсулоти учун 95 - 110 квт.соат электр энергияси сарфланган бўлса, модернизациядан сўнг 65 - 80 квт.соат электр энергияси сарфланадиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 19 февралдаги 38-сонли қарори асосан, 2008 – 2011 йилларда 10 та, жумладан: «Тошкентдонмаҳсулотлари», «Қорақалпоғистондонмаҳсулотлари», «Бухородонмаҳсулотлари», «Жомбойдонмаҳсулотлари», «Учкўргондонмаҳсулотлари», «Дунё М донмаҳсулотлари»нинг асосий цехларидаги эскирган технологик ускуналар замонавийлари билан алмаштирилиб, маҳсулотга сарф бўладиган электр энергияси сарфи камайтирилди. Нон ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам бу техник тадбирлар ўз самарасини берди. Масалан, йиллик қуввати 41,3 минг тонна нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган 44 та янги нон ва 42 та макарон цехлари ишга туширилган бўлса, шундан 15 та нон цехи модернизация қилинди.

Юқорида айтиб ўтилган корхоналарни модернизация ва техника билан қуролланишнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагиларга боғлиқ:

- корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш;
- иш шароитларини яхшилаш;
- эски, ишдан чиққан технологик ускуналарни янги ҳозирги замон техникаси билан алмаштириш;

- хомашё ва материалларни тежамкорлик билан ишлатиш;
- тегирмонларнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш, модернизация қилиш техника билан қуроллантириш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш.

Тегирмонларни модернизация қилиш ва техника билан қуроллантириш дастурига биноан «Жиззахдонмаҳсулот» АЖ, «Шўрчидонмаҳсулотлари» АЖ, «Қўргонтепадон» АЖ, «Оқолтиндон» АЖ, «Қувадон» АЖ, «Қизилтепа ун заводлари» АЖ ва бошқалар эски, ишдан чиққан ускуналарни янги, замонавийларига алмаштириш натижасида юқорида тилга олинган корхоналарда электроэнергия қувватини пасайтириш, валли станокларда шестерняларни тишли ярим поно тасмага алмаштириш, пневмотранспорт қурилмаларини, механика норияларга ўтказиш ҳисобига соҳада бир йилда 350 млн. сўмга яқин иқтисодий самарага эришилмоқда.

Республикада элеватор саноати ҳам ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда 38 та элеватор бўлиб, уларнинг сизими 1.850.0 минг тоннани ташкил қилади. Истиклол йилларида элеваторларни модернизациялаш жадал суръатларда олиб бориляпти. Жумладан, 2007 йил «Жумазлеватори» АЖ модернизация қилинди.

### **Ёрма маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати**

Ёрма – инсон учун энг муҳим озиқ маҳсулотидир. У овқатланиш рационада мустаҳкам ўрин тутади ва кўп давлатлар аҳолисининг 70% дан ортиқрогини асосий озиқ калорияси билан таъминлайди.

Обжувоз (сув тегирмони) ота-буваларимиз шоли донидан ёрма (гуруч) ишлаб чиқаришда обжувозлардан фойдаланганлар. Обжувозда донни майдалаб ун олиш билан бирга, оклаш натижасида гуруч ёрмаси олинади. Обжувоз энг оддий асбоблардан иборат бўлиб, ҳозирда замонавий механизациялашган мураккаб техник ускуналардан фойдаланилади.

Қадимда Ўрта Осиёда обжувозни ҳаракатга келтириш учун оқар сувдан фойдаланилган, Россия ва бошқа мамлакатларда эса шамол кучи билан ишлайдиган тегирмонлардан фойдаланилган. Обжувоз катта босим (куч) билан новдан тушаётган сув тегирмоннинг паррагига урилиб, унинг тошларини ҳаракатга келтирган. Обжувоз тоши айланishi натижасида унга тегиб турадиган ёғоч воронкани тебратди.

Обжувоз тоши тепасида жойлашган воронкадаги дон аста - секин тошлар орасига тушиб ишқаланиш натижасида окланади ва ёрмага айланади. Ҳосил бўлган маҳсулотлар ҳамбаларда тўпланди. Тўпланган маҳсулотлар қўлда қопларга қадоқланади. Оқар сувлар тўхтаб қолган вақтларда обжувозларга улов қўшиб ишлатилган.

Ўзбекистон Республикаси дон мустақиллигига эришгандан сўнг, республика вилоятларида етиштирилаётган ғалла донлари, жумладан, маккажўхори, шоли, арпа, сули, сорго ва бошқа ёрмабоп донлардан ёрма маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Республикада бозор иқтисодиётига ўтилгандан сўнг кўп турдаги ёрма маҳсулотлари четдан олиб келина бошланди.

Республикамиз аҳолининг ёрма маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида вилоятлардаги мавжуд ёрма заводларини реконструкция қилиш, янгиларини эса замонавий технология ва техника билан жиҳозлаш жадал амалга оширила бошланди. Ишлаб турган ёрма заводларида мумкин бўлган технологик чизмаларни алмаштириш асосида (гуруч – арпа, гуруч – бугдой ёрмаси) арпа, маккажўхори, сорго ва бошқа ёрмабоп донлардан турли ёрмалар ишлаб чиқарила бошланди.

Гуруч ёрмалари ишлаб чиқаётган корхоналарда арпа, маккажўхори, сули каби донларга гидротермик ишлов бериш асосида уларнинг технологик сифатларини ошириш жараёнлари амалга оширилди.

Илмий текшириш институтлари сорго (оқжўхори) донининг физик - кимёвий сифатлари таҳлил қилиниб, шундан сўнг ундан ёрма ишлаб чиқариш тавсия этилди. 2000–2005 йилларда ундан Қорақалпоғистон Республикасида биринчи марта ёрма маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Маҳаллий бугдой донларидан «Тошкентгуруч» корхонасида икки - уч турдаги ёрмалар олина бошланди.

Тошкент кимё - технология институти ва Тошкент медицина институти олимлари ҳамкорликда гуруч оқшоғидан турли пряниклар тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқдилар.

Бу технология ёрдамида ёрмабоп хомашёлардан энг яхши усулларда ёрма маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ишлаб турган ускуналардан рационал фойдаланган ҳолда технологик жараёнларни такомиллаштириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштириш каби ишлар амалга оширилди.

Ёрма – қимматли озиқ - овқат маҳсулоти ҳисобланиб, унинг таркибида фойдали озиқ моддалар концентрацияси бўлиб, яхши ҳазм бўлиши ва юқори калорияга эгаллиги билан ажралиб туради. Ёрманинг озиқавий ва истеъмол қиммати унинг физикавий, кимёвий, коллоид ва биокимёвий хусусиятлари бўлиб, улар ёрмабоп донларнинг технологик жараёнлардан қандай ўтишига боғлиқ.

Технологик жараёнларда ёрмабоп дон массасининг табиий таркиби ва унда учрайдиган қийин ажраладиган чиқиндилар, уларнинг анатомик, механик тузилишини ҳисобга олган ҳолда механик, гидротермик ишлов бериб, стандартга мос сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Оқлаш (гул қобиғвдан тозалаш) цехда ёрма дони инсон организмида ҳазм бўлмайдиган қобиқ ва муртаклардан тозаланади, ёрмага талаб этиладиган шакл берилади, ёрма заррачалар бир хил катталиқда сараланади.

Айрим ёрма корхоналарининг махсус цехларида ёрмабоп дондан бодроклар (хом ва пиширилган), болалар бўтқаси учун қаламчалар ишлаб чиқарилади.

### **Ўзбекистонда ёрма саноатининг барпо бўлиши ва ривожланиши**

Ўзбекистонда аҳоли сонининг ортиб бориши натижасида ун ва ёрма маҳсулотларига бўлган эҳтиёж ҳам ортмоқда, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари қаторида ёрмабоп донлардан тайёрланган турли ёрмаларга истеъмол ўса бошлайди. Тошкентнинг Қўйлик мавзесида жойлашган сув билан ишлайдиган эски гуруч тегирмони (обжувози) асосида 1928 йилда гуруч заводи барпо этилди. Бу корхона бир суткада 30 тонна бир навли гуруч ёрмаси ишлаб чиқарарди. Корхонанинг ишлаб чиқариш техникасини такомиллаштириш ва янги технологияни жорий қилиш эвазига 1944 йилнинг бошида заводнинг суткалик гуруч ишлаб чиқариш қуввати 60 – 65 т. га етказилди.

1945 йилга қадар Ўзбекистонда ёрма заводлари бўлмаганлиги сабабли, маҳсулот четдан олиниб келинар эди.

1960 йилда завод қошида суткасига 80 т. ун ишлаб чиқарадиган тегирмон, 35 т. омихта ем ишлаб чиқарадиган цех, унумдорлиги 160 т. бўлган гуруч ишлаб чиқарадиган цех ишга туширилди.

1969 йили ун тегирмони тубдан реконструкция қилиниб, сутка-сига 100 т. шolini қайта ишлайдиган Тошкент гуруч комбинатиға айлантирилди.

1976 йилга келиб, гуруч комбинати цехларида суткалик гуруч ишлаб чиқариш унумдорлиги 406т. га етказилиб, комбинат маҳсулотлари Афғонистон ва бошқа давлатларға экспорт қилина бошланди.

Қорақалпоғистон, Хоразм ва бошқа вилоятларда серҳосил шולי дони етиштириш натижасида юқори ҳосил олинди.

Қорақалпоғистонда Тахиаташ, Хўжайли, Қонликўл, Шуманай, Чимбойдаги, Хоразм вилоятида Урганч, Хонқа, Боготда гуруч заводлари қурилди.

1975 йил гуруч ишлаб чиқариш 1970 йилдагиға нисбатан бир неча мартаға кўпаяди. Республикамизда ишлаб турган гуруч заводлари сони 13 таға етди.

1994 йилда Сурхондарё вилоятида Музрабод туманида унумдорлиги 100 т/суткаға тенг бўлган янги гуруч заводи ишға туширилди. У Швейцариядан келтирилган усқуналар билан жиҳозланди. Навоий ва Когонда маккажўхори уни ва ёрмаси ишлаб чиқариш йўлға кўйилди.

Шу йили Сирдарё гуруч заводида арпа ёрмаси ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилди. Бу технологиянинг афзаллиги шундаки бир цехда хомашё захирасиға қараб ҳам гуруч, ҳам арпа ёрмаси имконияти яратилди.

Республика дон мустақиллигиға эришилгандан сўнг кишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш саноати соҳаларини ривожлантириш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этди. Мазкур соҳаларнинг ривожланиши Ўзбекистон Республикаси аҳолисини энг зарур озик - овқат маҳсулотлариға бўлган эҳтиёжларини қондириш билан бир қаторда, кишлоқ хўжалик маҳсулотларини янада самаралироқ қайта ишлаш имконини берди.

Юқорида айтиб ўтилган гуруч цехлари тўла реконструкция қилиниб, ишлаб турган корхоналарға эса янги техника ва технологиялар жорий этилиб, улар замон талаблариға жавоб берадиган корхоналарға айлантирилди ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди.

Ўзбекистонда ёрма маҳсулотлари ишлаб чиқариш, минг тн.

3-жадвал

Ёрма турлари	1940	1950	1960	1970	1980	1990	1994	2000	2005
Гуруч ёрмаси	-	-	7.1	81.7	157.9	319.7	239.9	61406	18000
Арпа ёрмаси	-	-	-	-	-	-	1.91	1130	166
Бугдой ёрмаси	-	-	-	-	-	-	-	-	26
Манний ёрмаси	1.92	1.05	1.56	2.46	5.3	5.8	4.6	2928	920
Маккажўхори ёрмаси	-	-	-	-	-	-	-	9.0	-
Муртак ёрмаси	-	-	-	-	-	-	-	9.0	-

Жадвалдаги рақамлардан кўринадики, айниқса, 1970–1990 йилларда гуруч ёрмаси ишлаб чиқариш рекорд даражасига етди. Сўнгги йилларда сув танқислиги сабабли шоли ҳосили камая борди. Гуруч ишлаб чиқаришда чизмаларни алмаштириш йўли билан бир технологиядан иккинчи технологияга ўтиш усулларида унумли фойдаланила бошланди.

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Айзикович Л.Е. Физико – химические основы технологии производства муки. –М.: «Колос», 1975.
2. Абдуллаева Н. Дунё ободлиги Сизлардан. –Тошкент: Ислон Университети нашриёти. 2001 й.
3. Бутковский В.А., Мерко А.И. Мельников Е.М. Технология зерноперерабатывающих производств. –М., 2001.
4. Богданов В.М., Баширова Р.С., Кирова К.А. Техническая микробиология пищевых продуктов. Под ред. проф. Панкратова А.Я. «Пищевая промышленность» –М., 1968.
5. Гафурова Д.А. Качество зерна пшеницы Узбекистана и оптимизация процессов ее переработки. Диссертация канд. техн. наук –Ташкент, 2006.
6. Гиршсон В.Я. Экспериментальные исследования процессов технологии зерна. –М.: Заготиздат, 1949.
7. Данилин А.С., Братухин А.М. Совершенствование технологических процессов на мукомольных заводах. –М.: «Колос», 1976.
8. Дойловский Э.И. Мукомольное и крупяное производства. –М.: АСТ; Донецк: Столкер, 2005.
9. Казаков Е.Д., Биохимия зерна и зернопродуктов и его переработки. –«Колос», 1999.
10. Козьмин П.А., Левинсон И.Н. Американские помолы. –Снабиздат. 1932.
11. Козьмина Н.П. Зерно и продуктов его переработки. –М.: Заготиздат, 1961.
12. Егоров Г.А., Мельников Е.М., Максимчук Б.М. Технология муки, крупы и комбикормов. – «Колос», 1984.
13. Егоров Г.А. Мука. –М., 2003.
14. Егоров Г.А. Управление технологическими свойствами зерна. ИКМГУПП. –М., 2005.
15. Мустакил юрт галласи. –Тошкент: «Ўзбекистон», 2003.
16. Мерко И.Т., Моргун В.А., Погирной Н.Е. М., –«Колос», 1983.
17. История отрасли хлебопродуктов Узбекистана. –Ташкент: «Полиграфическая акционерная компания», «Шарк», 2001.
18. Мишустин Е.Н., Трисвятский Л.А. Микробиология зерна и муки. –М.: Хлебиздат, 1960.
19. Мюллер, Глантер. Микробиология пищевых растительного происхождения. –М.: Пищевая промышленность, 1977.

20. Мирзахметов Т.М. Новое в хранении, подготовке и переработке зерна в Казахстане и за рубежом. –Алматы: КазГос ИНТИ, 1996.
21. Островский Н.И., Крюкова М.А. Полевая культура спорыны в СССР. «Медицинская промышленность» № 12, 1959.
22. Покровский А.А. Введение в кн. Химический состав пищевых продуктов. Справочные таблицы содержания основных пищевых веществ и энергетической ценности пищевых веществ. –М.: Пищевая промышленность. 1976.
23. Тўхлиев Н. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. –Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 1998.
24. Тўрақулов Ё.Х. Биохимия. Тошкент.: «Ўзбекистон», 1996.
25. Турсунходжаев П.М., Айходжаева Н.К. Ун-ёрма технологияси фанидан курс лойиҳасини бажариш учун услубий кўлланма. –Тошкент: ТКТИ, 2003.
26. Турсунходжаев П.М. Ун-ёрма технологиясининг илмий асослари. Ўқув кўлланма. –Тошкент: «Чўлпон», 2006.
27. Турсунходжаев П.М. Разработка и внедрение высокоэффективных технологических процессов в мукомольно - крупяной и комбикормовой промышленности. Дисс. д.т.н.. –Ташкент.: 2000.
28. Чеботаев О.Н., Шаззо А.Ю., Мартыненко Я.Ф. Технология муки, крупы и комбикормов. –Москва: Изд. центр «Март», Ростов на Дону, 2004.
29. «Ўзбек миллий энциклопедияси. № 11–12, Тошкент.: 2002–2006 йй.
30. Правила организации и ведения технологического процесса на мельницах. –М., 1991.



---

## НОН, БУЛКА МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САНОАТИ

Нон қадим - қадимдан улуғланиб инсоннинг кундалик истеъмолида муқаддас азиз ҳисобланган неъматдир. Археологик маълумотларга кўра бошоқли ўсимликлар донларини пишириб истеъмолик қилиш милoddан 10-15 минг йил муқаддам бошланган деб тахмин қилинади. Йирик шаҳарларнинг пайдо бўлиши саноатнинг тараққий қилиши нон ишлаб чиқаришни кенг қўламда ташкил этишни тақозо этди.

Нон энг олий меҳмондўстлик ва муқаддаслик рамзи бўлганлиги, асрлар давомида нонвойлар маҳоратининг ўсиши ва технологик усулларнинг такомиллашуви натижасида ўзбек халқ пазандалигида тандирда ёпиладиган оби, гижда, патир, ширмой нонларнинг ўнлаб хиллари (турлари) яратилган.

Узоқ асрлар давомида шаҳарлар ва йирик қишлоқларда ноннинг юзлаб турлари кашф этилган ва тандирда пиширган нонвойлар шўхрат қозониб келган. Биринчи нон пиширадиган саноат корхонаси – Тошкент нон заводи 1929 йилда ишга туширилган.

Кейинги йилларда барча йирик шаҳарга, туман марказларига, кичик қишлоқларга нон заводлари, нонвойхоналар қурилган. Ўзбекистонда нон саноати европача нон турларини ишлаб чиқарадиган нон заводлари ва нонвойхоналарни қуриш йўналишида ривожланган.

1960–1985 йилларда Тошкент, Жиззах, Нукус, Ангрен каби шаҳарларда катта (100 т/с) ва ўрта (30 т/с) қувватга эга бўлган 15 та нон заводи қуриб ишга туширилди. Нон ишлаб чиқариш корхоналарида миллий нонларни саноат усулида ишлаб чиқариш имкониятини берадиган (Брувер-Салихов, Данько-Семенов) печлари ўрнатилди. 1986 йилда нон корхоналарининг умумий қуввати 18867 т/сутка нон маҳсулотларини ташкил этди (миллий нонлар ҳиссаси 18% бўлди). 1987 йилда нон корхоналари республика Озиқ-овқат саноати вазирлигидан, Дон маҳсулотлари вазирлиги ихтиёрига ўтказилди. Нон саноати корхоналарида нон, нон-булка, макарон ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарила бошлади.

Республика мустақилликка эришгандан кейин, айниқса, шаҳар аҳолисини нон билан таъминлаш мақсадида нон саноати корхоналарини замонавий ускуналар билан қайта жиҳозлаш, нон турларини кўпайтириш йўналишларида муҳим ишлар амалга оширилди. Даҳа ва гузарларда кичик нон корхоналари ишга туширилди. 1995 йилда «Ўздонмахсулот» давлат акциядорлик корпорацияси таркибида 4 нон ишлаб чиқариш бирлашмада (Тошкент, Янгийўл, Фарғона, Қарши) 21 нон заводи ишлади. Бу корхоналарда бир суткада 1300 тоннадан зиёд нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Нон саноати корхоналари «Ўзбекбирлашув» тизимида ҳам ривожланган. Бу тизимда 242 корхона, 3 мингга яқин тандир (нонвойхоналар), кичик корхоналар ва улар бир суткада 2273 тоннадан кўпроқ нон-булка ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарган. Тармоқда энг йирик корхоналар – Тошкент нон саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси деб аталган ва унинг таркибида 6 та нон заводлари бўлган.

Тошкент нон уюшмаси 1995 йил ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда ўз таркибида 36 та нонвойлик корхоналарини бирлаштириб, пойтахт аҳолисини нон, нон маҳсулотлари, қандолат маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда. Аввал Тошкент шаҳрида 6 та нон заводи, бир неча цехлар аҳолининг нонга бўлган талабини тўла қондира олмагани учун Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ шаҳарнинг барча туманларида 1994–1999 йилларда замонавий кичик нонвойлик корхоналар фирма дўконлари билан бирга қурилиб, уларга хорижий ва замонавий дастгоҳлар ўрнатилди. Бунинг натижасида корхоналарни нон ишлаб чиқариш қувватлари суткасига 696 тоннага етказилди, ишчилар сони 1379 тага етди. Аҳолини талабини тўла қондириш учун 37 хил турда, суткасига 400–450 тн. нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, савдо тармоқларига етказиб берилмоқда.

Аҳолини дастурхонига парhezли шифобахш кичик ваззли нон - булка маҳсулотлари етказиб бериш ҳажми 2-3 бараварига ортди.

«Тошкент нон» уюшмаси ҳозирги кунда Республикамиз Президентининг 2003 йил 21 январдаги «Ўзбекистон иқтисодиётига хусусий секторларнинг улуши ва аҳамиятининг тубдан ошириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2003 йил 22 декабрдаги «Хўжалик бошқарув органлари тизимида такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришнинг такомиллаштириш чора - тадбирлари

тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ихтиёрий, нодавлат, нотижорат ташкилот фаолият кўрсатиб келмоқда.

2003 йилга келиб «Ўздонмахсулот» тизимида ҳар бири суткада 3 т.дан 120 т.гача нон ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган 200 дан ортиқ нон заводлари ва кичик нонвойхоналар фаолият кўрсатди. Уларда дунёдаги энг илғор «Винклер» (Германия) ва «Экмосан» (Туркия) каби фирмаларнинг замонавий жиҳозлари ўрнатилган.

«Тошкент нон» нон ишлаб чиқарувчилар уюшмаси ва унинг таркибидаги корхоналар 2008 йил давомида бозор иқтисоди талаблари асосида пойтахтимиз аҳолисини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлашда тегишли вазифаларни бажардилар. 2008 йилда уюшма бўйича 38 миллиард 783 млн. 78 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилишга эришилди, берилган буюртмалар тўла бажарилиб, суткасига 450.0 тн маҳсулот ишлаб чиқарилди. Уюшма таркибидаги корхоналарда маҳсулот сифатини назорат қилишга, ишлаб чиқариш лабораторияларини замонавий жиҳоз ва ускуналар билан тўлдирилди.

Ҳозирги кунда Республикада нон саноати корхоналарида 300 хилдан кўпроқ нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Иён ва умуммиллат соғлиги кўп жиҳатдан овқатланиш рационали билан белгиланади. Мамлакатимиз аҳолиси учун дон ва нон-булка маҳсулотлари – энергия ва озуқа моддаларининг асосий манбаи ҳисобланади. Ушбу маҳсулотлар инсоннинг бир кеча-кундузлик талабини оксиллар бўйича қарийб 25-30% га, углеводлар бўйича – 30-40, витаминлар (айниқса В гуруҳ), минерал моддалар ва озуқа толалари бўйича – 20-25% га қондиради.

Ўзбекистон аҳолисининг овқатланишида нон-булка маҳсулотлари муҳим роль ўйнайди. Мазкур маҳсулотлар кундалик овқатланишда истеъмол этилади, шу боис озуқа қиммати биринчи даражали аҳамиятга эга ҳисобланади. Нонда асосий озуқа моддалари – оксил ва углеводларнинг нисбати қулай эмасдир, яъни тиббий тавсия этилган 1:4 нисбат ўрнига уларда бир қисм оксилга тахминан олти қисм углеводлари тўғри келади.

Ҳозирги кунда аҳолини баланслаштирилган озиқлантириш меъёрлари ишлаб чиқилган бўлиб, унда озиқ-овқатлар алоҳида компонентларининг қулай нисбати ва миқдори кўзда тутилган. Мазкур меъёрлар инсоннинг жинси, ёши ва фаолият доирасига мувофиқ тузилган.

Оқсиллар, углеводлар, ёғлар, витаминлар ва микроэлементларга бой нон-булка маҳсулотларини истеъмол қилиш кам миқдорда моддий харажатлар сарфлаган ҳолда инсоннинг физиологик талабини етарлича тўлдириш имконини беради.

Нон-булка маҳсулотлари – таркибида инсоннинг нормал ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган оқсиллар, углеводлар, липидлар, витаминлар ва минерал моддалари мавжуд озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобланади. Мазкур озиқ-овқат маҳсулотлари юқори энергетик қиммати, енгил ҳазм бўлиши ва яхши ўзлаштирилиши, таъмининг ёқимлилиги, оммавий истеъмол этиладиган бошқа кўпгина маҳсулотларга нисбатан анча арзонлиги билан ажралиб туради.


Дунёнинг кўпгина ривожланган мамлакатларида ноннинг истеъмол этилиш даражаси жами истеъмол этилувчи озиқ-овқатлар умумий вазнининг қарийб 20-25% ини ташкил этади.

Ўртача 250-300 г дон маҳсулотлари (нон, ёрма, макарон маҳсулотлари) истеъмол этилиши ҳисобига инсоннинг бир кунлик талаби овқатланиш бўйича 1/3 қисмга, ҳаётий энергия бўйича – 30-50%, В гуруҳ витаминлари бўйича – 50-60, Е витамини бўйича – 80% га қондирилади. Бугдой, жавдар ва бошқа экинларнинг донлари таркибида В<sub>1</sub>, В<sub>6</sub>, РР, Е витаминлари ва фолат кислотасининг миқдори инсон организмнинг талабига мос келади. Бинобарин, 100 г дон ушбу витаминларнинг ҳар бирига бўлган бир кечакундузлик талабни 20-30% гача қондиради.


Нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни қуйидаги асосий босқичлардан иборат: хомашёни қабул қилиш ва сақлаш; хомашёни ишлаб чиқаришга ва узатишга тайёрлаш; хамир тайёрлаш; хамирни ишлаш; пишириш; пиширилган маҳсулотларни сақлаш ва уларни савдо тармоқларига жўнатиш. Мазкур босқичларнинг ҳар бири ўз навбатида алоҳида, изчил амалга оширилувчи ишлаб чиқариш операциялари ва жараёнларни ўз ичига олади.

Технологик жараён одатда технологик схема билан ифодланади, унда хомашё, яримфабрикатлар ва якуний маҳсулотларнинг технологик оқими турлари, машина ва аппаратларни бириктириш типлари ва усуллари акс этади, шунингдек, технологик жараёнларнинг кетма-кетлиги келтирилади.

## Ноя-булка маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг функционал схемаси



**Бугдой нонини суюқ ачитқиларда опара усулда ишлаб чиқаришнинг функционал схемаси: – яримфабрикатлар**



Технологик жараёни шакллантиришда уни қуйидаги турли схемалар кўринишида ифодалаш мумкин: технологик, функционал ва тузилмавий.

Функционал схема бутун технологик жараёнинг ишлаши тўғрисида, яъни технологик операцияларнинг тартиби ва уларнинг ўзаро алоқаси тўғрисида тушунча беради ва унда оқимлар ҳамда алоҳида элементларнинг тавсифи тўғрисида батафсил маълумотлар мавжуд бўлмайди.

Нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг функционал схемаси расмда келтирилган.

Юқорида бугдой нонини суюқ ачиткиларда оғара усулида ишлаб чиқаришнинг функционал схемаси кўрсатилган. Технологик жараёнинг бундай ишлаш варианты ҳозирги замонавий нонвойликда энг мураккаб жараёнлардан бири ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг энг мураккаб қисми – суюқ ачиткилар, хамиртуруш ва оғарани тайёрлаш ҳисобланади.

Схемада технологик жараёнинг машиналари ва аппаратлари чиқиш ва киришга эга бўлган тўғри тўртбурчаклар кўринишида блоklar ва элементлар билан ифодаланган. Стрелкалар билан моддий ва энергетик оқимларнинг ҳаракат йўналиши кўрсатилган. Тузилмавий схемада ахборот оқимлари акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009, 2010, 2012 йиллардаги қарорларига мувофиқ ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ассортиментларини кўпайтириш, инвестиция лойиҳаларни амалда жорий этиш натижасида корхона унумдорлигини ошириш каби тадбирлар белгилан берилган.

Маъмур лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида чет эл фирмаларида ишлаб чиқарилган замонавий, тежамкор технологик ускуналар ўрнатилди. Соҳа корхоналаридаги нон цехлари модернизация қилиниб, уларга Германиянинг «Wachtel» компанияси ишлаб чиқарган 36 та замонавий технологик линиялар ўрнатилиб ишга туширилди.

Ушбу технологиянинг асосий самардорликларидан бири, нон пишириш жараёни автомат равишда компьютер ёрдамида паст босимли газ ёқилтида амалга оширилади. Натижада нон маҳсулотларининг сифати яшиланди ва нон ишлаб чиқариш ҳажми ва турлари кўпайди. Электр энергия ва газ сарфи камайди.

Компания тизимида тегирмон цехларини модернизация қилиш, техник ва технология билан жиҳозлаш, янги нон ва макарон цехларини қуриб ишга тушириш мақсадида Швейцариянинг «Биолер», Германиянинг «Wachtel», Россиянинг «Русская трапеза» компаниялари билан ҳамкорлик қилиш йўлга қўйилди. Натижада 2012–2013 йилларда соҳа корхоналарида 29 та янги нон цехларида «Wachtel» компанияси ишлаб чиқарган технологияни ишга тушириш режалаштирилган.

**Республикада нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш  
корхоналари сони ва ишлаб чиқариш ҳажми**

Ўзбекистон Республикаси вилоятлари	Нон ва нон маҳсулотлари	
	Корхоналар соли	Ишлаб чиқариш ҳажми, тонна
Жами: шулардан:	904	266720,2
Қорақалпоғистон Республикаси	75	8836,8
Андижон вилояти	89	11090,1
Бухоро вилояти	41	10900,1
Жиззах вилояти	94	6856,2
Қашқадарё вилояти	52	13382,9
Навоний вилояти	52	3859,4
Наманган вилояти	48	12824,6
Наманган вилояти	59	11692,1
Самарқанд вилояти	45	6316,3
Сурхондарё вилояти	97	8280,1
Сирдарё вилояти	47	2722,7
Тошкент вилояти	62	2577,6
Фарғона вилояти	94	5581,1
Хоразм вилояти	41	114097,5
Тошкент шаҳри	60	



## ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Г.М.Медведева «Технология и ТХК макаронного производства» –М.: «Колос» 1998г.
2. И.С.Лурье «Технология кондитерского производства». –М.: Агропромиздат, 1992г.
3. Т.Б.Цыганова, И.В.Матвеева. Справочное пособие по контролю за качеством хлебобулочных и макаронных изделий. Росхлебинспекция. 1999г.
4. М.Г.Васиев, М.А.Васиева, Х.Ж.Илолов, М.А.Саидходжаева. «Нон, макарон қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси» – Т.: «Меҳнат»-2003й.
5. Г.З.Джаҳонгирова, Н.К.Айходжаева. «Нон маҳсулотлари технологияси» маъруза матн. ТошКТИ, 2010й.
6. М.Г.Васиев, М.А.Васиева. «Макарон маҳсулотлари технологияси». Бухоро 2001й.
7. М.А.Талейсник, Л.М.Аксенова, Т.С.Бернштейн. технология мучных кондитерских изделий. –Москва: Агропромиздат. 1986г.
8. Технология приготовления мучных кондитерских изделий: Учебник Л.С.Кузнецова, М.Ю.Сиданова. –Вышшая школа, 2001й.
9. «Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси» фанидан лаборатория ишларини бажариш учун услубий қўлланма. ТошКТИ, 2005й.
10. «Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси» фанидан амалий машғулотларни бажариш учун услубий қўлланма. ТошКТИ, 2005й.
11. А.С.Гришин «Дипломное проектирование предприятий хлебопекарной промышленности» –М.: «Колос» 1986г.
12. И.М.Ройтер «Справочник по хлебопекарному производству» –М.: Пищевая промышленность, 1977г.
13. А.А.Михелев «Справочник по хлебопекарному производству» –М.: 1977г.
14. Сборник рецептур на хлеб и хлебобулочные изделия. –М.: Пищевая промышленность, 1986г.
15. Л.Я.Аузрман. «Технология хлебопекарного производства» –М.: Пищевая промышленность, 1984г.

16. Пучкова Л.И. Лабораторный практикум по технологии ХПП. –М.: «Колос», 1982г.
17. Рецептуры и технологические инструкции по производству хлеба. –М.: «Агропромиздат», 1986г.
18. Азаров Б.М. Технологическое оборудования ХП и макаронных предприятий –М.: «Агропромиздат», 1986г.
19. М.Н.Сигал, А.В.Володарский, В.Д.Тропп. Оборудование предприятий хлебопекарной промышленности. –М.: Пищевая промышленность. 1978г.
20. Н.В.Тульский, Э.В.Теплицкий, В.П.Руденко, В.В.Маслов. Малогогабаритное оборудование хлебопекарных предприятий. –М.: Пищевая промышленность, 1978г.
21. П.М.Турсунходжаев, Р.И.Зупаров, Д.А.Ғофурова «Шарк ширинликлари». –Т.: 2004й.
22. N.K.Ayxodjaeva, G.Z.Djaxangizova. Non mahsulotlari ishlab chiqarish texnologiyasi. «NOSHIR». –Т.: – 2013.

## ҚАҢДОЛАТЧИЛИК САНОАТИ

Қандолатчилик саноати собиқ иттифокда 1922 йилдан бошлаб қайта тиклана бошлади.

Давлат ва кооператив корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган қандолат маҳсулотларининг ҳажми ўттизинчи йилларга келиб анча кенгайтирилди.

Дастлабки йиллар ичида қандолатчилик саноати мавжуд корхоналарни реконструкциялаш ва янгиларини қуриш бўйича давом эттирилди. Асосий ишлаб чиқариш жараёнлари механизациялаштирилди, ишлаб чиқаришнинг технологик режимлари ва хомашё тайёр маҳсулотларни назорат усуллари ишлаб чиқарилди. Қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш жадал суръатларда ўсиб борди ва 1940 йилга келиб 790 минг тоннага етди (ёки 1913 йилдагидан 7 баробарга ошди).

Бу даврда эски қандолатчилик фабрикаларининг кўпчилигида янгидан реконструкциялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш амалга оширилди. Бу тадбирлар «эски» деб аталадиган қандолатчилик фабрикаларида қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни бир неча мартага оширишга имкон берди. Бунга Москванинг учта энг йирик корхоналарининг кўрсаткичлари бўйича ишонч ҳосил қилиш мумкин.

**Қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш мивг тоннада  
1913 й. 1940 й.**

«Красный Октябрь» (о. Эйнем) 7,1	55,4
«Большевик» (о. Сиу).....	5,4 54,8
Бабаева номли (о. Абрикосова) 3,7	41,3

Эски қандолатчилик фабрикаларини реконструкциялаш билан бир қаторда, бу даврда 40 дан ортиқ янги механизациялаштирилган корхоналар қурилди, булар қаторида Баку карамель ва бисквит фабрикаси, Харьков бисквит фабрикаси, Крупская номли Ленинград фабрикаси, Нальчик, Воронеж, Қозон, Новосибирск, Благовещенская, Ашхобод, Тошкент, Гомел фабрикалари, Москва «Ударница» фабрикаси ва бошқалар.

Янги қурилган ва реконструкция қилинган қандолатчилик фабрикалари ишлаб чиқаришнинг асосий участкаларини механизация-

лаштиришга ва бу участкалардаги меҳнат шaroитларини энгиллаштиришга имкон берадиган янги жиҳозлар билан жиҳозланди.

Қандолатчилик саноатини техник қайта жиҳозлаш ва ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш янги тузилган илмий асосланган ишлаб чиқариш технологиялари ва қандолат фабрикаларида лаборатория назоратини ташкил этиш ёрдамида ўтказилди.

Кейинги ривожланиш даврида қандолатчилик саноати учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлашни ташкил этилиши ва 1931 йил қандолатчилик саноати бўйича илмий тадқиқот институтини очилиши янги технологияни ва ишлаб чиқариш назоратини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишга имкон берди.

Янги техникани ўзлаштириш тадбирлари меҳнат самарадорлигини ҳам ошишига имкон яратди.

Қандолат маҳсулотлари қабул қилинган классификация бўйича қўлланиладиган хомашёга, ишлаб чиқариш технологиясига ва тайёр маҳсулотга қараб, иккита катта гуруҳга ва бир катор кичик гуруҳларга бўлинади:

- |                                    |   |
|------------------------------------|---|
| а) шакарли қандолат маҳсулотлари:  | б) унли қандолат маҳсулотлари:                    |
| 1) карамель                        | 1) печенье  |
| 2) конфетлар                       | 2) пряниклар                                      |
| 3) шоколад ва шоколад маҳсулотлари | 3) тортлар, пирожнийлар, (кекс, баба ва рулетлар) |
| 4) пастиломармеладли маҳсулотлар   | 4) вафли.   |
| 5) ҳолва, шарқ ширинликлари        |   |
| 6) ирис                            |   |
| 7) драже                           |   |

Қандолат маҳсулотларининг ассортименти ниҳоятда хилма-хил бўлиб, 800 дан ортиқ турлари бўлган.

Қуйида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, қандолат маҳсулотларининг озикавий қиймати юқори бўлиб, 1 кг маҳсулотда инсоннинг тўла қонли озикланиши учун муҳим бўлган элементлар – углеводлар, оксиллар ва ёғларнинг кўплиги билан тавсифланади.

Маҳсулот турлари	Углевод-лар	Ёғлар	Оқсиллар	Брутто калорияси (дан -гача)
	в г			
Карамель	750-895	0-120	0-34	3760-4650
Конфет	400-865	0-330	0-70	3800-5970
Шоколадли маҳсулотлар	180-550 650-740	200- 400 -	50-240 -	4490-6030 3060-3510
Пастило-мармеладли маҳсулотлар	370-400	300-330	170-190	5450-5560
Ҳолва	670-930	0—175	0—55	3820-4790
Драже	620-670	80-155	110-140	4180-4700
Печенье	340—530	120-390	50-70	3560-5530
Тортлар, пирожнийлар				

### Карамель

Карамель ўзининг қимматбаҳо озиқавий хоссалари, яхши таъми, хушбўйлиги ва ташқи кўриниши туфайли аҳоли ўртасида кенг талабга эга. Шунинг учун мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган барча қандолат маҳсулотларининг 35-40%ини карамель ишлаб чиқариш ташкил этади. Кармелни шакар эритмасини патока билан қайнатиб, то қуруқ моддалар миқдори 97-99% ни ташкил этгунича қуйилтириш ва 70% гача совитилган карамель массасига шакл бериш орқали олинади. Шакл берилган карамелни 35-40 °С гача совитилади.

Бундай ҳароратда карамель аморф ҳолатда қолиб, кейин қаттиқ ҳолга келади ва уни ўраш, қадоклаш ва транспортда ташиш мумкин бўлади.

Қандолат саноатида 1150 дан ортик навларини ўз ичига олган, турли ва кенг ассортиментдаги карамеллар ишлаб чиқарилади.

Саноатда ишлаб чиқариладиган карамелларни иккита асосий гуруҳга бўлиш мумкин:

1) Шимадиган карамель – 30 хил нави бўлиб, ишлаб чиқариладиган карамелнинг 10% ни ташкил этади.

2) Қиёмли карамель – 120 дан ортиқ нави бўлиб, ишлаб чиқариладиган карамелнинг 90% ини ташкил этади.

Шимадиган карамелнинг бир-биридан таъми ва хиди, шакли, ўлчамлари, ранги, юзасига ишлов берилиши ва қадоқланиши билан фарқ қиладиган ҳар хил турлари ишлаб чиқарилади.

Қиёмли карамель қиёмларини тайёрлашда ишлатиладиган хом-ашёга қараб, қуйидаги асосий кичик гуруҳларга бўлинади

### **Қ и ё м л и карамеллар:**

- |             |                    |
|-------------|--------------------|
| а) мевали   | д) сутли           |
| б) помадали | е) ёнғоқ-шоколадли |
| в) асалли   | ж) марципанли;     |
| г) ликёрли; | з) ёғли-шакарли    |
|             | и) қўпиртирилган   |

Энг кўп ишлаб чиқариладиган карамель мевали начинкали карамель бўлиб, уни ишлаб чиқариш барча ишлаб чиқарилган начинкали карамелларнинг 75% ни ташкил этади. Карамелларга таъм ва хушбўй хид берувчи табиий мевалардан тайёрланган начинкаларнинг қўлланиши боис, мевали начинкали карамеллар кенг тарқалган.

### **Карамель ишлаб чиқариш босқичлари**

Карамель ишлаб чиқариш қуйидаги асосий босқичларидан иборат:

- 1) карамель массасини тайёрлаш;
- 2) карамель массасини совитиш ва ишлов бериш;
- 3) начинкаларни тайёрлаш;
- 4) карамелга шакл бериш ва совитиш;
- 5) карамелни ўраш, майда қадоқлаш, қадоқлаш.

Карамель ишлаб чиқаришнинг кўрсатилган босқичларни ҳар бири бир-биридан фабрикаи механизациялаштириш даражаси, ишлаб чиқариладиган карамелнинг гуруҳи ва навига қараб фарқ қиладиган бир қатор жараёнларни ўз ичига олади.

## Конфетлар

Конфетлар гуруҳига шакар микдорининг юқорилиги ва юмшоқ консистенцияси (қаттик қисми) билан фарқ қиладиган шакар асосидаги қандолат маҳсулотларининг ҳар хил турлари киради.

Бу маҳсулотларнинг ассортименти ғоятда хилма-хилдир. Конфетлар юқори озикавий қийматга эга бўлиб, улардан таркибида сут, ёғлар, ёнғоқ ва какао маҳсулотлари бўлган айрим турларини жуда юқори калорияли қандолат маҳсулотларига киритиш мумкин, масалан 100 г маҳсулотда «Ёнғокли батонлар» -505 кал, «Қани олиб кўрчи!» конфетлари -556 кал, «Тянучка»-440 кал. Конфетларнинг навлари қадимдан юқори сифати билан ажралиб туради ва кенг оммабоплиги билан ном қозонган.

Бошқа қандолат маҳсулотлари орасида конфетлар ишлаб чиқариш ҳажми бўйича учинчи ўринда туради (биринчи ўринда-карамель, иккинчи ўринда – унли қандолат маҳсулотлари) ва ҳамма ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг 10-20% атрофини ташкил этади. Конфет ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси уларнинг тури ва навига қараб ўзгаради. Бирок ишлаб чиқаришнинг ҳамма турлари учун умумий ва асосий бўлган қуйидаги босқичларни қайд этиш мумкин:

1. Конфет массасини тайёрлаш;
2. Конфетларга ва конфет массасига қуйиш, эзиш, суркаш ва кешиш йўли билан шакл бериш;
3. Конфетларни безаш, уларни сиртига шакар қиёмини суртиш;
4. Конфетларни ўраш ва қадоклаш.

Конфет массалари ва тайёр маҳсулотлар таркиби ва тайёрлаш усулига қараб, қуйидаги асосий турларга бўлинади:

- |                       |                   |
|-----------------------|-------------------|
| 1) помадали;          | 5) кўпиртирилган; |
| 2) мевали (желели);   | 6) ликёрли;       |
| 3) марципанли;        | 7) грильяжли;     |
| 4) ёнғокли (пралине); | 8) сутли          |

Бир нечта конфет массаларидан тайёрланган конфетлар кўп қатламли ёки оддий қатламли деб аталади.

Тайёрлаш усули ва безатилишига қараб, конфетлар глазуранган ва глазуранмаган (шоколад, помада, карамель) турларга бўлинади.

Конфетлар корпусининг физик-кимёвий хоссалари хомашёдан тортиб, то конфет массасининг таркибига кирувчи ярим тайёр маҳсулотларга ва уларнинг тузилишига боғлиқдир.

1. *Помадали масса*, унинг таркибига кирувчи асосий хомашё ва ишлов бериш усулига қараб, оддий ёки шакарли, қаймоқли ва крем брюлега бўлинади. Оддий ёки *шакарли помада* шакарга патока, инверт шакар ёки инвертловчи моддаларни қўшиб тайёрланади ва у маълум зичликка етгунча қайнатилади ва уриб кўпиртириш ёки аралаштириш орқали совитилгандан кейин, кристалланади.

*Қаймоқли помада* худди шакарли помадага ўхшаб тайёрланади, фақат унга сут қўшилади; крем-брюле помадаси жигар ранггача қайнатилган қаймоқли помададан иборат бўлиб, ўзига хос ёқимли таъмга эга.

2. *Мевали массани мева* қуйқасини шакар ва патока билан қўшиб қайнатиш ва қуюлтириш орқали олинади.

3. *Марципанли масса* қобиғи ва пўстлогидан тозаланган, қуритилмаган ва эзилган бодом, ўрик мағизи ва ёнғокларни шакар билан аралашмаси (хом марципан) ёки эзилган мағизларнинг шакар қиёми билан аралашмаси ёки хом марципанни помада билан (пиширилган марципан) аралашмасидан иборат.

4. *Ёнғоқли масса* (пралине) қовурилган ва шакар, қаттиқ ёғ билан аралаштирилган бодом, ёнғоқ, ер ёнғоқ ва ўрик данаги мағизларининг эзилган, бир хилдаги массасидан иборат.

5. *Кўпиртирилган масса* шакар билан кўпиртирилган тухум оксидига иссиқ шакар-патокали қиёмни қуйиш йўли билан тайёрланади.

6. *Ликёрли масса* ёки ликёр шакар қиёмини маълум зичликкача қайнатиб, спирт, вино ёки коньяк қўшиш йўли билан тайёрланади.

7. *Грильяжли масса* ёки грильяж карамель қиёмига ёғ ва майдаланган ёнғоқ мағизларини қўшиш йўли билан тайёрланади.

8. *Сутли масса* сутли қиёмдан тайёрланган, қисман ёки тўлиқ кристалланган ёки аморф массадан иборат.

Конфет массасининг тавсифига қараб, уларга қўшилган ҳар хил қўшимчалар турлича таъм ва хушбўй хид беради: мевали припаслар (повидло), эзилган ёки майдаланган ёнғоқ мағизлари, сут, қаймоқ,



ёғлар, асал, кофе, какао, цедра, цукатлар, озиқавий кислоталар, эссенциялар ва ш.к., айрим ҳолларда конфет массаларига озиқавий бўёқлар билан ранг берилади.

### Шоколадли массаларни тайёрлаш Шоколад маҳсулотларининг таснифи

Шоколад маҳсулотларини қуйидаги асосий турларга бўлиш мумкин:

- а) плитка, таблетка ва медаль кўринишидаги шоколад;
- б) шакли шоколад;
- в) шоколад глазури

Шоколад плиткалари ясси плитка кўринишидаги шаклга эга бўлиб, оғирлиги 4-100г, сув ва ёғни ўтказмайдиган турли навли қогозга ўралади (фольгага ва подвёрткали ёки подвёртқасиз этикеткага).

Таблетка ва медаль кўринишидаги шоколад плиткали шоколаддан шакли, ўлчамлари ва оғирлиги бўйича фарқ қилади.

Шакли шоколад турлича кўринишда бўлади: кушлар, ҳайвонлар, тухум, банан, кедр ёнғоғи ва ш.к.

Шоколад глазури – оғирлиги 5 кг ли блок кўринишида бўлиб, драже, конфет ва карамелларни глазировкаси ва пирожнийлар, тортлар ва бисквитларни безатиш учун мўлжалланган.

Шоколад маҳсулотлари таркиби ва ишлов бериш сифатига қараб икки гуруҳга бўлинади:

- 1) начинқасиз шоколад
- 2) начинқали шоколад

Начинқасиз шоколадга қуйидагилар қиради:

- 1) қўшимқасиз шоколад: а) десертли; б) оддий.
- 2) қўшимқали шоколад: а) десертли; б) оддий.

Санаб ўтилган шоколаднинг таркибий қисмлари орасидаги нисбати истеъмолчилар дидининг ўзига хос хусусиятларини акс эттиradi ва анча кенг миқёсда ўзгариб туради. Аммо шоколад маҳсулотларининг асосий таркибий қисми бўлган шакар, майдаланган какао ва ёғ какао ўртасидаги миқдорий нисбат маълум чегаралар билан чекланади.

Майдаланган какао аниқ билинадиган ўзига хос аччиқ таъмга эга.

Кузатишлар натижасида шакар ва майдаланган какао 2:1 оғирлик нисбатида (66 қисм шакар ва 33 қисм майдаланган какао) нормал, аниқ билинадиган аччиқ таъмсиз шоколад олиниши аниқланди.

Шакар ва майдаланган какаоинг нисбати 1:1 бўлганда (40 фоизи шакар ва 60 фоизи майдаланган какао), аниқ билинадиган аччиқ таъмли шоколад ҳосил бўлади.

Шоколад фабрикалари ассортиментида какао маҳсулотларининг ҳақиқий миқдори 60%га, шакар миқдори эса (прима нави) 40% гача етади. Лекин какао маҳсулотларининг бундай юқори миқдорини чегара деб ҳисоблаш мумкин. Бу меъёрдан ошиб кетса, шоколад кескин равишда билинадиган аччиқ таъмли бўлади.

Шоколад таркибининг халқаро меъёрларида жуда ширин шоколадда майдаланган какаоинг миқдори 33% дан кам эмас, шакар миқдори эса 57-+60% дан кам бўлмаслиги кўзда тутилган.

Майдаланган какаоинг қўшимчасиз шоколаддаги энг кам миқдорининг чегараси 20-25%, қўшимчали шоколадда 16-18% ни ташкил этади.

Шоколад таркибига кирган майдаланган какаодаги какао ёғи миқдоридан ташқари яна шоколад массасига қўшимча равишда какао ёғи қўшилади. Бу билан шоколаднинг энг яхши технологик ва таъм берувчи хоссаларига эришилади: ёқимли, нозик ва эриб кетувчи таъм берилади.

Какао ёғи шоколадга майдаланган ва мўрт структурани ва қолипларга куйилиш хусусиятларини берувчи асосий компонент ҳисобланади.

Шунга мувофиқ шоколаддаги какао ёғининг миқдори оддий навлари учун шоколад оғирлигига нисбатан 32% ни ва десертли навлари учун 36% ни ташкил этади.

Шоколаднинг десертли навлари асосан яхшилаб эзилиши ва пардозловчи машиналарда ишлов берилиши керак.

### **Ҳолва ишлаб чиқариш технологияси**

Ҳолва – қаватли - толали тузилишга эга қандолат маҳсулоти бўлиб, ковурилган, майдаланган мойли уруғларнинг мағизидан ва кўпик ҳосил қилувчи модда билан уриб, кўпиртирилган карамель массасидан тайёрланади. Ҳолва – Шарк ширинликларидир.

Ҳолва ишлаб чиқариш асосан Осиёнинг жанубий мамлакатларида, Болқон ярим оролида кенг тарқалган.

Ҳолва мазали таъмга эга ва айниқса, бошқа қандолат маҳсулотларига нисбатан таркибига кўра юқори озиқавий қийматга эга бўлган маҳсулотдир: шакар (30-35%), ёғлар (30-35%), тўлиқ қийматли оксил моддалари (15-20%). Ҳолванинг калорияси 100 г да 510-520 ккал га етади. Ҳолвадан фақат ширинлик сифатида эмас, балки тўлақонли овқатланиш маҳсулоти сифатида ҳам фойдаланилади.

Ҳолва таркибидаги ёғ миқдори ва калориясининг кўплиги жиҳатидан шоколад каби маҳсулотларга яқин бўлиб, оксил моддаларининг миқдори ва қиймати бўйича ундан ҳам ўтади.

Ҳолва фақат йирик фабрикаларда эмас, балки унча катта бўлмаган қандолатчилик, консерва ишлаб чиқарувчи корхоналар ва озиқ-овқат саноатининг бошқа соҳаларида ҳам ишлаб чиқарилади.

Ҳолва ишлаб чиқариш схемаси куйидаги босқичлардан иборат:

- 1) тахин ёки бошқа оксил массасини тайёрлаш;
- 2) етмак илдизи қайнатмасини тайёрлаш;
- 3) карамель массани тайёрлаш;
- 4) карамель массани етмак илдизи қайнатмаси билан уриб кўпиртириш;
- 5) ҳолвани аралаштириш;
- 6) ҳолвани кичик қадоқлаш ва қадоқлаш.

### **Шарқ ширинликлари**

Шарқ ширинликлари катта истеъмол талабига эгаллиги бўйича ном қозонган бўлиб, кўп мамлакатларга тарқалган.

Шарқ ширинликлари кўп миқдорда ёғ, шакар, тухум, ёнғоқ, таркибида ёғ бўлган мағизлар, мева қоқилари ва ароматизаторлар каби, уларнинг озиқавий қийматини оширувчи қўшимчаларни кўшиб тайёрланадиган қандолат маҳсулотлари сирасига киради.

Шарқ ширинликларининг ассортименти жуда хилма-хилдир. Тайёрланиш усули, ишлатиладиган хомашёнинг тури, таъми бўйича бу маҳсулотлар учта асосий гуруҳга бўлиниши мумкин:

- 1) унли маҳсулотлар;
- 2) юмшоқ конфет типиди;
- 3) карамель ва манпаси типчда.

Унли махсулотлар қуйидаги номланишда чиқарилади:

- |                     |                            |
|---------------------|----------------------------|
| 1. Арман уй нони    | 15. Қатламали пахлава      |
| 2. Бодом-бура       | 16. Сухуми пахлаваси       |
| 3. Долчинли бисквит | 17. Ёнғокли рулет          |
| 4. Земелах          | 18. Олмали студел          |
| 5. Ванилли Кихелах  | 19. Ёнғокли найчалар       |
| 6. Долчинли крендел | 20. Бодомли найчалар       |
| 7. Баку Курабьеси   | 21. Шакар-лукум            |
| 8. Баку Кятаси      | 22. Шакар пури             |
| 9. Баку мютакиси    | 23. Шакар —чурек           |
| 10. Ширин назук     | 24. Унли шербет            |
| 11. Озарбайжон нони | 25. Арман рулети           |
| 12. Бухоро нони     | 26. Ршити-халва            |
| 13. Увоқланадиган   | 27. Грек қатламаси ва бош- |

таёқчалар

қалар.

14. Ёгли ширин пахлава

Юмшоқ конфет типидagi ширинликлар қуйидаги номланишда чиқарилади:

- |                     |                           |
|---------------------|---------------------------|
| 1. Қаймокли полено  | 11. Цукатли шербет        |
| 2. Қаймокли колбаса | 12. Ванилли рохат-лукум   |
| 3. Ахали-алва       | 13. Шоколадли рохат-лукум |
| 4. Кунжутли нуга    | 14. Пушти рохат-лукум     |
| 5. Шоколадли нуга   | 15. Ёнғокли рохат-лукум   |
| 6. Ёнғокли нуга     | 16. Буковинский шербети   |
| 7. Майизли нуга     | 17. Бодом-нохут           |
| 8. Чуч-хела шакарли | 18. Алвахази              |
| 9. Сутли шербет     | 19. Миампур               |
| 10. Ёнғокли шербет  | 20. Рахат-лукум «Ассорти» |

Карамель ва манпаси типидagi ширинликлар қуйидаги номланишда чиқарилади:

- |                               |                          |
|-------------------------------|--------------------------|
| 1. Ёнғокли саватчалар         | 8. Куйма бодом           |
| 2. Кунжутли саватчалар        | 9. Глазурланган грек ён- |
| 3. Асалсиз кунгабоқар сават-  | ғоклари                  |
| чалари                        | 10. Фешмак               |
| 4. Асалли кунгабоқар саватча- | 11. Шакарли бодом        |
| лари                          | 12. Парварда             |

5. Бодомли грильяз
6. Кунжутли грильяз
7. Ёнгок билан мак

13. Нўхотли кангаляк
14. Новвот

Шарқ ширинликлари тасдиқланган рецептура бўйича тайёрланади. Унда 1 т тайёр маҳсулотга хомашё сарфини меъёрлари, маҳсулотни чиқиши, фонизлардаги қуруқ моддага ҳисоблаганда хомашё сарфи, тайёр маҳсулотнинг намлиги ва намлик бўйича йўл қўйиладиган тафовутлар кўрсатилади.

Яхши сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун тасдиқланган меъёрий ва техник ҳужжатлар талабларига жавоб берадиган хомашёдан фойдаланиш зарур ва хомашёни ишлаб чиқаришга тайёрлашни ўрнатилган қоидаларга, маҳсулотни тайёрлаш рецептурасига, технологик режимларга: жараёнлар кетма-кетлиги, ҳарорат режимлари, унли ярим тайёр маҳсулотларни ва конфет массаларини диққат билан бўлақларга бўлиш, тайёр маҳсулотларни безаш, ўрнатилган кадоқлаш ва ёрликлаш қоидаларига қатъий риоя қилиш зарур.

#### Унли қандолат маҳсулотлари

Унли қандолат маҳсулотлари асосан таркибда кўп миқдорда шакар, ёғ ва тухум бўлган ёғли ширин маҳсулотлардан иборат.

Намлигининг пастлиги, озиқавий қиймати юқорилиги билан бир қаторда, мазали бўлгани учун бу маҳсулотлар туристлар, спортчилар ва экспедициялар иштрокчилари ҳамда аҳоли, айниқса, болалар учун сеvimли маҳсулот ҳисобланади.

Унли қандолат маҳсулотлари қандолатчилик саноатида ишлаб чиқариш ҳажми бўйича иккинчи ўринни эгаллайди. Бундан ташқари кўп миқдорда новвойчилик саноатида ҳам ишлаб чиқарилади.

Унли қандолат маҳсулотларининг ассортименти жуда хилма-хил бўлиб, рецептураси, шаклининг ҳар хиллиги, безатилиши ва таъми билан фарқ қилади.

Технологик жараён ва қабул қилинган хомашёга қараб, қандолат маҳсулотларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: печенье (бисквит), пряниклар, галет печенье, вафли, ёғли-ширин печенье, пирожнийлар, тортлар ва кекслар.

Ўз навбатида ҳар бир гуруҳ кичик гуруҳларга бўлинади:

- 1) печенье (бисквит) – шакарли ва затыжной;

2) галетлар – оддий, пархезли ва курук печенье (крекер);

3) ёғли-ширин печенье – кумокли ўйиладиган, кумокли сихиб чиқариладиган, уриб кўпиртириладиган, бодомли-ёғоқли, сухариклар;

4) пряниклар – тез қориладиган ва заварной;

5) пирожнийлар – кумокли, бисквитли, қатламали, бодомли-ёғоқли, увокли, бизели (миренги типиди), саватчалар (тарталет-калар), заварнойлар (эклер типиди).

Унли қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун асосий хомашё турларига ун, шакар ва ёғ киреди.

### **Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноатининг қандолатчилик соҳаси**

1924 йилда хусусий ишлаб чиқариш асосида йилига 0.6 минг тонна қувватли қўл меҳнатига асосланган қандолатчилик ишлаб чиқариши барпо этилди. 1958 йилга келиб, алоҳида технологик жараёнларни механизациялаштириш ҳисобига, бу ишлаб чиқариш қуввати йилига 9.0 минг тоннага етказилди. Фабрикада мевали начинкали карамель, «Мишка косолалий» типидagi конфетлар, помадали ирис, драже ишлаб чиқарилди.

Аҳолининг талабини қондириш, ассортиментни кенгайтириш ва ишлаб чиқариш қувватларини ошириш мақсадида йилига 18.0 минг тонна қувватли Янгийўл қандолат фабрикаси қурилиши бошланди.

Бу фабрикада қуйидаги ассортимент ишлаб чиқариш режалаштирилди: начинкали карамель, помадали конфетлар, печенье, вафли, шоколадли маҳсулотлар. Қўрсатилган қувватлар 1962 йилнинг декабрида ўзлаштирилиб, 1963 йилнинг январиди қандолат фабрикаларининг қуввати йилига 27.0 минг тоннани ташкил этди.

1980 йилга келиб Тошкент «Ўртоқ» қандолат фабрикасининг қуввати 25.08 минг тоннани, Янгийўл қандолат-хамиртуруш бирлашмаси йилига 30.67 минг тоннани ташкил этди.

Бу давр ичида республиканинг новвойчилик корхоналари қошида шарқ ширинликлари, пряниклар, тортлар, кекслар, печенье ишлаб чиқарувчи цехлар ташкил этилди.

1980 йилга келиб, бу цехларнинг қуввати йилига 66.06 минг тоннани ташкил этди.

Озиқ-овқат саноати вазирлигининг қандолатчилик соҳаси йилга 121.8 минг тонна ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди.

Олмалик қандолатчилик фабрикасини ишга туширилиши сабабли 1983 йил январда қандолатчилик корхоналарининг қуввати 134.8 минг тоннани ташкил этди.

Беш йиллик режага мувофиқ 1982 йилда Янгийўл қандолатчилик фабрикасини реконструкция қилиш бошланди ва муҳандис техник ходимлар билан таъминлаш бошланди.

Шу йилларда Урганч қандолатчилик ишлаб чиқаришни ҳам реконструкцияси бошланган эди. 1987 йилда Янгийўл қандолатчилик фабрикаси қошида 7 минг тонна ҳажмли ишлаб чиқариш қуввати ишга туширилди.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Г.М.Медведева «Технология и ТХК макаронного производства» –М.: «Колос», 1998г.
2. И.С.Лурье «Технология кондитерского производства», –М.: Агропромиздат, 1992г.
3. Т.Б.Цыганова, И.В.Матвеева. Справочное пособие по контролю за качеством хлебобулочных и макаронных изделий. Росхлебинспекция. 1999г.
4. М.Г.Васиев, М.А.Васиева, Х.Ж.Илолов, М.А.Саидходжаева. «Нон, макарон қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси» – Т.: «Меҳнат»-2003й.
5. М.Г.Васиев, М.А.Васиева. Макарон маҳсулотлари технологияси. Бухоро 2001й.
6. М.А.Талейсник, Л.М.Аксенова, Т.С.Бернштейн. Технология мучных кондитерских изделий. –Москва: Агропромиздат. 1986г.
7. Технология приготовления мучных кондитерских изделий: Учебник Л.С.Кузнецова, М.Ю.Сиданова. –Выпшая школа, 2001й.
8. И.М.Ройтер. «Справочник по хлебопекарному производству» –М.: Пищевая промышленность 1977г.
9. А.А.Михелев. «Справочник по хлебопекарному производству» –М., 1977г.
10. Сборник рецептов на хлеб хлебобулочные изделия. –М.: Пищевая промышленность, 1986г.
11. Л.Я.Ауэрман. «Технология хлебопекарного производства» –М.: Пищевая промышленность, 1984г.
12. Л.И.Пучкова. Лабораторный практикум по технологии ХПП. –М.: «Колос», 1982г.
13. Рецептуры и технологические инструкции по производству хлеба. –М.: «Агропромиздат», 1986г.
14. Б.М.Азаров. Технологическое оборудования ХП и макаронных предприятий – М.: «Агропромиздат» 1986г.
15. М.Н.Сигал, А.В.Володарский, В.Д.Тропп. Оборудование предприятий хлебопекарной промышленности. –М.: Пищевая промышленность, 1978г.
16. Н.В.Тульский, Э.В.Теплицкий, В.П.Руденко, В.В.Маслов. Малологабаритное оборудование хлебопекарных предприятий. –М.: Пищевая промышленность, 1978г.
17. П.М.Турсунходжаев, Р.И.Зупаров, Д.А.Ғофурова. «Шарқ ширинликлари», Тошкент 2004й.



## МАКАРОН МАҲСУЛОТЛАРИ САНОАТИ

Макарон маҳсулотлари аввал ясси (япалоқ) угра турида, кейинроқ эса найсимон турда қадимги замонлардан бери тайёрланиб келмоқда.

Янги эранинг биринчи ўн йилларида римликларнинг ошпазлик хақида биринчи марта угра тайёрлаш усуллари ёзилган.

Хужжатлардан маълум бўлишича, Италияда макарон маҳсулотларидан таом тайёрлаш XII аср бошларидан бошланган. Бироқ макарон маҳсулотларини Европага олиб келиниши, саёхатчи Марко Полонинг XIII аср охирларида Хитойдан олиб келинган деб тахмин қилинади. Ҳар қалай XIV аср ўрталаригача макарон маҳсулотлари фақат хонадон шароитларида тайёрланган. Италияда биринчи марта XIV аср охирларида катта бўлмаган цех оддий асбоблар ёрдамида макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш пайдо бўлган. Макарон маҳсулотлари учун хамир биринчи бор қўлда тайёрланган. Хамирни қаттиқ ҳолатга олиб келиш учун хамирга ун қўшиб аралаштирувчи ричаг ёрдамида амалга оширилган. Макарон ва вермишель маҳсулотларини ёғочдан тайёрланган пресс ҳаракати ёрдамида пресслаб, цехларда ўрнатилган стеллаж ромларида қуритилган.

Россияда майда ҳунармандчилик усулида макарон маҳсулотларини тайёрлаш Пётр I даврида пайдо бўлган деб ҳисобланади. Академик Георгининг ахборотига кўра XVII аср охирларида бешта чет эл ҳунармандлари макарон маҳсулотларини ишлаб чиқарган. XVIII асрнинг 60 йилларида биринчи Италия макарон чиқарадиган фабрика от ёрдамида механик пресслаш усули яратилган. Бир неча вақтлардан сўнг Германия ва Францияда макарон фабрикалари пайдо бўлган. Натижада от ҳаракатининг буг машинасига алмаштирилиши, қаттиқ макарон хамирини тайёрлаш учун механика макарон хамирига ишлов бериш, яратилиши кучли гидравлика прессларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёни қуйидаги операциялардан иборат.

Хамир қорадиган тоғорага вақти-вақти билан нисбати 3:1 бўлган миқдорда ун ва сув қуйиб, массани 20 дақиқа аралаштирилади, аралаштириш натижасида ҳосил бўлган хамир бўлақча-

ларини диск шаклидаги айланувчи стол устига қўйилади. Стол силлик гранит ёки чўяндан тайёрланган тарам-тарам юзали валлар ёрдамида хамирнинг каттик ёпишқоқ ҳолга келтирилади. Валлар ёрдамида хамир юмалатиб лентага, лентани эса рулон шаклида ўраб уни 30-40 дақиқа димлашга қўйилади, рулон остидаги хамирнинг намлиги кетмаслиги учун брезент билан ёпиб қўйилади. Вақт ўтиши билан тайёр рулондаги хамир цилиндрли гидравлика прессиға узатилади. Хамир 20 МПа босим ёрдамида матрица тешиклардан хом маҳсулотлар сиқиб чиқарилади. Прессдан чиққан толачалар талабларга асосланиб қирқилади, сўнг вагонетка ромларига осиб қуритиш хонасига олиб борилади. Макарон маҳсулотларини оддий усулда хоналарни иситилган ҳолда қуритилади ёки қуритиш шкафларида хом макарон маҳсулотларини иссиқ ва нам ҳаволи туманларда очик ҳавода 3-4 сутка давомида қуритилган, натижада маҳсулот, пишиқ (маҳкам) ҳолда бўлиб, таом пиширилганда ундан ёқимли аромат ҳиди келган, чунки секин қуритиш жараёнида сут кислотаси ҳосил бўлишига олиб келади.

Италияда юқорида ёзилган эски усулда тайёрланадиган макарон маҳсулотларининг технологик жараёнлари турли модификация ва такомиллаштириб, ўтган юз йилликнинг 60 йилларигача фойдаланиб келинган. Вақт ўтиши билан шнекли макарон прессилари саноатда кенг тарқалган бўлиб, унда бир агрегатнинг ўзида макарон маҳсулотлари тайёрлаш ва қуритиш босқичлари ҳам амалга оширилган.

Италиялик муҳандислар Марио ва Джузеппе Брайбант 1933 йили шнекли макарон пресси ни ихтиро қилдилар.

XVIII асрнинг охирида Россиянинг Одесса шаҳрида биринчи макарон фабрикаси очилади. 1913 йилга келиб, Россияда 39 та макарон корхоналари 36 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарган.

1945-1948 йилларда макарон саноатида катта ўзгаришлар рўй бериб, узлуксиз усулда макарон маҳсулотларини қуритадиган механик шнекли пресс пайдо бўлади: Италияда «Брайбанти» фирмаси макарон маҳсулотларни қирқадиган линиялар ўзлаштирилади. 1950 йилнинг бошларида эса «Бюлер» (швейцария) фирмаси узун макарон маҳсулотларини линияларини таклиф этади.

Россия ўша вақтлар макарон маҳсулотларини ишлаб чиқишда Италия билан етакчи ўринларда бўлган. Россияда жон бошига бир йилда 7 кг макарон маҳсулотлари истеъмолни тўғри келиб, ўша

даврларда 680-800 минг тонна макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилган.

Дунё бўйича Италиянинг «Брайбанти» ва «Павон» фирмалари томонидан макарон маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган мукаммал ускуналар яратилган.

Италия фирмаси билан рақобатдош фирмалардан бири фирма «Бюлер» ҳисобланади. Россияда эса «Ростов на Дону», АО «Рибинские моторь» машинасозлик заводи макарон маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган ускуналарни етиштиради.

Ўзбекистон Республикасида ҳам мустақилликка эришилгандан сўнг, барча соҳада мукаммал ўсишлар рўй берди. Жумладан, макарон саноатида ҳам кейинги йигирма йиллик муддат туб ислохотлар даври бўлди. Хориж капиталини жорий этиш, мавжуд корхоналарда ўтказилган техник қайта жиҳозлаш натижасида 20 дан ортик хорижий линиялар ўрнатилдики, аини пайтда улар чет эл маҳсулотларидан сира қолишмайдиган аъло сифатли, чиройли, бежирим қадокланган турли ном ва кўринишдаги макарон маҳсулотлари билан аҳолини мамнун этмоқдалар. Бу хилдаги ускуналар «Нукус нон», «Қоракўл дон маҳсулотлари», «Дунё М» акциядорлик жамиятлари, «Яккабоғ дон маҳсулотлари» корхонаси, «Термиз нон», «Кувадон» корхоналарида ишга туширилди.

Бундан ташқари, кейинги йилларда ишга туширилган «ФАМ» Ўзбекистон-Италия (Андижон вилояти), «Лорена-дон» Ўзбекистон-Болгария (Тошкент вилояти), «Самарқанд-ЛТД» Ўзбекистон-Лихтенштейн қўшма корхоналари ёш халқимизнинг кўриниши хушчирой, мазаси хуштаъм макарон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган.

1991 йилдан то 2010 йилларгача республикамызда юқори шаффофлик навли бугдой унларидан макарон маҳсулотлари ишлаб тайёрланган. (5-жадвал)

5-жадвал

Маҳсулотлар	Йиллар				
	1991	1995	2000	2005	2010
Макарон маҳсулотлари (м.т.)	94.4	394.2	333.5	322.2	22.91

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида қуйида келтирилган «Ўздонмахсулот» АКга қарашли ва хусусий корхоналар томонидан 300 тоннадан ортиқ макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилди (6-жадвал).

6-жадвал

1	«ҚОРАҚАЛПОҚДОНМАҲСУЛОТЛАРИ» АЖ	25	«НАМАНГАНДОНМАҲСУЛОТЛАРИ» АЖ
2	«ТАХИАТОШДОНМАҲСУЛОТЛАРИ» АЖ	26	«ШУРЧИДОНМАҲСУЛОТЛАРИ» АЖ
3	«ҚЎНФИРОТДОНМАҲСУЛОТЛАРИ» АЖ	27	«ОҚОЛТИНДОНМАҲСУЛОТЛАРИ» АЖ
4	«ЧИМБОЙДОНМАҲСУЛОТЛАРИ» АЖ	28	«ФАРҒОНАДОНМАҲСУЛОТЛАРИ» АЖ
5	«АНДИЖОНДОНМАҲСУЛОТЛАРИ» АЖ	29	«ҚЎҚОНДОНМАҲСУЛОТЛАРИ» АЖ
6	«ДУСТЛИҚДОНМАҲСУЛОТЛАРИ» АЖ	30	«ҚУВАДОНМАҲСУЛОТЛАРИ» АЖ
7	«ҚУРҒОНТЕПАДОНМАҲСУЛОТЛАРИ» АЖ	31	«БЕГДОН ДОНМАҲСУЛОТЛАРИ» АЖ
8	«ЖИЗЗАХДОНМАҲСУЛОТЛАРИ» АЖ	32	GALLA-ALTEG ОАЖ
9	«ДУНЁ –М» АЖ	33	«ОҲАНГАРОНДОНМАҲСУЛОТЛАРИ» АЖ
10	«НАВОИИДОНМАҲСУЛОТЛАРИ» АЖ	34	«ХОНҚАДОНМАҲСУЛОТЛАРИ» АЖ
11	OZODXON-GLORY ОАЖ	35	MULTI TRADE IMPEX ОАЖ
12	GOLDIYA ОАЖ	36	INFINITY FOOD ХК
13	AZIZ ХФ	37	KAMOLOT MUROD MAQSAD DIYORI ОАЖ
14	BRAIVANTI TECHNOLOGY ОАЖ	38	МАККИ PROD GROUP ОАЖ
15	OFTOV-BIZNES ИП ОАЖ	39	JASSI ХК
16	ASAKA МАК ОАЖ	40	MICRON-M ОАЖ
17	SNAC ДП	41	БЕРУНИ-ТУТЫНЫУ ОАЖ
18	ХОНҚА BILLUR SALT ХК	42	KOLBERG DISTRIBUTION ОАЖ
19	МАКМА ОАЖ	43	МАКИЗ ОАЖ
20	CLASSIC INTERNATIONAL КК	44	ХУСАЙН-МИРЗО ФИРМА
21	ЯНГИЙУЛ ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ ОАО	45	ФАМ УЗБЕКСКО-ИТАЛЬЯНСКОЕ КК
22	МАВЖ УЗБЕКСКО-БРИТАНСКОЕ	46	ХОРАЗМ ХК
23	БУХАРА НОН ОАЖ	47	ТОҲТАНИҲОЗ-ОТА ФЕРМЕРЛИК ХЎЖАЛИГИ
24	САРВАР ЧТПФ	48	МАРҒИЛОН НОН АЖ

### **Макарон маҳсулотларини ишлаб чиқишда асосий босқичларнинг қисқа тавсифи**

Макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнлари қуйидаги асосий босқичлардан иборат: хомашёни тайёрлаш, хамирларни тайёрлаш, хамирни пресслаш, хамирларни навларга ажратиш, қуритиш, маҳсулотларни совутиш ва қуритилган тайёр маҳсулотларни қадоклаш.

#### **Хомашёни тайёрлаш**

Бункерларда тиндирилган унни элаш, металл чикиндилардан магнит ёрдамида тозалаш, унинг ҳароратини 10°C гача иситиш (совуқ кунларда). Лабораторияда тузилган помол партиясини (турли сифатли унларни аралаштириш) ташкил қилиш.

Хамирга аралаштирадиган сувни сув иситкичда иситиб, сўнг рецептурада кўрсатилган компонентлар аралаштирилади. Хамирга қўшилладиган қўшимча компонентларни сувда аралаштириб хамирга қўшилади. Тухумларни фойдаланишдан олдин ювилади, меланж-ни эса муздан тушириб сўнг аралаштирилади.

#### **Макарон хамирини тайёрлаш**

Хамирларни тайёрлаш жараёни ингредиентларни (ун, сув ва қўшимчаларни) дозалаб сўнг хамир қорилади. Ингредиентларни дозаторлар ёрдамида узлуксиз равишда ун, сув ва эритилган қўшимчаларни қориш ҳажмига (тоғора) 3:1 нисбатда юборилади. Ун ва сув жадаллик билан аралаштирилади, натижада ун заррачалари шиша бошлайди – макарон хамирини қорилиш жараёни кеча бошлайди. Агар хамирлар нон маҳсулотлари учун тайёрланса, унда хамирнинг яхлит бир-бири билан боғланган масса бўлган бўларди, бу ерда эса намланган хамирлар якка-якка ҳолда, ушқоқ бурда ҳолга эга бўлади.

#### **Хамирны пресслаш**

Хамирни пресслашдан мақсад хамирни қориш, зичлаш ва уни бир хил боғлиқ моддага айлантириш, сўнг унга маҳсус шакл беришдир. Юқорида баён этилган усулда тайёрланган хамир металлдан тайёрланган матрица (маҳсус тешиклардан иборат) мосламадан босим орқали ўтказилади, агар матрицадаги тешиклар шакллари думалоқ бўлса (яримфабрикат) вермишель, агар у тўртбурчак бўлса, лапша деб номланади ва ҳоказо.

### **Зичлаштиришдан чиққан хомашёлар (яримфабрикат)га ишлов бериш**

Бу жараён икки операциядан иборат: зичлаштирилиб матрицадан ўтган хомашёни қуритишдан аввал талаб этиладиган узунликда қиркилади, сўнг қуритиладиган ускунанинг русумига қараб, хомашёнинг турли (сим) транспортёрлар ёки узун маҳсулотлар бўлса, уларни махсус илгакларга осиб қўйилади. Прессдан чиққан хомашёларга иссиқ пар билан ишлов берилади, натижада уларнинг юза қисмлари қаттиқлашиб, бир-бирларига ёпишиб қолмаслиги, бошқа жараёнларнинг фаол ўтишига имконият яратади.

### **Хомашёларни қуритиш**

Қуритишдан мақсад хомашёни шаклини мустаҳкамлаш ва унда микроорганизмларни кўпайишини олдини олиш. Бу мураккаб кўп вақт оладиган технологик жараён бўлиб, унинг тўғри ўтказиш жараёнига хомашёнинг мустаҳкамлигига эътибор берилади. Хомашёларга кучли иссиқлик берилса, унда қуритилган маҳсулотларда ёриқлар пайдо бўлади, натижада маҳсулот тез синиб сифатсиз маҳсулотга айланади. Секин иссиқлик берилган жараёнида эса хомашёдаги намлик сакланиб қолиб, уни ачитиш ва моғорлашга олиб келади.

Сўнги йилларда макарон корхоналарида конвектив хомашёнинг иссиқ ҳаво билан қуритиш усули қўлланилмоқда.

### **Қуритилган маҳсулотни совутиш**

Бу жараёнда иссиқдан чиққан маҳсулотни температурасини қадоқлаш хона температурасига яқинлаштирилади, агар маҳсулот совутмасдан қадоқланса, унда қадоқланган маҳсулотда парланиш давом этиб, унинг массасини (миқдорини) камайтиради. Қуритилган маҳсулотларни тақсим қилиб, стандарт талабларига жавоб берадиган, яроқсизларни олиб ташлаб маҳсулотни қадоқлашга тайёрланади.

### **Қадоқлаш жараёни**

Тайёр маҳсулотлари махсус пакет қутичаларга қўлда ёки қадоқлаш машиналар ёрдамида яшиқ, кўп қатламли қоғоз қопларга жойлаштирилади.

Анъанавий усулда ишлаб чиқарилган макарон маҳсулотлар қайси тури бўлмасин, юқорида айтиб ўтилган босқичларда бажари-

лади. Маҳсулотларнинг айрим, талаб қилинадиган тартиби ва унинг аниқ технологик жараёнларини такомиллаштириш мумкин.

Бугунги кунда макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда чет эл фирмалари ўзларининг технологик чизма ва ускуналарини тақдим этмоқдалар.

Замонавий макарон ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот хомашёларини шаклантириш ва пресслаш усуллари шнеклар ёрдамида амалга оширилади.

Шнекли макарон пресслари хамир қотирадиган тоғоралар сони (битта, икки, учта ва тўртта), пресслаш ускуналари (бир, икки ва тўртта) ва матрицаларнинг (юмалоқ ёки тўртбурчакли) шакллари билан тавсифланади.

### **Шнекли макарон пресс ва унги ишлаш қондаларининг технологик чизмаси**

Макарон хамирини пресслаш жараёнини ўрганишдан олдин, макарон ишлаб чиқариш корхоналарида кенг тарқалган оддий юмалоқ матрицали бир тоғорали бир шнекли пресснинг технологик чизмасини кўриб чиқилади.

Ун ва сув узлуксиз оқимда маълум нисбатда хамир қорадиган тоғорага тушади. Бу ингредиентлар айланаётган валнинг куракчалари ёрдамида аралашиб хамир қорадиган тоғора томонга сурилиб кела бошлайди. Куракчалар ёрдамида аралашиб ҳосил бўлган майда бурда хамирлар шнек цилиндрининг прессловчи мосламага келиб тушади. Пресс машинанинг асосий қуроли шнекли цилиндр. Шнекнинг айланиши натижасида ун ва сув аралашиб хамиргга айланиб прессга қараб ҳаракатланади.

Пресс мосламасининг пастки қисмига ўрнатилган матрица хамирнинг 10-20% қисмини ўзидан ўтказиши. Натижада пресс мосламасида бўлаётган жараён асосида босим пайдо бўлиб, у хамирнинг зичлашиб бир-бирга маҳкам боғланиб, янги хамир массаси пайдо бўлади. Бу ҳосил бўлган масса матрица тешигидан босим таъсирида кокил шаклидаги хом макарон маҳсулотга айланади.

Ёпишқоқ хамир массаси матрицадан ўтишида сиқилиш ва ишқаланиш натижасида ҳамда куракчалар ёрдамида аралаштирилганда иссиқлик пайдо бўлади. Хамирдаги иссиқликни пасайтириш учун, шнек камераси устидан сувли қоплама берилади. Пресс

кўп вақт тўхтаб қолган вақтларида, бу сув қопламаси шнек камерасини ишга туширишдан олдин иситилади.

### **Макаров маҳсулотларининг ассортименти, типлари, туслари ва шакллари**

Макарон маҳсулотлари маза ёки бойитувчи моддалар билан тайёрланганда, уларни гуруҳ ва синф номларига, қўшилган моддаларга оид гуруҳ Б 1-синф тухумли, В гуруҳи 2-синф томатли деб номланади.

Макарон маҳсулотларининг шаклига асосланиб, улар қуйидаги типларга бўлинади: найчасимон, ип шаклида (вермишель), лента кўринишида (лапша) ва фигура шаклларида.

**Найчасимон маҳсулотлар** шакли ва узунлигига кўра макаронлар, шохчалар, патсимон макаронлар (перолар) ва макарон синиқлари каби турлари мавжуд. Бундан ташқари кўндаланг кесимининг ўлчамига кўра найсимон маҳсулотларнинг ҳар бир хили турларга бўлинади, шу билан бирга уларни кесим шакли турлича бўлиши мумкин: айлана, квадрат, тарам-тарам ва бошқалар.

**Ип шаклидаги маҳсулотлар** – вермишель ҳам турли кесим шаклига эга бўлиши мумкин. Кесими ўлчамларига кўра вермишель қуйидаги турларга бўлинади (мм): энг ингичка (0,8 дан кўп эмас), ингичка (0,9-1,2), ҳаваскор (1,6-3,0). Вермишелларни узунлигига қараб, қалта кесилган 1,5 см ва узун кесилган 20 см узунликда тайёрланади. Чет элда ишлаб чиқарилган узун вермишелларни «Спагетти» деб аталади.

**Лента шаклидаги маҳсулот** (лапша) узунлиги ва шаклига қараб қуйидаги турлари ишлаб чиқарилади: устки қисми силлик ёки тарам-тарам навли, тўгри, аррасимон, тўлқинсимон кабилар.

Лапшанинг эни 3 мм дан, то 10 мм гача, унинг қалинлиги 2 мм дан кўп бўлмаслиги керак.

**Фигура шаклидаги маҳсулотлар** – бу маҳсулотларни пресслаш ёки штамповка қилиш асосида тайёрланади.

Фигуралли маҳсулотлар турли шакл ва ўлчамларда тайёрланади, прессланган маҳсулотларни қалинлиги 3,0 мм, штамповка қилинганларники эса 1,5 мм ўлчамда бўлади.



## Фойдаланилган адабиётлар

1. Г.М.Медведева «Технология и ТХК макаронного производства» –М.: «Колос», 1998г.
2. И.С.Лурье «Технология кондитерского производства» –М.: Агропромиздат, 1992г.
3. Т.Б.Цыганова, И.В.Матвеева. Справочное пособие по контролю за качеством хлебобулочных и макаронных изделий. Росхлебинспекция. 1999г.
4. М.Г.Васиев, М.А.Васиева, Х.Ж.Илолов, М.А.Саидходжаева. «Нон, макарон қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси» – Т.: «Меҳнат» – 2003й.
5. Н.Собиров, Н.К.Айходжаева. «Нон маҳсулотлари технологияси» маъруза матн. ТошКТИ, 2006й.
6. М.Г.Васиев, М.А.Васиева. «Макарон маҳсулотлари технологияси». Бухоро 2001й.
7. М.А.Талейсник, Л.М.Аксенова, Т.С.Бернштейн. Технология мучных кондитерских изделий. –Москва: Агропромиздат, 1986г.
8. Технология приготовления мучных кондитерских изделий: Учебник Л.С.Кузнецова, М.Ю.Сиданова. –Вышая школа, 2001г.
9. «Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси» фанидан лаборатория ишларини бажариш учун услубий қўлланма. ТошКТИ, 2005й.
10. «Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси» фанидан амалий машғулотларни бажариш учун услубий қўлланма. ТошКТИ, 2005й.
11. А.С.Гришин. «Дипломное проектирование предприятий хлебопекарной промышленности» –М.: «Колос», 1986г.
12. И.М.Ройтер. «Справочник по хлебопекарному производству» –М.: Пищевая промышленность, 1977г.
13. А.А.Михелев. «Справочник по хлебопекарному производству». –М., 1977г.
14. Сборник рецептур на хлеб и хлебобулочные изделия. –М.: Пищевая промышленность 1986г.
15. Л.Я.Аузэрман. «Технология хлебопекарного производства» –М.: Пищевая промышленность, 1984г.

16. Л.И.Пучкова. Лабораторный практикум по технологии ХПП. –М.: «Колос» 1982г.
17. Рецептуры и технологические инструкции по производству хлеба. –М.: «Агропромиздат», 1986г.
18. Б.М.Азаров. Технологическое оборудования ХП и макаронных предприятий –М.: «Агропромиздат», 1986г.
19. М.Н.Сигал, А.В.Володарский, В.Д.Тропп. Оборудование предприятий хлебопекарной промышленности. –М.: Пищевая промышленность, 1978г.
20. Н.В.Тульский, Э.В.Теплицкий, В.П.Руденко, В.В.Маслов. Малологабаритное оборудование хлебопекарных предприятий. –М.: Пищевая промышленность, 1978г.
21. П.М.Турсунходжаев, Р.И.Зупаров, Д.А.Фофурова «Шарк ширинликлари». Тошкент 2004й.

## ЁҒ-МОЙ САНОАТИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Мойли ўсимликларни етиштириш ва улардан мой олиш қадимий даврларига бориб тақалади. Археологик хужжатлар Ғарб ва Шарқ мамлакатларида ўсимлик мойлари ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш инсониятга қадим замонлардан буён маълум эканлигини кўрсатади.

Ибтидий жамоаларнинг табиатдан йигиб олаётган ўсимлик мевалари ва овчилик билан ўзлаштириб олаётган ҳайвон ва паррандалар захираси одамларнинг истеъмол талабларини бора-бора қондира олмай қолди, жамоалар ва табиат ўртасида ҳаёт учун кураш кескинлашди. Бундай ҳолат ибтидий жамоаларда катта иқтисодий ўзгаришлар ҳосил бўлишига замин яратди. Одамлар шундай замонлардан бошлаб ёввойи ўсимлик ва ҳайвонларни маданийлаштира бошлади.

Миср пирамидалари ва эҳромлари очиб қўрилганда сопол идишларда ёғ маҳсулотлари, айрим ҳолларда пальма мойи қолдиқлари ва унинг парчаланишидан ҳосил бўлган пальмитин кислотаси топилган. Қадимги Миср тарихчиларнинг берган маълумотлари бўйича Нил дарёси соҳилларида тола ва мой олиш учун зиғир етиштирилган. Илк аниқ маълумотлар эрамыздан олдинги III-II асрларда миср папирусларида ёзилган бўлиб, зиғир, кунжут, канақунжут уруғларидан пресслаш йўли билан мой олинганлиги тўғрисида хабарлар қолдирилган. Ўсимлик мойлари пресслаб олинганлиги тўғрисида маълумотлар Юнонистон файласуфи Геродот (эрамыздан олдинги V аср) томонидан ҳам ёзиб қолдирилган.

Рим давлат арбоби ва ёзувчиси Катон (эрамыздан олдинги III-II асрлар) ер тўғрисидаги трактатларида қишлоқ хўжалиги анжомлари ҳақида гапириб, Помпея яқинидаги қазилмалар пайтида топилган пресс тўғрисида ёзади. Бу анжом зайтун мевасининг юмшоқ қисмини эзиб, мой олиш учун ишлатиладиган ричагли пресс эканлиги аниқланади /2/.

Роже Франсуа ўзининг «Ёғлар индустрияси» номли китобида қадим замонларда зайтун мевасининг устки юмшоқ қисмидан «бокира мой» олинганлиги ва бундай мой олишда понали ва

ричагли пресслардан, тошжувозлардан фойдаланилганлиги ҳақида маълумотлар берган /3/.

Пахтанинг келиб чиқиши тўғрисида аниқ маълумотлар ёзиб қолдирилмаган. Шу нарса маълумки, пахта қадим замонлардан бери Ҳиндистон, Хитой, Миср, Шимолий Африка, Бразилия, Перу, Мексика мамлакатларида, Шарқий Осиё оролларида ва Ўрта Осиёда етиштирилган. Пахта маҳаллий ўсимлик ёки бирон бир сабаб билан бу юртларга келиб қолганлигини – ҳеч ким билмайди. Кўпчилик муаллифлар пахтани туб маҳаллий ўсимлик ҳисоблаб, бунинг тасдиғига пахта чигитининг баъзилари силлиқ, бошқалари тукдор эканлигини, ўсимлик кўп йиллик эканлигини таъкидлашади, баъзилар эса – гўза бир йиллик ўсимлик тоифасига киришини айтишади. Шу билан биргаликда оч қизғиш рангли Миср пахтаси ва бошқа турдаги пахта ўсимлиги борлиги тўғрисида ҳам маълумотлар берилган. Пахта ўсимлиги турлари кўп бўлишидан қатъи назар, уларнинг барчасидан ҳайратда қоларли даражада ўхшаш икки хил маҳсулот – пахта момиғи ва чигит олинади. Пахта момиғи асосан альфа-целлюлоза ҳисобланади, турли чигит таркибидаги мойлар эса физик ва кимёвий хусусиятлари билан бир-биридан кўп фарқланмайдиган липидлардан иборат.

Пахта хомашёсидан тола ажратиш машинаси – «Жин» (джин) ихтиро қилинмагунча чигит мойли уруғ сифатида ишлатилмаган. Бу аппарат пайдо бўлгунча чигитдан тола ажратиш қийин бўлган. Шу сабабли пахта хомашёсини етиштириш секин ривожланган. Эли Витней жин аппаратининг ихтирочиси ҳисобланади. У 1794 йилда жин аппарати учун патент олди. Аппаратнинг асосий элементи доира шаклидаги арра бўлиб, тор тирқишдан ўтаётганда арра тишларидан тола тирқиш сиртига ўрнатилган мослама ёрдамида илиб олиб қолинади. Бу принцип ҳозирги замонавий жин аппаратларида ҳам сақланиб қолган /4/.

Илгари қўл ёрдамида ажратилган чигит қайта экиш учун сарфланар эди. Машиналар ёрдамида кўплаб пахта толаси ишлаб чиқилиб, ажратиб олинган уруғлар захираси кўпайиб кетди. Чигитни саноат миқёсида қайта ишлаш зарурияти туғилди.

С.Вайтинг 1799 йилда «Пахта чигитидан мой ажратиш олиш жараёни»га патент олди. Винтли прессдан иборат бўлган биринчи қурилма Нетчезда (Миссисипи штати) Виллиам Дунбар томонидан яратилган бўлиб, бу қурилмада олинган мойни сотиш ҳисобига муаллиф ўз харажатларини қоплади. Бу қурилмада мой олишдаги

асосий қийинчилик уруғларнинг қобигини мағизидан ажратишдан иборат эди. Жараённинг бу қисмини энгиллаштириш учун Залемада (Шимолий Каролина штати) Лайнбек пахта чигитини арчиш машинаси учун патент олди. Бу машина ўз даврида баъзи бир ижобий натижаларни берди.

Ўша даврларда французлар ва инглизлар мисрнинг шойи пахтаси чигитидан эритувчи ёрдамида ва механик усул билан мой олиш ишларида америкаликларга нисбатан катта ютуқларга эришишди. Колумбияда (Шимолий Каролина) 1826 йилда завод қурилиб, пресслаш йўли билан мой олинган эди, ammo бир неча йилдан сўнг, бу завод ўз фаолиятини тўхтатди. Биринчи бўлиб яхши ишлаган мой заводи 1829 йилда Нетчезда (Миссисипи штати) қурилган иккинчи завод эди.

Шу йилнинг ўзида Френсис Фоллет пахта чигитини тозалаш ва чақиш машинасини патентлади. Унинг қуввати 280-350 *кв/соат* га тенг эди. Мана шу мукамаллашган машина асосида Фоллет ва Смит Петербургда (Виржиния штати) кичкина мой олиш заводи қуришди. Мой олиш қурилмаси цилиндрик гранит гуллардан, шулхани мағиздан ажратиш учун симли элак ва ҳаво сепараторидан иборат эди.

Нетчездаги завод 1833–1843 йиллар давридаги энг йирик завод эди. Бу завод ёпиб қўйилгандан сўнг пахта чигити ўзининг ҳар қандай қийматини йўқотди. Заводларнинг мана шу илк фаолияти даврида ишлаб чиқарилган мой асосан ёритиш мақсадларида ва бўёқлар тайёрлашда ишлатилар эди. Юга(АҚШ)нинг турли жойларида 1833 йилда бир неча мой ишлаб чиқариш заводлари очилган. Америкалик д-р Виллиам Вильбур 1854 йилда чигит мағиздан совуқ пресслаш усули билан мой оладиган завод қурди; ҳосил бўлган кунжара майдаланар, ковурилар ва қайта прессланар эди.

Пахта чигитидан фойдаланиш Америка фуқаролар уруши давригача ва ҳатто ундан кейин ҳам муammo бўлиб қолаверди. Йирилган чигит ўғит сифатида ишлатилар, ёқилар ва дарёларга окизилар эди. Фуқаролар урушидан аввал Гартфордда (Коннектикут штати), Петербургда (Виржиния штати), Янги Орлеанда (Луизиана штати) ва Цинциннатида (Огайо штати) пахта мойи олиш заводлари ёпилди. Шу даврларда бир тонна чигитдан олинаётган мойнинг миқдори 63-83 л ни ташкил этар эди. Агар тозалаш, линтерлаш ва чақиш учун мукамалроқ ускуналар

яратилганда эди, мойнинг чиқишини юқори қийматларга етказиш мумкин бўлар эди. Ундай ҳолда мой олиш фойдали ишлар қаторига кирган бўлар эди. Бир механик 1852 йилда ўртача ишлайдиган гуллер яратди. 1855 ва 1870 йиллар ораллигида бир неча аҳамиятли ихтиролар учун патентлар олинди. «Карвер» линтери ва сепараторлари ихтиро қилиниб, Ист-Бриджвотерда (Массачусетс штати) чиқарила бошлади; Монтгомерида (Алабама штати) бошқа турдаги линтер ихтиро қилинди. Виллиам Фи Цинциннатида пичокли гуллер ва гидравлик пресс ихтиро қилди. Иккала машинанинг ишлаш принципи асосида ясалган ускуналар саноатда XX аср ўрталаригача ишлатилди.

Америкада 1860 йилда 7 та мой заводлари ишлаб турган эди. Фуқаролар урушининг охирига бориб фақат 3та завод сақланиб қолган бўлиб, йўқолган заводларнинг ўрнига 3та янги завод қурилган эди. Уруш даврида ва кейин қурилган кўпчилик заводлар 1930 йилларгача ва кейинроқ ҳам самарали ишлади.

Фуқаролар урушидан кейин пахта-мой заводлари Юга ҳудудларида кўп қурила бошлади ва 1870 йилга келиб, рўйхатга олиш даврида 70та завод мавжудлиги қайд қилинди. Шу пайтдан бошлаб пахта-мой заводлари тезлик билан қурила бошлади, чунки олинаётган пахта ҳосили ва савдо бозори буни оқлар эди. 1927 йилда мамлакатда 547та ишлаб турган заводлар мавжуд бўлиб, улардан ҳар бирининг қуввати пахта чигити бўйича 25 *т/кун* дан 300–400 *т/кун* га тенг эди.

Пахта-мой ишлаб чиқариш саноатининг ўсиши қуйидаги фактлар билан баҳоланади: 1860 йилларда пахта чигити ташлаб юборилар, 1870 йилларда – ўғит сифатида ишлатилар, 1880 йилларга келиб ҳайвон учун озуқа бўлиб, 1890 йилда одамзод учун озик-овқат маҳсулоти хомашёсига айланди. Бугунги кунда чигитдан олинган маҳсулотлар портловчи моддалардан тортиб косметик преператларгача ва фотопластинкалар учун ишлатилади.

Мойли уруғлардан ёғ олиш Шарқда қадимдан маълум бўлса ҳам унинг технологик жараёнлари ёзиб қолдирилмаган. Туркистон ўлкаси пахтачилик соҳасида қадим замонлардан буён дунёга машхур. Иқлим, ер-сув шаронтининг қулайлиги сабабли пахтадан (ўз даври учун) мул ҳосил олиб келинган. Деҳқонлар пахтачинг бир қисмини шахсий эҳтиёжларини қондириш учун ип, бўз, газлама тайёрлашга олиб қолиб, кўп қисмини савдогарларга сотганлар. Ўлкада пахта тозалаш корхоналари бўлмаганлиги сабабли чигитдан

ажратилмаган пахта чет элга чиқарилиб, фақат чигит қисман қовун уруги, қунжут, зиғир уруғлари ва мева данаклари мағизи билан аралаштирилиб, мойжувозларда мой олинган. Бундай ёғлар *зиғир мойи* деб аталишига сабаб, жувозга солинаётган мойли уруғларнинг камида ярми зиғир уруги бўлган. Шу даврларда, фақат Фаргона водийсининг ўзида 4300 дан ортиқ мойжувозлар бўлган /5/.

Туркистон ўлкасидан пахта ҳосили кўплаб четга олиб кетилиб, унинг ўрнига тайёр газлама келтириб сотиш кенг йўлга қўйилди. Лекин пахтани чигити билан ташиб юришдан фойда камлиги сабабли Туркистонда бирин-кетин пахта заводлари қурила бошлади.

В.Г.Гофмейстернинг «Ўрта Осиёда пахта чигитининг ишлатилиши» ва К.А.Александрнинг «Туркистон ўлкасининг саноат корхоналари» китобларида пахта-мой саноатининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тўғрисида баъзи бир маълумотлар келтирилган /2/. Бу маълумотларга кўра Ўрта Осиёда қадим замонлардан бери ўсимлик мойини олиш «мойжувозларда» – мойли маҳсулотни эзиб, сиккиб олиш қурилмаларида бажарилган. Мойжувознинг идиши ва ўқи махсус шароитда қурилган ва тарашланган заранг дарахтидан ясалган. Битта мойжувознинг қуввати жудаём кичик бўлишига қарамай, ҳаммасини биргаликда қўшиб ҳисоблаганда, ишлаб чиқарилаётган мойнинг миқдори туб аҳолининг ўсимлик мойларига бўлган истеъмол талабини қондира олган /6,7/.

XIX асрнинг иккинчи ярмиларида Ўрта Осиёда мой заводлари қуриш зарурияти пайдо бўлди. Шу асрнинг етмишинчи йилларида Қўқон хонлиги йўқотилиб, унинг ерлари Туркистон генерал-губернатори ҳукмронлик қилаётган майдонларга қўшиб юборилди. Россиянинг марказий шаҳарларидан Ўрта Осиёнинг қадимий хунармандлар ва савдогарлар шаҳри Қўқонга пахта хомашёси, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашдан манфаатдор бўлган савдогарлар ва саноатчилар кела бошлади. Шаҳарда саноат корхоналари йўқ эди.

Москвалик савдогар Лахтин 1883 йилда ака-ука Каменскийларнинг пахта тозалаш заводи яқинидаги Қўқоннинг Аччиккўл даҳасидан ер сотиб олиб, Туркистон ўлкасида биринчи мой заводи қуришга киришди. Завод 1884 йил 26 сентябрда ишга туширилди. Унинг қуввати йилига 10 минг пуд мой бўлиб, заводда чигит чақадиган икки дона машина, янчиш станогги, ўчок, тик ўрнатилган қовуриш қозонлари, иккита гидравлик пресс ва қунжара майдалагич ўрнатилган эди. Шундай қилиб, биринчи пахта-мой заводи

Қўконда қурилган бўлса, иккинчиси Тошкент яқинидаги қишлоқларнинг бирида 1983–1984 йилларда қурилган. Иккала завод ҳам 250 атм. босим билан ишлайдиган гидропресслар билан жиҳозланган эди. Қовурилган маҳсулотни иссиқ пресслаш йўли билан олинган мойнинг таъми, мойжувозларда совуқ пресслаш йўли билан олинган мойга ўрганиб қолган маҳаллий аҳолининг талабига мос келмаганлиги, ишлаб чиқарилган мойни техник мақсадларда ишлатиш имкониятлари бўлмаганлиги ва умуман, заводлар маҳсулотига етарлича талаб йўқлиги, заводларнинг ёпилиб кетишига сабаб бўлди. Марв шаҳрида 1893 йилда қурилган бир прессли заводнинг тақдири ҳам худди шу каби бўлган эди.

Қўкондаги биринчи пахта-мой заводини ака-ука Вадъяевлар сотиб олишди ва янги машиналар билан жиҳозлашди. Янги ускуналарни ўрнатиш саноатда ишчи ўринларнинг ўсишига олиб келди. 1904 йилда заводдаги ишчилар сони 87 кишига етди, улардан 49 нафари маҳаллий миллат вакиллари эди. Аммо 1910 йилга келиб ишлаб чиқаришда кескин тушкунлик юз берди, бунинг устига ускуналар ҳам эскириб қолган эди. Ҳозирги кундаги данакли уруғлар заводи жойлашган ерда корхона эгалари янги завод қуришни режалаштиришди. 1910 йилнинг август ойида янги, каттароқ қувватга эга бўлган мой заводи ишга туширилди.

Украинадан уруш йиллари эвакуация қилинган қанд заводи шу мой завод яқинида жойлашган эди. Қанд заводи 1951 йилгача ишлади ва демонтаж қилиниб Украинага қайтарилди. Унинг ўрнида мой экстракция заводи қурила бошлади ва 1955 йилнинг сентябрида эксплуатацияга топширилди. Бу завод бир йилдан сўнг олдинги мой заводи билан қўшиб юборилди. Катта қувватга эга бўлган корхона ёғ-мой комбинати деб атала бошлади.

Йирик ва майда уй хайвонлари учун юқори калорияли озуқа маҳсулоти бўлган шротни грануляциялаш цехи 1965 йили ишга туширилди. Қўкон ёғ-мой комбинатида дунёда биринчи бўлган беқиёс лойиҳа тайёрланди ва мисцелладан госсиполни ажратиб берувчи, мойни комплекс қайта ишловчи цех қурилди. 1973 йили бу цехда фармакология ва кимё саноатида ўз ўрнини топган янги маҳсулот – антранилат госсипол олинди.

Форпресс цехининг реконструкцияси ва янги ускуналарнинг ўрнатилиши 1973 йилда комбинат қувватини пахта чигитини қайта ишлаш бўйича 810 *т/кун* миқдorigа етказишга имкон берди.



Комбинатда 1975 йили мамлакатда биринчи бўлган данакли уруғларни қайта ишлаш заводи қурилди.

«Туркистон савдо-саноат биродарлиги» вакиллари Хорват ва Югович томонидан 1893 йилда Каттақўрғонда 16-плитали иккита гидравлик пресслари бўлган завод қурила бошланди ва 1896 йилда тўлиқ тугалланди. Бу завод 1897 йилнинг охирига бориб, рафинация цехи билан тўлдирилди. Бу корхона ишлаб чиқарилган мойни ёғоч бочкаларда, кейинроқ вагонлаб Москвага экспорт қилган биринчи завод ҳисобланади. Заводда 1901 йилига келиб яна иккита пресс ва бир қанча ёрдамчи машиналар ўрнатилиб, кенгайтирилди. Натижада 1902 йилда бу завод 20000 т чигитни қайта ишлаган. Бунга қўрган мулкдорлар мой заводлари қуриш ишини жадаллатиб юбордилар. Пахта мойини истеъмол қилишга ўргана бошлаган маҳаллий халқ ҳам саноатнинг ривожланишига сабабчи бўлди. Тез орада пахта тозалаш заводлари ёнида 1-2та пресси бўлган кичик ёғ заводлари қурила бошлади.

Каттақўрғон заводининг зоришган ютуқлари ва Ўрта Осиё темир йўлининг қурилиши Туркистон ўлкасида пахта-мой саноатининг ривожланишида ҳал қилувчи роль ўйнаган: Бешариқ ва Марғилонда 1901 йили бир прессли завод; Наманган ва Марвада 1902 йили иккита икки прессли завод; Байрам-Алида, ўз даврига нисбатан энг мукаммал уч прессли завод 1903 йили қурилди. Шу заводда 1906 йилда тўртинчи пресс ўрнатилди. Ушбу завод туридаги бошқа заводлар ҳам революция йилларигача қурилди. Айниқса, Оренбург-Тошкент темир йўли қурилиши тугалланиши билан мой заводлар тез қўпая бошлади. Ўрта Осиёда 1913 йилга келиб, 31 та ишлаб турган заводлар бўлиб, улар 115та пресс ва 295та линтерлар билан таъминланган эди. Бу заводларда 1647 ишчи ишлаган. Заводларнинг умумий қуввати бир кунда 1500 т чигитни ташкил этган.

Ўрта Осиёда 1917–1918 йилларда 150та прессга эга бўлган 40дан ортиқ мой заводлари бўлиб, шулардан 19таси (105та пресс) Фарғона водийсига жойлаштирилган эди.

Ўзбекистонда ёғ-мой саноати 1924 йилдан бошлаб ривожлана бошлади. Эски ускуналар янги аппарат ва жиҳозлар билан ҳамда эски технологик тизимлар илмий равишда асосланган янги тизимлар билан алмаштирила бошланди. Эски заводларни янги машина ва ускуналар билан жиҳозлаш ва уларни қайта қуриш

ишлари билан бир қаторда, янги мой заводлари қуриш ишлари ҳам бошлаб юборилди.

1922 йил 10 июнда «Қовунчи» қишлоғида революциядан кейин Ўзбекистонда қурилган биринчи Янгийўл мой заводи ишга туширилди. Ҳа пайтда завод саккизта мой пресслари билан таъминланган эди, 1929 йилда тўққизинчи пресс, 1930 йилда яна иккита гидропресс ўрнатилди. 1936 йилдан 1939 йилгача заводда муҳим реконструкция ишлари олиб борилиб, яна учта пресс ва қўшимча битта қовуриш қозони ишга туширилган, чигит тозалаш цехи кенгайтирилган. 1956 – 1960 йиллар давомида, Украинага кўчириб юборилган қанд заводи территориясида, янги мой заводи қурилди. Янги заводда 14та шнекпрессли форпресс цехи, иккита НД -1250М линияли экстракция цехи, 10 минг тонна пахта чигитига мўлжалланган механизацияланган чигит омбори қурилди. 1960 йилдан бошлаб янги завод ишга туширилди ва корхонага «Ёғ-мой комбинати» деган мақом берилди ва комбинат таркибига Алимкент мой заводи киритилди. Комбинатнинг қуввати пахта чигити бўйича кунига 560 тоннага етказилди. 1967 йилдан шу бугунги кунгача Янгийўл ёғ-мой комбинатида ишлаб турган цехларнинг йирик реконструкцияси, техник жиҳатдан қайта қуролланиши, янги саноат объектларининг қурилиши ва ишга туширилиши муносабати билан корхона қуввати пахта чигитини қайта ишлаш бўйича 800 *т/кун* дан ошиб кетди.

Навбатдаги завод Фарғона шаҳрида қурилди ва 1930 йили 24 та гидропрессли мой заводи ишга туширилди. Ҳукумат 1934 йилда ёғ саноатида мойларни экстракциялаб олишни қўллаш ҳақида қарор қабул қилди. Шунга кўра Каттақўрғон мой заводида биринчи экстракция цехи ишга туширилди.

Ўзбекистон мой заводлари ўзларининг ривожланишини тубдан ўзгартира бошлади. Қолоқ майда корхоналар ўрнига йирик заводлар қурила бошлади. Ўзбекистонда ва Туркистон Республикаларида 1936 йилгача 10та йирик завод қурилган эди. Улардан тўққизтаси 540та линтерлар ва 112та пресслар билан, биттаси – Каттақўрғон ёғ-мой заводи 16 батареяли экстрактор билан таъминланди. Бу заводлар 1937 йилда 830000 *т* пахта чигитини қайта ишлаш қувватига эга бўлди, яъни 1912 йилга нисбатан унумдорлик 2,7 марта ортди. Бу заводлар ичида бўлган, 1936 йилда қурилган, юкори қувватли Каттақўрғон экстракция цехининг пайдо бўлиши, Ўрта Осиё ва, айниқса, Ўзбекистонда бугунги техник жиҳатдан

муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ёғ-мой саноатимизда муҳим йўналиш пайдо бўлишига тўртки берди. Шу даврдан бошлаб пахта чигитидан мой олиш заводларини лойиҳалаш ва қуриш ишлари экстракция усулини қўллаш билан амалга оширила бошлади. Корхоналар бирин-кетин замонавий экстракция тизимлари ва ускуналари билан жиҳозлана бошлади.

Ёғ-мой саноатининг ривожланишига 1941–1945 йиллардаги уруш ҳам жиддий халақит берди, янги заводлар қурилиш суръати сусайди. Алимкент, Денов, Ёғдубон, Хўжайли, Хива, Мангит, Қўнғирот ва Чимбойда 1943–1946 йилларда кичик мой заводлари қурилиб, ишга туширилди. Кейинги йилларда Қўқон, Учқўрғон, Бухоро ва Қарши шаҳарларидаги мой заводларда экстракция цехлари қурилди. Шундан кейин пахта заводлари берадиган ҳамма чигит республикамизнинг ўзида қайта ишланадиган бўлди. Натижада, урушдан кейинги ўн йил ичида (1945–1956 йиллар) мой ишлаб чиқариш 2,8 марта ошди. Кўп маҳсулот берадиган Андижон, Асака, Фарғона, Янгийўл ва бошқа заводларда экстракциялаш усулини қўллаш жорий қилинди.

Республикамиз ёғ-мой саноатининг ривожланишига машина-созлик саноатининг ўсиши ва олимларимизнинг саноат илгорлари билан ҳамкорликда ўсимлик мойлари ишлаб чиқариш ва ёғларни қайта ишлаш фанларини ривожлантиришдаги ютуқлари катта роль ўйнади. Шу билан биргаликда республикамизда одамларни иш билан банд қилиш ва аҳолини юқори сифатли мой билан таъминлаш мақсадида ёғ-мой саноатини ривожлантириш лозим эканлигини мамлакатимиз Президенти ўз маърузаларида ва чиқишларида таъкидлаб ўтдилар. Раҳбаримиз бу йўналишга эришмоқ учун нима қилиш керак деган саволга шундай жавоб берадилар: «Бунинг ҳозирча фақат битта чораси бор – иш ўрнларни яратиш лозим. Бунинг учун ишлаб чиқариш таркибининг шундай қайта қуриш зарурки, одамлар ўзларни яшаётган жойидан узоққа кетмасдан, самарали меҳнат ҳисобидан керакли даромадга эга бўлсин. ... Биз учун асосий йўналиш, барча вазифаларни ҳал этиш қалвти – Ўзбекистоннинг реал сўғсий суверенитети ва иқтисодий мустақиллигини таъминлашдир» //1/. Қайта қуриш даврида, республикамиз ҳудудида йирик заводлар қаторида кўплаб кичик ёғ-мой корхоналари қурилиб, уларнинг таркибида экстракция цехлари ҳам ўз ўрнини топди. Улар қуйидагиларидир:

Корхона номи	Курилган йили	Корхона номи	Курилган йили
1. Кўкон ёғ-мой	1884	21. Шахринтерней-шнл	1997
2. Каттакўргон ёғ-мой	1893	22. Эл Эрк Нур	1998
3. Когон ёғ-экстракция	1901	23. Ал-Носир	2001
4. Наманган экстракт ёғ	1902	24. Родник-Пахтачи	2001
5. Андижон ёғ-мой	1907	25. Шариф-Н	2001
6. Асака ёғ	1910	26. Континент-Н	2002
7. Янгийўл ёғ-мой	1922	27. Ор голден ойл	2003
8. Фаргона ёғ-мой	1930	28. Жиззах экстракт ёғ	2004
9. Турон Ходжайли	1944	29. Зулайхо	2004
10. Чимбой мой	1948	30. Еаст Ойл	2004
11. Учкўргон ёғ	1953	31. Бўстон олами	2004
12. Бухоро ёғ-экстракция	1954	32. Евроснар	2004
13. Қарши ёғ-экстракция	1954	33. Вангози агроэкспорт	2005
14. Беруний ёғгар	1957	34. Нурли дон	2005
15. Сурхонозиковкат-саноат	1963	35. Бахт-оқ олтин ёғи	2005
16. Тошкент ёғ-мой	1966	36. Бахт-инвест-нур	2005
17. Эффектив Ойл	1975	37. Агрохизмат Шинг Дон	2007
18. Урганч ёғ	1977	38. Кармана	2008
19. Гулистон ёғ-экстракт	1980	39. Ойл Барака Файз	2008
20. Косон ёғ-экстракция	1981	40. Вобкент ёғ	2009

«Озиковкатёғмойсаноат» Уюшмаси, тармоқнинг етук мутахассислари ва олимлари, хусусан Тошкент кимё-технология институти Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси йўналиши илмий-педагогик жамоасининг салоҳияти мамлакатимиз озиқ-овқат саноатининг ёғ-мой тармоғини мустақиллик йилларида юксак даражага кўтаргани билан ривожланишида ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшмоқдалар. Алоҳида шу нарсани таъкидлаш лозимки, мустақиллик йиллари янгилиниши, ўсиши, ўзгаришлар даври бўлди.

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2012. – 440 б.
2. В.М.Копейковский. Технология производства растительных масел. – М.: «Легкая и пищевая промышленность», 1982. – 416 с.
3. Roger François. Les industries des corps gras. – Paris, «L’Institut l’Etudes sur les Corps Gras et Produits Dérivés», 1974. – 450 p.
4. М.К.Торнтон. Хлопково-маслобойное производство (Перевод с англ.). – М., Л.: «Пищепромиздат», 1938. – 188 с.
5. У.Х.Ҳалимова. Ўсимлик ёглари ишлаб чиқариш технологияси. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1982. – 248 б.
6. P.Ixamdjano, M.Ergasheva, O.Sulaymonov. Yog‘-moy sanoati korxonalari qurilma va uskunalari. – Toshkent: «Sharq», 2007. – 176 b.
7. Y.Qodirov. Yog‘-moy mahsulotlari ishlab chiqarish texnologiyasi. – Toshkent: «Sharq», 2007. – 240 b.

## ГЎШТ ВА ГЎШТ МАҲСУЛОТЛАРИ САНОАТИ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси истиқболи порлок республикага айланди. Юқори салоҳиятга эга иқтисодий индустриянинг яратилиши билан туб аҳоли қатламларидан илмий педагогик олимларнинг етишиб чиқиши, муҳандислар, шифокорлар, санъат ва илм-фан намояндалари, кўп миллионли муҳандис-техник ходимларнинг синфи, фермерлар, тадбиркорлар ва фермер, деҳқонларнинг сони кўпайиб, тадбиркорлик ҳаракати янада ривожланди.

Ўзбекистон юқори сифатли металлни қайта ишлаш ва машинасозлик ишлаб чиқариши бўйича йирик саноат мамлакатига айланди, шунингдек, республикада йирик электро станциялар куриш, кимё, озиқ-овқат саноатида, кўмир, газ, енгил саноатда янги саноат корхоналари барпо этилди.

Саноат корхоналарининг ривожланиши шаҳар аҳолисининг ортишига ва янги шаҳарларнинг барпо этилишига олиб келди. Саноатнинг бошқа тармоқлари қаторида озиқ-овқат саноати, шу ўринда гўшт ва сут саноати ҳам ривожланди.

Маълумки шўролар инқилобига қадар Ўзбекистон ҳудудида гўшт ишлаб чиқариш комбинатлари мавжуд эмас эди. Ўша даврда мол сўйиш жараёни оддий ва кучсиз зарба билан амалга оширилиб, қорамолни қайта ишлаш сифатига эътибор берилмаган. Ишлаб чиқаришда ягона қурол бўлиб, қорамолни сўйиш ва суягини майдалаш учун болта ва бўлақларга ажратиш учун пичоқ ишлатилган.

Гўштни сақлаш учун совитгич хоналари, иссик сув ва буғ ҳам бўлмаган. Ветеринар назорати бўлмаган, бўлган тақдирда ҳам қутилган самарага эришилмаган. Қорамолларнинг сўйишдан олдин турли хил касалликлар билан касалланганлиги текширилмаган, гўшт маҳсулотлари сотувга ветеринар текширувисиз чиқарилган.

Қора молларни сўйиш жараёни санитар назоратсиз бажарилган, ариқ ва қудук сувларидан фойдаланилган, гўштни ташиш, оғир жисмоний меҳнатни талаб қилган.

Мол сўйиш қушхоналари Андижон, Бухоро, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида мавжуд бўлган.

1905–1908-йилларда Тошкент шаҳрида хусусий тадбиркор Хожинов мол сўйиш шаҳобчасини барпо этди.

Бу корхонада асосан қўл меҳнати ёрдамида технологик жараёнлар сунт бажарилиб, қорамолни сўйиш асосан ерда амалга оширилларди. Бу эса катта жисмоний қўл меҳнатини талаб қиларди.

Аҳоли сонининг ортиши туфайли гўшт ва гўшт махсулотларига эҳтиёж кўпайди, натижада кичик хўжалик корхоналарида ва шаҳар савдо марказларида гўшт ва гўшт махсулотларини сотиш кўрсаткичи ошди.

Кескин суръатлар билан ишлаб чиқаришнинг ўсиши, кишлок хўжалик жамоаларининг ортишига ва Ўзбекистон Республикасида гўштни қайта ишлаш саноатининг ривожланишига олиб келди. Шаҳардаги мол сўйиш марказлари қайтадан таъмирланди ва янги ускуналар билан жиҳозланди. Янги цехлар барпо этилди, ичак қобиғидан тайёрланадиган қолбасалар, терини шилиш ва техник фабрикалар цехи ишга туширилди. Корхоналарни кучли қувватга эга бўлган электр токига уланиши билан, янги жиҳозларни ўрнатишга ва совутиш компрессорларини монтаж қилиш ишларини бошланишига сабаб бўлди.

1932 йилда гўшт саноати халқ хўжалиги режасини амалга оширишда биринчилардан бўлиб, ўсувчи саноатга айланди. Шу йили ЎзССРда «Узмясохладпром» трести ташкил этилди, 8 та шаҳар гўшт ишлаб чиқариш марказлари – Тошкент, Самарқанд, Андижон, Бухоро, Термиз, Каттакўргон, Қарши, Қўқонда ва 2 та совитгичли корхоналар – Самарқанд ва Бухорода ташкил этилди.

1938 йилда республика гўшт саноатида 12200 тонна гўшт ишлаб чиқилган бўлса, 1940 йилга келиб, у 15500 тоннани ташкил қилди. Бу эса қолбаса махсулотларини ишлаб чиқишнинг йилига 3 минг тоннага кўпайганидан далолат беради.

Уруш йиллари даврида гўшт махсулотларини ишлаб чиқариш бирмунча пасайди, кейинги йилларда ишлаб чиқариш ва хомашё базаларини махсулотлар билан таъминлаш натижасида яна ўсиш кузатилди.

Улуғ ватан уруши даврида гўшт комбинатлари томонидан ишлаб чиқилган гўшт махсулотларининг 60% и тузланган ва музлатилган ҳолда фронтга юборилган.

Биргина 1942 йилнинг ўзида Тошкент гўшт комбинати 545 вагон гўшт ва қолбаса махсулотларини фронтга юборди. Ўша даврда гўшт комбинатларида гемотоген, инсулин ва бошқа дори-дармон махсулотларни ишлаб чиқиш йўлга қўйилган эди. Тиббиёт

учун дорилар ишлаб чиқиш цехини ташкил этиш Самарқанд, Фаргона ва Қўқон гўшт комбинатларида ҳам амалга оширилган.

1946 йилга келиб, 1940 йилга қараганда гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқиш даражаси анча ўсди. 1948 йилга келиб гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқиш 40 % га, колбаса маҳсулотлари эса 15 % га ошди. Бу эса 1940 йилга қараганда анча юқори кўрсаткични ташкил этди. Бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқаришнинг ошиши гўшт саноати корхоналарининг янги технологиялар билан жиҳозланишига олиб келди.

1949 йилга келиб, ишлаб чиқариш корхоналарининг гўштни қайта ишлаш цехларида умумий миқдор 2 бараварга ошди ва у 1940 йилга кўра 130 марта кўп эди.

1949 йилда гўшт саноати корхоналарида колбаса маҳсулотларини тайёрлаш кўпайди ва турлари 40 тагача номланди. Тошкент шаҳрида эса уларнинг 10 тадан 30 тагача номлари бўлиб, республиканинг бошқа шаҳарларида ҳам, ишлаб чиқариш корхоналарига тарқалди.

Сосиска, сарделка, гўшт яримфабрикатлари, котлет ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўсди.

Гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг йилдан-йилга ошиши натижасида 1949 йилга қараганда 1960 йилга келиб, гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш юқори даражага кўтарилди. Бинобарин маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичининг маълум даражада ошиши натижасида саноатнинг техника базасини ортда қолдирди.

1949 йил бошида республика гўшт саноати тармоқларида ишлаб чиқариш қуввати тавсифи қуйидаги 7-жадвалда келтирилган.

Кўпчилик корхоналарда эски техника асосида ишлаш давом этди, чунки уларда техника таъминоти ва электр жиҳозлари, санитария талабларига жавоб бермасди. Гўшт комбинатлари маҳсулот ишлаб чиқаришнинг йирик майдонига эга эмас эди, ҳатто хомашёни қайта ишлаш жараёни орқада қолди. Чунки буларнинг ҳаммаси битта бинода жойлашган бўлиб, бинонинг томлари сомон тупроқдан қурилганди. Шунингдек, бир қанча корхоналар ночор аҳволда колган эди. 18 та гўшт комбинатлари ичидан 17 тасида буглатиш аппарати бўлган, 11 тасида водопровод ва 16 та катта ҳажмли совитгичлар бўлган. Ҳеч бир гўшт комбинатлари ичида оқова сувлар учун канализация тармоқлари бўлмаган, шунингдек, завод майдонлари асфальтланмаган ва темир йўллари ҳам бўлмаган.



**1949 йилдаш бошлаб корхоналарининг ишлаб чиқариш  
қуввати ва техник ҳолати**

7-жадвал

Корхона	Асосий воситалар нархи (рубли)	Сўйишдан олдинги корамолни сақлаш жойи		Ишлаб чиқариш цехларини қуввати т / сменада		
		Очик турдаги (асосий)	Епик турдаги (асосий)	Гўшт ишлаб чиқариш бўйича	Колбаса ишлаб чиқариш бўйича	Ег ишлаб чиқариш бўйича
<b>Гўшт комбинатлари</b>						
Тошкент	5650	600	-	27	8	3
Самарканд	1159	200	-	10	2,5	1
Қўқон	934	160	-	6	1,5	0,4
Фаргона	311	120	-	7	1,5	0,35
Андижон	449	200	-	9	1,5	0,4
Бухоро	286	250	-	5	0,5	0,15
Термиз	196	-	100	4	0,4	0,15
Қарши	397	80	-	2,5	0,4	0,1
Каттақўрғон	161	40	-	2	0,2	0,1
Наманган	249	40	-	2,5	0,2	0,15
Чирчиқ	127	40	-	1,5	0,3	0,1
Бекобод	173	80	-	3	0,15	0,1
Ангрен	96	40	-	1,5	0,1	0,5
Янгийўл	1160	40	-	1,0	-	0,5
<b>Советгичлар</b>						
Самарканд	1804	-	-	-	-	-
Бухоро	702	-	-	-	-	-

Каттақўрғон, Наманган, Қарши гўшт комбинатларида ва Урганч, Олмалиқ, Хўжайли сўйиш пунктларида кучли қувватга эга бўлган электр энергияси билан таъминланган эди. Фақатгина кам қувватга эга дизел корхонанинг ўзини ёритишда мўлжалланган эди. Колбаса ишлаб чиқариш ва бошқа цехларида ишчилар техника жиҳозларидан фойдаланишда кўл меҳнати орқали амалга оширилган.

1955–1965 йиллар давомида кўпгина гўшт саноати корхоналарида янги жиҳозланган ва механизациялашган технологик жараёнлар асосида иш олиб борилган.

Юқори энергия таъминот базаси яратилди. Советгич ускуналари ўрнатилди ва янги юқори кўрсаткичли ишлаб чиқарувчи жиҳозлар волчок, гидравлик шприцлар, куттерлар, ичаклар учун жиҳозлар, субмаҳсулотлар ишлаб чиқиш цехлари билан таъминланди.

Бир вақтнинг ўзида гўшт саноатини янада ривожлантириш учун Тошкент политехника институтининг, кимё технология факультети ва Самарқанд гўшт саноати техникумини тамомлаган, юқори малакага эга бўлган битирувчилар ишга жалб қилинди.

Шунингдек Бухоро, Шаҳрисабз, Урганч, Термиз ва Нукус шаҳарларида замонавий гўшт комбинатлари қурилди ва Бекобод, Андижон, Фарғона, Нукус, Урганч ва Шаҳрисабз шаҳарларидаги гўшт комбинатлари советгичлар билан жиҳозланди.

Қисқа вақт ичида янги технологиялар билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Колбаса маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг янги тармоқлари, гўшт ташиш, сақлаш ва гўштларни суягидан ажратиш ускуналари ўрнатилди.

Янги корхоналарда ишлаб чиқаришнинг кенг ривожланиши натижасида гўштни қайта ишлаш ва янги турдаги колбаса маҳсулотларини ишлаб чиқариш, яримфабрикат маҳсулотларининг ишлаб чиқариш кўрсаткичи ошди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ассортименти кескин кўпайди.

Йиллар давомида бундай ютуқларга эришишда корхоналар муҳандис ишчи жамоасининг аҳилилиги, инженер-технолог, ишчиларнинг меҳнати, қўшни республикаларда тайёрланган кадрлар ёрдамида, янги технологияларни ва жиҳозларни корхоналарда жорий қилиш ва ўрнатишга кўмак берди.

Гўшт саноатида электр энергия кувватининг маълум миқдорда ошиши натижасида битта ишчи учун 4,7 минг квт/соатига тенг бўлди, бутун саноатда гўшт ишлаб чиқариш 460т/уруғ, колбаса ишлаб чиқариш эса 77,5 т/уруғ, мол учун қуруқ озуқа ишлаб чиқариш 7,1 т/уруғга кўпайди. Советгичнинг сақлаш ҳажми 6,3 минг тоннагача бўлган маҳсулотнинг сақлашга мўлжалланди.

Гўшт маҳсулотининг ишлаб чиқаришнинг ўсиши 8-жадвалда кўрсатилган:

Келтирилган жадвалдан кўриниб турибдики, 1-кате-гориядаги гўшт ва суб маҳсулотларни ишлаб чиқариш 1938 йилдан 1965 йилга қадар 6 мартага, колбаса маҳсулотлариники эса 7 мартага ошди. Гўшт ярим маҳсулотлари ва қадокланган гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарила бошлади.

Беш йиллик режа таркибига, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантириш, сифатини яхшилаш ва ассортиментларини кўпайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сонини кўпайтириш ва қадокланган турларини ривожлантириш киритилди.

1970 йилга келиб, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўрсаткичи 1965 йилга қараганда 15,6% га ошди. Юқори суръатлар билан қадокланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ошди. 1970 йилга келиб, 1965 йилга қараганда гўшт ишлаб чиқариш 2,4 мартага ва колбаса тайёрлаш 1,2 мартага ошди.

Саноатда интенсив асосий фондлар жараёнини янгилаш амалга оширилди. Кўпгина гўшт комбинатларида бутунлай ёки қисман қайта ишлаш ишлари жорий этилди. Бундай ишларни амалга ошириш натижасида олиб келинаётган хомашёни рацион асосида ишлатиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш меҳнатини ошириш йўлга қўйилди.

Олмалик гўшт комбинати тўлиқ таъминлашга топширилди. Бунинг натижасида у катта корхона кўринишига эга бўлди, янги ёриткичли жиҳозларнинг ўрнатилиши, янги замонавий талабларнинг қўйилиши комбинатда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга имкон берди.

Шунингдек, гўшт комбинатларида озикавий ёғ маҳсулотини ишлаб чиқариш учун автоматик линиялар ишга туширилди, яна қорамолни қайта ишлаш учун конвейер линиялари, тукли ва шилимшиқ ҳолдаги субмаҳсулотларга ишлов бериш учун махсус линиялар, сунъий қобикқа ўралган сосиска ишлаб чиқариш учун автоматик шприцлар ва бошқа бир қанча технологик жиҳозлар билан таъминланди.

Ҳар йили маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичинини ошишига асосан янги замонавий технологиялар билан ишлаш ва ишчиларнинг меҳнати сабаб бўлди.

Бир вақтнинг ўзида гўшт саноати корхоналарида энергия базаси ишини ва совитиш хўжалиги ишини юқори даражада ўстириш

ишлари олиб борилди. Натижада электр қувватини оширишга эришилди, 1965 йилда 4,7 минг квт\ соат бўлган бўлса, 1970 йилга келиб 6,3 минг квт\ соатга кўтарилди.

Қайта қуриш ишлари билан бир қаторда янги юқори механик қурилмалар билан таъминланган корхоналар ҳам барпо этилди. Саккизинчи 5 йиллик ичида Тошкент ва Қарши гўшт комбинатларига советгичлар ўрнатиш, Тошкент гўшт комбинатида гўшт-ёғи ишлаб чиқариш жорий этилди, бу гўшт саноатининг сменада 129 тонна гўшт ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун ёрдам берарди.

Кўпгина корхоналарда бир қанча боғдорчилик ишлари амалга оширилди. Саноатни эстетик ва маданий жиҳатдан таъминлашга эътибор қаратилди. Буларга мисол қилиб Олмалик ва Фаргона гўшт комбинатлари «Боғ комбинатлари» га айлантирилди. Шунингдек, комбинат чегараларининг яхшилаш ишлари Хўжайли гўшт комбинатида ҳам бажарилди.

Саноатнинг янги режалаштирилган ва иқтисодий стимуляция тизимига ўтиши асосий аҳамият касб этди. Корхонадаги ишчиларнинг янги юқори малакали метод асосида ишлаши натижасида янги иқтисодий ресурслар асосида ишлаш бу корхонанинг рентабеллигининг ва фойданинг ошишига олиб келди.

Ишлаб чиқариш режаларининг муваффақиятли бажарилиши ва корхоналарнинг реализация қилиш натижасида гўшт саноатининг янада ривожланишига олиб келди. Ҳар бир ишчи ходим учун алоҳида иш ўринлари ажратилди. Янги техник ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши ва уни тасдиқланиши натижасида асосий қисми мол ва қўй гўштидан тайёрланадиган, янги 20 турдаги колбаса маҳсулотлари ва дудланган колбасалар яратилди.

Кўйидаги жадвалда ЎзССРда 5 йиллик ичида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши келтирилган:

Саккизинчи беш йиллик охирида Республикада гўшт саноатининг юқори қувватда ишлаши, ҳар хил ёшдаги қорамолни қайта ишлаш йўлга қўйилди.

Аҳолининг қандай маҳсулот турларига бўлган эҳтиёжини қондириш масаласи масалан, дудланган колбасаларга, сосискалар ва сарделкаларга, яхна таомлар учун колбасаларга бўлган талаблари кўриб чиқилди. 1970 йилда олий навли колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш 28 % бўлиб, 1965 йилга нисбатан 11 марта кўп бўлди. Фаргона, Наманган, Андижон ва Тошкент гўшт комбинатла-

рининг ишлаб чиқилган маҳсулотлари диплом ва медаллар билан тақдирланди.

**Беш йиллик кчида гўшт маҳсулотлари ишлаб  
чиқарилиши (1966 – 1970 йй.) (минг. т)**

8-жадвал

Маҳсулот	1966 й.	1967 й.	1968 й.	1969 й.	1970 й.
I категорияли гўшт ва субмаҳсулотлар	64,17	69,4	68,0	60,3	68,04
Колбаса маҳсулотлари	24,9	26,5	27,6	24,1	29,9
Шунингдек :					
Пиширилган колбасалар	11,13	13,41	13,38	12,69	13,5
Сосиска ва сарделкалар	2,85	2,63	3,06	2,39	3,4
Гўштли яримфабрикатлар	4,3	4,7	5,9	6,3	7,9
Қадокланган гўшт	7,25	8,0	7,5	6,2	9,6

Кўпгина корхоналар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот assortи-ментлари турларини кўпайтирди.

**Саноат кадрлари**

Ўзбекистон гўшт саноатининг шу давргача эришган ютуқларида инженер-технолог ва ишчи-техник ходимларнинг меҳнат фаолияти, уларни гўшт комбинатининг ривожланишига қўшган ҳиссалари алоҳида аҳамиятга эга.

Саноатнинг ривожланиши билан бирга юқори малакага эга бўлган кадрларнинг сони кўпайди, олий ва ўрта таълимга эга бўлган мутахассисларни етиштириш кескин ошди.

1958 йилдан 1972 йилга қадар гўшт саноатида мутахассис ва ишчиларнинг умумий миқдори 125 % га ошди.

Ўзбекистонда гўшт саноатининг тараққий этишида қўшни республикалар катта ёрдам кўрсатди. Москва, Ленинград, Фрунзе, Одесса, Ереван ва бошқа кўпгина давлатларнинг таълим даргоҳларидан етук мутахассислар гўшт комбинатларини ривожлантиришга жўнатилди. Тошкент гўшт комбинатида ва корхоналарда

ишчи кадрларни тайёрлаш ва ўқув курсларини олиб бориш ишлари амалга оширилди.

Жуда кўп мутахассислар Тошкентдаги гўшт саноати вазирлигида, Москва, Ленинград, Одесса ва бошқа шаҳарлардаги институт, техникумларда тайёрлов курсларида тахсил олиб, малака оширдилар.

Кўп мутахассислар Прибалтика, Украина ва Белоруссия республикасига тажриба алмашиш ва ишлаб чиқариш жараёнларини ўрганиш мақсадида юборилди.

Жойларда ишчи кадрларнинг ўз ишига бўлган масъулияти ва соҳага бўлган тажрибаси ошди.

### **Илмий кашфиётлар**

Ўзбекистон гўшт саноати корхоналарида гўшт маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича амалий машғулотга эга бўлган қатор илмий кашфиётлар олиб борилди. Илмий кашфиётлар муаммоси билан Ўзбекистон Республикаси гўшт саноати вазирлигининг марказий лойиҳалаш конструкторлик технологик бюроси ва Республика маҳсулот ишлаб чиқаришнинг назорат қилиш лабораториялари шуғуллана бошлади. Бир қатор йирик олимлар А.А.Соколов, А.С.Болшаков, В.М. Горбатов ва В.А. Грачев бошчилигида бир қанча илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Ўзбекистонда гўштни қайта ишлаш соҳаси бўйича бир неча олимлар т.ф.д. А.Ғ.Фулломмаҳмудов, И.К.Мадалиев, т.ф.н. Х.Н. Муталов ва т.ф.н. А.Фатхуллаевлар соҳаривожланишига турли даврларда ўз хиссаларини қўшишган.

Маҳсулотнинг сифатли ишлаб чиқаришнинг яхшилаш учун асосий эътибор биринчи навбатда гўшт таркибида намлигини юқори сақлай оладиган қўшимчалардан қийма тайёрлашда қўллашга қаратилди. Маълумки, ҳайвон тўқималари сувни боғлаш хусусиятига эга бўлиб, қайта ишлаш жараёнида намликни сақлайди, шунингдек, бошқа бир қанча тўқималар намлик билан биргаликда оқсил, ёғ ва мускул тўқималарни сақлаб туради. Маълумки, гўштнинг мускул тўқималарида сув миқдори 70% гача бўлади.

Термик ишлов бериш жараёнида гўштнинг майинлик кўрсаткичи йўқолади, қуруқ ҳолатга келади. Бир қатор тажрибалар олиб борилиши натижасида гўштнинг майинлиги оширилди.

Технологик қайта ишлаш жараёнида гўшт ўз ҳолатини сақлаб қолиши учун унинг биологик таркибини ва табиий равишда

оксиллар, ёғлар, минерал тузлар, углевод ва сувларни гўштдаги оптимал миқдорини таъминлаб туриш лозим.

Колбаса маҳсулотларини ишлаб чиқаришда технологик ишлов бериш натижасида гўшт майдаланади ва уни мазаси, хиди турли зирavor ва қўшимчаларни қўшиш орқали гўшт массаси ҳолатига ўтади.

Пиширилган колбаса, сосиска ва сарделка тайёрлаш жараёнида хомашёга етарли миқдорда сув қўшилади (40 %). Қўшиладиган сув гўшт оксиллари билан қўшилиб кетиши керак. Пиширилган колбаса тайёрлашда куттерда аралаштирилган қийма ишлатилади. Сўнг сув қўшилади. «Четдан» қўшилган сув колбаса маҳсулотининг катта қисмини эгаллайди. 75-85 ° С да бугда пиширилган ва қиздирилган колбаса маҳсулоти асосан сувли бўлади.

Пиширилган колбаса, сосиска ва сарделкаларда сақланган намлик маҳсулотни яхши чиқишини аниқлаш бир қаторда унинг асосий миқдори ва мазасига ҳам таъсир кўрсатади. Тўғри ва сифатли аралаштирилган қиймадан тайёрланган колбаса юқори сифатли таъмга эга бўлади.

Охириги вақтларда гўштни қайта ишлаш саноатига гўштни майин қилиб майдалайдиган янги машиналар сотиб олинди. Бундай куттер ёрдамида тинимсиз равишда гўштни майдалаш имкониятига эга бўлиб, гўштни майин агрегат ҳолатида майдалашга хизмат қилади. Бу ҳамма машиналар тезлик режими асосида кесишга мўлжалланган бўлиб, ишчи айланиш механизми 3000 айланма/мин. га етади.

Гўштни қиздириш туфайли оксиллар денатурацияга учрайди, майдаланган музларни қўшиб аралаштирганда ҳам қиймада намликнинг сўрилишига таъсир кўрсатади.

Қийма таркибидаги намликни ошириш мақсадида Янгийўл малакали-тажриба колбаса заводи махсус мутахассислари янги метод яратдилар, яъни барча колбасаларга солинадиган тузли эритмага - таркибида 0,003% бўлган натрийли тузли эритма қўшиниши ишлаб чиқишди. Бунда технологик жараён вақтида гўштни майдалаш билан бирга тузлаш жараёни ҳам бажарилади. Гўштни майдалаш вақтида гўштни кесадиغان пичоқ музли сувга ботирилиб турияди. Бунинг натижасида эса гўштни кесиш жараёни тезлашади, қизиб кетиш ва денатурацияга учрашининг олди олинади. Тузли эритма кесиш вақтида гўштининг мускул тўқималари ичига кириб боради ва гўшт оксиллари билан бирга қўшилиб кетиш

жараёни кузатилади. Физик, биокимёвий ва органолептик кўрсаткичлар гўшт тўқимасида бу жараёнда анча юқори даражага кўтарилади.

10 кг хомашёга 0,03% натрий нитрит тузли эритмаси кўшилади. Олиб борилган кузатишлар шундан далолат берадики, пиширилган колбаса, сосиска ва сарделка қиймаси таркибидаги намлик эритмани кўшиш натижасида 4-7% га ошишини ва маҳсулот сифатини янада яхши бўлишига олиб келди.

Бу усул жуда катта иқтисодий фойда келтирди. Асосий кимёвий-биологик процесс сифатини ошиши натижасида гўшт ва ёғнинг йўқолиш процесси қисқаради, шунингдек, қийманинг намликни ушлаб туриш хусусияти ошади ва колбаса маҳсулотининг ишлаб чиқариш кўрсаткичи 4-8% га кўпаяди.

Аммиакли вертикал конденсаторлар ва буглатишлар саноатининг совитгичли станокларида схема бўйича ишлайди. Улар шуни кўрсатадики, юқори трубаларнинг ифлосланиши туфайли ишлаб чиқаришнинг пасайишига олиб келади. Суяклик қаршилигининг пасайиши туфайли аппаратнинг ишлаб чиқарувчи кўрсаткичи бир неча маротаба ошади.

Аммиакли вертикал конденсаторлар ва буглатишлар маҳсулот ишлаб чиқарувчи аппарат кўрсаткичини 3- 3,5 мартага оширади.

### **Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик даврида гўшт саноатини ривожлантириш**

Ўзбекистон мустақилликка эришган йилларда гўшт сут корхоналари хусусийлаштирилиб, мулк эгаларига топширилди. Энди ҳар бир корхона эгаси ўзи мустақил равишда корхона ишлаб чиқариш режасини тузиб, ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларини ўзлари сотиб, ишлаб топилган даромадларини ўз хоҳишларига кўра идора қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Йирик корхоналар ўрнини кичик ихчам корхоналар эгаллади. Бу эса корхона эгаларига бирмунча қулайликлар яратди. Корхоналар гўшт ва сут маҳсулот турларига кўра алоҳида ўз фаолиятларини эркин равишда олиб бора бошладилар. Хусусий фермер хўжаликлари ўз хўжаликлари ҳудудида гўшт ва сутни қайта ишловчи кичик мини цехларни ташкил этдилар.

Сўнги йилларда кенг қулоч ёзаётган, янги ташкил этилаётган фермерлик ҳаракати, шахсий деҳқон хўжаликлари ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда турли хил чорва ҳайвон ва парранда-



ларини кўпайтириб бокиб семиртириш, олинадиган маҳсулот сифатини яхшилаш тадбирлари муҳим аҳамият касб этмокда. Бу борада вилоятларда ҳам кўплаб фермер хўжаликлари улкан натижаларга эришмокдалар. Улар мол туёгини тобора кўпайтириш, наслини яхшилаш, ем-хашак базасини барқарорлигини ошириш каби тадбирларга алоҳида эътибор берганлари ҳолда астойдил меҳнат қилмокдалар.

Умуман, мамлакатимизда гўшт ишлаб чиқариш саноати учун хомашё базаси сифатида фермер ва жамоа хўжалиklarининг тутган ўрни ниҳоятда салмоқлидир.

Тошкент шаҳри ва унинг атрофида қатор ўрта ва кичик корхоналар барпо этилди. Улардан масъулияти чекланган жамиятлар «Московские деликатеси», «Шаршара», Сағбон, Геомакс, Шерин, Кичик бешёғоч, Теген, Тўхтаниёз ота каби гўштни қайта ишлаш корхоналари шулар қаторига кирди. Ушбу корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш қувватлари қисқа вақт мобайнида жадал суръатлар билан ўсди. МЧЖ «Московские деликатеси», «Шаршара», «Шерин» корхоналари бугунга келиб кунига 15-20 тонна ишлаб чиқариш қувватига эга бўлдилар. Қолган корхоналар ҳам кунига 10-15 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эришдилар.

Ҳар йили «Ўзэкспомарказда» бўлиб ўтадиган кўرғазмадан заъонавий янги техника ва технологияларни харид қилиб ўз корхоналарини модернизация қилишга киришдилар.

Колбаса ва ярим тайёр маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасининг техник жиҳозланиши кескин ривожланди. Гўштни суяқдан ажратиш ва лаҳмлаш жараёнлари механизациялашган ва янги конструкцияли гўшт майдалаш машиналари, куттерлар, вакуум-аралаштиргичлар, узлуксиз ишловчи шприцларнинг тури ва сони кўпайди.

Колбаса ва ярим тайёр маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасининг техник жиҳозланиши кескин ривожланди. Колбаса, сосиска, сарделка, чучвара ишлаб чиқариш учун механизациялашган линиялар ишлаб чиқаришга жорий этилди. Айниқса, ихчам замонавий мини цехлар «модуллар» фермер хўжаликлари учун қулайликлар яратди. Улардаги коммуникация ечимларининг қулайлиги ушбу цехларнинг афзал эканлиги билан эътиборни ўзига тортди.

**Гўшти қайта ишлаш корхоналарида тайёр маҳсулот  
ишлаб чиқариш суръати (смена/тонна)**

*9-жадвал*

Корхона	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.
Московские де- ликатеси МЧЖ	3,5	4,0	6,0	8,5	8,8	9,5	12,0	14,5
Шаршара	4,5	4,8	5,5	7,5	8,9	10,5	13,2	15,0
Геомакс	3,6	3,0	3,1	3,4	7,8	7,5	8,3	10,9
Шерин	3,0	3,5	4,5	5,8	6,5	7,2	9,4	10,5
Теген	3,0	3,2	4,4	6,8	7,7	8,5	9,3	10,3
Сағбон	3,2	3,5	4,5	6,6	7,9	8,9	9,8	10,2
Тўхтаниёз ота	2,6	2,8	3,6	4,5	5,2	7,1	8,9	9,2
Ҳақима нур	2,3	2,5	3,6	4,2	5,1	6,6	7,5	8,5
Рўзметов З.	2,2	2,4	3,5	4,0	4,5	5,5	6,5	7,5

Ўзбекистон Президентининг 2009 йил 26 январь ПҚ 1047-сон «Истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш чора-тадбирлари» ҳақидаги қарори, гўшт ва сут ишлаб чиқарувчиларига кўплаб имтиёзлар яратиб берди. Масалан, чет элдан олиб келиб, ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган хомашё, ускуна ва бутловчи қисмлар божхона тўловларидан озод этилдилар. Қарордаги энг асосий имтиёзлардан бири гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари амалдаги солиқ ставкасидан 50% камайтирилган ҳолда, фойдадан солиқ тўлаш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Ҳозирги кунга келиб, Республикадаги «Ўзгўштсусаноат» соҳасида 450 дан ортиқ ўрта ва кичик корхоналар рўйхатта олинган бўлиб, улар бозор иқтисодиёти даврида мустақил фаолиятларини олиб бормоқдалар. Улар Ўз корхоналарида мавжуд бўлган қувват ва захиралардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш воситаларини техник ва технологик модернизация қилиб, янги рақобатбардош маҳсулотларини ишлаб чиқармоқдалар.

Республикамизда 2009–2012 йилларда гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсиш суръатларини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.

Ишлаб чиқариш ўсиш суръатлари										
№	Маҳсулот турлари	Ўсиш суръати								
		01.01.2009 йилда	01.01.2010 йилда	Ўсиш суръати	01.01.2010 йилда	01.01.2011 йилда	Ўсиш суръати %	01.01.2011 йилда	01.01.2012 йилда	Ўсиш суръати %
1	Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	2700,0	2732,2	98,8	2732,2	776,9	28,4	776,9	745,9	96,0
2	Гўшт консервалари	2895,0	2975,0	102,7	2975,0	6455,1	216,9	6455,1	3577,3	55,4
3	Колбаса маҳсулотлари	650,0	3512,1	540,3	3512,1	990,0	28,2	990,1	11028	1114

Ишлаб чиқарувчиларга берилган бундай имтиёزلарнинг барчаси Республикамизда олиб борилаётган ислохотларнинг чуқур иқтисодий режа асосида олиб борилаётганидан дарак беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 октябрдаги ПК-1633-сонли қарори асосида Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмасини таъсис этиш тўғрисида фармойиш берилди. 2012 йил январидан бошлаб «Ўзгўштсаноат» уюшмаси ва унинг таркибидаги 80 дан ортиқ гўшт ва сут ишлаб чиқарувчи корхоналари Ўзбекистон озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси тасаруфига киритилди. Бу эса Республикамизда гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришда янги иқтисодий босқичга қадам қўйилганидан дарак беради. Юқори сифатли, жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, маҳсулот экспорти ҳажмини ва турларини кенгайтириш Уюшманинг асосий вазифаларидан бирига айланди. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун давлат стандарти талаблари кучайтирилди, халқаро стандарт талаблари асосида сифат кўрсаткичларига ўзгатиришлар киритилди. Энди корхоналарнинг экспорт салоҳиятини

юксалтириш, ташки бозорга-рақобатбардош маҳсулотларни етказиб бериш масаласи асосий мақсадга айланди.

2012 йил 23 августида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 252- сонли қарорга кўра ҳудудларда инвестиция дастур лойиҳалари бажариш режаси бўйича, 2013 йилда Республикамизда гўшт маҳсулотларини саноат усулида қайта ишлаш бўйича ташкил этиладиган янги 53 та корхона ва 18та мавжуд корхоналарни модернизация қилиш ҳисобига корхоналарнинг йиллик қуввати 12156 тоннага ошади. Жумладан, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 50 фозга етади.

Ишлаб чиқарилаётган гўшт маҳсулотларининг сифатини халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида 2013 йилда гўштни қайта ишлаш корхоналарида («Moskovskiyе delikatesi» МЧЖ, «Tegen group» МЧЖ, «Rozmetov ZM» МЧЖ) ИСО 9001 ва ИСО 22000 халқаро стандартларини жорий этиш режалаштирилган.

2013 йилда бирламчи гўшт ва гўшт маҳсулотларини 46,55 минг тоннага (ўсиш – 1,5 марта), колбаса маҳсулотларини 30,0 минг тоннага (ўсиш – 115 фоз) ва гўштли консерваларини 4,3 млн.ш.б. га етказишнинг аниқ чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Ушбу ишларнинг барчаси халқимиз дастурхонини янада тўқин бўлишига шароит яратади.

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ю.Мамажонов. Развитие месной молочной промышленности. –Ташкент, 1973. -60с.
2. И.А.Рогов. Технология мяса и мясopодуктов. Учебник для вузов. – М.: «Агропромиздат», 1988.
3. И.А.Рогов, А.Г.Забашта, В.А.Алексахина, Е.И.Титов. Технология и оборудование колбасного производства. – М.: «Агропромиздат», 1989.
4. А.Гуляммахмудов, А.И.Жаринов и др. Совершенствование технологии производства колбасных изделий. – Т.: «Мехнат», 1987.
5. И.А.Рогов, Р.М.Ибрагимов и др. Производство мясных полуфабрикатов. – М.: «Колос-пресс», 2001.
6. А.И.Жаринов, И.В.Хлебников, И.К.Мадалиев, Вторичное белоксодержащее сырье: способы обработки и использования. – М.: «Мясная промышленность», 1993.
7. А.И.Рогов, А.И.Жаринов, Прикладная биотехнология на пороге XXI века. – М.: Агропромиздат, 1995.
8. А.Ф.Шепелев. Технология мяса и мясных товаров. – М.: «Колос», 2001.
9. А.В.Безуглова. Технология копчения мясных и рыбных продуктов. – М.: «Колос», 2004.
10. А.Фатхуллаев. Гўшт биокимёси. – Т.: «Иқтисодиёт», 2010.

---

## СУТ САНОАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Одамлар узок вақтдан бери сутни истеъмол қилиб келишган бўлса ҳам, унинг нима эканлигини, таркибида нималар борлигини билишмаган. Аммо унинг озик ва шифобахшлик кучини, кадр-қим-матини қадимдаёқ билиб олишган.

Қадимги Грузия, Арманистонда ҳакимлар иситмаларга даво мақсадида ва сурги дори сифатида зардобни ишлатишган. Бундан 1000 йилдан илгарироқ яшаб ўтган Ўрта Осиёлик машҳур олим ва буюк аллома Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асарида ҳам сутнинг шифобахшлик хусусиятлари тилга олиб ўтилади.

XVII асрга онд рус Шифо китобларида сут болалар озик-овқатида, цинга ва юрак касалликларига, қимиз ва қатик эса сил, қорин тифи (ичтерлама) ва иситмага даво қилишда ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайдиган бебаҳо маҳсулотлар деган сўзларни ўқиш мумкин.

Ватанимизда сутчилик ишининг ривожланишида Россиянинг XIX аср иккинчи ярмида яшаган машҳур жамоат арбоби Николай Васильевич Верещагин муҳим ҳисса қўшди. У мамлакатда мой, пишлок ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сут чорвачилигини ривожлантириш учун талайгина ишларни амалга оширди. Верещагиннинг хизматлари тўғрисида унинг яқин сафдоши ва қисман шогирди А.А. Калантар ибораси билан айтганда, «Унинг сут хўжалиги ва қорамолчилиқ соҳасидаги хизматлари жуда катта. У биздаги сутчилик ишини бунёдга келтирди ва бу касб-кор мавжуд бўлиб турар экан, Н.В. Верещагиннинг номи ҳурмат ва эътибор билан тилга олинаверади».

Н.В. Верещагин Россиянинг Тверь губерниясидаги Едимоново қишлоғида дастлабки сут мактабини ташкил этди ва бу мактаб рус усталарини етиштириб чиқаришда катта роль ўйнади.

Вологда сариёғини дастлаб Н.В. Верещагин ишлаб чиқарган бўлса-да, бироқ бу ёғни Россияда кўп йиллар давомида Париж мойи деб атаб келишди. 1879 йилда Петербург кўргазмаси шу ёғни кўриб қолган шведлар уни ишлаб чиқаришга киришди ва Петербург мойи деб атайдиган бўлишди. Верещагин вафотидан кейингина бу мой Вологда мойи деб аталадиган бўлди.

Йирик шаҳарлар аҳолисини сут билан таъминлаб боришда биринчи бўлиб уриниб кўрган киши Н.В. Верещагин бўлди.

Москвада дастлабки сут заводини А.В. Чичкин очган. У Пётр (ҳозирги Тимирязев) қишлоқ хўжалик академиясини тугатган.

А.В. Чичкин ташаббуси билан унинг ёрдамчиси профессор А.А. Попов Европанинг энг яхши сут заводларини ўрганиб чиқиб, 100-150 т/сутка қувватга эга сут заводи лойиҳасини яратди. Бу Европадаги энг катта завод эди.

Сутчиликнинг биокимё ва микробиологияси ривожланишига машҳур олим Г.С. Инихов, С.А. Королёв, А.Ф. Войткевич, В.Н. Богданов, А.М. Скорудомова, Н.С. Королёвалар; сариеғ ишлаб чиқариш тармоғи ривожланишига олимлардан С.М. Кочергин, М.М. Казанский, А.П. Белоусов, пишлоқ ишлаб чиқаришда эса С.В. Парашук, А.Н. Королёв, Д.А. Граников, А.И. Чеботарёв, З.Х. Диланян; сутчиликнинг бошқа соҳа технологиялари ва техникасининг ривожланишига М.С. Коваленко, В.В. Страхов, Г.А. Кук, В.Д. Сурков, Н.Н. Липатов ва бошқалар асос солганлар.

Ўзбекистонда дастлабки сут заводи 1928 йилда Тошкент шаҳрида ишга туширилган. Кейинги йилларда Андижонда, Самарқандда, Наманганда, Марғилонда ва Қўқонда сут заводлари очилди.

Ушбу корхоналар мослашмаган дуч келган биноларда жойлашган бўлиб, барча жараёнлар асосан қўлда бажарилиб, ҳар бир корхонада суткада 1-1,5 тонна сут қайта ишланар эди. Ускуналар бор йўғи 1-2 та қўл сепараторлари ва ёғ қувлаш (маслобойка) жиҳозлардан ташкил топган эди. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот ассортиментни қуйиб тарқатиладиган сут, сметана, творог ва сариеғдан иборат эди холос.

У вақтларда сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ва ассортиментини кўпайтиришга корхоналарнинг қуввати ҳам, уларга келаётган сутнинг миқдори ҳам йўл қўймас эди.

Қорақалпоқ АССР, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида бу даврларда сутни қайта ишловчи корхоналар умуман бўлмаган.

Корхоналарга топшириладиган сутнинг асосий қисмини (индивидуал) якка тартибдаги хўжаликлар ташкил этар эди. Қорамолларнинг 75% уларнинг қўлида эди.

Бу хўжаликлар сут заводларидан узоқда жойлашганлиги, тарқоқлиги, самарадорлигининг камлиги сут йиғилишининг қийинлашишига олиб келарди.

1937 йилда Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати Халк комиссияси таркибида Давлат сут саноатига асос солиниб, унинг олдида катта ва мураккаб вазифа – колхоз ва совхозлар, сут-товар фермалари, майда деҳқон хўжаликлари етиштириб бераётган сутни қабул қилиш ва уни қайта ишлашни ташкил қилиш турар эди.

Бу вазифани бажаришнинг мураккаблиги яна шундан иборат эдики, у вақтларда саноатда малакали мутахассислар кам, янги соҳага ажратиладиган капитал маблағлар миқдори чекланган, керакли асбоб-ускуналар йўқ эди. Сут етиштирувчи хўжаликларда ишлаб чиқариш маданияти паст эди. Сут ва сут маҳсулотларини узок масофага олиб борадиган йўллар уларнинг сифати бузилишига олиб келар эди.

1937–1939 йилларда Гулистон, Сирдарё, Фарғона, Бухоро, Термиз ва Нукус шаҳарларида ҳам заводлар ташкил топди.

1940 йилда Ўзбекистон ҳудудида 13 та сут заводи фаолият кўрсатарди: Тошкент, Гулистон, Сирдарё, Фарғона, Марғилон, Қўқон, Наманган, Андижон, Самарқанд, Пастдаргом, Бухоро, Термиз, Нукус шаҳарларида.

Юқоридаги заводлар 1940 йилда 30,4 минг тонна сутни қайта ишлаган. Шундан 5,8 минг тоннаси ёки 19% ҳар хил сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга сарфланган бўлса, қолган қисми эса хайвон ёғи тайёрлашга сарфланган.

Урушдан кейин яна иккита сут заводи, Янгийўлда (1946й) ва Бухорода (1947й) ишга туширилди. Сут саноати 1950–55 йилларда жадал ривожланди. Бу йилларда Жиззах, Қарши, Каттақўрғон, Пайариқ, Шаҳрисабз, Денов, Урганч, Нукус шаҳарларида сут заводлари ва Қўқон, Булунгур ва Нарпай шаҳарларида бир вақтнинг ўзида 150т, Қарши шаҳрида 100 т сут маҳсулотлари сақлаш имконига эга бўлган (холодильник) совуқхоналар қуриб фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистонда 1956 йил бошига келиб, сутни қайта ишлайдиган 25 та корхона фаолият юритарди. Бу корхоналарга 293 та майда сутни ва ёғни қабул қилиш пунктлари бириктирилган эди. Бундан ташқари бир нечта, қўл меҳнатига асосланган, сутни сепаратлаш пунктлари мавжуд бўлган.

1955 йилнинг ўзидаёқ сут заводлари урушдан олдинги 1940 йилга нисбатан 3 марта кўпроқ сутни қабул қилиб, маҳсулот ишлаб чиқардилар. Бу даврга келиб, сут асосан колхоз ва совхозлар томонидан етиштириб берилар эди.



## Хўжаликлардан сут сотиб олиш (минг.т)

	1940-йил	1953-йил	1955-йил
Жами	31,6	77,2	92,5
Шу жумладан:			
Савхозлар	2,2	14,0	17,2
Колхозлар	10,8	38,2	58,8
Аҳолидан	18,6	25,0	16,5

*11-жадвал*

Жадвалдан кўриниб турибдики, аҳолидан сотиб олинган сут улуши, 1940 йилдан 1955 йилгача 60 % дан 18 % гача камайган.

Давлат раҳбариятининг чорвачиликни ривожлантиришга қаратилган чора - тадбирлари натижасида, республика сут саноати киска даврда мустақкам ва ривожланишда давом этаётган хомашё базасига эга бўлди ва республика аҳолисини сифатли ва етарли миқдорда сут маҳсулотлари билан таъминлаш имкони тугилди.

Бу йилларда республика сут саноатини қайта жиҳозлаш бўйича катта ишлар қилинди, ишлаб турган корхоналар қуввати оширилиб, янги заводлар ишга туширилди. Ангрэн, Бекобод ва Бўстонлик сут заводлари қуриб топширилди. Юқори самарадор ускуналар билан жиҳозланган Тошкент сут комбинати қурилиши тугалланди. Кўплаб сепаратор бўлимлари механизацияланди. Сут заводларида сутни ортиш ва ҳайдаш, прогрессив технология асосида, махсус сут насосларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш кенг миқёсда қўлланила бошланди. Сутни ташиш учун цистернали автомобиллар қўлланила бошланади.

1960 йилга келиб барча сут заводларида янги технологик жиҳозлар ўрнатилган бўлиб, улар пластинкали совитиш, пастерлаш ускуналари, узок муддатли пастерлаш ванналари ва турли қувватли сепараторлардан иборат эди.

Тошкент сут комбинатида дастлабки (бутилкаларга) шиша идишларни ювиш, уларга сут қуйиш, алюмин фольга қопқоқлар билан беркитувчи механизациялаштирилган линия ишга туширилди.

Бир катор сут заводларига творог маҳсулотларини қадоклаш автоматлари ўрнатилди.

Заводларнинг электр қуввати ва совуқлик таъминоти ўсди. 1960 йил бошига келиб йиллик электр энергия сарфи 11млн.квт соатни

ташқил этиб, бир ишчига 7 минг квт соат тўғри келарди. Бутун сут саноатида умумий қуввати 3240минг ккал\соат га эга бўлган 72 та совутиш жиҳози мавжуд эди. Умумий ишлаб чиқариш қуввати 1955 йилда сменада 303 тоннани ташқил этган бўлса, 1959 йилда эса 567 тоннагача кўпайди. Сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми сменасига 50 дан 253 тоннагача ўсди. Бу 1959 йилда 229 тонна сутни қайта ишлаш имконини берди.

Ўсиб келаётган сут саноатини малакали мутахассислар билан таъминлаш мақсадида 1947 йил Самарқанд гўшт саноати техникумида техник-технологлар, кейинчалик механиклар тайёрлов бўлими, Тошкент политехника институтида эса сут саноати муҳандис-технологлари бўлими очилди.

Бу тадбирлар қисқа даврда (1949–1959) сут заводларига малакали кадрларни йўллаш имконини берди. 1960 йилда Республика сут саноатида 200 дан ортиқ ўрта ва олий маълумотли мутахассислар фаолият юритар эдилар.

Давлат қарорига асосан (1965 й.) республикада чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш белгиланган бўлиб, колхоз ва совхозларда сигирлар сони кескин кўпайиб, маҳсулот самарадорлиги икки баробар ўсди.

Ўзбекистонда саноат соҳаларининг интенсив ўсиши натижасида шаҳар аҳолиси сони ҳам кўпайиб борар эди. Ўз навбатида сут саноати корхоналари олдида шаҳар аҳолиси эҳтиёжларини қондириш учун техник базани янги поғонага кўтаришдек долзарб вазифа турар эди.

Юқорида айтилганидек, илгари қурилган заводларнинг кўпчилиги кичик қувватли эдилар, улардаги ишлаб чиқариш майдонларига янги юқори самарадорли ускуналар ўрнатиш имкони йўқ эди. Бундай талабларга совутиш ва термостат камералар, энергия ва совитиш хўжаликлари ҳам жавоб бермас эди. Бундай шароитда сут заводларида тубдан реконструкция ишларини ўтказиш иктисодий мумкин эмас эди.

Ишлаб чиқариш - тайёрлов тармоғи бундан ҳам ёмон аҳволда эди: сепаратлаш бўлимларининг 75 % ижарага олинган хоналарда жойлашган, 15% сутни сепаратлаш ва бошқа жараёнлар қўлда бажариларди, ярми оддий канализацияга эга эмасди, фақатгина 40% водопровод суви билан таъминланган ва 205 та сепаратлаш пунктдан фақатгина 7 таси совутиш ускунасига эга эди. Бундай ҳолатда сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш,

уларнинг сифатини яхшилаш каби долзарб вазифаларни сут саноати ечимини топиши амри маҳол эди.

Республика раҳбарияти халқни сут маҳсулотлари билан таъминлаш масаласига катта эътибор берган ҳолда, сут саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватини ошириш ва уларни ривожлантиришда катта ёрдам кўрсатди.

Ўн йил (1960–1970 й) давомида янги заводларни, сепаратлаш пунктларини қуриш ва мавжудларини қайта техник жиҳозлаш бўйича анча ишлар қилинди. Кўпгина эски заводлар, асосан ёғ ишлаб чиқарувчи, ўрнига янги замонавий жиҳозлар билан таъминланган сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи заводлар қурилди. Бундай заводлар 1961 йил Термизда, 1962 йил Навоийда, 1966 йил Наманганда ва Ғазалкентда, 1968 йил Хўжайлида, 1969 йил Жиззахда ва 1970 йил Нарпайда қуриб фойдаланишга топширилди. Тошкентда сменада 150 т. сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига бир вақтнинг ўзиде 2000 т ҳажмли совуқ хонага эга бўлган сут комбинати қурилиши бошлаб юборилди.

Кўпчилик сут заводларида тубдан реконструкция амалга оширилди. Уларнинг кўплари янги қурилган биноларга янада самарадор қувватга эга бўлган қўшимча ускуналарга эга бўлдилар. Фаргона, Кўкон, Марғилон, Гулистон, Сирдарё, Пискент, Нукус, Денов, Термиз, Қарши, Самарқанд ва Каттақўрғон сут заводлари реконструкция қилинди.

Барча сут заводларида пастерлаш жараёнларини ёпик оким ҳолида олиб бориш жорий этилди. Бунинг учун юқори ҳароратда (96°C гача) ишлай оладиган пластинкали ва қувурли пастеризаторлар ўрнатилди. Кам қувватли совуқлик жиҳозлари кўпчилик заводларда 100 ва 200 минг ккал/соат қувватли қурилмаларга алмаштирилди. Барча компрессорлар сони 156 дона бўлиб, умумий совуқлик ишлаб чиқариш қуввати 13,4млн. ккал/соат ни ташкил этар эди. Ҳамма сут заводларида термостат ва совуқхоналар кенгайтирилди ва қурилди, 2-3 буг қозонлари ўрнатилди, буг ишлаб бериш цехлари ташкил этилди.

Тошкент сут комбинатида реконструкция ўтказилиши натижасида барча технологик, энергетик ва совуқлик олиш ускуналари алмаштирилди. Бу эса комбинат қувватини икки баравар ошириш имконини берди.

Сут заводлари маҳсулот қадоқлаш ускуналари ва сутни бутилкаларга қуювчи автоматлаштирилган линиялар билан жиҳозланди.

Бундан ташқари Тошкент, Самарқанд ва Андижон сут комбинатларида сутни қоғоз пакет (халта) ларга қуйиш автоматлари ўрнатилди. 1970 йилга келиб, республика сут заводларида кўплаб сметана, творог ва сирки каби маҳсулотларни қадоклаш автоматлари ишлар эди. Сут заводлари рационализаторлари, муҳандис-технолог ходимлари ва ишлаб чиқариш наваторлари (илғорлари) ёрдамида ишлаб чиқариш жараёнларини янада кўпроқ механизациялаштириш жадал суръатлар билан давом этарди. Бу йўналишдаги энг катта тадбирлардан бири – барча сут топширувчилар идишларидан сут заводлари қабул бўлимлари идишларига ҳайдаб бериш учун сўриб олувчи насослар ўрнатилди ҳамда цехларда занжирли транспортёрлар қурилди.

Ушбу тадбирларни татбиқ этилиши натижасида 1970 йил охирига келиб, сут саноатида ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш 65% га етказилди.

Бирламчи тайёрлов тизимини тартибга солишга катта эътибор қаратилди. Сепаратлаш пунктларининг техник таъминоти яхшиланди. 1970 йил 1 январгача ташкил этилган 156 та сепаратлаш бўлимларида сутни сепаратлаш, ортиш ва тушириш каби оғир меҳнат талаб қилувчи жараёнлар механизациялаштирилди, электрли центрифугалар, сут тарозлари ўрнатилди.

1971 йил бошига келиб, 47та сепаратлаш бўлимлари махсус жиҳозланган, техник меъёрлар талабларига жавоб берадиган биналарга кўчирилди. Бирламчи сут заводлари сифатида, янги сепаратлаш бўлимлари, авваламбор йирик туман маркаларида қурилди ва улар зиммасига аҳолини сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш вазифаси ҳам юклатилди.

Бу сепаратлаш бўлимлари сутни қабул қилишдан ташқари ичимлик сути, сметана, творог ва шиша идишларга қадокланган нордон сут ичимликларини ишлаб чиқариб сотувга топширганлар.

Сут саноати фаолиятини яхшилашга қаратилган тадбирлардан бири корхоналарда сутни саклаш учун танклар ўрнатилиши ва ташиш учун автоцистерналар жорий этилишидир. 1971 йилга келиб саноатда сутни ташишда 182та цистернали автомобиллардан фойдаланилди. 1970 йил ҳисобидан 150 минг тонна сут улар ёрдамида ташилди. Кўпгина колхоз ва совхозлар ўз автоцистерналарига эга бўлиб тайёрланган сутларини бевосита заводларга топширадилар.

Сут заводларига ўрнатилган ҳажми 2 т дан 10 т гача 40 тадан ортик танклар, баъзилари совутиш мосламасига эга эди, қайта ишланаётган сут сифати сезиларли даражада яхшиланди.

Сут заводлари ва уларга бириктирилган бирламчи бўлимлар техник ҳолатини мустаҳкамлашга қаратилган барча тадбирлар хомашёни сифатини яхшилашга хизмат қилди. Бу аҳолидан йиғиб олинган сут миқдорини кескин камайтирди.

### Саноатга келиб тушаётган хомашё

12-жадвал

	1953 й	1960 й	1970 й
Сут ёғ миқдори, %	3,58	3,60	3,72
Қабул қилинаётган сут ва бошка сут маҳсулотлари сутга айлантирилган миқдори минг, т	77,2	232,0	352,5
Шу жумладан:			
Сут, минг т	23,3	145,0	303,2
Қабул қилинган сутнинг улуши, %	30,0	62,5	86,5
Йиғиб олинган ёғнинг улуши, %	70,0	37,5	13,5

Бирламчи заводлар қурилишининг кўпайиши нафақат аҳолини сут маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилади ва уни ташиш масофаларини қисқартирди, балки баъзи корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотига қараб махсус йўналишда ривожлантирилди. Бу ўз навбатида маҳсулот сифатини яхшилади ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширди. Масалан: Олмалик сут заводининг Пискентдаги цехи эритилган сир, Нарпай сут заводининг Пахтакордаги цехи пишлок. Самарқанд сут заводининг Пайариқдаги цехи сметана ва творог ишлаб чиқаришга мослаштирилди.

Бирламчи заводлар қурилишининг тугалланиши ва маълум турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга мослашган цехларнинг барпо этилиши сутни тўхтовсиз қабул қилиш имконини берди. Сут тайёрлаш сезиларли кўпайганига қарамай, ишлаб чиқаришни ташкил этиш яхшиланди ва меҳнат самарадорлиги ўсди.

Саноатни техник қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, нафақат ишлаб чиқариш қувватини сменада 1955 йилдаги 303 тоннадан 1970 йилда 999,5 тоннага ўсиш имконини берди, балки ишлаб

чиқариш структурасини ўзгартириш натижасида ишлаб чиқариш қуввати сезиларли даражада кўпайди.

### Сут заводларидagi ишлаб чиқариш қуввати структураси

13-жадвал

	1956 й	1960 й	1965 й	1970 й
Барча сутни қайта ишлаш қувватлари, т/смена	303	567	878	999
Шу жумладан:				
Сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш, т/смена	50	258	399	476
Сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи қувват улуши, %	18,5	45,2	45,5	47,6

Жадвалдан кўриниб турибдики, сутни қайта ишлаш қуввати 1956–1970 йиллар мобайнида 3 баробар, сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш қуввати деярли 10 баробар ошган.

Шуни таъкидлаш лозимки, сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш қуввати нафақат ўсди, балки сезиларли даражада ўзгарди. Илгари сут маҳсулотлари тартиб ва қуйиб сотиладиган кўринишда ишлаб чиқарилган бўлса, эндиликда 50% ортиқ маҳсулот майда идишларга кадокланиб сотувга чиқарилди.

### Сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсиш динамикаси

14-жадвал

	1959 й	1965 й	1970 й
Ишлаб чиқарилган сут маҳсулотлари (сутга нисбатан), минг т	69,7	146,8	226,9
Шу жумладан:			
майда идишларда, минг т	9,2	38,9	94,1
барча сут маҳсулотларига нисбатан, %	13,2	26,0	41,4

1959–1965 йилларда сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўртача йиллик ўсиши 11 минг тоннаки ташкил қилган бўлса, 1966–1970 йиллар мобайнида 16 минг тоннага, 1970 йилда сут

махсулотлари ишлаб чиқариш 1969 йилдагига нисбатан 23,2 минг тоннага ортди. Майда идишларга қадокланган маҳсулот ишлаб чиқариш янада жадалроқ суръатда ўсиб борди. 1959–1965 йилларда ўсиш суръати ўртача йилига 4,2 минг тоннани ташкил этган бўлса, 1965–1970 йилларда майда идишларга қадокланган маҳсулот ишлаб чиқариш ўртача йиллик ўсиши 11,4 минг тоннадан ошиб кетди.

Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан бирга унинг сифати, ташки кўриниши, қадокланиши яхшиланиб борди. Ранг-баранг этикеткалар, бутилкаларнинг қопқоғи ва эритилган пишлоқлар учун рангли фольга, творог ва творогли маҳсулотлар учун ёзувли пергаментлар қўллаш жорий этилди.

Янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳисобига ассортимент ҳам кенгайтирилди, 6% ёғли тобланган сут, коғоз пакетларга, «Ряженка», йогурт, 36% ёғли сметана, чакка, қаймоқ ва шарбат шулар жумласидандир.

1970 йилда янги турдаги ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми натурада 17 минг тоннани ёки сутга ўгирилганда 82 минг тоннани ташкил этарди. Бу йил давомида ишлаб чиқарилган сут маҳсулотларининг 35% га тенг.

Сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга топширилаётган сут ҳажмининг кўпайиб бориши билан бирга ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти ҳам ўсиб борди, жиҳозлар ва барча ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш иқтисодий самарадорлиги ортди.

#### Сут заводларнинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиши

15-жадвал

Йиллар	Сут маҳсулотларини иш.ч.к. минг, т	Ишлаб чиқариш қувватлари т/смена	Ишланган смена-лар	Йиллик ишлаб чиқариш қуввати минг, т	Қувватдан фойдаланиш фоизи %
1965	146,8	399,4	550	219,7	66,8
1966	156,8	402,5	557	230,6	68,0
1967	174,4	419,7	570	245,9	70,9
1968	193,0	434,4	572	260,9	73,9
1969	204,3	456,5	592	281,6	72,5
1970	226,9	479,0	630	302,3	74,5

Жадвалдан кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш йилдан-йилга ортиб борди, 1970 йилда режалаштирилган 600 смена ўрнига 630 смена ишланди.

Тошкент шаҳрини таъминлаш республика сут заводлари ишлаб чиқариш қувватидан самарали фойдаланиш мақсадида бир қатор сут заводларида тайёрланган маҳсулотлар Тошкентга ташиб келтирилди. Бу иш йилдан-йилга ўсиб борди. 1968 йилда 10,6 минг тонна сут маҳсулотлари Тошкентга юборилган, 1969 йил-16,7 минг тонна, 1970 йил-22,3 минг тонна, 1973 йил-40 минг тоннага етди. Дастлабки йилларда фақат сут ва тортиб сотиладиган сметана ташиб келинган бўлса, кейинги йилларда простакваша, ряженка, қаймоқ, творог маҳсулотлари келтирила бошланди.

Сут саноатида меҳнатни ташкил этиш бўйича ҳам катта ишлар бажарилди. Ишлаб чиқариш топшириқлари асосан меҳнат самарадорлигининг ўсиши ҳисобига бажарилар эди. Ишчи ва ходимларнинг маошлари ўсиб борди. Агар 1960–1965 йилларда меҳнат самарадорлиги 17% га ўсган бўлса, 1966–1970 йиллар 41% га ўсди, йиллик иш ҳақи 30% га ортди.

Ўзбекистон собиқ иттифок таркибида сут ва сут маҳсулотларини жон бошига истеъмол қилиш бўйича охириги ўринлардан бирида эди. Бу кўрсаткич 1975 йил 165 кг ни, 1980 йил 182 кг ни ташкил этарди.

1980 йилда республикада 2265,5 минг тонна сут етиштирилди. Сут хомашёсини давлат томонидан сотиб олиш 1980 йил 700,7; 1983 йил 870,2; 1984 йил 900; 1985 йил 1000 минг тоннани ташкил этди.

16-жадвал

Маҳсулот турлари	Йиллар				
	1970	1975	1980	1983	1985
Сут маҳсулотлари	220,2/50,33	328,8/61,22	454,4/68,82	530/72,02	600/75,42
Сариғ	6,42/1,42	8,55/1,59	11,76/1,78	14,9/2,02	12,5/2,2
Ёғли пишлоқ	0,8/0,18	1,51/0,28	1,67/0,25	1,6/0,22	1,9/0,24

Изоҳ: Жадвалдаги рақамлар ишлаб чиқарилган маҳсулот, минг тонна, маҳражда республика аҳолиси киши бошига, кг ҳисобидан берилган.



Охириги йилларда Фаргона, Ангрен, Нукус, Қўқон, Гулистон Чирчиқ ва Жиззах шаҳарларида янги юкори даражада механизациялаштирилган заводлар қурилди. Тошкент сут комбинатида «Янтарь» номли эритилган пишлок ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. Бундан ташқари бир қатор заводларда реконструкция ишлари амалга оширилди.

1983 йил бошида сут саноати корхоналарининг умумий ишлаб чиқариш қуввати сменада 938,7 тоннани ташкил этди.

Сут саноати корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, минг тонна.

*17-жадвал*

Маҳсулот	1970 й.	1980 й.	1990 й.	1993 й.	1995 й.
Сут маҳсулотлари	220,2	454,4	684,1	421,8	195
Сариғ	6,42	11,76	15,9	17,9	10,4
Пишлок	0,8	1,67	2,1	15,7	18,8
Музқаймок	2,4	3,7	8,2	1,6	0,96

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан сўнг сут корхоналари давлат тасарруфидан бутунлай чиқарилиб, бу тармоқлар тизимида жараёни чуқурлаштирилиб, кичик ва ўрта бизнес авж олдирилди. Бу ўзгаришлар натижасида тармоқ корхоналарининг бошқариш шакли, характери, моҳияти ҳам ўзгарди.

2012 йилнинг охирига келиб, мамлакатимизда Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси ташкил қилинди ва унинг таркибига Республика ҳудудларидаги 46 та сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари киритилди.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Ю. Мамаджанов. Развитие мясной и молочной промышленности. –Ташкент, 1973. -60 с.
2. Н.Е. Панфилова. «Сут ва саломатлию». –Тошкент: «Меҳнат», 1991.
3. Г.Н.Крусь, В.Г.Храмцов, З.В.Волокитина, С.В. Карпычев. Технология молока и молочных продуктов. –Москва: «Колос», 2007.

## ЎЗБЕКИСТОНДА УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ТАРИХИ

Осиё минтақасида, жумладан, Ўзбекистонда узумчилик ва виночилик қадим замонларда мавжуд бўлганлиги тарихий маълумотларда қайд этилган. Саноат миқёсида узумчилик ва виночилик илк бор XIX асрнинг иккинчи ярмида Тошкент ва Самарқандда ташкил этилган. Мамлакатимизда дастлабки виночилик вужудга келган ҳудудлардан яна бири Оккўргон туманидаги Харашкент харобаларидан топилган «катта тоштахта» мисол бўлади. Узум шарбатини сиқиб чиқаришга мўлжалланган бу мослама-тарапаннинг вазифаси нимадан иборат эканлигини аниқлашда аввалига қадимшунослар анча қийналишган. Кейинроқ масала моҳияти узил-кесил ойдинлашди. Ўша пайтларда узум қўлбола усулда янчилган, лекин бунда шарбат миқдори етарлича бўлмаган, шунга кўра кўпроқ шарбат олиш йўллари изланган. Жумладан, узумни сиқиб шарбатини чиқарадиган махсус қурилма ихтиро қилинган. Харашкентда топилган тоштахта айнан шундай қурилманинг асосини ташкил этади. Тахтадаги катта айлананинг ичига саватда ёки қопда узум бошлари қўйилгач, устига катта тош ўрнатилган. Юк оғирлашган сайин, узум шарбати ҳам кўпайиб, тошга ўйилган ариқчалар орқали кичик айланага оқиб ўтган. Бу ерда у тиндирилиб, тозаланиб, хумларга ёки бошқа идишларга оқизилган. Дарвоқе, тарихий ҳужжатларда зикр этилишича: «Даван» юртида (яъни Фаргона водийсидаги қадимги давлат) кўп жойда узумдан шароб тайёрланган. Бадавлат хонадонлар уни кўп миқдорда сақлаб қўйишган ва у ўн йиллаб бузилмаганлиги маълум қилинди.

Таъкидлаш жоизки, бундан 1700–1800 йил илгари ҳам шароб маҳсулотлари юртимизда тайёрланган. Панжикент ва Етгисувда топилган шаробхоналар эрамининг VII–VIII асрларига тегишлидир. Харашкентдаги топилма эса XI–XII асрларга мансубдир. Кейинги юз йилликлар давомида ҳам шароб тайёрлаш усули Машриқда, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудида ҳам анъанавий тарзда давом этди.

Шунингдек, узумдан олинган табиий (спирт қўшилмаган хўраки винолар) шароб, май ва мусалласнинг пайдо бўлиши қадим замонларга бориб тақалади. Бу ҳақида жуда кўп хикоя ва афсоналар

бор. Машхур сайёҳ Марко Поло 1285 йилда «Буюк ипак йўли» бўйлаб саёҳатида Самарқанд ва Бухорода бўлганида ўн йиллаб сақлаб қўйилган ажойиб винони кўрганини ва ичганини таъкидлайди, бундай таъми нозик ичимликни бошқа ҳеч қайси жойда татиб курмаганлигини қўшимча қилиб ифодалайди. Май, шароб, чоғир ва мусаллас бир-бирига ўхшаш, лекин уни тайёрлашга ишлатиладиган хомашё, тайёрланган жойи ва усулига кўра фаркланади, бижғиш даврида спирти кўпи билан 13,5% гача ҳосил бўлган ҳушқайфият бағишловчи ичимлик бўлиб, асрлар оша ҳаддан ошган мутаассиблик, тарки дунёчиликка қарши курашиш воситаларидан бири бўлиб келган. Таркибидаги биологик моддалар овқатни ҳазм қилишга, инсон саломатлигини тиклашга хизмат қилади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия томонидан Ўрта Осиёнинг босиб олиниши, Красноводск-Тошкент ва Тошкент-Оренбург темир йўлининг барпо этилиши турли жойларни иқтисодий бирлаштиришни, кучайиб бораётган умумроссия тизимида қўшилишини тезлаштирди. Шу нарса равшанки, Россия учун чекка ерларни хўжалик юритиш мақсадида ўзлаштириш, тармоқларни юритишнинг янги сердаромад шакллари излаб топишнинг катъий зарурати вужудга келди ва Ўрта Осиёда узумчиликнинг такомиллашишига ва тикланишига ўз таъсирини кўрсатади. Ўша пайтдан бошлаб виночилик расман жорий этилиб, кенг тижорат асосида ривожлана бошлайди.

Ўлка табиатининг бойлиги ва хилма-хиллиги, қуёш нурларининг мўллиги (фаол ҳарорат миқдори 4000-5000 °С), ўз афзалликлари бўйича ажойиб узум навларининг мавжудлиги ва суғориладиган ерларда уларнинг мўл ҳосил бериши, қуёш нурида тобланган меваларини янги узилган ҳолда ва қуритилган тарзда турли хил винолар ва узум ичимликларини тайёрлаш ҳам уларни кўплаб етиштириш имкониятини яратарди. Бундан ташқари тоқ новдаси учун хавфли бўлган касаллик «филоксера»нинг йўқлиги. тоқзорларда узумни парвариш қилиш натижасида мўл даромад олиш имконини берарди.

Йирик рус саноатчилари мутахассислари Туркистон ўлкасида фойда излаб, узумчилик-иночилик тармоғи билан фаол шуғуллана бошлашди ва бу ишлар аста-секин маҳаллий аҳолини ҳам қамраб олди.

1888 йилдан бошлаб бешта спирт ва коньяк ишлаб чиқариш заводлари ишлай бошлади. Шунинг таъкидлаш керакки, коньяк иш-

лаб чиқариш ўша давр учун Ўзбекистонда янги махсулот ҳисобланиб, юқори технология асосида, чет эл ускуналари ёрдамида Самарқанд шаҳрида қўйилган эди. Бунинг учун Франциядан 1890 йил келтирилган «Деруа», кейинчалик 1901 йилда узлуксиз ишлайдиган «Борбье» коньяк спирти олувчи мисдан ишланган аппарат ўрнатилди. 1895 йилда ташкил этилган «Туркистон қишлоқ хўжалик жамияти» узумчилик ва боғдорчиликни ривожлантириш, Туркистон виноларини ўрганиш ва сохталаштиришга қарши кураш чораларини ишлаб чиқишга таъсир кўрсатди.

1865 йилдан эътиборан Чор Россияси томонидан асосан учта хонликдан иборат бўлган Турон заминини бирин-кетин забт этилиши, улар ўрнига Россияга бўйсундирилган Туркистон ўлкасининг ташкил этилиши, бошқа соҳаларда бўлганидек, виночилик борасида ҳам Фарб технологияларининг Ўзбекистон ҳудудида жадал қарор топишига олиб келди. Зеро, россиялик сармоядорлар фойда излаб Туркистон ўлкасига ёпирилди. Улар орасида дастлабкиларидан бири ака-ука Первушинлар ва Д.Л. Филатовлар эди.

1866 йили бу ерда виночиликни ривожлантириш учун ажойиб имкониятлар борлигини кўриб Первушинлар оиласи Оренбург генерал-губернатори номига хат ёзиб, шароб корхонаси қуришга ижозат сўрайди. Шу йилнинг 2 декабрида Тошкент шароб заводини қуришга рухсат олинган, И. Первушин Салар ариғи бўйида, Қўйликка элтувчи йўл ёқасидан жой танлаб, россиялик мутахассислар иштирокида қизгин ишга киришади. Тез фурсатда шароб цехи барпо этилиб, хориждан келтирилган «Гильом» ва «Саваля» аппаратлари ўрнатилди. Аввалига узум виноси, майиз ва кейинчалик бугдой донидан спирт ишлаб чиқарила бошлайди. Винолар билан бир қаторда, озикавий этил спирти ва ундан ароқ ишлаб чиқариш жорий қилинди. Айни бир пайтда, сифатли винолар ишлаб чиқариш учун хомашё базаси яратишга киришилади. Шу мақсадда 1869–1870 йилларда Тошкент атрофида 100 гектар майдонда узумнинг Европа навлари экилди. 1871 йили 10 минг декалитр шароб сақланадиган ертўла қурилади. Шундай қилиб, Тошкентда биринчи саноят корхоналари қаторидан ўрин олган виночилик корхонаси ташкил топди. Кейинчалик бу корхона кенгайиб кўп тармоқли «Тошкентвино» комбинатига айланди.

Ўзбекистон ҳудудига келган йирик сармоядорлардан яна бири Д.Л. Филатов бўлиб, у ўз ишини Самарқандда шаробсозликни ривожлантиришдан бошлайди. У узумни қайта ишлайдиган вино-

чилик заводини қуриб, маҳаллий узум навларидан вино тайёрлашга киришади. Самарқанд атрофида Сочак, Кўргонча ва Балихон ҳудудларида узумни қайта ишлаш виночилик пунктларини ташкил қилади. 1870 йилда маҳаллий ва Европа навларини синаб кўриш мақсадида тажриба ўтказишга тоқзорлар ташкил этади. Кейинчалик 1884 йилда 20 десятина (21,9 гектар) майдонда Серсиаль, Пино-Гри, Саперави, Морастель, Оporto, Изабелла, Рислинг, Пино, мускат ва бошқа Европа узум навларидан кўчатлар етиштириб бошлайди. 1885 йилга келиб, унинг корхонасида йилига 9 минг пақир (110,7 минг литр) оқ ва қизил навли винолар ишлаб чиқарилган, шунинг билан бир қаторда «хоббибоп» виноларни сақлашга қадам қўйилган эди. 1893 йили Д.Филатов винолари Парижда ўтказилган кўргазмада олтин медаллар билан мукофотланади. Ўзи эса, Император Александр III томонидан тайёрланган махсус кумуш медали билан тақдирланади, медалда «За усердие и искусство Д.Л.Филатова» сўзлари битилган эди.

1904 йилда Самарқанд боғдорчилик, узумчилик ва виночилик мактаби ташкил этилган. У Туркистон ўлкаси даражасида маҳаллий аҳоли вакилларида узумчилик ва виночилик тармоғига мутахассислар тайёрлаб берган. Тошкентга темир йўл келгач, айниқса, кенг имкониятлар очилди. Турон заминиде етиштирилган узумдан тайёрланган винога бошқа ҳудудларда харидорлар сафи йил сайин ортиб, 1912–1913 йилларда махсулот ишлаб чиқариш ҳажми бир миллион пақир (12,3 млн литр)га етди.

1913 йилга келиб шарбатларни ачитиш учун 3 та, виноларни етилтириш учун эса 4 та ер ости омборхонаси (ертўла) қурилган, унинг ичида винотека ҳам бор эди. Д.Филатов винотекани бойитиш мақсадида виночилик масканларидан намуналар келтириб турар эди. Аста-секин ака-ука Первушинлар ва Д.Филатов Туркистон ўлкасида шаробсозликда етакчи мавқени эгаллашади. Шу билан бирга кўпдан-кўп майда, асосан қўлбола усулда вино ишлаб чиқарадиган шаробсозлар (И.И.Мурашко, П.С.Ерин) фаолият кўрсатишган.

Туркистон ўлкасида майда виночилик заводлари ҳисобига, виночилик корхоналари сони тез суръатлар билан кўпая бошлади, 1906 йилда уларнинг сони 23 тага, 1913 йилга келиб 27 тага етди. 1919 йил 30 апрелда Самарқанд вилоят хўжалиги кенгашининг виночилик саноатини давлат тасарруфига ўтказиш тўғрисидаги 216-сонли буйруғи эълон қилинди ва Самарқандда «Турквино»

трести ташкил топди, унинг қароргоҳи Самарқанд виночилик заводига жойлаштирилди.

1919 йил 30 апрелда виночилик корхоналари давлат тасарруфига ўтказилганида 52та шаробсозлик корхонаси мавжуд бўлиб, уларнинг бир маромда ишлашини таъминлашда қатор муаммолар пайдо бўлди. Ишни макбул тарзда йўлга қўйиш, бор имкониятлардан оқилона фойдаланишга ҳов бўлган омиллардан бири виночилик корхоналари давлат тасарруфига ўтказилиб, турли идоралар қармоғига тушиб қолган эди, бундай идоравий тарқоқлик мазкур корхоналарнинг ишини етарли даражада мувофиқлаштиришга имкон бермас эди.

Самарқанддаги «Турквино» меҳнат жамоасига 1922 йил 1 октябрга қадар қўйилган миқдорда маҳсулот ишлаб чиқаришга имкон берди:

№	Маҳсулот номи	Миқдори (пакир)	Миқдори (литр)
1	Вино	4267296	52.5 млн. литр
2	Коньяк	235921	2.9 млн. литр
3	Спирт	4895	60.2 минг литр

1926 йилнинг январь ойида «Турквино» трести «Ўзбеквино» давлат трестига айлантилди ва 1930 йилда Тошкентдаги виночилик корхонаси идорасига кўчирилган, 1966 йилдаги зилзила натижасида зарар кўрган трест биноси бузиб ташлангач, «Ўзбеквино» трести Тошкент шампан винолари заводига кўчирилган. У ердан, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» бирлашмасига кўшилди. Узумни қайта ишлаш пунктларида қувватларни ошириш ва самарадорликка эришишга қаратилган тадбирлар амалга оширилди. Бухоро, Денов, Шаҳрисабз (Китоб), Янгийўл ва бошқа виночилик заводларини ташкил этишга қаратилган ишлар бажарилди.

1929 йили Ўзбекистон минтақавий узумчилик тажриба станцияси (Самарқанд шаҳрида) ташкил этилди. Станция узумчилик агротехникасига асос солди, саноатбоп сифатли узум навларини яратиш ва уни татбиқ этишда қолхоз ва совхозларга катта ёрдам кўрсатди. Лалми ва тоғолди ерларда узумчилик тармоғини кенгайтиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилди. Ўзбекистондаги хўраки узумларнинг афзал жиҳатлари: ташишда қулай, таркибида

шакар моддасининг юкори эканлиги узоқ муддат сақлашга имкон беришидир.

1926 йил январга келиб «Турквино» фаолияти тугатилиб, унинг ўрнига «Ўзбекистон» давлат трести ташкил этилди. 1928 йилга келиб «Ўзозиковкатсаноат» трестига қўшиб юборилиб, «Ўзқишлоқ-хўжаликсаноат» давлат трести тузилди.

1929 йил Самарқандда узумчилик ва виночилик тажриба станцияси ташкил этилди. Айни чоғда, соҳа учун билимдон мутахассисларни тайёрлаш мақсадида 1930 йили Ўрта Осиё давлат университети қошида узумчилик ва виночилик кафедраси очилди.

Узумчилик ва виночилик шундай соҳаки, белгиланган тадбирлар, амалга оширилган ишлар самараси дарҳол юзага чиқавермайди. Шунинг учунми ёки бошқа субъектив сабабларга кўра, узумчилик ва виночилик 1930–1932 йиллари мушкул вазиятни бошдан кечиришда давом этди. Аҳволни ўнглаш йўлларини топиш мақсадида 1933 йил 10-19 февраль кунлари кенг қамровли илмий-техникавий конференция ўтказилди. Конференцияда соҳа мутахассисларидан бири М.А.Ховренко ўз маърузасида юзага келган аҳволнинг туб илдизларига эътиборни қаратди. Унинг кўпгина мулоҳазалари ҳануз аҳамиятини йўқотмаганлиги билан ғоят ибратлидир.

1938 йилга келиб, ҳамма виночилик корхоналари СССР Озиқ-овқат халқ комиссарлиги қарамоғига ўтказилади ва унинг таркибида «Виночилик саноати бош бошқармаси», Ўзбекистонда ҳам озиқ-овқат саноати вазирлиги қошида «Ўзглаввино» ташкил қилинди. 1941 йилда Одесса шаҳридаги вино кислота ишлаб чиқарувчи завод ускуналари Самарқанддаги 4-сонли виночилик заводига ўрнатилди ва тез фурсатда ишга туширилди. 1953 йилда Самарқанд винокомбинатига қўшиб юборилди, бу завод кенгайтирилиб, коньяк, вакуум-сусло ва ликёр-арок ишлаб чиқаришга мослаштирилди.

1942 йил 24 октябрда ҳукуматнинг қарори билан қуввати 1,0 миллион шиша бўлган «Тошкент шампан» вино заводи ташкил этилди. Унга Ростов, Цимлянск, Инкерман ва Харьков заводларидан кўчириб келинган ускуналар ўрнатилди. Бу ишлар Харьков шампан винолари заводи бош муҳандиси К.Ф.Сушко, Союзглаввино вакили профессор Фролов-Багреев бошқарувида олиб борилди ва 1944 йилда шампан винолар заводи фойдаланишга топширилди. Кейинчалик шампан вино заводи «Тошкентвино» корхонасига



карашли «Дегресс» виночилик винопунктида янги қурилган завод биносига кўчирилди. Тошкент шампан вино заводи 1957 йилда «Союзглаввино» (Москва) ихтиёридан чиқарилиб, «Ўзбеквино» тизимига киритилган. Завод мутахассислари «Брют» деб номланган узок сақланиб этилтирилган шампан виноси технологиясини такомиллаштириш устида ишни мувафаққиятли давом эттирдилар, шунингдек, муаттар хидлар билан ажралиб турадиган «Мускат» ва ёқут рангли «Гулшан», «Юбилейная» деб номланган ноёб шампан вино чиқарила бошланди.

1944 йилнинг 7 апрелида «Магарач» институти қошида Марказий илмий текшириш лабораториясини ташкил этиш – унинг Ўрта Осиё филиалини очиш ҳақида қарор қабул қилинди. Ўзбекистон узумчилик ва виночилик тармоги ривожига зарур бўлган узум навларини танлаб олиш ва синаб кўриш, коллекцион винолар захирасини ташкил қилиш, кимёвий таркибини ўрганиш ҳамда суғорилмайдиган ҳудудларда тоқзорлар барпо этиш, шакл бериш усуллари, совуққа, касалликка чидамлилигини аниқлаш каби вазифалар «Марагач» институтининг Ўрта Осиё филиалига юклатилди. Белгиланган вазифалар муддатларда амалга оширилди ва соҳа ривожига катта ёрдам берди. 1944 йилда илк бор Иттифок миқёсида «технокимёвий ва микробиологик назорат», «дегустация ўтказиш қондалари» жорий қилинди.

Виночилик тармогини урушдан олдинги даражага кўтариш билан бир қаторда, уни янги босқичга олиб чиқиш, техник - технологик жараёнларни замонавийлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Бу ишлар, асосан, узумчиликка ихтисослашган масканларда, винобоп узум навларидан ташкил топган тоқзорлар барпо этишдан бошланди. Шу тариқа Ўзбекистонда ҳам саноат узумчилигига ихтисослашган давлат хўжаликлари ва узумни қайта ишлаш корхоналари ташкил этилди.

Самарқанддаги узумчилик тажриба станцияси 1945 йилда Ўзбекистон узумчилик илмий тадқиқот институтига, Нукусдаги «Ўзбеквино» трести қошидаги савдо базаси виночилик корхонасига айлантирилди.

1950 йиллардан бошлаб илмий тадқиқот ишларида яна ҳам жонланиш сезилади. 1955 йилдан эътиборан боғдорчилик ва узумчилик бўйича барча тадқиқот ишлари Р.Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик институти зиммасига юкланиб, бу ерда навлар бўйича агротехник тадбирлар самараси ва

бошқа виночиликка оид муҳим жиҳатлар, кўплаб тажрибалар асосида синовдан ўтказила бошлади.

Республика виночилик саноатида янги техник бурилиш 1956 йилда бошланди. Шу вақтдан бошлаб деҳқончилик – саноат интеграциясининг белгилари равшан намоён бўла бошлади. Асосий ишлаб чиқарувчилар – йирик хўжаликлар ва заводлар узум етиштириш ва уни винога айлантириш учун бирлаштирилди. Узумни қайта ишловчи янги корхоналар ташкил этилди. 1959–1972 йилларда «Ўзглаввино»да техника тараққиёти даври бошланади. Виночиликда кам унумли агрегатлар юқори самарали технологик ускуналар билан алмаштирилиб, уларнинг қувватлари кўпайтирила бошлади. Булар соатига 10-20 ва ундан кўп тонна узумни қайта ишлаш қувватига эга бўлган қатор линиялари, ўта замонавий совутгичлар, узлуксиз ачитиш ва ишлов бериш қурилмалари, уларни сақлаш учун махсус идишлар ва омборхоналар қурилди. Лекин Ўзбекистон узумчилик ва виночилик кам тараққий топган, бунинг учун шароит тўғри келмайдиган ҳудудларга маҳсулот етказиб берадиган асосий виночилик ва узумчилик масканларидан бирига айланиши керак эди. Бунга эришиш учун Ўзбекистон ҳукумати томонидан 1960 йил 29 февралда «ЎзССРда боғдорчилик ва узумчиликни янада ривожлантириш тўғрисида»ги 192-сонли махсус қарор қабул қилинди.

Қарорга кўра яқин ўн йил ичида республикадаги тоқзорларнинг майдонлари 98,2 минг гектарга, шу жумладан, йигирма минг гектарда винобоп узум навлари етиштириш мўлжалланди. Бу узум ва винога бўлган маҳаллий эҳтиёжни қондириб қолмасдан, Қозоғистоннинг шимолий қисми, Болтиқбўйи мамлакатлари, Сибирга ва Россиянинг бошқа шаҳарларига тайёр узум ва вино маҳсулотларини жўнатишга имкон берар эди.

1975 йил мамлакатда мева, сабзавот, узум маҳсулотларига қун сайин ўсиб бораётган талабни қондириш ҳамда виночилик ва консерваланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган Иттифоқ ҳукуматининг қарори қабул қилинди ва Иттифоқ «Мевасабзавотхўжалиги» вазирлиги ташкил этилди. Бундай улкан вазифаларни амалга ошириш мақсадида 1975 йил март ойида Ўзбекистон озик-овқат вазирлиги қошида «Ўзмевасабзавотузумсаноат» агросаноат бирлашмаси ташкил этилди.

«Ўзмевасабзавотузумсаноат» агросаноат бирлашмасини янада ривожлантиришга қаратилган чоралар» 1976 йил 18 февралда Ўзбекистон ҳукуматининг 129-сонли қарори эълон қилинди.

Қарорда бирлашма томонидан киска муддатда эришилган ютуқлар қайд этилиб, тармоқда фойдаланилмаётган резервлар ва имкониётларга эътибор кучайтирилиб, унинг соҳага мослаштирилган инфраструктурасини шакллантириш тадбирлар белгиланди.

Мамлакат аҳолисини узумга ҳамда ундан олинган майиз ва бошқа маҳсулотга бўлган талабини қондириш учун, яқин келажақда 1,5 миллион тонна узум етиштириш талаб этилар эди. Ўзбекистонда виночилик ва узумчиликка оид ўша даврдаги аҳвол тафсилотини: 1976 йил бошида 13 иккиламчи виночилик заводлар кадоқлаш билан шуғулланган, қуввати 1388 минг дал, винолар сақлаш ҳажми 10826 минг дал бўлган.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган виноларга Россия, Болтиқбўйи давлатлари ва Қозоғистоннинг талабини қондириш учун вино ишлаб чиқариш муттасил ўсиб борар, унинг 50-70% шу мақсадлар учун йўналтирилар эди. Тармоқда 122 та ихтисослашган совхозлар ҳамда Қорақалпоғистон автоном республикаси ва вилоятларда 12 та виночилик агросаноат бирлашмалари (виночилик корхоналари қўл остида) фаолият кўрсатар эди. Токзорларга ишлов бериш учун зарур бўлган техника ва бошқа воситалар таъминоти яхшиланди, комплекс механизацияга ўтиш жараёнлари оммавий тус ола бошлади, маҳсулот ишлаб чиқариш эса йил сайин кўпая борди.

Хусусан, 1978 йилга келиб вино ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида режадан ташқари 104 минг тонна узум, 113 минг тонна олма тайёрланди. Зеро, бу даврда токзорлар майдони 67,2 минг гектарга етганди. Узумни қайта ишлаш қувватлари эса 275 минг тоннадан зиёд бўлиб, 11,9 миллион декалитр вино қуйилган, 7,2 миллион шиша шампан виноси, 250 минг декалитр коньяк ишлаб чиқарилган эди.

Халқаро танлов – дегустацияларда Ўзбекистоннинг 100 тадан ортиқ вино маҳсулотлари олтин, кумуш ва бронза медалларга сазовор бўлди. Ўзбек виноларининг халқаро микёсда юқори баҳо-ланиши – республика узумчилик ва виночилик саноати ходимларининг эришган ютуқларини ҳаққоний тан олинishi бўлди. Тармоқ ходимларидан кўплари ҳукумат орден ва медалларга сазовор бўлдилар.

Р.Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент қишлоқ хўжалиги ва кимё-технология институти, Самарқанд университети ва қишлоқ хўжалик институти ва бошқа институтлар кафедраларида олиб

борилган илмий тадқиқотлар соҳа тараққиётига салмоқли таъсир кўрсатди. Узумчилик учун юқори тоифали мутахассисларни Тошкент кишлоқ хўжалик институти, виночилик учун—Тошкент кимё-технология институти, ўрта малака мутахассисларини Р.Мусамуҳамедов номли Тошкент мева-сабзавотчилик техникуми тайёрлаб берди.

80-йиллар ўртасида мамлакатимизда майиз ишлаб чиқаришга катта эътибор берилди. Хўраки узумларни ички ва ташқи бозорга чиқариб сотиш ва уларни совутилган омборхоналарда сақлаш даражаси бир неча баробар оширилди. Узум ҳосилининг қолган қисми консерва маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилди.

Спиртли ичимликлар қуядиган жами 59 линиянинг 32 таси шарбат ва бошқа алкоғолсиз ичимликлар қуйишга ўтказилди.

Тармоқда 1986 йилдан жами тоқзорлар майдони 118,2 минг гектар бўлиб, бундан 39,7 фоизи хўраки, 21,8 фоизи кишмиш ва 38,5 фоизи саноатбоп узумзорлар бўлган. 1990 йилда бу кўрсаткичлар 43,0, 30,0, 27,0%га қадар ўзгартирилиб, умумий тоқзорлар майдони республика бўйича 126,1 минг гектардан 125,0 минг гектарга етказилди.

Ўзбекистон ҳукуматининг 1988 йил 15 сентябрдаги 328-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуи қошидаги «Мева, сабзавот, узум, картошка ва полиз маҳсулотлари ишлаб чиқариш, тайёрлаш, етказиб бериш, сақлаш, сотиш ва қайта ишлаш бош бошқармаси» хўжалик ҳисобидаги «Ўзбекистон» давлат кооператив республика бирлашмасига айлантирилди.

Ўзбекистонда ҳам 1985 йилдан кейин ўтган 5 йил ичида узумни қайта ишлаш корхоналарига 640 минг тонна узум ҳосили кам қабул қилинган, ҳосилдорлик 20 центнерга камайган, винобоп тоқзорларга етарли даражада ишлов берилмаганлиги оқибатида касаллик авжига чиқиб кетди.

Ўзбекистонда 1990 йил узум ҳосилидан 664,5 минг тонна харид қилиниб, бундан виночиликка 272,6 минг тонна, майиз олишга 106,5 минг тонна, иттифоқ фондига 144,1 минг тонна жўнатилади, ички бозорда эса 15,8 минг тоннаси сотилди.

Узумчилик ва виночилик тармоғини 2000 йилгача ривожлантиришга қаратилган таклифлар №5-341 СХ сонли қарори билан тасдиқланди. Ушбу қарор асосида 1991—1995 йиллар ва 2000 йилгача қилинадиган тадбирлар РПГКО «Ўзбекистон» коллегиясининг 1990 йил 5 ноябрдаги 10/2-сонли қарори билан тасдиқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 11 январдаги 5-сонли «Ўзбекистон Республикаси Агросаноат мажмуини бошқариш структурасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирлигининг «Ўзбекистон» давлат-кооператив бирлашмаси ўрнига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги мева-сабзавот ва узумчилик саноати давлат кооператив «Ўзмевасабзавотузумсаноат» концерни ташкил этилди.

Тошкент вилояти Тошкент туманида биринчилар қаторида «Меҳнат» хусусий мулк шаклидаги виночилик корхонаси ташкил топишига асос солинди.

1994 йил 28 октябрда «Ўзбекистон Республикаси мева-сабзавот мажмуаси корхона ва ташкилотларининг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 525-сонли қарорга кўра «Ўзмевасабзавотузумсаноат» концерни «Ўзмевасабзавотузумсаноат» ассоциациясига айлантирилди. Бу қарорда бозор муносабатларини чуқурлаштириш ҳамда республика мева-сабзавот мажмуи қайта ишлаш ва бошқа корхоналарнинг иқтисодий мустақиллиги асосида рақобатли иш шароитлари яратиш мақсадида бўлажак ишлар режаси белгилаб берилди ва қишлоқ хўжалиги, қайта ишловчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар негизида 31 та ҳудудий деҳқончилик саноат фирмалари ҳамда комбинатлар негизида 12 та деҳқончилик саноат уюшмалари ташкил этилди. Бу уюшмаларга маҳсулотларни етиштирувчи, сақловчи, қайта ишловчи ҳамда сотувчи корхоналар ва ташкилотларнинг ихтиёрий уюшмаси мақоми берилди ҳамда очиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилди, бошқаришнинг намунавий тузилмаси белгиланди. Бирлашма тизимида фаолият кўрсатувчи «Шаробсоз» ижодий маркази «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмасининг 1995 йил 9 январдаги 3-сонли буйруғи, таъсисчиларининг баённома қарори билан ташкил этилган. Уюшмага мустақил фаолият олиб боришга йўл очиб берилди, акциядорлик жамиятларидаги давлатга тегишли акцияларнинг эгаси функцияси берилди.

Мустақилликдан кейинги даврда жамиятнинг барча жабҳаларида бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Шу жумладан, виночилик соҳасида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилди. Жаҳон талабларига мос ёрликлар, тикинлар, шиша идишлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Машинасозлик корхоналарида эҳтиёт қисмлар ва мураккаб бўлмаган ускуналар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Қисқа килиб айтганда, виночилик тармоғи учун зарур бўлган

ускуналар, озиқавий спирт ва бошқа ёрдамчи материалларни четдан кўплаб келтиришга барҳам берилди. Экспорт талабларига мос вино маҳсулотлари ишлаб чиқаришга шароит яратилди. Нимнордон ва нимширин винолар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Улар пастеризация қилиниб савдога чиқарилди. Бундай виноларни «Мехнат» агрофирмаси, «Тошкентвино» комбинати, «Мева-шарбат» экспериментал заводи ва шу каби корхоналарда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу билан бирга республикамиз ҳудудида спирт корхоналари сони кўпая борди. «Химпром» акциядорлик жамиятига қарашли корхоналарда жумладан, Янгийўл, Қўқон, Андижон шаҳарларида озиқавий спирт ишлаб чиқаришга асос солинди. Кейинчалик бу корхоналар «Ўзмеваабзавотузумсаноат-холдинг» компания тизимига ўтказилиб, уни бошқариш «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси томонидан олиб борилди.

Ўзбекистон ҳукуматининг 1997 йил 18 июлдаги 363-сонли қарори билан «Ўзмеваабзавотузумсаноат» ассоциацияси асосида «Ўзмеваабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси ташкил этилди. Қарорда монополиядан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш эвазига ихчам, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни шакллантириш, экспорт салоҳиятини ошириш вазифалари белгиланган эди.

1997 йил 19 июлдаги Президент фармони билан спирт ва алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш устидан давлат монополияси ўрнатилди. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2 июлдаги 275-сонли қарори билан спирт ва алкогольли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ҳисоботлар устидан назорат олиб бориш, алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун стандартлар, йўриқномалар ва шу турдаги ҳужжатларни қўллаш тартиби ўрнатилди.

Шу йиллар давомида алкоголь маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларнинг айланиши устидан назорат ўрнатишни таъминлашга қаратилган ихтисослашган «Шаробсавдо» базалар ташкил этишга қаратилган «Ўзмеваабзавотузумсаноат-холдинг»га ўтказилди. Бу қабул қилинган қарорга кўра тармокдаги маҳсулотларга қўллаб келинган стандартлар, йўриқномалар, қондалар маҳаллий шароитта мослаштирилган тарзда «Шаробсоз» ижодий маркази томонидан ишлаб чиқилди. Миллий стандартлаштириш жорий этиш натижасида маҳсулотларимиз сифат кўрсаткичларини маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда белгилашга йўл очиб берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 21 майда «Алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг айланиши устидан давлат монополиясини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 221-сонли, 1998 йил 2 июлда «Спирт ва алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, идишларга қуйиш, сақлаш ва улгуржи сотишни ҳисобга олиш ҳамда назорат қилишга оид низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги 275-сонли қарорлари эълон қилинди. 1999 йил 5 январдаги «Спирт ва алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларнинг айланиши устидан давлат назоратини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2-сонли қарори билан илк бор спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш ва сотишга лицензия бериш тартиби белгиланди ва тармоқда 59 та корхонада ишлаб чиқарилаётган алкоголли маҳсулотларга лицензия берилди. 1999 йилнинг март ойида «Вино-ароқ маҳсулотларини улгуржи ва чакана сотишни тартибга солиш», сентябрь ойида эса республикада ишлаб чиқарилаётган товарларни штрихли кодлаш бўйича қарорлар қабул қилинди. Бу фармон ва қарорлар соҳани ривожлантиришга, республикамиз вино маҳсулотларини жаҳон бозорида ўз ўрнини эгаллашига, чет эл инвестициясини киритишга қаратилган эди.

2000 йил 4 март Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзмева-савзавотузумсаноат-холдинг» компанияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 78-сонли Қарори билан 2000–2005 йилларда 10 минг гектар янги тоқзорлар барпо этиш ва экспортбоп вино маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган дастурлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги ПФ-3709-сонли «Мева-савзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Унга кўра, 210 та ширкат хўжаликлари тасарруфидаги 61.9 минг гектар боғ ва тоқзорлар 11.0 мингта фермер хўжалигига, узумни қайта ишлаш пунктлари эса виночилик корхоналарига сотилди.

Маҳсулотлар «Мева-савзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислох қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-255-сонли қарори билан «Ўзмева-савзавотсаноат-холдинг» компаниясини «Ўзвиносаноат-холдинг» компаниясига айлантириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк кўмитаси ҳамда «Ўзмева-савзавотсаноат-холдинг» компанияси мутахассисларининг

таклифлари қабул қилинди. Бу фармон ва қарор узумчилик ва виночиликка давлат томонидан берилган эътиборнинг тимсоли эди.

Истеъмол спирти, ликёроқ ва вино маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш, ташки ва ички бозорлар бўйича маркетинг тадқиқотлар ўтказиш, корхоналарга янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга ва ташқи бозорга олиб чиқишга кўмаклашиш, тармоққа хорижий инвестициялари иштирокида кўшма корхоналар ташкил этишга ёрдам бериш, корхоналарни модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича ягона техник ва технологик сиёсатни амалга оширишни таъминлаш чора-тадбирлари тузилди:

- тизимдаги корхоналарнинг молиявий аҳволини яхшилаш, маркетинг хизматини ташкил этиш, бозорга ноқонуний тайёрланган спиртли ичимликлар кириб келишига йўл қўймаслик, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини ошириш;

- янги техника билан қуроллантириш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга замин яратиш;

- «узум ва вино» ҳақида қонун қабул қилиш, узум етиштириб берадиган фермерлар ва виночилар манфаатини бирлаштирувчи ягона тармоққа айлантириш;

- саноатбоп тоқзорларни кенгайтириш, ялпи ҳосил миқдорини ички ва ташқи бозордан келиб чиққан ҳолда шакллантириш ва бошқа шу йўналишдаги вазифаларни ҳукумат олдига қўйди.

Винобоп узум навларидан ташкил топган тоқзорларни кенгайтириш ва самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи «Узумшаробсервис» унитар корхонаси ташкил этилди ҳамда «Шаробсоз» ижодий маркази ишлари фаоллаштирилди.

«Ўзвиносаноат-холдинг» компанияси унитар корхона республикада узумчиликни ривожлантириш, фермерларни рағбатлантириш, жойларда уларга амалий ёрдам бериш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди.

Ихтисослаштирилган агрофирмалар, фермер хўжаликлар учун семинар ташкил этилиб, консалтинг хизмати кўрсатилди (шулар жумласидан вилоятларда 9 та биологаториялар ташкил этилди).

Соҳага илғор агротехникаларни олиб келиш мақсадида Франция, Италия ва Германия билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатилди, хусусан Франциянинг «Адепта» компаниясидан эксперт қақирилиб, таклифлар ўрганилиб чиқилди.



Саноатбоп дунё навларини чуқурроқ ўрганиш мақсадида дунё навлари коллекция участкасини ташкил этиш учун 132 хилдаги узум навларидан қаламчалар тайёрланиб, 2008 йилда 83 хил навдан иборат коллекция участкаси ташкил этилди.

Узум ҳосилини йиғиб олиш ва қайта ишлаш корхоналарига етказиб беришда фермер хўжаликлари, агрофирмалар, туман ва вилоят ҳокимиятлари катта ёрдам кўрсатдилар. 2005 йилда виночилик корхоналарида 55.2 минг тонна узум ҳосили қабул қилинган бўлса, 2006 йилда 124.0 минг, 2007 йилда 128.0 минг тоннани ташкил этди.

Маркали вино ва коньяклар сақлашга мослаштирилган омборхоналардан унумли фойдаланиш эвазига вино хомашёси ўрнини қадокланган маҳсулотларга алмаштириш орқали экспорт самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилди.

2006 йилда 2005 йилга нисбатан узум вноси ишлаб чиқариш суръати 127, ароқ ва ликёр маҳсулотлари 143, спирт ишлаб чиқариш 127 фоизни ташкил этди.

Узумчилик ва виночилик соҳасида эса 2006 йилда «Ўзвиносаноат-холдинг» компаниясининг ташкил этилиши, бу тармоққа бўлган эътибор ишлаб чиқариш самарадорлигини юқори чўққиларга олиб чиқди.

Республикаimiz тоқзорларида етиштирилаётган узумлар ва ундан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экологик жиҳатдан соф, уларда кўп миқдорда қимматли озиқавий моддалари ва дармондорилари мавжудлиги билан рақобатбардош бўлиб келган. Халқаро кўрикларда қатнашган Ўзбекистоннинг виночилик маҳсулотлари кўплаб олтин, кумуш медаллари ва дипломларга сазовор бўлди.

«Ўзвиносаноат-холдинг» компанияси Республикада виночилик соҳасини тақдим этаётган ягона ихтисослаштирилган компаниядир. Компания таркибига 39 та вино қадоклаш заводлари, бирламчи виночилик билан шуғулланадиган 21 та завод, озиқавий спирт ишлаб чиқарадиган 4 та завод, алкоғолли маҳсулотлар билан савдо қилувчи 81 та улгуржи базалар, вино-ароқ маҳсулотларини истеъмолчига етказиш билан 500 та фирма дўконлари қиради. Лойиҳа институти ва марказий лаборатория ҳамда саноат корхоналарининг 15 таси чет эл инвестициялари билан фаолият кўрсатади.

Ҳозирги кунда республикада бу тармоқда 80 дан ортиқ бирламчи виночилик ва 60 га яқин тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият кўрсатади. Булар ички бозорни тўлик

таъминлаш билан бирга ташқи бозорга ҳам ўз маҳсулотларини чиқармоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги ва 2006 йил 11 январдаги узумчилик ва виночилик тармогини ривожлантиришга оид қабул қилган Фармон ва Қарори виночилик саноати олдига улкан вазифалар юклади.

Ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турлари - 21 хил шампан ва газланган винолар, 14 хил коньяк, 253 хил ликёр-арок маҳсулотлари ва 130 номда хўраки, қувватлантирилган ва десерт винолардан ташкил топган.

Республикамизда ишлаб чиқарилаётган умумий алкоғолли маҳсулотларнинг 30% ички бозор талабини тўлиқ кондириш учун кифоя қилади. Шу боис ташқи бозорни забт этиш асосий стратегик масала бўлиб қолади.

Виночилик маҳсулотимизнинг асосий импортерлари: Россия Федерацияси (умумий экспорт ҳажмини 60%), Қирғизистон Республикаси (20% зиёдрок), Қозғистон Республикаси (15% зиёдрок).

Экспорт турлари, асосан, қуйидаги маҳсулотлардан қуюқлаштирилган узум шарбати, вино ва вино маҳсулотлари турлари бўйича, коньяк ва озуқа спиртидан иборат. Ташқи бозорда ўзбек виноларининг устунлиги—маҳсулотларимизнинг табиийлиги ҳамда сунъий қўшимчаларни қўшилмаслигидир.

«Ўзвиносаноат-холдинг» компанияси ўз фаолиятида дунё мамлакатларининг ишлаб чиқарувчилари, савдо воситачилари, илмий-лойиҳа ва ташкилотлар билан иқтисодий ҳамкорликни тиклаш ва кенгайтиришга катта эътибор бермоқда.

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. И.А.Каримов. «Буюк ва муқаддасан мустақил ватан». Тошкент, 2011. 200б.
2. О.Абдуллаев, А.Тошкенбоев. Ўзбекистонда саноат узумчилик ва виночилик, Тошкент ЧИИП «MERIYUS».: 2009. с160.
3. Д.Ролло, В.Литвак. Виноградарство и виноделие мира. // Виноделие и виноградарство..- №1.2010.-С.6-7.
4. Т.Абдуллаев. Виноградарство и виноделие Узбекистана: Состояние и перспективы // Виноделие и виноградарство. -2010. -№2.- С.5-7.

## ПИВО ВА АЛКОГОЛСИЗ ИЧИМЛИКЛАР ТАРМОҒИ

Пиво қадимий халқ ичимлиги бўлиб, унинг келиб чиқиш тарихи археологик топилма ва қазилмаларга асосан бундан 7000 йил аввал пайдо бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Пиво тўғрисидаги энг қадимий эслатмалар эрамиздан аввалги 2800 йил (Месопотамия) шумер кўлёмаларида учрайди. Бунда ишчиларнинг кунлик овқатланиш рационали пиво ва нон ҳисоблангани айтиб ўтилган. Вавилон шоҳи Хаммурапининг (1728–1696 йй. эрамизгача.) давридаги қонунларда пивони тайёрлаш ва қуйиб сотиш регламентланган эди.

Кейинчалик пиво ишлаб чиқариш кўпчилик расм ва бошқа археологик топилмалардан қадимий Мисрда ривожланганлигидан далолат бермоқда.

Европада пиво қадимий германияликлар (олмония) ҳамда скиф ва кельтларнинг сеvimли ичимлиги ҳисобланган. Аёллар пивони кунлик овқат сингари уй шароитида тайёрлаганлар.

Ўрта асрда пивони товар ҳолда ишлаб чиқаришга ўтилди. Пиво шахсий эҳтиёж учун эмас, балки сотувга ҳам ишлаб чиқарила бошланди. Шу билан пиво тайёрлаш эркакларнинг касбига айланди.

Аввал пиво ишлаб чиқаришда «грут» деб номланувчи турли хил ҳид берувчи ўсимликлар ишлатилган бўлса XIV асрга келиб пивога ҳид берувчи ягона хомашё сифатида қулмоқ (хмель) ишлатилди.

Баъзан пиво ишлаб чиқариш учун хомашё етишмаганлиги сабабли бошқа хомашё маҳсулотларини ишлатишга мажбур бўлганлар. Масалан: қулмоқ (хмель) ўрнига тахир ўтлар, арпа солоди ўрнига бугдой ёки сифати пастроқ сулидан фойдаланилган. Қулмоқ ўрнига унинг ўрнини босувчи бошқа ўтлардан фойдаланиш инсон соғлигига хавф тугдириши сабабли, бу нарсанинг олдини олиш мақсадида пиво тайёрлаш учун фақат сув, қулмоқ ва солод ишлатиш маъмурият томонидан тасдиқланди.

Бу тўғридаги биринчи ҳужжат 1434 йил Тюрингда қайд этилди. Пиво тайёрлаш тўғрисида худди шу каби талаб кейинчалик 1447 йили Мюнхенда қабул қилинди. 1516 йил 23 апрелда Инголшадт-

нинг давлат бошқарувчилари Вильгельм IV ва Людвиг X томонидан Бовариянинг «Указ о чистоте» ҳужжати имзоланди.

1906 йилдан бошлаб Германияда «Указ о чистоте» ҳужжати қонун даражасига кўтарилди. Бу қонунда ҳам пиво қабул қилинган талабларга мос равишда арпа солоди, қулмоқ ва сувдан тайёрланиши керак эди. Ҳажми ортиб бораётган маҳсулотни ҳамёнбоп нархда қонунан бошқариш мақсадида истеъмолчиларни таъминлаш ишлари олиб борилди. Шунга асосан кўпгина шаҳар маслаҳатчилари истеъмолчиларнинг ҳимоялаш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқаришни регламентлаб қўйдилар ва унинг сифатига мослаб нарх қўйдилар. Шунинг учун «Указ о чистоте» ҳужжати дунё бўйича истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимояловчи биринчи қонун деб айтиш мумкин.

XIX аср ўрталарида Европа ва Америкада пиво ишлаб чиқарувчи кўплаб саноат корхоналарига асос солинди, эски корхоналар модернизация қилинди. Ўша даврдаги кўпгина пиво ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳозирги кунда саноат гигантларига айланди. 1843–1875 йиллар мобайнида 12 дан ортиқ янги корхоналар қурилди. Дастлабки пиво ишлаб чиқариш корхоналари Американинг шаркий қирғоқларида, сўнг темир йўл тармоқларининг ривожланиши билан бутун китъа бўйлаб тарқалди.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб пиво ишлаб чиқариш бошқа давлатларда ҳам кенг тарқалди. Соҳанинг бундай тез ривожланиши натижасида пиво пишириш илми юзага келди ва ўқитила бошланди. Айрим пиво ишлаб чиқарувчи давлатларда илмий тадқиқот лабораториялари ва институтлари пайдо бўлди ва кейинчалик улар кенгайиб пиво пишириш бўйича ўқув масканларига айланди.

XIX аср ўрталарида Москва, Петербург, Киев, Харьковда йирик-йирик пиво ишлаб чиқарувчи корхоналар қурилгандан сўнг Россияда пиво ишлаб чиқариш саноат даражасигача кўтарилди. XIX асрнинг охирига келиб, сувни сунъий равишда углерод (IV) оксиди ( $\text{CO}_2$ ) билан тўйинтириш кашф этилгандан сўнг Россияда алкохолсиз ичимликлар ва маъданли сувлар ишлаб чиқариш ривожлана бошлади.

Ўзбекистонда озиқ-овқат саноатининг пиво ва алкохолсиз ичимликлар ишлаб чиқариш тармоғи ўзининг тарихига эга. XX аср бошларида Туркистонда озиқ-овқат ва шаробчилик саноати бўйича жами 314 та завод ва фабрика фаолият юритган.

Туркистонда пиво тайёрлаш бўйича бир нечта ишбилармонлар шуғулланиб, улар орасида Соболева, Фирсов, Громов, Витте, Агабаев ва бошқалар ҳамда Отто Борау ҳам бор эди.

Статистик маълумотларга кўра XIX аср охирида Тошкент шаҳрида 4 та пиво ишлаб чиқарувчи корхона бўлиб, бу корхоналар россиялик ишбилармон коммерция маслаҳатчиси Н.И.Ивановга тегишли эди.

1874 йил Тошкент шаҳрида Н.И.Иванов биринчи бўлиб пиво ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ўша донги кетган машҳур «олтинчи пивзавод» маҳсулоти сифатлилиги билан XX асрнинг охиригача сақланиб қолди.

**Олтинчи пивзавод.** Корхона Бўзсув ариғига яқин ерга қурилди. 1877 йили ишлаб чиқариш қуввати йилига 27 минг пақир пиво ва 600 пақир асал ишлаб чиқарувчи пиво-асалпиширувчи корхона ҳисобланган. Корхона иши мавсумий бўлган. 1919 йили Тошкент ишчи-деҳқон кенгаши комитети Иванов корхонасини маҳаллийлаштирди. 1974 йили «Тошкент пиво» корхоналар бирлашмаси ташкил қилинди. 1982 йилдан бошлаб корхона янги технология, яъни пиво шарбатини узлуксиз усулда бижғитиш бўйича ишлай бошлади. Янги қуйиш линиялари ишга туширилди. Бироқ корхона йилига 2154 минг дал пиво ишлаб чиқарар эди. Кейиналик корхона бузиб ташланди.

**2- салқин ичимликлар корхонаси.** 1896 йили Тошкент 2-салқин ичимликлар корхонасига асос солинди. Корхона Бўрижар дарёси ёқасида жойлашганлиги учун Бўрижар корхонаси деб юритила бошланди. Октябр революциясидан сўнг корхона акционерлик жамияти деб номланди. 1928 йили корхона давлат тасарруфига ўтказилди. 1953 йили корхона янги технология бўйича пиво ишлаб чиқара бошлади. 1958 йили корхонага ишлаб чиқариш қуввати 6 минг бут/соат бўлган 2 та автоматик қуйиш линияси ўрнатилди. 1959 йили корхонада икки ярусли солод қуритиш ускуналари янги солод тайёрлаш ва пишириш цехи қурилди. 1984 йилга келиб корхона йилига 1450000 дал пиво ва 3000 т солод ишлаб чиқара бошлади. 1987 йили алкоғолсиз ичимликлар қуйиш линияси ишга туширилди. 2011 йили корхона бузиб ташланди.

**Пивзавод № 3.** 1896 йили «Пивзавод № 3» корхонасига ҳам асос солинди. Корхона Тошкент шаҳрининг Қашқар дарбозаси яқинида жойлашган эди. Корхонада арпадан пиво тайёрлашнинг технологик жараёнлари учун зарур бўлган барча бино ва

иншоотларнинг комплекси қурилган эди. 1920 йилда корхона анча машхур бўлиб, унинг маҳсулотларига талаб ортди. 1948 йилдан бошлаб алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқарила бошланди. 1986 йили «Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш» даврида корхона алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқара бошлади. 1993 йили корхонада қайта пиво ишлаб чиқариш учун қурилиш ишлари бошланди. 1994 йили корхона маҳсулоти савдо шахобчаларида сотила бошланди. 1995 йили корхона ОАЖ «Лаззат» деб номланди. 1995 йил Тошкент шаҳри ҳокимиятининг қарорига биноан автомагистрал қурилиши бошланди ва корхонани янги жойга кўчириш тўғрисида қарор чиқди. 1995 йилнинг декабр ойида корхонанинг барча ускуналари Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Қорақамиш кўчасига кўчириб келинди. 1997 йил маъданли сув ва алкогольсиз ичимликларни кадоқловчи биринчи қуйиш линияси ишга туширилди. 1998 йилдан бошлаб пиво ишлаб чиқарила бошланди. 2000 йили корхона МЧДЖ «РАУПХОН» деб юритилди. Ҳозирги кунда корхонада «Юнусобод», «Барлос», «Раупхон-Махсус», «Нокдаун», и «Di-Zi» пиво навлари ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада солод тайёрлаш цехини қуриш ишлари бошланиб, 2010 йилдан бошлаб корхона ўз эҳтиёжи учун солод ишлаб чиқара бошлади.

XX аср охирига келиб (1981–1990 йй) Республикада пиво ишлаб чиқариш бўйича ривожланиш сустрлашгани, айниқса, 1986–1987 йилларда кузатилди. Собиқ совет иттифоқи министрлар кенгашининг 1986 йил 7 май 410-сонли «Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш» қарорига асосан пиво алкогольли ичимликлар таркибига киритилди ва ишлаб чиқариш ҳажми ¼ қисмга қисқартирилди. Ишлаб чиқаришни ҳажмини қисқартирилиши ичимликка бўлган талабга салбий таъсир этди. Бу қуйидаги жадвалдан кўриниб турибди.

### 1980–1990 йй. пиво ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш

18-жадвал

Йиллар	Ишлаб чиқариш ҳажми			Ўртача истеъмол қилиниши		
	Мли. дал.	Ҳажмига нисбатан, %		Литр	Йилларга нисбатан, %	
		1980 й.	1985 й.		1980 й.	1985 й.
1980	613,3	—	—	23	—	—
1985	657,2	107	—	24	104	—
1986	489,1	80	74	18	78	75
1987	507,1	83	77	18	78	75
1988	558,1	91	85	20	87	83
1989	596,2	97	91	21	91	87
1990	610,5	99	93	21	91	87

Бу даврда соҳанинг ривожланиши деярли тўхтаб қолган эди. Собиқ совет иттифоқи министрлар кенгашининг 1988 йил август ойидаги 990-сонли «1988–1989 йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва аҳолини таъминлашни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини чиқиши ва уни татбиқ этилиши пиво ишлаб чиқариш ҳажмини камайтишини олдини олди. Натижада 1988–1990 йиллар ишлаб чиқариш ҳажми ортганлиги кузатилди.

Республикада солод ишлаб чиқариш, хомашёдан рационал фойдаланиш нуқтаи назаридан хомашё базалари ҳамда фаолият юритаётган корхонанинг ишлаб чиқариш инфраструктурасининг сарф-харажатларини эътиборга олиб, самарадорлиги билан бево-сита боғлиқ. Пиво ва солод ишлаб чиқаришнинг ривожланиш таҳлили шуни кўрсатдики, солод ишлаб чиқаришни ривожланиши учун корхоналарнинг қувватини ошириш ва солод етишмаслигини қисқартириш йўлида бир қанча ижобий ишлар қилинса ҳам, пиво тайёрлашнинг ишлаб чиқариш базаларининг соҳага боғлиқ бўлмаган муаммолари камайди. Бу корхонани пивобоп арпа экиладиган ерларга яқин жойга қуриш кераклигини англатади. Статистик маълумотларга кўра 1986–1990 йиллар мобайнида солод ишлаб чиқариш 21,6 минг т. етди, яъни 5% га ортди. Бу кўрсаткичга янги қурилаётган пиво ишлаб чиқарувчи корхоналарни қурилишини яқунлаш билан эришилди. Бироқ шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги кунгача солод республикага чет эл ва МДХ давлатларидан келтирилади.

Пиво ишлаб чиқариш озиқ-овқат саноатининг локал тармоқларидан бири ҳисобланиб, ишлаб чиқаришни истеъмолчига яқинроқ жойга қуриш мўлжалланади. Бунга бир қанча муаммолар сабабдир. Биринчидан пиво ишлаб чиқариш корхоналарида тайёр маҳсулотнинг массаси тарани массасини ҳисобга олганда дастлабки хомашёнинг массасидан 10 баробар кўплиги, иккинчидан ишлаб чиқаришнинг жорий технологияси бўйича ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг истеъмолга яроқлик муддати чекланганлиги, яъни маҳсулотни қисқа муддатда транспортировка қилиш керак. Шундай қилиб пиво ишлаб чиқариш қуввати ва ҳажмини, маҳаллий аҳоли сонини эътиборга олиб, таъминлаши керак.

Шундай қилиб пиво ишлаб чиқаришнинг минтақавий ривожланишини аниқловчи фактори соҳанинг ишлаб чиқариш базасини кенгайтириш ва такомиллаштиришдир. Янги корхоналарни қуриш,



фаолият кўрсатаётган корхоналарни қайта таъмирлаш ва кенгайтириш, кичик ва ўртача катталиқдаги шаҳарларда тайёр маҳсулотни қуйиш цехларини ташкиллаштириш ишларининг барчаси аҳолини пиво билан таъминлашни яхшилашга таъсир этади.

Ўтган йиллар давомида дунё бўйича пиво ассортиментини кўпайтириш (ўзгартириш) тенденцияси илгари сурилди. Ассортиментни кўпайтириш ва яхшилаш учун республикамизда ҳам катта ўзгаришлар қилинмоқда.

Пиво ва алкогольсиз ичимликлар тармоғининг ривожланиши учун технологияни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни замонавий машина, қурилма ва ишлаб чиқариш қуввати юқори бўлган қуйиш линияларини ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Ишлаб чиқариш қуввати юқори бўлган қуйиш линияларини қўллаш пивони кислород билан мулоқотда бўлишдан сақлайди ва узок муддат давомида пивони дастлабки сифатини сақлаб қолишни таъминлайди.

Пиво ва алкогольсиз ичимликлар тармоғининг ортувчи-юқловчи, транспортировка ишларини механизациялаш муаммолари ўз ечимини топган. Деярли ишлаб чиқариш қуввати катта бўлган корхоналарда бу ишлар механизациялаштирилган.

Кейинги йилларда пивони таъм барқарорлиги муаммоларини ҳал қилувчи зарурий билимлар ўрганилди.

Ҳозирги кунда турли хил назоратловчи ва бошқарувчи механизмлардан фойдаланиб пиво тайёрлашни назорат қилиш мумкин. Замонавий техника эса ишлаб чиқаришни узлуксиз назоратини таъминлайди. Шунга асосан ҳозирги кунда пиво пиширувчига (технологларга) қатъий талаблар қўйилмоқда. У тўғри қарор қабул қилиши ва умумий информацияни кўпайиши ҳамда параметрларни ортишига объектив баҳо бериши керак.

Бозор иқтисодиётининг рақобатбардош шароитида пиво ва алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқариш тармоғининг олдида қуйидаги асосий вазифалар турибди:

– маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва ассортиментини кенгайтириш;

– асосий хомашё ва ёрдамчи материаллардан комплекс фойдаланишни таъминлаб маҳсулот таннархини камайтириш;

– ресурс ва энергия тежовчи технологияларни ўрганиш;

– ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришни амалга ошириш;

– янги жорий этилган, хомашё ва яримфабрикатларнинг янги турларини прогрессив технология, илғор технология кўринишида татбиқ этиш;

– кадрлар малакасини ошириш масалалари турибди.

Озиқ-овқат саноатининг бошқа тармоклари сингари пиво ва алкогольсиз ичимликлар тармогининг корхоналари ҳам аҳолига яқин жойларга қуриш назарда тутилади.

**Нукус пиво ишлаб чиқарувчи корхонаси.** Бу корхона 1947 йили қурилган. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати жумладан: йилига 350 минг дал пиво, алкогольсиз ичимликлар 345 минг дал ва маъданли сув 3900 бутилка бўлган. 1975 йили корхона ҳудудида катта ҳажмда маъданли сув захираси борлиги аниқланди ва 1978 йилдан бошлаб маъданли сув ишлаб чиқарила бошланди.

**Маъданли сув қуювчи Чортоқ корхонаси.** Бу корхона Наманган пиво-алкоголсиз ичимликлар бирлашмаси таркибига кирган. Корхона Наманган вилояти Янгиқўрғон ноҳияси Чортоқ шаҳри Навоий номли колхозда қурилган. Корхона йилига 20 млн. бутилка маҳсулот ишлаб чиқаришдан ташқари ўсимлик хомашёсидан йилига 1000 т алкогольсиз ичимликлар учун концентрат, 50 т ранг берувчи «Шток-Роза», 250 т «Лаззат» қуруқ кукунини ишлаб чиқаради.

**Денов аграр саноат комбинати.** Комбинат 1963 йили салқин ичимликлар ишлаб чиқариш базасида йилига 180 минг дал пиво, 50 минг дал салқин ичимликлар ишлаб чиқарган. 1970 йили корхона ҳудудига ишлаб чиқариш қуввати йилига 5 млн. банка консерва маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона қурилди ва корхона пиво-консерва корхонаси деб юритила бошланди.

**Қибрай яхна ичимликлар комбинати.** Комбинат 1974 йили қурилиб, корхона цехлари навбатма-навбат ишга туширилган.

– 1974 йил апрел ойида ишлаб чиқариш қуввати йилига 68 млн. бутилка бўлган маъданли сув қуйиш цехи;

– 1974 йил 1 июлдан ишлаб чиқариш қуввати йилига 6,5 млн. дал пиво ва 2,5 млн. дал алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқариш цехи ишга тушди;

– 1976 йил январ ойи лойиҳа бўйича ишлаб чиқариш қуввати йилига 13500 т бўлган солод ишлаб чиқарувчи ва элеватор (дон сакловчи) цехи ишга тушди.

1978 йили корхонада алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқариш тўхтатилиб, ўрнига «Пепси-кола» ичимлиги ишлаб чиқарувчи кор-

хона курила бошланди. 1981 йил май ойида ишга туширилди. 1985 йил апрел ойида қайта қурилган лимонад қуйиш цехи ишга туширилди. 1988 йили қурилган пиво ачиткиларини дори сифатида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда бу маҳсулотга талаб бўлмаганлиги сабабли ишлаб чиқариш тўхтатилган. 1990 йил октябр ойи ва 1991 йил июл ойида Германиянинг «КРОНЕС» ва «КРУПП-КОРПОПЛАСТ» фирмалари ҳамда Австриянинг «ЭНГЕЛ» фирмалари билан ҳажми 1,5 л ли ПЭТ бутилкаларга маъданли сув ва алкогольсиз ичимликлар қуювчи ўта замонавий заводни четдан келтириш тўғрисида уёқлама шартнома тузилди. 1992 йил янги корхона ишга туширилди ва республикада биринчи бўлиб ПЭТ бутилкалар полиэтилен материалларга ўралди. 2000 йили Германиянинг «АНТОН ШТАЙНЕКЕР» ва «КХС» (аввалги ЗЕЙТЦ) фирмалари билан пиво ишлаб чиқарувчи корхонани модернизациялаш ва қайта таъмирлаш учун ускуналар келтириш тўғрисида шартнома тузилди. 2004 йил январ ойидан бошлаб «Интер – Роҳат» қўшма корхонаси ҳудудида янги ДП «РОҲАТ-ҚИБРАЙ» корхонаси ишга тушди. Корхона йилига 500 минг дал пиво ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Совет иттифоқи даврида Самарқанд, Бухоро, Ургенч, Фарғона, Наманган ва бошқа вилоятларда пиво ва алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатган.

1991 йил Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ишлаб чиқариш комплексларини ривожланиши учун катта имкониятлар тугилди. Бир қанча фаолият кўрсатаётган (ишлаб турган) корхоналар реконструкция қилинди, илгор технология ва замонавий ускуналар билан жиҳозланган янги қўшма корхоналар жумладан: Ўзбек-Америка ҚК «Интер-Роҳат» (Қибрай), ДХО «Меҳнат пиво» (Патриот), ЧПТП «Олмаликпиво» Тошкент вилояти, Ўзбек-Чехия ҚК «Пивзавод №1» (Пульсар Самарқанд ш.), ОАО «РАУРХОН» (Юнусобод, Тошкент ш.), Ўзбек-Германия ҚК «Ziyobakhsh Uni Trading» («Азия» Бухоро ш.) ва кичик ва реторан типдаги пиво ишлаб чиқарувчи ҳамда алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

ДХО «Меҳнат пиво». «Меҳнат» Агрофирмаси кичик корхона сифатида Тошкент вилояти Занги ота тумани Қизғалдоқ қишлоғида 1993 йил 30 январдаги таъсисчилар баённомаси асосида ташкил топди. 2001 йил 20 июл таъсисчилар баённомаси асосида корхона МЧЖ сифатида фаолият юритган. 2002 йил 21 декабрдан таъсис-

чиларнинг баённомаси асосида корхона агрофирма сифатида қайта ташкил топди.

Корхонанинг асосий иш фаолияти узумни етиштириш ва қайта ишлаш, шароб ва коньяк спиртини ишлаб чиқариш. 2002 йилда корхона ҳудудида пиво ишлаб чиқариш корхонасини қуриш ишлари бошланди. 2004 йил корхона иккига «Меҳнат» Агрофирмаси ва ДХО «Меҳнат пиво» га ажралди. 2007 йилдан бошлаб ДХО «Меҳнат пиво» корхонаси ООО «Меҳнатпиво» номи билан фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда корхона йилига 6 млн. гл пиво ишлаб чиқармоқда.

**ҚК «Sarbast Plus».** Бу корхона Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб 2007 йил 6 сентябрда расмий очилди. Корхона йилига 10 млн. дал пиво ишлаб чиқариш қувватига эга. 2008 йил 6 октябрдан бошлаб корхона ҚК ООО «Carlsberg Uzbekistan» деб юритила бошланди. 2009 йил 23 июлдан ООО «UzCarlsberg» номи билан маҳсулот чиқара бошлади. Корхонада «Sarbast Original», «Sarbast Special», «Sarbast Extra», «Sarbast Strong» а также «Tuborg», «Балтика № 3 классическое», «Балтика №9 крепкое», «Балтика №7 экспортное» номли пиво ва «Хлебный край» номли квас ишлаб чиқаради. «Sarbast» савдо маркали маҳсулотлар кисқа вақт ичида маҳаллий истеъмолчиларни ишончини оқлади.

**ҚК «Кока-Кола ичимлиги Узбекистан ЛТД» (ККИУ).** Бу корхона Ўзбекистон бозорларида 1993 йилдан бошлаб фаолият кўрсатиб келмоқда. ҚК нинг расмий очилиши 1994 йил 27 март Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Корхона дастлаб Бешёғоч ҳудудида жойлашган бўлиб, маҳсулот ҳажми 0,25 л. ли шиша бутилкаларга қуйилди. 1,5 йил мобайнида компания ўз маҳсулотини Тошкент бозорларига реализация қилди. Компания маҳсулотини республика бўйлаб етказиб бериш учун 1996 йил 9 май Тошкент вилоятининг Қибрай туманида (ҳозирги ҚК «Интер-Роҳат» корхонаси ҳудудида) янги корхонасини ишга туширди. Корхона «Кока-Кола», «Фанта», «Спрайт» ва «Вонаqua» ичимликларини 1,5 л ПЭТ бутилкаларда чиқара бошлади.

1997 йил 27 феврал ККИУ Наманган вилоятида яна битта корхонасини ишга туширди. Бу корхона Фарғона водийсини шиша бутилкали маҳсулот билан таъминлади. 1997 йил июн ойида эса Ургенч шаҳрида тўртинчи корхонасини ишга туширди ва ичимликларни 1,5 л ПЭТ бутилкаларда чиқара бошлади.

Бешёғоч ва Қибрай корхоналарини бирлаштириб Тошкент вилояти Бектемир туманида 1998 йил 12 август кунини компаниянинг «Мега» корхонасининг очилиш маросими бўлди. Бу корхона Ўрта Осиё бўйича энг катта корхона ҳисобланади.

«Shaffof Servis» корхонаси 1999 йилдан бошлаб Ўзбекистон бозорларида ўз фаолиятини бошлаган. Компания Ўзбекистон Республикасида биринчилардан бўлиб қор ва музни эриган сувларини тозалаш ва қуйишни илғор технологиясини ўзлаштирди. Бу сувлар 19 л. ли сифимларга қадоқланади. «Shaffof» булок сувига талаб катта.

ҚК ООО «Sibur». Бу корхонага 2001 йил асос солинган. Корхона маъданли ичимлик суви ва алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқаради. 2011 йилдан бошлаб корхонада «Пепси-кола» ичимлиги ишлаб чиқарила бошланди.

ОАО «Nestle Uz» корхонаси. Корхонага 2002 йил январ ойида асос солинган. Корхона 1,5 л. ли ПЭТ бутилкада газли ва газсиз маъданли ичимлик суви, турли асортиментдаги «Nestle» болалар бўтқаси, «Tetra Pak» фирмасининг пакетлариға қадоқландиган «Nestle» стерилланган сутти, курук сут кукунни ва сариеғ ишлаб чиқаради. Бу маҳсулотлардан ташқари «Фруктовый сад» шарбати ҳам ишлаб чиқарилади. Корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулот маҳаллий аҳолини эҳтиёжини таъминлайди (кондиради). Қолган қисми Қозоғистон, Қирғизистон ва Афғонистонга экспорт қилинади.

«HYDROLIFE BOTTLERS» компаниясининг асосий фаолият йўналиши 1,5 л. ли ПЭТ бутилкада газланган ва газланмаган ичимлик сувини ишлаб чиқариш ва оптом реализация қилиш.

ООО «Premium Bottlers» қўшма корхонасида асосан «Evita» ва «Karlov Vary» даволовчи сув ишлаб чиқаради.

ООО «Arktika Bottlers» қўшма корхонаси. Ўзбекистонда ООО «Arktika Bottlers» қўшма корхонаси ҳозирги кунда ПЭТ бутилкада алкогольсиз ичимликлар ва газлаштирилган ичимликлар ишлаб чиқарувчи энг йирик компания ҳисобланади.


### **Пиво ишлаб чиқариш технологияси**

Дастлаб тозаланган ва ишлов берилган солод солодни майдалаш бўлимиға узатилади. Майдаланган солод илиқ сув билан аралаштириб затор тайёрлаш қозонига (1) узатилади. Затор

дамлама ва қайнатма усулларда тайёрланади. Солинадиган сувга қўшимчалар турувчи дозатордан (2) турли хил қўшимчалар (сут кислотаси,  $\text{CaCl}_2$ ,  $\text{CaSO}_4$  ва ферментлар) қўшилади. Затор тайёрлаш жараёни тугагач, тайёр бўлган затор филтрлаш чанига (3) узатилади. Шира тортган заторнинг қуюқ қисмидан суёқ қисми ажратилиб шарбат қайнатиш қозонига (4) юборилади. Филтрчанда қолган дон турпи чиқинди бакига юборилади. Шундан сўнг ажратилган шарбат қозонда қулмоқ қўшиб 1,5-2 соат қайнатилади. Қайнаш жараёнида қулмоқланган пиво шарбатига ипир-ипир муаллақ моддалар ҳосил бўлади. Шарбатни муаллақ моддалардан тозалаш (тиниқлаштириш) учун вирпулга (5) узатилади. Пиво шарбатини пишириш босқичи шарбатни пластикали иссиқлик алмашиниш ускунасида (6) бижғиш даражасигача совутиш билан тугалланади. Совутилган шарбат азрация станциясидан (7) берилётган ҳаво билан азрацияланади ва бижғиш жараёни учун керак бўлган С.А.Э.(соф ачитки экини) шарбатга оқимда дозалаб берилади. Қорхонада бижғиш жараёнини ўтказиш яхши йўлга қўйилган бўлса, бижғитиш жараёнига ЦҚТ дан ажратиб олинган ишлаб чиқариш ачитқилари ишлатилади. Ачитқиларни кўпайиши, бошланғич бижғиш жараёни ва бижғишни давом эттириш ҳамда пивони етилиш жараёнлари ЦҚТ да (8) ўтади. Бошланғич бижғиш жараёни тугагач, ёш пиводан ачитқилар ажратиб олинади. Уларнинг бир қисми (ёш ачитқилар) бижғиш жараёнини ўтказиш учун ишлатилса, бошқалари (ўлганлари) эса чиқинди сифатида дон турпи билан аралаштирилиб чиқинди бакига йиғилади. Ёш пивони сепараторда (9) тиниқлаштирилади. Тайёр пивони сақлашдан аввал пластинкали иссиқлик алмашиниш ускунасида (10) совутилади ва сақлаш учун фарфасларга (11) юборилади. Етилган пивони филтрлашдан аввал пластинкали иссиқлик алмашиниш ускунасида совутилади. ва пивони тиниқлаштириш учун пластинкали филтрга (13) (қизил-гурли) сўнг стерилловчи филтрга (14) узатилади. Филтрланган пиво карбонизаторда (15) карбонат ангидрид билан тўйинтирилади. Филтрланган ва карбонат ангидрид гази билан тўйинган пиво сигимларда (16) йиғилади. Тайёр товар ҳолдаги пивони кег (17) ва бутилкаларга (18) қуйиш учун қуйиш линиясига узатилади.

Пиво ва алкоғолсиз ичимликлар тармоғи дунёси ўзгача, хилма-хил. Уларнинг бири чанқоқ босса, бошқалари организмни тетиклаштиради, учинчиси организмни шилимшиқ моддалардан тоза-

лайди, иштахани нормаллаштиради, иммунитетни кўтаради. Ичимликларни даволовчи, парhezли, тетиклаштирувчи, десерт, қиздирувчи, алкоғолли ва алкоғолсизларни мавжуд бўлиб, улар дунёнинг хоҳлаган давлатларида турлича тарқалган.



## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. П.М Мальцев Технология бродильных производств –Москва: Пищевая промышленность, 1980 йил.
2. К.А Калунянц, В.Л Яровенко и др. Технология солода, пиво и безалкогольных напитков –М.: Колос, 1992 йил.
3. Г.И. Косменский Технология солода, пива и безалкогольных напитков –Минск: Дизайн ПРО, 1998 йил.
4. В.Кунце «Технология солода и пива» Изд. Профессия 2002.
5. В.А.Домарецкий «Технология солода и пива» –Киев: Фирма «Инкос», 2004 г.
6. В.Г.Тихомиров «Технология и организация пивоваренного и б/а производств» –Москва: «Колос», 2007 г.



## ЎЗБЕКИСТОНДА СПИРТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРИХИ

Этил спирти – халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг қўлланилади. Унинг асосий истеъмолчиси озиқ-овқат саноати ҳисобланади.

Этил спирти асосан кучли спиртли ичимликлар тайёрлашда, шаробларни қувватлантиришда, сирка тайёрлашда, хушбўй маҳсулотлар ишлаб чиқаришда, тиббиёт саноатида (турли дори-дармон препаратларини тайёрлашда, антисептик ва дезинфекцияловчи сифатида), косметика саноатида (экстрактлар, крем ва турли малҳамлар, бальзамлар ва ҳоказоларни тайёрлашда), кимё саноатида (эритувчи, кимёвий модда, каучук синтез қилишда, сирка кислотаси олишда) ишлатилади.

Спирт ишлаб чиқариш кўп асрлик тарихга эга. Қадимдан алкоголь сўзига «аклни ўғирловчи» маъноси боғланиб қолган. Баъзи тахминларга кўра бизнинг эрамыздан 10 минг йил олдин одамлар асал ва мевалардан тайёрланган спиртли ичимликлар хусусиятларини билганлар.

Биринчи бўлиб VII ёки VIII асрда тоза спиртни араблар олган. Унинг технологиясига ўрта асрларнинг буюк олими Абу Али ибн Сино (980–1037 йй.) кўп марта мурожаат қилган. XI асрда эрон шифокори ар-Розий томонидан этанол ҳайдаш йўли билан олинган ва биринчи бўлиб ароқнинг прототиби тайёрланган. Бу суюқлик фақат тиббиёт мақсадида ишлатилган. Чунки, Қуръонда алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш тақиқланган. Европада спиртли суюқликни биринчи бўлиб ҳайдаш йўли билан италиялик монах – алкимёгар Валентиус олган.

Вино спирти эса биринчи бўлиб XI асрда Италияда узум виносидан олинган. Буюк рассом ва ихтирочи Леонардо да Винчи (1452–1519 йй.) винодан спирт олишга мослашган қурилмани таклиф этган. Бу қурилма ҳозирги даврда коньяк спирти олишда ишлатиладиган «Шарант» аппарати турига мос келади.

XIV аср бошларида винодан спирт олиш оммалаша бошлади ва ниҳоят ундан XIX аср бошларида ректификат олишга эришилди.

XVI асрда Иван Грозний вақтида – ароқ – зодагонлар, бой - бадавлатлар ичимлиги ҳисобланарди. Кейинчалик алкоголь ичим-

ликлари ишлаб чиқариш мамлакатнинг асосий даромад манбаи бўлди.

XX аср бошларида спирт саноати кичик асосан ароқ ишлаб чиқарувчи заводлардан иборат эди, кейинчалик эса у спиртли ва ликёр ароқли ишлаб чиқаришга бўлинди.

Ўзбекистонда озик-овқат этил спиртини ишлаб чиқариш илк бор Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида 1867 ва 1882 йилларда виночилик корхоналарида чекланган миқдорда ишлаб чиқарилган бўлиб, факат шу заводлардагина шароб ишлаб чиқариш учун ишлатилган. Тармоқдаги бошқа вино-ароқ заводлари ва халқ хўжалигидаги истеъмолчиларга мустақиллик йилларига қадар озик-овқат спирти, асосан, Украина ва Россия заводларидан келтирилган.

Уруш бошланиши билан (биринчи жаҳон уруши) ароқ ишлаб чиқариш тўхтатилди, спирт ишлаб чиқариш қисқартирилди. Баъзи спирт заводлари ишлаб турди. Спирт ишлаб чиқариш тахминан 1925-26 йилларда қайта тиклана бошлади. Собиқ иттифокда шу йилларда йилига 16 млн. дал спирт ишлаб чиқарадиган 367 та завод мавжуд эди. Кейинчалик спирт ишлаб чиқариш ривожлана бошладди ва янги заводлар қурилиб, эскилари кенгайтирилди. Янги Маринский, Ефремовский, Лохвицкий, Петровский ва бошқа кўпгина заводлар қурилди.

Улуғ Ватан урушидан олдин спирт заводларининг бир йиллик ишлаб чиқариш қуввати 145 млн. дални ташкил қилган эди. Уруш йилларида кўпгина спирт заводлари оккупация қилинган ерларга тушиб қолиб, деярли ҳаммаси вайрон бўлган эди. Урушдан кейинги дастлабки йилда атиги 32,3 млн. дал спирт ишлаб чиқарилган.

1947 йилдан бошлаб ишлаб чиқариш кенг кўламда бошланди. Ҳаётга янги илмий-техник, технологик жараёнлар татбиқ қилинди. 1965 йилга келиб, 428 та завод йилига 127,8 млн. дал спирт ишлаб чиқарар эди. Кўпгина майда заводлар – узок ерлардаги ва хомашё билан ёмон таъминланаётганлари ёпилди. Битта катта заводнинг ўртача суткалик ҳажми 1270 далга тенг эди. 1975 йил спирт ишлаб чиқариш 188,1 млн. далга етди. 1980 йилларга келиб эса спирт ишлаб чиқариш ароқ ва вино ишлаб чиқариш учун кўпайди. Бошқа ичимликлар кўпайиб кетганлиги туфайли ликёр-ароқ ишлаб чиқаришда спирт сарфи камайди. Спирт ишлаб чиқаришни кучайтириш учун ишлаётган заводлар қувватини ошириш ва дон етиштираётган ерларни – (Сибирь, Олтой ва Қозоғистон)

кўпайтириш керак эди. Чунки спирт бу ерларга Европадан келтирилар эди.

1980 йиллар бошларида собиқ иттифок спирт ишлаб чиқаришда жаҳонда 1-ўринга чиқиб, бир йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 200 млн. далга етди. Лекин 1985 йили алкогольга қарши кураш компаниялар иши сабабли спирт ишлаб чиқариш кескин камайиб кетди, чунки спирт ишлаб чиқариш заводларининг кўпгина қисми ёпилди. Қолган заводлар эса бошқа маҳсулот ишлаб чиқаришга мослаштирилди. Бу четланишлар бекор қилингандан кейин 1988 йилдан бошлаб спирт ишлаб чиқариш яна ўса бошлади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, донли экинлар экиладиган майдонлар кенгайтирилди. Донли экинларнинг кўп миқдорда етиштирилиши уларнинг бир қисмини озиқ-овқат спирти олиш учун ишлатишга имконият яратди.

Вино ишлаб чиқариш корхоналарини спирт билан таъминлаш мақсадида Ҳукумат қарори билан 1994 йили Республикада спирт соҳасини ташкил қилиш асоси тузилди. Ишлаб чиқаришда этил спирти ишлаб чиқаришни ривожлантириш, бошқариш системасини яхшилаш, унинг рақобатбардошлигини ошириш, экспорт қилиш кўламни кенгайтириш, сотишни кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2004 йилнинг январидан «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» ХК қошида «Ўзспиртсаноат» акционерлик компанияси тузишга қарор қилди (ЎзР Вазирлар Маҳкамаси 15.01.04 йил 21-сонли қарори). «Ўзспиртсаноат» АК таркибига бугдой донидан этил спирти олувчи тўртта корхона кирди. Улар қаторида Андижон спирт заводи, «Кўконспирт», «Биокимё» (Янгийўл) ва «Тошкент-вино» комбинати киради.

Ҳозирги кунда «Ўзспиртсаноат» акционерлик компаниясига «Андижон-Биокимё» ОАЖ, «Янгийўл-Биокимё» ОАЖ, «Кўкон-спирт» ОАЖ, «Тошкентвино» ОАЖ ва «Бектемир-спирт» АЖ киради.

Компаниянинг асосий вазибаларига спиртли маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозордаги маркетинг текширувларини бажариб, талабнинг таҳлили ва ҳисоб-китоби асосида юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни экспорт потенциалини кенгайтириш киради.

Озиқ-овқат спиртини ишлаб чиқариш Андижон, Янгийўл, Кўкон ва Бектемир спирт заводларида амалга оширилади.

Давлат статистика маркази маълумотига кўра Ўзбекистонда озиқ-овқат хомашёларидан озиқ-овқат спирти ишлаб чиқариш ҳажми 2004 йилда 2810,1 минг дал бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2009 йилда 4928 минг дални ташкил қилди.

Бугунга келиб, озуқа спиртини ишлаб чиқариш кўлами йилига 5298,6 минг деколитр спирт ректификатни ишлаб чиқариш қувватига тенг. Республика ички бозорида озиқ-овқат спиртини реализация қилиш умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг 75 фоизини ташкил қилади.

Соҳа корхоналарида қўлланилган озиқ-овқат спирт ишлаб чиқариш технологиялари юқори сифатли махсулот, («Экстра» ва «Люкс») ишлаб чиқаришга имкон беради.

Ҳозирги вақтда спирт ишлаб чиқариш катта илмий-техник ривожланган соҳага айланди. Ҳозир дон ва картошкани қайнатиш технологияси мелассадан суслани бижғитиш ва қайнатилган массани қандлаштириш ва вакуумда совитиш узлуксиз жараёнлари яхши йўлга қўйилган.

Баъзи заводларда – массани қандлаштириш учун сирт юзада ёки суюклик ичида ўстирилган моғор замбуруғидан фермент олиш учун фойдаланилади.

*Ишлаб чиқаришнинг замонавий ҳолати.* Спиртни автомобилларга ёнилги сифатида қўллаш бошланганидан буён дунёда биоэтанол ишлаб чиқариш ҳажми ўса бошлади. Ҳозирги кунда биоэтанол ишлаб чиқариш бўйича АҚШ ва Бразилия дунёда ётакчи ҳисобланади.

Замонавий спирт ишлаб чиқариш юқори даражали автоматлашган технологик жараёнлари билан ажралиб туради.

*Қўлланиладиган хомашёлар.* Спирт ишлаб чиқаришда таркибида юқори миқдорда крахмал ёки қанд ушлайдиган ва сақланиш муддати узок бўлган хомашёлар қўлланилади. У ёки бу турдаги хомашёни танлаш ҳудуднинг географик жойлашувига ва ҳўжалик структурасига боғлиқ.

Ватанимиз спирт саноатида хомашё сифатида дон ва дуккакли ўсимликларнинг ҳар хил тури (бугдой, жўхори ва ҳ.к), картошка ва мелассадан фойдаланилади. Бундан ташқари яна қанд лавлагини, узум баъзи ҳўл мевалар, қанд ва вино ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланиш мумкин.

*Чиқиндиларни қайта ишлаш.* Саноат қолдиқларидан карбонат ангидриди, барда (дон бўтқаси), этил спирти бош фракцияси (ЭАФ),

сивуха мойи, спирт динатурати ҳам олинади. Уларни қайта ишлаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

– спирт олинганидан кейинги бардани қуритиш ёки унинг асосида чорвачиликда ем-хашак қўшимчаси сифатида ишлатиладиган озик ачиткиларини тайёрлаш;

– карбонат ангидрид газини сиқиш (сжижение) ва тозалаш ёки қурук муз тайёрлаш;

– тиббиётда, лак бўёқ ва атир-упа ишлаб чиқаришда қўлланиладиган юқори спирт (амил, бутил, пропил)ларни олиш мақсадида сивуха мойларини ҳайдаш.

Озиқавий спирт O'zDst 5862-67нинг талабига биноан ишлаб чиқарилади. Озиқавий спиртнинг асосий истеъмолчиси «Ўзузумсаноат-холдинг» ХК тармоғидаги ликёр-ароқ ва вино ишлаб чиқариш корхоналари ҳисобланади. Бундан ташқари озиқ-овқат спирти тиббиётда, фармацевтикада ва озиқ овқат саноатида ишлатилади.

Техник спирт O'zDst 18300-87 талабига биноан ишлаб чиқарилади. Техник спирт кабель, атир-упа саноатида, илмий-текшириш ва ишлаб чиқариш лабораторияларида, кимёвий ва ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида қўлланилади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда қуйидаги навдаги озиқ-овқат спиртлари ишлаб чиқарилмоқда: «Олий тоза», «Экстра» ва «Люкс».

Спирт ишлаб чиқаришнинг асосий жараёнлари қуйидагилардир:

- крахмалли хомашёни тайёрлаш;
- пишириш;
- пиширилган массани совйтиш ва крахмални қандлаштириш;
- ачиткиларни тайёрлаш;
- қандли моддани ачитки ёрдамида спиртга айлантириш;
- спиртни ҳайдаш ва ректификациялаш.

Расмда дон ва картошкадан этил спирти ишлаб чиқаришнинг принципаал технологик схемаси келтирилган.



Дон ва картошкадан этил спирти ишлаб чиқаришнинг принципиал технологик схемаси.

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ислом Каримов «Узбекистан по пути углубления экономических реформ» Ташкент – Узбекистон 1995 год.
2. Герасимова В.А., Белокурова Е.С., Выговтов А.А. «Товароведение и экспертиза вкусовых товаров».
3. «Книга о водке». / Сост. Ю.Г. Иванов.
4. Похлебкин В.В. «История водки».
5. Жигалов А.А., Хануков Э.Р. «Тенденции изменения на рынке алкогольной продукции. Пиво и напитки».
6. Коваленко А.П. «Самогон и водка: технология и рецепт». – М.: Рольф.
7. ФЗ « О качестве и безопасности пищевых продуктов», № 29-ФЗ
8. от 02.01.2000 г.
9. Похлебкин В.В. «История водки».
10. «Спиртные напитки и пиво». Новинки рынка.2004.

## ОМИХТА ЕМ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Омихта ем саноати тарихи 75 йилдан юқори саналади. Ўша пайтлари омихта ем саноати озик-овқат ишлаб чиқариш саноати халқ комиссарлари таркибига кирган, сўнгра озик-овқат саноати вазирлиги тасарруфида бўлган. 1930 йилларнинг бошида дастлабки экспериментал омихта ем заводи Украинанинг Полтава шаҳрида бунёд этилган бўлиб, унинг ишлаб чиқариш қуввати 65 т/сут.

Шу ернинг ўзида ишлаб чиқариш технологияси ва ускуналар синовлари амалга оширилган. 1967 йилларга келиб 700 дан ортик паррандачилик ва бошқа махсус хўжаликлар нафақат Россия, балки Белоруссия, Украина, Прибалтика, Ўзбекистондаги янги чиқариш қувватга эга бўлган корхоналарда омихта ем ишлаб чиқарила бошланган.

### Омихта ем саноати ривожланишининг тарихий йўли

Қуввати 100 т/сут дастлабки омихта ем ишлаб чиқариш цехи Россия федерациясининг Москва вилоятини «Лесные поляны» хўжалигида ишга туширилган. 1928 йил январ ойида бу кичик цех биринчи бўлиб Москва давлат омихта ем корхонаси сифатида рўйхатдан ўтказилган. 1934 йили Москвада марказий омихта ем саноати илмий текшириш лабораторияси (ЦНИИ комбикорм) иш бошлаган.

Илмий текширишнинг натижаларида ишлаб чиқариладиган омихта емларга дастлабки давлат стандарт шаронглари (ТУ) ишлаб чиқилди. 1934 йилда Бош омихта ем тасарруфида омихта ем ишлаб чиқариш корхоналарининг лойиҳасини яратувчи илмий-техник лойиҳалаш контораси иш бошлаган. Бу ташкилот 1933 йилдан 1937 йиллар орасида бир нечта типли намунавий омихта ем лойиҳалари ишлаб чиқарилган.

Россиянинг (Воронеж, Болшево, Краснодар, Иркутск); Украинанинг (Киев, Кировоград, Одесса, Белополье); Қозоғистоннинг (Семипалатинск) омихта ем ишлаб чиқариш корхоналари бунга мисолдир. Бир вақтнинг ўзида 3 хил турдаги омихта ем отлар, йирик шохли қорамоллар, қушлар учун ишлаб чиқарилган. Брикет



турдаги омихта ем дастлаб 4 та прессловчи ускуналар ёрдамида ишлаб чиқарилган. Брикетланган омихта ем тўғрисидаги дастлабки маълумотлар 1877 йилларда Россия ва Туркия урушлари даврида учраб турган.

1928 – 1940 йиллар биринчи омихта ем саноатининг ривожланиш босқичи бошланган. Бу даврга келиб, саноатда 19 та йирик механизацияланган омихта ем ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд эди. 1940 йили 1185 минг тонна омихта ем ишлаб чиқарилган. Бу ривожланишнинг дастлабки босқичида ёш зоотехник олимлар омихта ем ишлаб чиқаришнинг ташкил этишда фаол қатнаша бошлашган. 1941–1945 йилларда Улуғ Ватан уруши даврида омихта ем саноати 60% дан ортиқ ишлаб чиқариш қувватини камайтирган, 12 дан ортиқ омихта ем корхоналари тўла ёки қисман бузилган ва вайроналарда қолиб кетган. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш 196 минг тоннага тушиб қолган. 1947 йилнинг охирига келиб омихта ем ишлаб чиқариш саноати учун ривожлантириш ва қайта куриш даври бўлиб, қушлар учун турли омихта ем ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Омихта ем саноати ривожланишининг иккинчи босқичи 1952 – 1966 йилларни ўз ичига олади. 1952 йили Бошомихта уюшмаси тарқатилди ва Тайёрлов вазирлиги ун-ёрма ва омихта ем саноати бошқармаси тасарруфига кирди. 1953 йилдан корхоналарни лойиҳалаш «Саноатдонлоийҳа» институтига топширилди. 1954 – 1956 йилларда кўпгина шаҳарларда омихта ем цехлари ун ишлаб чиқариш комплекси қошида яратилди. Омихта ем саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш миқдорини ошириш мақсадида кичик ҳажмли универсал МУКЗ-35 комплекслари ишга туширилди. 1963 йилнинг бошига келиб 777 МУКЗ кичик комплекслари ишлаб, 6-7 млн. тонна омихта ем ишлаб чиқарилди. 1962 йилдан МУКЗ комплекслари ўрнатилмади. 1958 йилдан омихта ем таркибига витамин, антибиотик, микроэлементлар қўшила бошланди.

Омихта ем саноатининг учинчи босқичи 1966 йилга тўғри келди. Бу даврдан бошлаб саноат ривожланиш даври бошланди, янги лойиҳалар ишга туширилди. Россия, Украина, Молдавия каби давлатларнинг бир нечта шаҳарларида омихта ем ишлаб чиқариш комплекслари ишга туширилди. Шу билан бирга ОВҚ, премикс ишлаб чиқариш қувватлари ошди, 1975 йили 60 млн. тонна тўла рационли омихта ем ишлаб чиқаришга эришилди.

АК «Ўздонмахсулот» АК тасарруфидаги ишлаб чиқаришнинг 11 фоизи омихта ем ишлаб чиқаришга қаратилган бўлиб, жами 41 та корхона ишлаб турибди. Энг йирик омихта ем ишлаб чиқарувчи корхоналарга «Тошкентдонмахсулотлари», «Навоийдонмахсулотлари», «Бухородонмахсулотлари», «Жомбодонмахсулотлари», АО» «Дунё-М» каби корхоналарни кўрсатиш мумкин. 2003 йилдан республика ун-ёрма ва омихта ем саноати маҳаллий хомашёлар эвазига маҳсулот ишлаб чиқара бошланди. 1991 йилга нисбатан ун ёрма ва омихта ем саноати 2006 йилда 3,7%, озиқ-овқат саноати 21,5%га ошди. 1991–2006 йилларда саноат микёсида ишлаб чиқариш 5 дан 8 фоизгача ошди. Бу кўрсаткичлар «Ўздонмахсулот» АКнинг молиявий ҳолатини ошганидан далолатдир. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 376-сонли буйругига асосан барча корхоналар, акциядорлик жамиятларига ўтди. Ҳозирда «Ўздонмахсулот» АК тасарруфида 44 та корхона – шундан 41 акционерлик жамияти ва 3 МЧДЖ фаолият юритмоқда.

Омихта ем саноати мамлакатнинг аграр саноат комплексига киради. Бу саноатнинг асосий вазифаларига турли хайвон ва чорвачилик молларини тўла рационли, маълум бир рецепт асосида ишлаб чиқарилган омихта ем билан таъминлашдан иборат.

Омихта ем саноати чорвачиликнинг ривожланишининг муҳим зеноси ҳисобланади. 2010 йилда давлат статистика қўмитасининг маълумотига кўра, фермер хўжаликларида 500 мингдан ортиқ йирик шохли қорамол ва 170 мингдан ортиқ майда шохли қорамоллар мавжуд.

Давлатимиз томонидан дон маҳсулотлари соҳасининг олдига қўйилган вазифаларидан бири – чорвачиликни ривожлантириш.

Ҳозирда халқ хўжалиги олдида бир нечта ечилиши керак бўлган вазифалар қўйилган:

– биринчидан, технологик линияларни ва ишлаб чиқаришни такомиллаштириш;

– иккинчидан, ишлаб чиқаришга турли ресурслардан фойдаланиб, ишлаб чиқаришнинг миқдори ва сифатини ошириш;

– учинчидан, ишлаб чиқариш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни миқдорини оширишда атроф-муҳит муҳофазасига эътибор қаратиш лозим.

## ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИДА ЗАМОНАВИЙ БИОТЕХНОЛОГИЯНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

XXI асрда биотехнология шиддатли ривожланыпти. Ўтган асрнинг охириги ўн йиллигига қадар биотехнология, асосан, микробиолог ва энзимологларнинг фаолият майдонида мавжуд эди. Охириги йилларда биоорганик кимё, вирусология, бактериология, молекуляр генетика фанларининг эришган ютуқлари ва, айниқса, дезоксирибонуклеин кислотаси (ДНК) ни модификация қилиш, уни бир организмдан иккинчисига ўтказиш усулларининг кашф қилиниши, биотехнологиянинг жадал ривожланишига туртки бўлди.

Кўпгина олимларнинг фикрича, шу пайтгача маълум бўлган техник ривожланиш йўналишларига нисбатан, замонавий биотехнологиянинг озик-овқат ва озика маҳсулотларини инсониятга етказиб бериш, атроф-муҳитнинг муҳофазаси, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги ва кимё саноатининг ривожланишига қўшаётган ҳиссаси маълум даражада жуда юқоридир. Худди шунинг учун ҳам XXI аср биотехнология асри деб атала бошланди.

Охириги 5-7 йил давомида трансген экинларни қўллаш асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш 30-40 баробар ошди.

Ўтган асрнинг 90-йилларида, биз тирик организмларнинг ишлаб туришини молекуляр даражада англашимиз, яъни биологик материалларни ташкил қилган генларни таҳлил қила олишимиз ва ДНК молекуласини манипуляция қила олишимиз имконияти яратилди. XX асрнинг энг йирик кашфиёти – инсон геномини расшифровка қилинганлиги расмий равишда тан олинди.

Бу жараён «Одам геноми» халқаро дастури доирасида ниҳоясига етди. Дастур талайгина жамоат ва хусусий инвесторлар кўмагида, одам генлари билан ишлаш имкониятини берувчи янги технологияларнинг ривожланишини жадаллаштирди. Бундай технологияларни бошқа организмларга, шу жумладан, ўсимлик ва ҳайвонларга ҳам қўллаш мумкинлиги исботланди. Шундай қилиб, икки давр чегарасида мустақил фан бўлмиш – «геномика» фани пайдо бўлди. Бу фан ўта қучли нуқтаи назарни қўллаб, генларнинг функциясини идентификация қилиш ва уларни таъбиқатда, қишлоқ

хўжалигида, озик-овқат саноати ва бошқаларда (генлар фаолиятини тартибга солиш ва ген муҳандислиги мақсадлари йўлида) қўллаш имконини берди.

Ўз ўрнида, янги кашфиётлар ва уларнинг саноатга жорий қилиниши кучли биотехнологик индустриянинг пайдо бўлишига олиб келди ва у, асосан, индустриал ривожланган мамлакатларда пайдо бўлди. Европа ва АҚШнинг бир қанча йирик корпорациялари ўзларининг асосий инвестицияларини кишлоқ хўжалигининг асосий муаммоси бўлмиш, ўсимликларни янги, яхшиланган турларини яратиш ва уларни кенг миқёсда қўллашга қаратилган янги технологияларга йўналтирдилар.

Юқори унумдорликка эга бўлган кишлоқ хўжалик ўсимликларини яратишдаги асосий муаммолар – зараркундалар, вируслар ва касаллик кўзгатувчи замбуруглар, қурғоқчилик, гербицидлар ва бошқа биотик ва абиотик факторлар ҳисобланади. Ген муҳандислиги услубларини қўллаб, гербицидларга, зараркунанда ҳашаротларга, вирус касалликларига ўта чидамли, физиологик хусусиятлари (етилиш муддати, оксиллар ва ёғ кислоталарининг миқдори ва б.) ўзгартирилган бир қанча ўсимлик турлари аллақачон яратилган. Умуман олганда, ўтган асрнинг охирида (1999 й.) 40 млн. гектар ерларда гени модификацияланган ўсимлик турларини етиштириш амалга оширилди. Шулардан 82% индустриал ривожланган мамлакатларга ва 18% эса ривожланаётган мамлакатларга тўғри келади.

Ҳозирги пайтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг Қўмиталари томонидан инсониятнинг глобал талабларини қондириш учун асосан тўртта дастур қабул қилинган. Булар – 1. Инсониятни озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш дастури; 2. Энергетик дастур; 3. Хомашё билан таъминлаб бериш дастури. 4. Атроф-муҳит ҳимояси дастури. Шунинг учун ҳозирги пайтда биотехнология соҳасида олиб борилаётган жаҳон миқёсидаги тадқиқотлар ана шу дастурларда кўрсатилган масалаларни ечишга йўналтирилган.

Жаҳон биотехнологик индустрия жамиятининг (Biotechnology Industry Organization (BIO)) вице-президенти Шон Даррафнинг баёнотига кўра 2005 йил биотехнология соҳасида улкан ютуқларга эришилган йил бўлди. Шу йилнинг май ойида жаҳоннинг 18 та мамлакатада миллиард акра ерга гени модификация қилинган экинлар экилиб ҳосил олинди. 2005 йилда генетик хариталаш йўли

биляя ўснимликлардан – шоли ва хайвонлардан эса – итларнинг геноми тўлиқ расшифровка қилинди ва уй хайвонларидан қўй, ўснимликлардан маккажўхори ва дуккакли ўсимлик соянинг геноми устидаги тадқиқот ишлари жадал суръатлар билан бошлаб, тугалланиш арафасида.

Озик-овқат маҳсулотларининг тўйимлилиқ хусусиятини ошириш, ўсимликларнинг қурғоқчиликка чидамлилиқ даражасини ошириш, шунингдек, турли паразитларга ва касалликларга чидамлилиқ даражасини ошириш усулларини яратишда генетик хариталарнинг тутган ўрни жуда муҳим ҳисобланади. Ўзида фойдали моддаларни бирмунча кўп тутган ва ёғларни нисбатан камроқ тутган гўшт ва сут маҳсулотларини олишда, қишлоқ хўжалиқ хайвонларининг соғлом наслини яратишда хайвонларнинг геномини тўла ҳолда билиш ўта муҳимдир. Шу ўринда хайвонлар биотехнологиясида ҳам катта муваффақиятларга эришилди. Олинган натижаларни амалиётга татбиқ қилиш нафақат хайвонларнинг, балки одамларнинг ҳам соғлигини яхшилашга, тўйимлилиги нисбатан юқори ва инсон организмга хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари яратилишига, шунингдек, йўқолиб кетиш хавфи катта бўлган хайвонлар турларини сақлаб қолишга олиб келади.

«Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти» (ВОЗ) биотехнологик усуллар билан яратилган маҳсулотлар инсонларнинг соғлигини мустаҳкамлашга, камолотга эришишига ёрдам беришини расмий эълон қилган. «Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти» (ВОЗ)нинг ўрганиши натижасида, биотехнология ёрдамида олинган қишлоқ хўжалиқ ўсимликларини ишлатиш, ҳосилдорликни оширишга, озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хилма-хиллигини оширишга ва натижада инсонларни соғлигини мустаҳкамлаб, ҳаёт даражасини ошириши исбот қилинди.

АҚШ Қишлоқ хўжалиғи вазирлиғи қошидаги «Иқтисодий тадқиқотлар хизмати» ташкилоти ва Ратджерс университети (Нью-Джерси штати) докладларида айтилишича, Жанубий Африка қишлоқ хўжалиғига генетик модификацияланган маккажўхорининг жорий қилиниши, ҳосилдорликни қатта фермер хўжалиқларда 11% га, кичик фермер хўжалиқларда эса 56% га оширганлиғи эътироф этилган. АҚШнинг қишлоқ хўжалиғи ва озиқ-овқат сиёсати миллий маркази тадқиқотларининг аниқлаши бўйича 2004 йилда 118 млн. акра ерга биотехнологик экинларни экиш натижасида озиқ-овқат маҳсулотларини 6,6 млн. фунтга (тахминан 3 млрд. метрик

тоннага) оширди. Натижада қишлоқ хўжалигида ишлатилиши лозим бўлган заҳарли пестицидларнинг миқдори 35% га камайди.

Буюк Британиянинг PG Economics Ltd.фирмаси мутахассисларининг ҳисобларига кўра, жаҳон миқёсида биотехнологик экинларни жорий қилиниши, қишлоқ хўжалиги келтирадиган даромадни жиддий равишда кўтарди ва шу вақтнинг ўзида уни атроф-муҳит вазиятига салбий таъсирини камайтирди.

Коннектикут университети ва Япония чорвачилик институти олимлари АҚШ Миллий академияси берган, клонлаштирилган қора молларнинг гўшт ва сут маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги маълумотлари ҳақиқатан ҳам тўғри эканлигини тўла-тўқис маъқулладилар.

Россия ФА президенти академик Юрий Осипов академиянинг 280 йиллик юбилейига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида XXI асрда «ҳаёт – материянинг тирик яшаш формаси» га бағишланган илмий тадқиқотларда буюк кашфиётлар қилинади, деб таъкидлаган. Илмий прогнозларга қараганда, айнан ушбу асрда биотехнология, фармакология, молекуляр биология ва медицина жуда жадал ривожланади. Бу асрда олимларнинг асосий эътибори тирик организмларга ва тирик ҳужайраларга қаратилади. Уларни ўрганиш, - деб ҳисоблайди академик Юрий Осипов, амалий медицинани ривожланишига янги имкониятлар яратиб беради.

Бизнинг Республикамизда ҳам замонавий биотехнология йўналишидаги илмий изланишлар Ўзбекистон фанлар академиясининг Генетика ва экспериментал биология институтида, академик О.С. Содиқов номли биоорганик кимё институтида, Микробиология институтида, академик С.Ю. Юнусов номли Ўсимлик моддалари кимёси институтида жадал суръатлар билан олиб борилаёпти.

Ҳозирда картошканинг генетик ўзгартирилган янги турлари яратилиб, қишлоқ хўжалиги амалиётига жорий қилиняпти.

Академик Ш.И. Салихов раҳбарлиги остида экологик тоза - кўсак қурти феромони ишлаб чиқиш технологияси яратилди. Ўзбекистон фанлар академиясининг академик О.С. Содиқов номли Биоорганик кимё институти тажриба корхонасида кўсак қурти феромони етарли даражада ишлаб чиқарилаёпти. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ватанимизнинг деярли ҳамма пахта далаларида амалиётда қўлланиляпти.

Академик А.А. Абдукаримов ва проф. И. Абдурахманов раҳбарлиги остида рекомбинант ДНК технологиясини қўллаб трансген

пахта ғўзасининг янги нави яратилди. Яратилган трансген пахта толасининг узунлиги маълум пахта навлари толаси узунлигидан бир неча маротаба узундир.

Сарик касаллик – гепатит-В тарқатувчи вирусларга қарши ген муҳандислик вакциналари яратиш устида олиб борилаётган тадқиқотлар якунланиш арафасида.

Республикамизда биотехнология мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлашга ҳам катта аҳамият берилляпти. Ватанимизда биотехнологиянинг ривожланиши қай йўсинда юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишига бевосита боғлиқдир. Тайёрланадиган кадрлар дунё миқёсида талаб қилинадиган илмий изланишларга жавоб бера оладиган, биотехнологик жараёнларни ва биотехнологик йўллари амалга ошира оладиган кадрлар бўлиши лозим. Шу маънода, Тошкент кимё-технология институти Республикамиз олий ўқув юртлири ичида етакчи олийгохлардан бири ҳисобланади.

2004 йил 1 мартдан бошлаб Тошкент кимё-технология институтида «биотехнология» кафедраси ўз фаолиятини бошлаган. «Биотехнология» кафедраси 5320500 - Биотехнология (тармоқлар бўйича) таълим йўналишида техник олий ўқув юртлири ичида таянч кафедра ҳисобланади. Кафедрада биотехнологик принципларга асосланган ҳолда қишлоқ хўжалик хомашёлардан озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг мавжуд технологияларини такомиллаштириш, янги технологиялар ва техник воситаларни яратиш устида чуқур тадқиқот ишлари амалга оширилади. Шунингдек, озик-овқат маҳсулотлари хомашёлари ва озика тизимларида биотехнологик трансформация жараёнларини ривожлантириш, уларни моделлаш ва оптималлаш, янги технологик жараёнларни замонавий ускуналарни жалб қилган ҳолда керакли хусусиятларга эга бўлган, биологик хавфсиз озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқиш муаммолари устида илмий изланишлар олиб борилади. Ҳозирги пайтда энг долзарб бўлган муаммо – биологик хавфсиз бўлган қишлоқ хўжалик хомашёлари, озик-овқат маҳсулотлари қўшимчалари, биологик фаол моддалар, тайёр озик-овқат маҳсулотлари етиштириш кафедра аъзоларининг асосий изланишлари қаторидадир.

Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Фан ва техника мувофиқлаштирувчи Қўмитаси буюртмасига асосан қишлоқ хўжалик экинларига, одамлар ва ҳайвонлар соғлигига жуда катта зиён келтирадиган ҳашаротларга қарши биопрепаратлар ишлаб чиқиш

устида тадқиқотлар олиб борилаяпти. Тадқиқотлар натижасида энтомопатоген бактериялари *Bacillus thuringiensis* асосида олинган экологик хавфсиз Биопестицид ва Биоинсектицид биопрепаратлари одамлар ва ҳайвонлар саломатлиги учун ўта хавfli бўлган кимёвий препаратлар ўрнига ишлатиш имконияти тугилади.

Кафедра ходимлари Ўз ФА олимлари билан ҳамкорликда ген муҳандислиги, генетик модификация қилинган организмларнинг ПЗР – таҳлил методлари ёрдамида қишлоқ хўжалик экинлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари патогенлари (касаллик кўзгатувчилар) бионазорати устида тадқиқотларни ҳам бошлаб юборишган.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, биотехнология кафедраси 2005–2008 йилларда Европа Иттифоқининг ТЕМПУС дастури доирасида CD\_JEP-24104 - 2003 «Curriculum Development for a Masters Course in Food Safety» лойиҳасида фаол иштирок этди.

Ушбу лойиҳа Марказий Осиёнинг озиқ-овқат секторида хавфсизлик олдини олишнинг замонавий талабларини ҳисобга олган ҳолда келгуси менеджерлар, раҳбарлар, консультантларни ўқитиш мақсадида ўқув дастури ишлаб чиқишга мўлжалланган. Лойиҳанинг консорциум аъзолари Европадан – Wageningen University and Research Centres, Netherlands, University of Greenwich UK, Марказий Осиёдан – Қозоғистон – Олма-ота технология университети ва Ўзбекистон – Тошкент кимё-технология институти, Бухоро юқори технологиялар муҳандислик техника институти ҳисобланади.

Лойиҳанинг муваффақиятли яқунланиши натижасида янги магистрлик курси яратилди ва унинг номи – «Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги» - мутахассислик классификаторига киргизилди. Янги курсга Давлат таълим стандарти (ДТС) ва магистрлик ўқув дастури «5А541130» – «Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги» ишлаб чиқилди ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдигидан ўтказилди. 2007/2008 ўқув йили Тошкент кимё-технология институтида илк бор магистратурага талабалар қабул қилинди. Ўқув жараёнига институтнинг Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси факультети кафедраларидан малакали ўқитувчилар жалб қилинди. 2009 йилдан бошлаб «Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги» – мутахассислиги бўйича магистрлар чиқа бошлади.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларидан кўриши мумкин бўлган зарарланиш ҳолатини аниқлаш, ишлаб чиқаришдаги хавфсизликни бартараф қилишда, озиқ-овқат маҳсулотларини



реализация қилишда, сифатсиз маҳсулотларни истеъмол қилишни йўқотиш йўлларини топишда аниқланади. Кўпинча хомашёни қайта ишлаш жараёнида, тайёр маҳсулотни корхоналарда сақлаш шароитида ёт микроорганизмлар билан озик-овқат маҳсулотлари инфлосланиши кузатилади. Ўзбекистон Республикасининг ҳеч қайси лабораториясида кишлоқ хўжалиги ва озик-овқат маҳсулотларини 2.3.2.078-01 Санитария нормалари ва қондалари, шунингдек, халқаро техник регламентлар ва стандартлари параметрларига жавоб берадиган синовлардан ўтказилмайди.

Аҳолини сифатли озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун дунё бозорига озик-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш мақсадида малакали мутахассисларни тайёрлашга, қонуний, меъёрий ва моддий техникавий тизимлар мониторингини ўтказишга боғлиқ бўлган куйидаги вазибаларни бажариш лозим:

1. Юқори сезувчанликка эга бўлган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, малакали ходимлар ва озик-овқат маҳсулотларини таҳлил қилишнинг замонавий услубларини қўллай оладиган мустақил лабораторияни ташкил қилиш.

2. Озик-овқат маҳсулотлари ва хомашёни сифатининг мониторингини ўтказиш учун GEMS/FOOD мисолида инфор­мацион дастурларни етарли даражада ишлаб чиқиш.

3. Халқаро «Codex Alimentarius» стандартларига, шунингдек, халқаро стандартлаштириш ташкилотининг (ИСО) стандартларига мос келадиган синов усулларига асосланган техник регламентларни яратиш.

4. Корхоналарда замонавий асбоб-ускуналарнинг ҳамда ИСО 22 000 - 2005 халқаро стандартда ўрнатилган талабларга мос келадиган ХАССП менежмент сифат тизимини яратиш ва тегишли қонуний базани яратишга ҳисса қўшиш.

5. Тадқиқот қилувчи ташкилотлар ишлаб чиққан янги технологиялар ва рекомендацияларни кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарига узатиш механизмини ишлаб чиқиш.

Бу вазибаларни муваффақиятли бажариш учун бизга нафақат малакали мутахассислар, балки замонавий қурилмалар ва асбоб-ускуналар керак бўлади.

Шунинг учун кафедра олимлари европалик партнёрлар – Португалия, Испания, Болгария олимлари, шунингдек, Марказий Осиёдан – қирғизистонлик олимлар билан ҳамкорликда янги – «Биотехнолог» ўқув - амалий марказ» ташкил қилиш лойиҳасини

ишлаб чиқилар ва уни Европа Иттифоқининг TEMPUС – YI халқаро дастури танловида иштирок этиш учун тақдим этдилар.

Ишлаб чиқилган лойиҳанинг асосий мақсади:

– озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини яхшилаш мақсадида давлат ва корхоналар лаборатория ходимларининг малакасини ошириш учун янги ўқув дастурлар яратиш;

– малакавий ходимлар ва замонавий ускуналар билан жиҳозланган шаходатланган синов лабораторияси ташкил қилиш;

– озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёси сифатини мониторинги учун информацион дастурли воситалардан фойдаланиш;

– озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсини сертификация қилиш.

Бу муаммоларни ечиш учун лойиҳада халқаро WP4 Ensuring food quality in enterprises талабларини бажариш кўзда тутилган.

Лойиҳада кўзда тутилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши натижасида қуйидаги имкониятлар амалга ошади:

– Халқаро «Codex Alimentarius» стандартларига, шунингдек, халқаро стандартлаштириш ташкилотининг (ИСО) стандартларига мос келадиган синов усулларига асосланган техник регламентлар ишлаб чиқилади ва жорий қилинади.

– Корхоналарда ИСО 22 000 - 2005 халқаро стандартда ўрнатилган талабларга мос келадиган ХАССП менежмент сифат тизими жорий қилинади.

– Янги технологиялар ва методик рекомендацияларни марказдан ва тадқиқот қилувчи бошқа ташкилотлардан қайта ишловчи корхоналарга эффектив узатиш механизмлари ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш стратегиясига мувофиқ (Вазирлар Маҳкамасининг «Ички бозорни сифатсиз ва инсон соғлиғи учун хавfli озиқ-овқат маҳсулотларидан химоя қилиш ҳақида» (1998) ва ЎЗР Олий Мажлиси қонунчилик палатаси, аграр ва сув муаммолари масалалари бўйича Қўмитанинг «Ўзбекистоннинг аграр секторига биотехнологияни жорий қилиш перспективалари ва ҳуқуқий масалалари» илмий амалий конференцияси. (Баённома №24, 3 октябр 2011йил) лойиҳасида кўзда тутилган мақсадлар амалга ошса:

– Озиқ - овқат маҳсулотлари ва хомашёсининг сифати юқори даражада бўлади;

– Маҳсулотнинг сертификация қилинганлигини халқаро даражада тан олинishi, турли мамлакатлар билан савдо - сотик

ишларини амалга оширишда бўладиган муаммоларни бартараф этади.

«Биотехнолог» ўқув – амалий марказ»ни ташкил қилиш иши, мамлакатимизнинг миллий хавфсизлигини таъминловчи умумий талабнинг ажралмас қисми бўлиб хизмат қилади. Бу ишлар Ўзбекистоннинг жаҳон савдо ташкилотига (ВТО) киришига кўрилаётган тайёргарликка ва «Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ва сифати» қонунини қабул қилинишига тўла мос келади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Егоров Н.С. Биотехнология проблемы и перспективы. –М., 1994.
2. Калашникова Е.А., Шевелуха В.С., Воронин Е.С. Биотехнология. –М.: Высшая школа, 2005.
3. Сассон А., «Биотехнология: свершения и надежды» – Москва: «Мир» 1987г.
4. Вакула В.Л. «Биотехнология: что это такое? –Москва: «Молодая гвардия», 1989г.
5. Волова Т.Г., «Биотехнология» – Новосибирск: Изд-во Сибирского отделения Российской Академии наук, 1999.
6. «Сельскохозяйственная биотехнология» под ред. В.С. Шевелухи, –Москва: Высшая школа, 2003.
7. Т.Е Дроздова, Е.П. Иванова. «Основы биотехнологии» –Москва: МГОУ, 2001.
8. <http://www.biotechnolog.ru>.

---

## ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТИ СИФАТИ МЕНЕЖМЕНТИ

### 1. Сифат менежменти тизими тарихи

*Сифатни бошқаришнинг пайдо бўлиши, тарихи ва ривожланиши.* Жаҳон глобал иктисодиётининг замонавий шароитларида, рақобатбардош бозор талаб қилган ва юқори қийматга эга маҳсулотни етказиб берувчи корхоналаргина муваффақиятга эришиши мумкин. Замонавий иктисодий ҳолат корхоналар раҳбарларининг эътиборини алоҳида ишчилар самарадорлигига эмас, балки корхонани бошқаришга тизимли ёндашишга қаратишга ундамоқда. Бунда корхонага, истеъмолчилар талабларига, шунингдек, атроф - муҳит муҳофазаси талабларига мувофиқ бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатишга олиб келадиган кўп жараёнларни уйғунлаштирган ўзаро алоқаси сифатида қарамоқдалар. Бошқаришга бундай ёндашишни, жаҳон иктисодиёти ривожланишининг замонавий босқичида корхоналарнинг олдида турган мақсадлар ва вазифаларни қайта кўриб чиқиш ва мукамаллаштиришнинг давомий жараёни оқибати бўлган приоритетларнинг (устувор йўналишлар) қайта баҳоланиши билан тушунтириш мумкин. Доимий мукамаллаштириш тамойили кучаяётган рақобат шароитида корхоналарнинг ютуғли, кафолатли ва раҳбарларни корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга ва истеъмолчиларда уларнинг сифати ҳамда экологик хавфсизлигига ишончини таъминлашга олиб келадиган йўللار ва усулларни излашга мажбур қилади.

*Сифат эволюцияси.* Сифатни рўйхатга олиш билан боғлиқ жараёнлар эрамиздан, аввалги 2150 йилдан бошлаб учрайди. Хаммурапи 229 кодексидан бизга маълумки, қурилган бинолар бузилса ва бунда одамларни ярадор қилса ёки бино томонидан бирон зарар етказилса, қурувчи оғир жарималарга дучор қилинар эди, масалан: бирон одам ўлса, қурувчи ҳам катл қилинар эди.

Бунга ўхшаш тамойиллар финикияликларда ҳам учрар эди: Финикия аудитори стандартлар йўл қўйган хатоси учун, ишлаб чиқарувчини бу хатоларни қайтармаслиги учун қўлини кесар эди.

Стандартлаштиришнинг ривожланиш даврида қадимги Туркияда подшоҳ Боязид II Ихтисаби, Бурса қонунларида бўёқлар ранги, жойлаш, товарлар сифати бўйича фармонлар чиқарди, шунингдек, бу фармонларда бу қоидаларни бузганлик учун жазолар белгиланган эди.

Хитой императорлари, ишлаб чиқарувчи ва товарни кейинги кузатувчанлигини таъминлаш мақсадида, ишлаб чиқарувчилардан ўз товарларига муҳр босишларини талаб қилар эдилар. Агар товар қўйилган талабларга жавоб бермаса, жазо қўлланилар эди (қўп ҳолларда ўлим жазоси).

Сифат талабларига аҳамиятнинг кучайиш даври 19 асрдан бошланади. Бу даврдан бошлаб ишлаб чиқарувчилар ўз товарларига марка босар ва бундан ўта фахрланар эдилар.

*Сифат тизимининг ривожланиш тарихи.* Биринчи тан олинган тизимлар – сифат ва сифат бўйича стандартлар, ишлаб чиқариш жараёнлари ва маҳсулотлар мураккаблигининг сезиларли ўсиши пайдо бўлган саноат ривожланиши ва технологик ўзгаришлар натижаси сифатида иккинчи жаҳон урушидан сўнг жорий қилинди.

АҚШ биринчи бўлиб бу ўзгаришларни кўра билди ва ҳарбий қурол - аслаҳаларни стандартлаштириш мақсадида қуйидаги стандартларни қўллай бошлади:

- MIL-I-45208 Инспекция-назорат тизимига талаблар;
- MIL-Q-9858 Сифат дастурига талаблар;
- MIL-C-45662 Калибрлаш тизимига талаблар.

Бу иккала стандарт ҳозирги кунда ҳам амалда бўлиб, ҳарбий контрактлар ва бошқа мақсадлар учун қўлланилмоқда.

Бу стандартлар, шунингдек, НАТО доирасида қўлланиладиган АҚАР (Сифатни таъминлаш бўйича бирлашган материаллар) номи остида машҳур бўлган стандартлар тўпламлари учун асос қилиб олинган.

Лекин сифат бўйича стандартларга аниқ зарурият ҳарбий саноат доирасидан ташқарида ҳам пайдо бўлди. Шунинг учун ҳам BS 4891 ва BS 5179 Британия стандартлари жорий қилинди. Лекин улар асосан амалий ҳужжатларига ўхшаш бўлиб, шартномалар бўйича талаблар сифатида қўлланила олмасди. АҚАР стандартлари ҳарбий талаблар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, уларни ҳам қулай деб ҳисоблаш қийин.

Бу муаммо ўз ечимини 1979 йилда топди, шу йили 1,2,3 уч қисмдан иборат BS 5750 стандарти нашр қилинди. Улар бир -

бирига ўхшаш ва субъектив эди ва қўшимча тушунтиришларни, шунингдек, стандартларни қўллаш бўйича маълумот бўлган қўшимча қисмларни (4,5 ва 6) талаб қилар эди.

Масалан, Буюк Британиянинг қуйидаги стандартлари:

– BS 5750 стандартининг 0.1 қисми ИСО 9000 стандартига эквивалент;

– BS 5750 стандартининг 1 қисми ИСО 9001 стандартига эквивалент;

– BS 5750 стандартининг 2 қисми ИСО 9002 стандартига эквивалент;

– BS 5750 стандартининг 3 қисми ИСО 9003 стандартига эквивалент;

– BS 5750 стандартининг 0.2 қисми ИСО 9004 стандартига эквивалент.

BS 5750 истеъмолчилар ва таъминотчилар томонидан контракт ҳолатларида қўлланилар эди. Аммо, бунга қўшимча равишда, BSI (Британия Стандартлар институти) учинчи томондан рўйхатга олиш схемасини жорий қилди. Бу BSI га тегишли ташкилотларнинг талабларига мувофиқ бўлган компанияларни рўйхатга олишга имкон берди. Рўйхатга олиш барча мавжуд ва келажакдаги истеъмолчилар номидан сифат кафолати бўлиб хизмат қилиши мумкин эди.

Амалиётда шунга ўхшаш бўлган стандартлар масалан, АҚШда ANSI 90 серияли, Сингапурда SS308, собиқ Иттифокда (Россияда) ГОСТ 15467-79 стандарти ва Маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс тизими (КС УКП) ва бошқа кўплаб саноати ривожланган мамлакатларда қабул қилинган. Европа стандартлари комитети CEN (Comite Europeen de Normalisation) EN 29000 серияли Европа нормаларини уйғунлаштириш мақсадида 1987 йил ISO 9000 серияли стандартлар қабул қилди.

Халқаро амалиётда бундай ҳолатлар кўп учраб турди ва шунинг учун Халқаро Стандартлаштириш Ташкилоти (ИСО) 1987 йили BS 5750 асосидаги қатор стандартларни нашр қилди, бу ИСО 9000 стандартларини базавий серияси эди. 1987 йилдан бошлаб 9000 серияли ИСО стандартларини ишлаб чиқиш давом этди. Янги 9000 серияли ИСО стандартларини ишлаб чиқиш билан бир қаторда, 1987 йил қабул қилинган асос бўлувчи стандартларни қайта кўриб чиқиш режалаштирилди. Қайта кўриб чиқиш уч босқичда амалга оширилди: 1994 й., 2008 й. ва 2008 й. 9000 серияли ИСО

стандартлари 1987 йилда ўзгартирилди ҳамда қабул қилинган шакл ва мазмунда қайта нашр қилинди.

ИСО 9000:2008 серияли стандартларнинг учинчи таҳрири қўйидаги стандартлардан иборат:

ИСО 9000 – Сифат Менежменти Тизими. Асосий қоидалар ва лугат;

ИСО 9001 – Сифат Менежменти Тизими. Талаблар;

ИСО 9004 – Сифат Менежменти Тизими. Фаолиятни яхшилаш бўйича тавсиялар.

## **1. Мустақиллик даврида сифат менежмент тизимининг ривожланиши**

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки йилларидан бозор иқтисодиётини ривожлантириш ва замонавий шарт-шароитларда ишлаб чиқариш корхоналарининг барқарор фаолиятини таъминлашда асосан халқаро сифат даражасига мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича ислохотлар олиб бормоқда. Маҳсулот рақобатбардошлиги ва сифатини таъминлаш муаммоларини ҳал этишда халқаро стандартларни жорий этиш билан сифатни бошқаришга энг самарали тизимли ёндашувдан фойдаланиш асосида амалга оширилиши халқаро тажрибаларда исботланган.

Ишлаб чиқариш корхоналари маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлаш, самарали ва ишчи ҳолатидаги сифат менежменти тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш билан унинг натижавийлигини баҳолаш халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлган долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Кейинги йилларда ички ва ташқи бозорларда ишлаб чиқариш рақобатбардошлиги ва маҳсулотлар сифатини ошириш масалаларига тааллуқли ҳукумат Қарорлари қабул қилиниши (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.11.2008 йилдаги №УП-4058-сонли «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, экспорт салоҳиятини ошириш ва уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.07.2004 йилдаги №349 - сонли «Халқаро стандартларга мувофиқ сифатни бошқариш тизимларини корхоналарга жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 29.08.2006 йилдаги №183 - сонли



«Халқаро стандартларга мувофиқ сифатни бошқариш тизимларини корхоналарга жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги. 19.06.2009 йилдаги №173 - сонли «Халқаро стандартларга мувофиқ сифатни бошқариш тизимларини республика корхоналарига жорий этишни кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари) ушбу соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг яққол мисоли бўлиши билан бир қаторда сифат менежменти тизими бўйича мутахассисларни тайёрлаш долзарблиги таъкидланган.

## **2. Сифат менежменти тизимининг истиқболи**

Йирик корпорация билан яқин ва узоқ муддатли алоқалар ўрнатишда корхона учун энг муҳими бошқарув соҳасидаги стандартлар талабини тушунишдир.

Шунингдек, ҳар бир корхона учун сифат менежменти тизимини жорий қилиш ва ундан фойдаланишнинг ички сабаблари бор. Улар орасида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- ўз ишини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва тартибга келтириш;
- истеъмолчилар учун фаолият қўлами ва мақсадини аниқлаш;
- истеъмолчиларга тақдим этиш имкониятини берадиган маркетинг воситаси, шунингдек, корхона эга бўлган имкониятларни кўрсатиш;
- истеъмолчиларнинг эълон қилинган ва кўзда тутилган талабларини қондиришнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида маҳсулот ёки хизмат сифати даражасининг юқори бўлишига эришиш ва уларни қўллаб-қувватлаш;
- раҳбариятнинг мўлжалланган сифат даражасига ва унинг сақлаб қолинишига бўлган ишончи;
- сифатни таъминлаш харажатларини камайтириш ва нуқсонларнинг олдини олиш;
- барча маҳсулот етказиб берувчиларни ягона сертификатга риоя қилиш расмий муносабатларни қабул қилиш ва уларни энгиллаштиришга шароит яратишига йўналтириш;
- маҳсулотни сертификатлаштириш;
- ишлаб чиқаришнинг умуммаданиятини ошириш гарови;
- рақобатчилар олдидаги реклама воситалари;

– сифатсиз маҳсулотдан келтирилган зиён учун жавобгарлик даражасини баҳолаш ёки атроф-муҳитни химоя қилиш масалаларидаги жавобгарлик жараёнини исботлаш;

Мавжуд корхоналар замонавий шарт-шароитда «Қаторда бўлиш» мақсадида уларнинг ҳаётий фаолиятини яхшилашга мажбур қилишига ҳам тўхтаб ўтиш зарур:

1. Кичик корхоналар йирик корхоналар учун одатий ҳол бўлган бизнес диверсификациясини таъминлай олмайдилар, яъни модель қаторини кенгайтириш ёки улар учун анъанавий бўлган ва авваллари ўтказилган модернизацияни таъминлай олмайдилар. Ушбу муаммони ҳал қилишнинг кенг тарқалган усули кичик корхоналарнинг мақсадли бозор сигментларининг ҳар бирида ёки ҳеч бўлмаганда бозор учун энг истикболли бўлган сигментида бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Бирок бозорнинг муайян бир сигментга бурилиш учун корхона айнан ушбу сигмент учун зарур бўлган у ёки бу маҳсулот ёки хизматни таклиф этиши зарур. Яъни айнан ҳозир ва шу ерда, яна ҳам яхшиси бозор сигментининг келажақдаги талабларига мақсадли йўналтирилган бўлса.

2. Катта ва кичик корхона муаммолари бир хил бўлишига қарамай, кичик корхоналарда қуйидагилар мавжуд эмас: уларни ҳал қилиш учун вақт, машҳур «брендлар», молиявий маблағ захираси, ҳозирги вақтда долзарб ҳисобланган истикболли ишланмалар бўйича илмий-техник ишлари.

3. Корхоналарни бошқаришга аввалгилари сингари ҳам бошқарувчи, ҳам бизнес эгаси бўлмаган, ёлланма менежерларни жалб этиш амалиётда кенг қўлланилмоқда. Янги топ менежерлар корхонанинг яқуний муваффақиятидан шахсий манфаатдор эмаслар.

Корхонанинг эгаси бўлган менежерлардан фарқли равишда улар суткасига 24 соат ишламайдилар. Шунингдек, агар уларнинг вазифаси аниқ белгилаб берилмаган бўлса ҳамда «жавобгарлик» зонаси чегаралари бир-бири билан ўзаро кесишган бўлса, у ҳолда улар ҳаттоки қўшимча ҳақ учун ҳам яхши ишламайдилар.

Юқорида санаб ўтилган муаммоларга, шунингдек, ВТБЖСТ га киришни кутиш ҳам киради, бу эса корхона учун маҳсулот етказиб берувчиларга бўлгани каби истеъмолчиларга нисбатан кўпроқ, муаммо келтириб чиқаради.

## 5. Сифат менежменти тизимининг иқтисодий самарадорлиги

Саноат корхонаси сифат менежменти тизимини иқтисодий таҳлил қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш ва тадқиқ қилиш жараёнида олинган натижалар қуйидагиларни бажариш имконини беради:

1. Саноат корхоналари СМТ (сифат менежменти тизими)ни иқтисодий таҳлил қилишга асосий ёндашув, СМТ фаолиятининг самарадорлигини қисман баҳолайди. Шунинг учун, кўриб чиқилган назариялар, принциплар ва ёндашув асосида корхоналар СМТни комплекс баҳолаш тизимини яратиши зарур.

СМТ баҳолаш самарадорлигини ишлаб чиқиш жараёнида базавий ёндашув сифатида сарф-харажатларга асосланувчи тизимларни баҳолашда фойдаланиладиган назарий ва методологик ёндашувларнинг кўпчилиги ўзида асосий ҳолатларни синтезлайдиган сарфларга асосланадиган нархларни кўриб чиқиш зарур ва уларни таққослаганда бир қатор имтиёзларга эга бўлади.

2. Сифат менежменти тизимини иқтисодий таҳлил қилиш учун режалаштириш, ҳисоб, таҳлил ва СМТ жараёнига сарф-харажатларни баҳолашнинг самарадор тизимлари зарур бўлади. Маълумки, режалаштириш жараёни ва сифатга сарфланадиган ҳисоб, ҳар бир корхона учун индивидуал бўлиши керак, лекин унинг умумий тузилиш принциплари ҳаммаси учун бир хилдир.

3. Сифат учун қилинган сарф-харажатлар ҳақидаги маълумот бошқарувчи томонидан барча манфаатдор шахсларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда стратегик, тактик ва тезкор қарорлар қабул қилиш учун шароит яратади, бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишини, рентабелликни ва рақобатбардошликнинг ошишини таъминлайди.

4. Сифатга бўлган сарф-харажатларни таҳлил қилиш ва баҳолаш ташкилотдаги самарасиз ва натижасиз хатти-ҳаракатларни аниқлаш, яхшилаш йўлларини кўрсатиши ва инновацияларга молиявий ёндашишни ишлаб чиқишга асос бўлиши лозим. Бундан ташқари таҳлил ва баҳолашда раҳбарият томонидан олинган маълумот саноат корхонасида СМТ самарадорлигини ошириш учун асос бўлади.

5. Бошқарув аппаратида жараёни ёндашувни жорий этиш самарали СМТнинг шаклланишига олиб келади. Бошқарув жараёнлари баҳоси билан маҳсулот таннарни орасидаги табиий

алоқа инкор этилса, бошқарув фаолиятини реал такомиллаштириб бўлмайди. Бугунги кунда молияни бошқариш тизимини СМТдан алоҳида қабул қилиш мумкин эмас, бу эса кўп жиҳатдан СМТда жараёнли ёндашувни қўллашда ИСО 9001нинг янги версияси бўйича декларацияланади. Агар молиявий ресурслар ва бизнес жараёнлар ўртасидаги алоқани англаб этилса, у ҳолда сифат менежменти тизими ва даромадлар ўртасидаги ўзаро алоқани ҳам тушуниб, қабул қилиш мумкин.

6. Ҳар қандай жараёнлар, ҳар бир ходимнинг ҳар қандай хатти - ҳаракати ҳаражатлар билан боғлиқ. Маълум маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳаракатлар даражаси турли хил бўлиши мумкин ва бунга ишлаб чиқариш фактининг ўзи эмас, балки бу билан боғлиқ у ёки бу жараёнларнинг амалга оширилиши таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, СМТ жараёнининг ҳаражатлар билан боғлиқлиги фақатгина уларнинг динамикаси ҳақида бир хил тасаввур уйғотиб қолмасдан, балки сифат менежменти тизимини иқтисодий таҳлил қилиш учун кенг имконият яратади.

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. И.А.Каримов. «Юксак маънавият – енгилмас куч». Т.: «Маънавият» 2008.
2. А.Н.Мақсудов, П.Р.Исматуллаев, А.Х.Абдуллаев, Б.М.Аҳмедов, А.А.Аъзамов. Метрология стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Дарслик, Тошкент, 2000 й.
3. А.А.Абдувалиев, М.Н.Алимов, С.Р.Бойко, М.М.Мирагзамов, М.З.Сабиров. Основы стандартизации, сертификации и управления качеством. Ўқув қўлланма, Тошкент. «Fan va texnologiya» нашриёти 2005 й. – 535 б.
4. А.А.Абдувалиев, В.Б.Латипов, А.С.Умаров, Р.Р.Джаббаров, М.Н.Алимов, С.Р.Бойко, О.Ш.Ҳақимов. Основы стандартизации, метрологии, сертификации и управления качеством. Ўқув қўлланма, Тошкент, НИИСМС, 2007 й. – 555 б.
5. А.А.Абдувалиев, В.Б.Латипов, А.С.Умаров, М.Н.Алимов, С.Р.Бойко, О.Ш.Ҳақимов, Хван В.И. Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифат. Ўқув қўлланма. Тошкент, СМСИТИ, 2008 й. – 267 б.
6. П.Р.Исматуллаев, Б.М.Аҳмедов и др. Основы системы менеджмента качества: Ўқув қўлланма. Тошкент, 2009. – 208 б.
7. Менеджмент качества экспорта: Книга ответов для предприятий-экспортеров малого и среднего бизнеса. – Б.: Аль Салам, 2005. – 318 б. (Секреты торговли)
8. Кўшимча В.А.Лалидус. Всеобщее качество (TQM) в российских компаниях / Бошқарув давлат университети. Кадрлар тайёрлаш миллий фонди. – М.: ОАЖ «Новости»босмахонаси, 2000. – 432 б.
9. В.В.Ефимов. Спираль качества. – Ульяновск: УлГТУ, 2002. – 232 б.
10. Круглов М.Г., Шишков Г.М. Менеджмент качества как он есть. – М.: Эксмо, 2007. – 544 б. – (Качественный менеджмент)
- А.В.Трофимов, Аудит качества: ўқув қўлланма / А.В.Трофимов. – Тамбов: Тамбов давлат техника университети босмахонаси, 2009. – 96 б. – 100 экз.
11. В.А.Никитин. Управление качеством на базе стандартов ISO 9000-2000. 1-нашр Теория и практика менеджмента. Питер нашриёти, 2004й.
12. Л.В.Перегудов, М.Х.Саидов, Р.Р.Файзиев, Ф.Р.Исматуллаев, О.С.Абидов. Управление качеством и конкурентоспособностью продукции. 2001й.
13. Б.М.Аҳмедов, А.А.Абасов. Система менеджмента качества – основа конкурентоспособности. «Асп-Матбуот» босмахонасида босилган, 2004 й. – 96 б.

## Туробжонов Садриддин Махаммадирович

Техника фанлари доктори, профессор, Тошкент кимё-технология институтининг ректори Садриддин Махаммадирович Туробжонов 1965 йилда Тошкент шаҳрида туғилган.

1982 йили мактабни тамомлагач, Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент политехника институтига ўқишга кирди ва 1983–1985 йилларда ҳарбий бурчини ўтаб қайтгач, ўқишни давом эттириб, уни 1989 йилда муҳандис-технолог мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан битирди.

1989–1995 йилларда «Органик кимё» кафедрасида тадқиқотчи-изланувчи, аспирант, ассистент, катта ўқитувчи бўлиб ишлади. 1994 йилда «Пиридин асосларини этилен, ацетилен қатор бирикмалари ва аминлар асосида каталитик синтези ва технологияси яратиш» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1995–1996 йилларда ТДТУ – Тошкент Давлат техника университети «Саноат экологияси» кафедраси доценти, сўнг кафедра мудири, 1996–2000 йилларда эса Тошкент давлат техника университети ўқув-услубий ишлари бўйича проректори лавозимларида фаолият юритди.

1999 йилда органик кимё (техника фанлари) мутахассислиги бўйича «Пиридинлар, ацетон ва мураккаб эфирларнинг ацетилен ҳамда уларнинг ҳосилалари асосида кам чиқиндилли технологияларини яратиш» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

2000–2003 йилларда ТДТУ ўқув ишлари бўйича проректор лавозимида ишлади.

2003 йилдан ҳозирги кунгача Тошкент кимё-технология институти ректори лавозимида ишлаб келмоқда.

С.М. Туробжонов ташаббусига кўра институтни бошқаришнинг янги тузилмаси жорий этилди, 4 та янги кафедра, инновацион технологиялар маркази очилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2005 йил 13 апрелдаги ПП-49-сонли Қарорига мувофиқ институт тузилмасида Қўнғирот сода заводига кадрларни мақсадли тайёрлаш бўйича махсус сиртки бўлим фаолият юрити бошлади.

ТХТИнинг махсус сиртки бўлимини малакали кадрлар билан таъминлашда, ўқув лабораторияларини ва дарс жараёнларини

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ташкил этишда фаол меҳнат қилди.

Шунингдек институтнинг халқаро алоқалари ривожлантирилиб, унинг раҳбарлигида ТЕМПУС-1ЕР-25221-2004 дастури бўйича «Ўзбекистонда кимёни ўқитишда ҳисоблаш техникасини қўллаш» мавзuidaги грант ҳамда 2004 йилда ЈЕР-24104-2003 «Озиқ-овқат хавфсизлиги» йўналиши бўйича магистрантлар тайёрлаш курси гранти голиблиги қўлга киритилди.

С.М.Туробжонов бошчилигида Европа ҳамда Марказий Осиё олий таълим муассасалари ҳамкорлигида «Фан тинчлик йўлида» дастури доирасида «Марказий Осиё сувларини трансчегаравий ифлосланишлардан тозалаш» мавзuidaги халқаро лойиҳада қатнашиб келмоқда. Ушбу лойиҳа асосида институт моддий-техника базаси замонавий атом-абсорбцион спектрометр жиҳозига эга бўлди.

2012 йилда Александр фон Гумбольт фонди томонидан (Германия) ИК-Фурье спектрометр совга тариқасида Тошкент кимё-технология институтига тақдим этилди.

Жанубий Кореянинг Кангвон университети ҳамда Тошкент кимё-технология институти ўртасидаги келишувга мувофиқ, 2005 йилнинг феврал ойида институтнинг 4 нафар талабалари магистратурага ўқишга юборилди.

Россия олий ўқув юртлари билан ўзаро алоқаларни кенгайтиришда фаол иштирок этиб, Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети ва Тошкент кимё-технология институти ўртасида имзоланган шартнома асосида 2004–2012 йилларда 460 га яқин бакалавр талабалар ушбу университетнинг магистратурасида таҳсил олдилар.

Институтда 80 та республика миқёсидаги ва 4 та халқаро илмий грант лойиҳалари, 90 та хўжалик шартномалари амалга оширилди. Хорижнинг илмий ва таълим марказлари билан 5 та шартнома тузилди. 4 та халқаро ва 9 дан ортиқ республика илмий анжуманлари ўтказилди.

С.М.Туробжонов бошчилигида 2005 йилда «Высокие технологии и перспективы интеграции образования, науки и производства», 2013 йилда эса «Каталитические процессы нефтепереработки, нефтехимии и экологии» мавзулари бўйича халқаро илмий-техникавий анжуманлар ўтказилди. Халқаро анжуманларда

Германия, Болгария, Польша, Украина, Россия, Қозоғистон ва Озарбайжон мамлакатларидан олимлар ўзларининг маърузалари билан катнашдилар.

Садриддин Маҳаммаддинович Туробжонов томонидан 300дан ортик илмий-ишлар нашр қилинган. 7та дарслиқ, 26та ўқув - услубий кўлланмалар, 3та монография, 11та муаллифлик гувоҳномалари ва патентлар муаллифидир.

Унинг раҳбарлигида 8та номзодлик ва 2та докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди.

Ишбилармонлиги ва аниқ мақсадни кўзлаб иш юритиши билан ажралиб туради. Фан, таълим, ишлаб чиқаришнинг яхлит ўқув-илмий-ишлаб чиқариш комплекси сифатида интеграциялашувини таъминлашга муайян ҳисса кўшиб келмоқда.

Унинг фаол иштирокида, талабаларни моддий жиҳатдан кўллаб-қувватлаш мақсадида «Ўзвинсаноат» холдинг компанияси билан ҳамкорликда, иқтидорли талабалар ва стажёр-тадқиқотчилар учун 16та номли стипендиялар ажратиш ҳақида қарор қабул қилинди. Таълим фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаштириш мақсадида «Шўртангазкимё» комплекси учун юқори малакали магистр кадрлар тайёрлаш ҳақидаги таклифи «Ўзбекнефтгаз» холдинг компанияси томонидан кўллаб-қувватланди.

С.Туробжонов қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида ўзининг атрофига ёш, ташаббускор профессор-ўқитувчиларни тўплашга ва ишни ташкил этишга ҳаракат қилади.

Раҳбар сифатида институтда оммавий спорт ва жисмоний тарбия, соғломлаштириш ҳаракатини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда ва бу билан профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларнинг саломатлигини янада мустаҳкамлашга шароит яратилишини таъминламоқда.

### **Неъматулла Ибрагимович Ҳамидов**

Неъматулла Ибрагимович Ҳамидов Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноатини, хусусан ёғ-мой саноати тармоғини ривожлантиришда катта ташкилотчилик ва жонбозлик кўрсатган мутахассислардан бири, техника фанлари доктори, ТКТИ «Саноат менежменти» кафедрасининг профессори. У 1939 йилда Наманган вилоятида туғилган. Н.И.Ҳамидов ўрта мактабни аъло баҳолар



билан тамомлаб, 1956 йилда Тошкент Политехника институтига ўқишга кириб, уни 1961 йилда «Ўсимлик ёғлари технологияси» мутахассислиги бўйича битириб, муҳандис-технолог дипломини олди. Н.И.Ҳамидов 1961–1963 йилларда Каттақўрғон шаҳридаги ёғ-мой комбинатида технолог, смена муҳандиси, бош корпус цехи бошлиғи, пахта ёғини қайта ишлаш заводи раҳбари лавозимларида ишлади. Айни вақтда у Каттақўрғон кечки озик-овқат саноати техникумида ёғ-мой ишлаб чиқариш технологияси, жиҳозлари ва қурилмалари, ёғлар кимёси фанларидан талабаларга маъруза ва амалий машғулотлар олиб борди. Комбинатнинг жамоат ишларида фаол иштирок этди.

Н.И.Ҳамидов 1963–65 йилларда Учқўрғон шаҳридаги «Ёғ экстракция» заводида бош муҳандис, 1965–76 йилларда директор лавозимларида фаолият кўрсатди. Шу даврда корхонада янги электр подстанциясини қуриш, ишлаб чиқариш қувватини қарийб 2 марта ошириш ва ишлаб чиқариш технологиясини янгилаш, технологик жараёнларни такомиллаштириш ва бошқа кенг қўламдаги вазифаларни амалга оширишга етакчилик қилди. Марказий Осиё турдош корхоналари орасида биринчи бўлиб ёғ мисцелласи учун замонавий дискли потрон фильтрлари, узлуксиз принципда ишлайдиган уч погонали дистилляция линияси, автоматик равишда ишлайдиган бензин «водоосадителни» унинг ташаббуси ва раҳбарлигида амалиётга жорий этилди. Кейинчалик бу янгиликлар қўшни республикалардаги барча корхоналарга ёйилди.

Корхонани, Учқўрғон шаҳрини мунтазам таъминлаш мақсадида янги юқори кучлинишли электр тармоғи ва йирик электр подстанцияси қуриб ишга туширилди.

Унинг саяё-ҳаракати билан ёғ-экстракция заводи ва шаҳар эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда янги канализация ва оқава сувларни биологик тозалаш иншоотлари қурилди.

Н.И.Ҳамидов 1976–77 йилларда Республика «Озик-овқат саноати» вазирлигининг «Ўзёғмойсаноат» бош бошқармасида бошлик ўринбосари – бош муҳандис вазифасида ишлаб, соҳа корхоналарининг техник - технологик даражасини оширишга йўналтирилган янги техника ва технология тадбирларини жорий этиш ишларига бош - қош бўлди.

У 1977–1992 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат План Комиссияси озик - овқат ва қайта ишлаш саноати тармоқлари

бўлими бошлиғи лавозимида фаолият олиб борди. Бу йилларда Республикада кўплаб янги озик - овқат корхоналари қад кўтарди.

Н.И.Ҳамидов 1992–1997 йилларда дастлаб «Ўзозик - овқат-саноат» концерни, кейинчалик Республика «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси раиси вазифаларида хизмат қилди. Маълумки, мазкур йиллар Республикада ҳаётида бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш, саноат корхоналари ва барча бошқа соҳаларда бозор иқтисодиёти принципларини кенг жорий этиш билан характерлидир. Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш билан бир қаторда эски хўжалик юритиш механизми мутлақо бузилган, ишлаб чиқариш алоқалари батамом издан чиққан мураккаб шароитда корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тўхтовсиз таъминлаш, ишлаб чиқариш суръатларини пасайишига йўл қўйилмаслик долзарб вазифалар эди.

У раҳбарлик қилган концерн ва уюшма корхоналари Республика ҳукумати томонидан қўйилган вазифаларни уддасидан чиқдилар, корхоналарнинг рентабел ишлашига эришдилар. У ўз раҳбарлик фаолиятида экспортбоп маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, тармок корхоналарига чет эл инвестицияларини жалб қилишга алоҳида эътибор берди. Нагигада «Ўз – БАТ АО», «Ўзбекистон – Кока-кола ЛТД» каби йирик қўшма корхоналар барпо этилди. Хоразм шакар заводи, Самарқанд сигарет фабрикаси ташкил топди, қатор корхоналарда реконструкция ишлари амалга оширилди.

1997–1999 йилларда у Ўзбекистон Республикаси «Маркоиктисодстат» вазирлигида Агросаноат комплекси бўлими бошлиғи лавозимида ишлади. 1999 йилдан бошлаб ТКТИнинг «Саноат менежменти» кафедрасида профессор лавозимида ишлаб магистрантларни тайёрлашда катта жонбозлик кўрсатди.

Унинг 80 дан ортиқ илмий - ишлари, жумладан, 10 та рисола ва ва монографиялари чоп этилган. Ёғ - мой саноати бўйича 3 та патентга эга. Илмий раҳбар сифатида 3 та фан номзоди, 25 та магистр тайёрлаган.

У самарали меҳнатлари учун «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени, «Шавкатли меҳнати учун» ва «Меҳнат Фахрийси» медаллари, «Ўзбекистон Мустақиллиги» кўкрак нишони ва «Ёғ - мой ва озик - овқат саноати» аълочили нишонлари билан тақдирланган.

Н.И.Ҳамидов институтнинг барча жамоат ишларида фаол иштирок этиб. кўп йиллар озик - овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнлари, аппаратлари ва технологиялари йўналишлари

докторлик диссертациялари ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган махсус кенгашга раислик қилган.

### Пўлат Мухамедович Турсунходжаев

Республикада озиқ-овқат саноатининг ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келаётган мутахассис олимлардан бири. Техника фанлари доктори, Тошкент кимё - технология институтининг профессори Турсунходжаев Пўлат Мухамедовичдир. П.М. Турсунходжаев, 1930 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. Ўрта мактабнинг 7 синфини тамомлаб, Тошкент ун – элеватор техникумига ўқишга киради ва техникумни 1951 йили аъло баҳолар билан тамомлаб, шу йили Москва озиқ - овқат институтига кириб, уни 1956 тамомлаб, ун-ёрма саноати муҳандис - технологи мутахассислигига эга бўлади.

Ўз фаолиятини ун - ёрма саноатининг техника ва технология жараёнларини ўрганиш билан бошлайди. П.М. Турсунходжаев, институтни тамомлагач, 1956 йили Тошкент шаҳридаги 2- ун тортиш корхонасида смена муҳандиси, бош муҳандиснинг ўринбосари вазифасида ишлайди. Пўлат Мухамедович 1959 йили Тошкентдаги 3- ун ишлаб чиқариш корхонаси директори лавозимига тайинланади. Иш даврида тегирмон ун тортиш бўлимини реконструкция қилиб, цех иш унумдорлигини кўтаришга эришади. У 1963 йили Тошкентдаги 1- ун комбинатига директор вазифасига тайинланади. Бу даврда 1909 йили қурилган дон тозалаш, ун тортиш, тайёр маҳсулотларни сақловчи омборлар реконструкция қилинаётган эди. Реконструкция ишлари тамом бўлгандан сўнг корхонага қозонхона, таъмирлаш устахонаси ва ҳажми 27000 тоннага тенг бўлган элеватор иншоотларини қурилиш жараёнлари бошлаб юборилади. Кўп йиллик тажриба тахлили асосида ун-ёрма саноатида энг сермеҳнат, катта пул маблағига сарфловчи қисм, тайёр маҳсулотларни сақлаш ва транспортировка қилиш жараёнидир. Бу масалада корхона мутахассислари билан бирга чет эл ва Россиянинг энг илгор корхоналарида қўлланиб келаётган янги техникаларни ўрганиб, қуйидагиларни корхонага жорий этишни тавсия этади:

1. 1967 йили Ўрта Осиё республикаларида илк мартаба унни кописиз сақлаш ва уни нон заводларга транспортировка қилишда кописиз ташиш борасида 1200 тонна ҳажмга цех қурдиради;

2. Қопли унларни РК-34 русумли мослама ёрдамида штабел (15 қоп) дан иборат пакет шаклида қилиб тахлаб, сўнг юк машиналарига юклар юборадиган ускуна амалга оширилди.

Республикада биринчи маротаба тайёр маҳсулотлар билан ишлаш жараёни 100% механизацияга ўтказилди. Бу техникавий тадбирлардан корхона катта молиявий самарага эришди. Элеваторни ишга тушиши билан ун тортиш жараёнида технолог учун турли юқори ва паст сифатли донлардан «помол» партиялар тузиб, уннинг чиқишини ошириб сифати яхшиланишига эришилди.

1970 йили ун-ёрма саноатида янги техника ва технологияни жорий этишда юқори иқтисодий самараларга эришганлиги учун П.М. Турсунходжаев, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган муҳандис» фахрий унвонига сазовор бўлади. Ҳаракатчан раҳбар ўз фаолиятига, фанга суяниб иш кўради. Натижада у 1976 йили «Ўзбекистон Республикасида ун - ёрма саноатида янги техника ва технологиянинг жорий этиш ва унинг иқтисодий самарадорлиги» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлайди.

П.М. Турсунходжаев, 1977 йили Ўзбекистон Тайёрлов вазирлигида илмий-техника кенгаши раиси, сўнг техник бошқармага бошлиқ бўлиб тайинланади. 1979 йили Тошкент Политехника институтида П.М. Турсунходжаев янги ташкил бўлган «Донни сақлаш ва уни қайта ишлаш технологияси» кафедрасига мудир этиб сайланади. Бу кафедра Бухоро озик-овқат ва енгил саноати институтига ўтказилганлиги сабабли, 1982 йил «Кимё – саноатининг иқтисодий ва ташкил қилиш» кафедрасига мудир қилиб сайланади. Олим 1995 – 1997 йилларда «Ўздонмаҳсулот» ДАКнинг раҳбарлари ва мутахассислари малака ошириш курсига директор этиб тайинланади. Докторлик илмий ишини тамом қилишлик мақсадида 1998 йили ТошКТИ «Донни сақлаш ва уни қайта ишлаш» кафедрасига ишга қайтади. 2000 йили «Разработка и внедрение высокоэффективных технологических процессов в мукомольно – крупяной и комбикормовой промышленности» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлайди.

П.М. Турсунходжаев, озик - овқат ва ун-ёрма омехта ем саноатида янги техника ва технологиясини ўзлаштириш мақсадида 250 дан ортиқ илмий ва услубий ишларни яратди. Шулардан 7 таси дарслик, 9 таси ўқув қўлланма, 12 таси рисола ва 50 дан ортиги ўзбек ва рус тилларида ёзилган услубий кўргазмалардир. Халқаро ва Республика журналларида 45 дан ортиқ мақолалар чоп этган.

П.М.Турсунходжаев 8 та авторлик ва 16 саноат намунаси гувоҳномаларига эга. Улар ун-ёрма ва омихта ем саноатининг техник ва технологиясини такомиллаштириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиб, уларнинг саноатда жорий этиш натижасида 250 миллион сўмдан ортиқ иқтисодий фойда олинган. П.М.Турсунходжаев раҳбарлигида 6 та номзодлик диссертациялари химоя қилинган.

П.М.Турсунходжаев «Ўздонмахсулот» компанияси корхоналари билан ҳамкорликда амалий, илмий, назарий ишлар олиб бормоқда. Асосий илмий ишлари мавзуси «Маҳаллий бугдой донлардан унумли фойдаланиш учун дон тозалаш ва ун тортиш жараёнларини такомиллаштириш» устида илмий тадқиқот ишларини олиб боради. Германиянинг технологияни ривожлантириш Халқаро академияси (Internationale Akademie Fuz Technologie Entwicklung)нинг ҳақиқий аъзоси. Ўзбекистон Республикаси Турон фанлар академияси – академиги (2012 й.). Олма-ота Технология университети, Бухоро ва енгил саноат технология институти билан олий тоифадаги кадрлар тайёрлашни ҳамкорлик асосида илмий ишлар олиб бориб, 2001–2012 йилгача 10 та докторлик ва 15 та номзодлик диссертация ишларига оппонентлик қилганлиги сабабли Олма-ота Технология университети Фахрий ёрлиги билан мукофотланган. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ўсимлик моддалар кимёси институти, «Ўздонмахсулот» илмий ишлаб чиқариш маркази лабораторияси билан магистрлар тайёрлашда ҳамкорлик қилади.

П.М.Турсунходжаев ўзининг илмий педагогик илмий ишлари билан бир қаторида жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этади. ТошКТИ нинг Фахрийлар маслаҳат кенгаши аъзоси. Унинг соҳа корхоналарини ривожланишидаги фидойилиги ҳамда самарали фаолияти эътиборга олинб, давлатимиз томонидан бир қанча фахрий медаль ва ёрликлар билан тақдирланган.

### **Тошмухамедов Меърожитдин Салахович**

